


М.И. Икромов, Х.Н. Нормуродов, А.С. Юлдашев

БОТАНИКА

Ўсимликлар морфологияси ва анатомияси





58
M-91


М. И. ИКРОМОВ, Х. Н. НОРМУРОДОВ, А. С. ЮЛДАШЕВ

БОТАНИКА

ЎСИМЛИКЛАР МОРФОЛОГИЯСИ ВА
АНАТОМИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлиги олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида
тавсия этган

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
2002



28.56
И 37

БОТАНКА

аб номонголом чадванинг
нэвмийтана

намарийн түншлэлийн олон-О агуулж буйгаа, нийтийн
номонголын эзэнтүүдийн түрүү түншлэлийн
нийтийн хувьшиг.

ISBN 5-640-02837-8

Б 190600000-123 2002
М351(04)2001

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 2002 й.

СҮЗ БОШИ

Мазкур дарслик Алишер Навоий номидаги Самарқанд дорилғунуни биология куллиёти талабалариға күп йиллар мобайнида ботаникадан дарс бериш тажрибасига асосланиб ёзилди.

Мавзулар Олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ танланди. Бунда ўсимликлар морфологияси ва анатомияси асослари, ҳужайра тұғрисида ҳозирги замон фани эришган ютуқлар ҳисобға олинди.

Дарслік кириш, ботаниканинг қисқача ривожланиш тарихи, ўсимликларнинг ҳужайравий түзилиши, очық уруғли ва ёпиқ уруғли ўсимликларнинг күпайиши, мевалар, ғулли ўсимликлар онтогенезининг бошланғич давлары, юксак ўсимликларнинг вегетатив органлари, вегетатив органларнинг такомиллашуви ва уларнинг биологик ажамияты бўлимларидан иборат.

Дарслікни такомиллаштиришда Тошкент Давлат Университетининг профессори, биология фанлари доктори Ж. Ю. Турсунов, Самарқанд Давлат университети ўсимликлар физиологияси кафедрасининг мудири, биология фанлари доктори, профессор Ж. Х. Ҳўжаев, Самарқанд Қишлоқ ҳўжалик олийгоҳи ботаника кафедрасининг мудири, биология фанлари доктори, профессор И. Х. Ҳамдамовларнинг қимматли маслаҳатлари эътиборга олинди. Муаллифлар уларга самимий миннатдорчилик билдирадилар.

Дарслік ўзбек тилида биринчи марта нашр этилаётганлиги туфайли айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун муаллифлар китобхонлар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиласидилар.

КИРИШ

Атрофимизни ўраб олган табиат тирик ва ўлик жисмлардан иборат. Машхур швед олимни К. Линней (XVIII асрда) тирик ва ўлик табиатни икки оламга — ўсимликлар (Vegetabilia ёки Plante) ва ҳайвонлар (Animalia) оламига ажратган. Аммо, XX аср ўрталариға келиб, турли организмларнинг ҳужайраси чукур ўрганилгандан сўнг ҳамма тирик организмлар ядрогача — прокариот (юононча, про — олдин, карио — ядро) ва эукариот (юононча, эу — яхши, карио — ядро) — асл ядролиларга бўлиб ўрганилмоқда.

Академик А. Л. Тахтаджян 1973 йили тирик табиатни уч оламга — ҳайвонлар (Animalia), замбуруғлар (Fungi ёки Mycota) ва ўсимликлар (Plante) оламига бўлади.

Ботаника (юононча — ботане — ўт) ўсимликлар оламини ўрганади. Уларнинг тузилиши, ҳёти, тараққиёти, тарқалиши ва улардан фойдаланиш усулларини ўрганувчи фан. Ботаника тарихан бир қанча қуйидаги мустақил фанларга бўлинади. Биз ҳар қайси фаннинг ўз олдига қўйган вазифалари ва усуллари ҳақида қисқача маълумот берамиз.

Ботаника фанининг энг асосий таркибий қисми морфологиядир. Шунинг учун ҳам ботаникани ўрганиш морфологиядан бошланади.

Морфология (юононча — морфо — шакл; логос — фан деганидир) — ўсимликтарни ташқи тузилиши, шакли, индивидуал ривожланиши (онтогенези) ва тарихий тараққиёти (филогенези)ни ўрганади.

Морфология фани ўз навбатида ўсимликлар анатомияси — уларнинг ички тузилишини ўрганади. Цитология

(юонча цитос — хужайра) ўсимлик хужайралари, уларнинг тузилиши, органлари ва вазифаларини; эмбриология (юонча эмбрион — муртак) муртак ҳосил бўлиши ва унинг ривожланиши; гистология (юонча гистос — тўқима) ўсимлик органларидаги тўқималарнинг жойлашиши ҳамда тузилишини; гистохимия — ўсимлик тўқима ва хужайраларидаги моддаларнинг жойлашишини микроскоп ёки химиявий усууллар ёрдамида ўрганади.

Бундан ташқари морфология ўсимликларнинг орган ҳамда қисмларини тасвирлаб берадиган органография (юонча органон — қурол)га бўлинади.

Полинология (юонча полин — чанг) ўсимликларнинг чанг ва спораларини текширади; **карпология** (юон. карп — мева) — мевалар тавсифи ва классификацияси билан шуғулланади; тератология эса ўсимлик органлари тузилишида учрайдиган аномал (юонча аномалия — файритабии ўзгача-умумий тартибдан четга чиқиш) ҳолатларини ўрганади.

Ўсимликлар физиологияси — ўсимлик организмида содир бўладиган барча ҳётий жараёнларни (моддалар алмашинуви, ўсиш, озиқланиш, нафас олиш, фотосинтез, ривожланиш ва бошқаларни) ўрганади. Мураккаб биологик ҳодисаларни ўрганишда замонавий, физик ва кимёвий усууллардан фойдаланади.

Ўсимликлар биохимияси фани организмлар таркибига кирадиган кимёвий бирикмаларнинг ўзгариш жараёнларини ҳамда ташқи шароитдан организмларга кирадиган моддаларни ўрганади.

Ўсимликлар систематикаси — ўсимликларни келиб чиқишига ҳамда уруфдошлиқ (қариндошлиқ) хусусиятига қараб, уларни алоҳида гуруҳлар — таксонлар (юонча — таксис — тартиб бўйича жойлашиш, номос — қонун) — туркум, оила, қабила, синф ва бўлимларга ажратиб, классификация қиласи. Гуруҳлар орасидаги уруфдошлиқ (қариндошлиқ) муносабатларини ва ўсимликлар олами эволюциясида муайян гуруҳларнинг тутган ўрнини белгилаш билан шуғулланади. Бу масалани ҳал этишда систематика фақатгина морфология маълумотлари билан чегараланмасдан ботаника фанининг ҳамма маълумотларига асосланади. Академик А. Л. Тахтаджян ибораси билан ай-

тилганда систематика — биологиянинг пойдевори ҳисоблашади.

Систематика тубан ва юксак ўсимликлар систематикаси га бўлинади.

Тубан ўсимликлар систематикаси бир қанча илмий фанларга бўлинади.

Микробиология (юонча м и к р о с — майда, биос — ҳаёт, логос — фан) микроларнинг ҳаётини ҳамда уларнинг ташки муҳит билан алоқасини ва органик дунё учун аҳамиятини, микология (лот. м и к о с — замбуруғ) замбуруғларни; альгология (лотинча а л ь г о — сувўт) — сувўтларни; лихенология (лотинча л и х е н — лишайник) лишайнкларни ўрганадиган фанларга бўлинади.

Дараҳт ва буталарнинг морфологияси, систематикаси, экологияси ва ҳўжалик аҳамиятини дендрология (юонча д е н д р о н — дараҳт, логос — таълимот) фани ўрганади.

Ўсимлик тараққиёти эволюциясини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган фанлардан палеоботаника (юонча палайос — қадимги) — бу қазилма ҳолида учрайдиган ўсимликлар ҳақидаги фан бўлиб, ўсимликлар оламининг ривожланиш тарихини билиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Фитоценология (юонча ф и т о н — ўсимлик, к а й - н о с — умумий), фитоценологиянинг синоними геоботаника (юонча г е о — ер, б о т а н и к е — ўсимлик), яъни ер юзидағи ўсимликлар уюшмаси (жамоаси) түғрисидаги таълимот. Бу таълимот 1918 йилда Гомс томонидан таклиф қилинган. У ботаника ва география фанининг ажралмас қисми бўлиб, ўсимликларнинг ер юзида тарқалиши ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

Фитоценоз ва уни ташкил этган тур ҳамда индивидларнинг тузилиши, таркиби ва ривожланишини тупроқ, иқлим шароитлари ва бошқа омилларга боғлаб текширади. Фитоценоз ўзининг маълум бир тузилишига эга. Улар ўрмон, ўтлоқзорлар, ботқоқ ва бошқаларни ташкил этади. Учинчи Ҳалқаро ботаника конгрессидан кейин фитоценознинг элементар таксономик бирлиги сифатида ассоциация (лотинча ассоциато—қавм) қабул қилинди. Яшаш шароити, тараққиёт даври бир хил бўлган ўсимлик турлари бир ассоциацияга киритилади. Ўзбекистон чўлларида шувокълар, исириқлар ва сапсарлар каби ассоциациялар

учрайди. Мавжуд ўсимликлар гурӯхини бирор ассоциацияга бирлаштириш, шу ўсимликлардан тўғри фойдаланиш, уларни тўғри карталаштириш ва улар учун мос бўлган майдонларни тўғри режалаштириш каби масалаларни ҳал этишда катта амалий аҳамиятга эга. Ассоциацияларни илмий жиҳатдан ўрганиш ўсимликлардан тўғри ва рационал фойдаланишга ёрдам беради.

Фитоценология флористика билан яқиндан алоқада бўлиб, унинг асосий мақсади бирор географик шароитдаги ўсимлик турлари мажмуини тузишдан иборат. **Флора** — (лотинча flora — гул) яъни тур ва ундан катта бўлган таксономик бирликлар тўғрисидаги маълумот. Флористика маълумотлари фитоценологияда ва систематикада кенг кўлланилади.

Ўсимликлар географияси Ер юзидаги ўсимликлар (тур, туркум, оила) ҳамда ўсимликлар уюшмаларининг ер юзи бўйлаб тарқалиши ва тақсимланиши қонуниятларини ўрганиди.

Ўсимликлар экологияси (юонча ойкос — уй) уларнинг ўзаро ва ташқи муҳит билан боғлиқ бўлган муносабатини ўрганади. Маълумки, ўсимликлар ҳаёти ташқи муҳит билан узвий боғлиқ. Ҳар бир ўсимлик узоқ давом этган эволюция жараёнида маълум бир муҳитда ўсишга мослашган бўлиб, у ўз навбатида, ўша муҳитга бевосита таъсир этади.

Фан ва техника тараққий этётган ҳозирги замонда ботаниканинг яна бир тармоғи — иқтисодий ботаника ривожланди. Бу фан озиқ-овқат, тўқимачилик, целялюзоза, ёғоч ишлаш, дори-дармон соҳасидаги кўпгина масалаларни ҳал этади. Ёввойи ўсимликларнинг фойдали хоссаларини ва уларни маданийлаштириш имкониятларини ўрганади.

Ўсимликлар морфологиясининг йўналишлари ва усуслари.

Ўсимликлар морфологияси ўсимликларнинг шакли, тузилиши, индивидуал тараққиёти (онтогенези)ни, тарихий ривожланиш жараёни (филогенези)да уларнинг шаклланишини ўрганади. Наботот оламига назар ташласак, у турли-туман органлардан ташкил топганини кўрамиз. Ўсимликлар морфологияси фани илк бор ўсимликларнинг ташқи тузилишларини тасвирилаш билан шуғулланди. Ўсимликлар систематикасини тузиш учун дастлаб аниқ атамаларни ишлаб чиқиш зарур эди. Кейинчалик (XVIII—

XIX асрда) метаморфоза, яъни ўсимлик органларининг бири иккинчисига айланиши ҳақидаги таълимот (К. Ф. Вольф ва В. Гете томонидан) вужудга келди. Ўсимликларнинг тузилишидаги баъзи қонуниятлар аниқлангандан сўнг бу фан бирмунча илмий-назарий йўналиш олди. У хилма-хил ўсимлик органларини бир неча асосий органларга ажратишга ҳаракат қилди. Хилма-хил ўсимлик органларининг индивидуал ривожланиш босқичлари текширилиб, ривожланишнинг баъзи умумий қонуниятлари ва белгилари аниқланди.

Эволюцион таълимотнинг ғалаба қозониши ва палеонтологияянинг қўлга киритган ютуқлари ўсимлик морфологиясига янги йўналиш берди. Қадимги шакллардан ҳозирги шаклларгача бўлган ўсимлик органларининг филогенези текшириладиган бўлди.

Турли ўсимлик гуруҳларининг индивидуал ривожланиш тарихи текширилиши ва тараққиётнинг баъзи қонуниятларининг аниқланиши муносабати билан солиштирма йўналиш намоён бўлди. Бу йўналиш ўсимлик гуруҳларининг бошқа хил гуруҳларга ўта олишини аниқлашга имкон берди ва ўсимлик дунёсининг эволюцияси қай тариқа ривожланиб боришини аниқлашга асос солди.

Солиштирма морфология ва фитопалеонтологик текширишларга асосланиб, ўсимликларнинг филогениясига оид маълумотлар — **филогенетик** морфология ривожланди. Бу йўналиш эволюцион тараққиёт жараёнида бирмунча йирик ўсимлик гуруҳларининг пайдо бўлиш тарихини ўрганди.

XIX арс охирида морфологияяда яна бир йўналиш — **экспериментал морфология** пайдо бўлди. Бу, ўсимликларда ҳосил бўладиган шакл ҳамда тузилишларнинг сабабини кўрсатиб беради.

Ўсимлик морфологияси XV—XVIII асрларда қузатиш ва таққослаш билан чекланган бўлса, ҳозир у қуйидаги хилма-хил усууллардан фойдаланади.

1. **Солиштирма морфология.** Бу усул ўсимликларнинг хилма-хил вегетатив ва генератив органларининг морфологик хусусиятларини таққослаб, ҳар томонлама ўрганиш билан улар ўртасидаги ўхшашлик ҳамда яқинлик муносабатларини аниқлади.

Узок вақтгача морфологияда юксак ўсимликларнинг танаси учта асосий аъзога — илдиз, поя ва баргга ажратиб ўрганилган. Аммо, солиштирма-морфологик усул асосида олиб борилған текширишлар ўсимликларнинг вегетатив органларини фақат икки аъзога — новда ва илдизга ажратиши ислотлади. Новдани асосий вегетатив орган деб таърифланишининг сабаби шундаки, унинг элементлари (поя ва барг) ўсимликларнинг онтогенезида фақат битта меристемадан тараққий этиб новдага айланади. Поя ва барг иккиласынан булиб, фақат новдадан ривожланади.

2. Анатомик ва физиологик усул. Бу ўсимлик органларининг ички тузилишига асосланган аниқ усуллардандин. Шу усул асосида ўсимликларнинг ҳужайравий тузилиши, органларнинг тұқымалардан ташкил топиши ўрганилади. Машхур олим В. Г. Александров ва унинг шогирдлари мәданий ўсимликларнинг маҳсус анатомияси устида катта илмий иш олиб борди. Физиологик усул билан ўсимлик органларининг физиологик фаолияти аникланади. Масалан, фотосинтез (ўсимликнинг карбонсув үзлаштириши), сувни буғлантириши (транспирация ҳодисаси), уларнинг нафас олиши, ўсимликларнинг (минерал ҳамда азотли) озиқланиши ва бошқалар.

3. Экологик морфология усули. Бу усул ёрдамида ўсимликларнинг органларыда рүй берадиган үзгаришлар аникланади. Масалан, ўсимликларнинг ўсиши тупроқнинг намлик даражасига қараб ксерофитлар, мезофитлар, гигрофитлар ва гидрофитларга булинади.

4. Онтогенетик усул. Бу усул ёрдамида ўсимлик органларининг (органогенези) ривожланиши ва шаклланиши, уларнинг үзига хос тараққиети (онтогенези), тұқымалар (гистогенези) ўрганилади. Шунингдек С. Г. Навашин томонидан гулли ўсимликлардаги құшалоқ уругланиш ҳодисаси ҳам ана шу усулда ўрганилган.

5. Тератология усули. Бу усул билан ўсимликларнинг камчилик ва нұқсонлари ўрганилади ҳамда айрим органларнинг келиб чиқиши аникланади. А. Б. Бекетов, А. А. Федоров ва бошқалар гул морфологиясини ўрганишда бу усулдан фойдаланғанлар.

6. Экспериментал усул. Бу усул ўсимликлардаги маълум шакл ва тузилишларининг сабабини, уларнинг табиятини ва келиб чиқишини тұғри аниқлаб, тушунтириб беради. Масалан, сув буглари билан түйинган атмосферада зирк ва тикандарахт (гледичия) деган ўсимликлар ўстирилса, зиркнинг тикони барғта, тикандарахтнинг тикани новдага айланади. Бу, тиканнинг морфологик жиҳатдан ҳар хил манбадан келиб чиқишини күрсатади.

7. Эволюцион ёки филогенетик усул. Бу усул эволюцион тараққиёт жараёнида ўсимлик гурухлари ёки айрим турларнинг пайдо бўлишини ҳамда улардаги морфологик шакл тузилишидаги органларнинг ривожланиш тарихини ўрганади. Эволюцион ва филогенетик усул асосан солиштирма морфологик ва фитополеонтологик (палеоботаника) изланишларга асосланган ҳолда текшириш олиб боради ва ўсимлик онтогенезини тұғри тушунишга ёрдам беради. Юқорида келтирилган усулларнинг ҳаммаси ҳам ўзича мустақил аҳамиятта эга бўла олмайди, албатта. Шу сабабли ҳар бир усул юзасидан олинган маълумотлар бирбири билан таққосланиши яхши натижада беради.

1-бο б

БОТАНИКА ФАНИНИНГ ҚИСҚАЧА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Ботаника фанининг ривожланиш тарихи жамиятнинг ривожланиш тарихин билан боғлиқ. Ибтидоий одамлар ҳаётининг дастлабки даврларидан бошлаб фойдали ва зарарли ўсимликларни ажратади билганлар. Инсоният эҳтиёжларини қондириш мақсадида атрофини ўраб олган табиатдан озиқ-овқат учун ҳар хил ўсимликларнинг уруф, мева, дон ва тугунакларидан фойдаланган. Уларни қаерда ва қачон ўсишини ўрганиб, маданийлаштириб аста-секинлик билан дәхқончиликка асос солган. Натижада дәхқончилик усууллари такомиллашиб халқ ботаникаси пайдо бўлган.

Ўсимликлар ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар қадимги Хитой, Ҳиндистон, Миср, Яқин Шарқ мамлакатлари халқлари орасида бўлган, лекин уша қўлёзмалар бизгача етиб келмаган. Машхур олим, юонон файласуфи ва табиатшуноси Аристотель (эрамиздан аввалги 384—322 йиллар) ўсимликлар ҳақида анча маълумотлар тұплаган. Унинг “Ўсимликлар назарияси” китоби бизгача етиб келмади. Аристотельнинг шогирди Теофраст (371—286 йиллар) ботаника тарихида биринчи бўлиб, “Ўсимликларнинг табиий тарихи” китобида ўсимликларни ташқи қиёфасига асосланиб тўрт гуруҳга: дараҳт, бута, чала бута ва ўтларга ажратган. Йлдиз, поя ва баргнинг аҳамиятини ёзган, лекин мева ва уруғнинг фарқини аниқ тасаввур этолмаган, Теофраст жуда кўп ўсимликларни билган, улардан фойдаланиш ва сунъий шароитда ўстиришга алоҳида эътибор берган. Теофрастнинг асарлари ботаника ривожланишида катта аҳамиятта эга бўлган. Шунинг учун Карл Линней уни “ботаника фанининг отаси” деб атаган.

Қадимги Юнон ва Рим табиатшуносарининг ишларида ботаника мустақил фан тариқасида ривожланмасдан қолди, чунки ўша даврдаги табиатшуносар асосан доривор ва деҳқончилик учун керакли ўсимликларни изоҳлаш билан чекланди. Жумладан Рим табиатшуноси Плиней (каттаси 23—79 й.) “Табиат тарихи” деган асарида 1000 га яқин ўсимликларни тасвирлаб, доривор ўсимликларга кўпроқ эътибор берган. Юнон олимни Диоскарид (яни эранинг 79 йилида вафот этган) ўзининг “Доривор моддалар” деган китобида 500 дан ортиқ ўсимликларни таърифлаб, уларнинг тарқалган ва ўсадиган жойларини баён этган. Унинг бу асари ботаника ва тиб тарихидан муҳим ўрин эгаллаган.

IX—X асрларда ислом мамлакатларида табиатшуносар кўпайди. Шулардан бири Абу Сулаймон Ҳиндистон, Хитой ўлкаларига саёҳатга бориб у ерда жуда кўп микдорда шифобахш ўсимликларни ўйғди. Бироқ ўрга аср феодализми зулми остида ҳамма соҳалардаги каби ботаника фанининг ривожи ҳам вақтинча тўхтади. Шунга қарамасдан машҳур олим Абу Али ибн Сино (980—1037) асарлари ботаника фанининг ривожида катта туртки бўлди. Унинг “Алқонуни фит тиб”, яъни “Тиб қонунлари” асари Ўрта Осиё, Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларида XV—XVII асрлар давомида бир неча марта нашр этилди ва ботаника фанининг ривожланишига салмоқли таъсир этди.

Ботаниканинг ривожланиши XV асрга, яъни уйғониш даврига тўғри келди. Бу давр буюк географик қашфиётлар билан характерланади. 1492 йилда Христофор Колумб Америкага, 1498 йили Васко де Гама денгиз йўли орқали Африка қирғоқларини айланиб Ҳиндистонга боради. У ердан жуда кўп микдорда манзарали ва озиқ-овқат, доридармон буладиган ўсимликларнинг гербариисини, уруғ, мева, тугунакларини олиб келади. Олиб келинган ўсимликлар кейин-чалик ботаника боғларида. Салерно (Италия) да, Венецияда экиб ўстирилади. Ана шу даврдан бошлилаб гиёҳномалар пайдо бўлади. Биринчи китоб 1406 йили Хитойда Чау томонидан, Европада гиёҳномалар XV аср бошлиарида нашр этилди. Гиёҳномаларда келтирилган ўсимликлар илмий система асосида тузилмасдан, ишлатилишига ёки фойдали белгиларига қараб ғуруҳларга бўлин-

ган. Уларда ўсимликлар морфологиясига оид атамалар ҳам ишланган. Биринчи морфологик атама 1542 й. Л. Фукс томонидан нашр этилган. Кейинчалик морфологик ва анатомик атамалар Андреа Цезальпин (1583), Марчелло Мальпиги (1628—1694), Неэмия Грю (1641—1712) томонидан ёзиб нашр этилди.

XV асрнинг охири XVI арснинг бошида яшаган машхур ўзбек олими Заҳириддин Мұхаммад Бобур (1483—1530) табиат соҳасидаги кузатишлари билан ботаникага салмоқли ҳисса қўшган. Унинг машхур асари “Бобурнома” да Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон ўсимликлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

XVI—XVII асрларда жуда кўп хилма-хил ўсимликлар тўпланди. Бу ўсимликларни аниқлаб маълум бир система-га солишда ва таърифлашда морфологик атамалар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Италиялик ботаник Андреа Цезальпин ўсимликларнинг сунъий системасини яратишида ўсимликлар дунёсини иккига: ёғочли (дараҳт ва бута, чала бута) ва ўт ўсимликларига бўлади, уларни синфларга ажратишида мева, уя ва уруғлар сонини ҳамда муртак тузилишини асос қилиб олади. Цезальпин синфдан кичикроқ гуруҳларни яратишида, гулнинг тузилиши, тугунчанинг остки ва устки қисмдан иборат бўлишини ҳисобга олди.

Машхур Швед табиатшуноси Карл Линней (1707—1778) “Ботаника фалсафаси” (1751 й.) китобида мингта яқин атамаларни тузади, гул ва барг тузилишини тасвирлайди. Линней ўзи тузган атамалар асосида (1753 й.) “Ўсимлик турлари” деган машхур асарини яратади. Линней систематикага бинар номенклатурани, яъни ўсимликларни икки сўз билан туркум ва тур номларини кўшиб бирга аташни киритди, унинг бу номенклатуроси ҳозиргача ўз кучини сақлаб келади. Линней системасини сунъий деб аталади. Чунки бу система ўсимликларни фақат биргина чаң тиларнинг сонига ва жойлашишига қараб белгилаган. Бу система ўсимликлар дунёсини ўрганишида куляйлик яратган.

XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларида таққослаш услубини қўллаш натижасида “ўсимлик организмларининг метаморфози тўғрисидаги таълимот” майдонга келди. Бу таълимот К. Ф. Вольф (1733—1794), машхур

немис шоири ҳамда табиатшуноси И. В. Гёте (1749—1832); айниқса О. П. Декандоль ва бошқаларнинг номи билан боғлиқ.

К. Ф. Вольф ўсимлик органларини ўсиш нуқтасидан ҳосил бўлишини, гул қисмлари — гулкоса ва гултожни шакли ўзгарган барг деб таъкидлайди.

Машқур немис шоири ва табиатшуноси И. В. Гёте ўз таълимотлари билан ўсимлик морфологиясининг назарий жиҳатдан асосчиси ҳисобланади. 1798 й. да “Ўсимликлар метаморфози тўғрисида тажриба” асарида уруғпалла, гулбарг, чангчи, уруғчи кабилар оддий вегетатив баргнинг шакли ва функциясининг ўзгаришидан келиб чиқсан, деган ғояни илгари сурди. Ўсимлик органларининг метаморфози (ўзгарувчанлиги) онтогенез (индивидуал тараққиёт) даврида уч хил: аниқ ёки прогрессив, ноаниқ ёки регрессив ҳамда тасодифан бўлишлигини аниқлаган.

Швейцариялик ботаник Огюстен Нирон Де Кандоль (1778—1841) Гётега нисбатан анча билимдон мутахассис бўлиб, ўсимлик морфологияси, физиологияси ва систематикаси билан шуғулланган. Таққослаш усулидан фойдаланиб, ўсимликларнинг тузилиш қонуниятларини ўрганган. Масалан, гул — шакли ўзгарган новда, унинг бўғин оралиғи қисқарган, чангчиларининг шакли бузилиб тожбаргларга айланган. Гул симметрия қонуни асосида тузилган. О. Де-Кандоль “Ботаниканинг элементар назарияси” (1813) асарида ўсимликлар дунёсининг морфологик белгиларидан ташқари, органларнинг анатомик тузилишини ҳам ҳисобга олган. 1818 йилда унинг “Ўсимликлар дунёсининг табиий системаси” асари нашр этилган.

XVIII аср охиридан бошлаб К. Линней асарлари асосида француз ботаниги Антуан Лоран Де Жюссье (1740—1836)¹ ўсимликларнинг табиий системасини тузиб чиқди. Бунда систематик гуруҳ сифатида қариндошлиқ “уругдошлиқ” белгиси асос бўлди.

XVII асрда голландиялик табиатшунос Вас Левенгук (1632—1723) микроскопни биринчи бўлиб яратди. У ўз микроскопи ёрдамида майда мавжудотлар дунёсини кашф

¹ Қўлланмада ўсимликлар систематикаси тарихи ҳақида маълумотлар келтирилмайди.

этди. Машхур физик Роберт Гук (1635—1703) мустақил равиша өрүг үтказувчи микроскоп ясады. Микроскоп орқали пўкак ва ўсимлик кесмасини кўздан кечириб, бир талай катакчалар борлигини аниқлади ва 1665 йили фанда биринчи бўлиб, ўсимлик хужайралардан тузилганлигини исботлади. Кейинчалик италян М. Мальпиги, инглиз Н. Грю бир вақтнинг ўзида, бир-биридан бехабар ўсимликнинг ички тузилиш (хужайра, тўқима)ларини ёзид, унинг аҳамиятини тушунтиришга ҳаракат қилишди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида талайгина олимлар хужайрани ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бордилар. Чех олими Я. Е. Пуркинье, француз олимлари Дютроше ва Гюрпен, рус олими П. Ф. Горяинов ҳамма тирик мавжудотлар ҳужайрадан иборат, деган фаразни айтишган. Улар ўсимлик ва ҳайвонлар дунёси умумий ҳужайравий тузилиши ва келиб чиқиши бир хил, деган илғор ғояни майдонга ташлашган.

Немис ботаниги М. Я. Шлейден (1804—1881) барча ўсимликлар ҳужайрадан тузилганлигини исботлади. 1838 йилда М. Шлейден ўзининг асарларида ўсимлик танаси асосан ҳужайралардан ташкил топган деган назарияни илгари сурди. Орадан бир йил ўтгач Т. Шван (1810—1832) ҳужайра назариясини таърифлаб берди. Бу назария биология фанининг тараққиётида ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Ф. Энгельс, ҳужайра назарияси XIX асрдаги табиатшунослик прогрессини таъминлаган уч кашфиётнинг бири, деб атади.

Ҳужайра назариясининг аҳамияти шундаки, у ўсимлик ва ҳайвонларнинг келиб чиқиши генетик жиҳатдан бир-хиллигидан далолат беради. Шунингдек у тирик организмларнинг энг муҳим тузилиш принципига, яъни ҳужайра тузилишининг бирлигига асосланади.

XIX асрда ҳужайра ҳақида жуда кўп маълумотлар тұпланди, лекин олимларнинг ҳужайра тұғрисидаги тушунчалари торлигicha қолади. Улар ҳужайра деб, фақат унинг пўстини тушундилар. Масалан, немис олими Р. Вирхов 1859 йили нашр этилган “Целлюляр патология китоби”да ҳужайралар фақат бўлинеш йўли билан пайдо бўлишини кўрсатиб берди, аммо, бу жараённинг моҳияти унга но маълумлигича қолаверди. XIX асрнинг 30—40 йилларига

келиб ҳужайра таркибида ядро, протоплазма, кейинроқ эса ядронинг таркибий қисми хромосомлар (юонон. хрома — ранг, сома — танача) яъни ҳужайра ядросида органоидлар борлиги кашф этилди. Ҳужайра тузилишини текширувчи фан — цитология (юононча цитос — ҳужайра, логос — фан) ривожланди.

Ўсимликлар анатомияси ва цитологиясининг ривожланишида И. Д. Чистяков (1843—1877) нинг хизматлари катта. У фанда биринчи бўлиб қирқбўғимда ҳужайранинг митоз бўлинини аниқлади.

XIX асрда ўсимлик анатомияси ва цитологиясининг тараққий этишида микроскоп техникасининг ривожланиши кўпдан-кўп маълумотларни аниқлашга имкон берди.

1859 йили инглиз олими Чарлз Дарвиннинг “Табиий танланиш йўли билан турларнинг пайдо бўлиши” деган машхур асари биология фанида, шу жумладан ўсимликлар морфологиясида ва анатомиясида ҳам йирик тадқиқотларга сабаб бўлди.

Немис ботаниги Вильгельм Гофмейстер (1824—1877)нинг 1851 йилда “Юксак споралиларнинг униб чиқиши, ривожланиши ва генерациясини чоғиштириш” асари нашрдан чиқди. Бу асарда йўсинлар (моҳлар) ва қирқбўғимлар устида ўтказилган кузатишларга асосланиб, наслларнинг галланиш ҳодисаси баён этилган. Эмбриология (юонон. эмброн — муртак) соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижада ўсимликлар систематикасининг ривожланишида кескин бурилиш ясалди. Яъни гулли ўсимликлар билан спорали ўсимликлар орасида филогенетик фарқ йўқлиги, хусусан, папоротниксимонлар, очиқ уруғилар билан ёпиқ уруғиларнинг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг ҳаммасида ҳам насллар галланишининг мавжудлиги уларнинг тузилиши ва тараққий этишининг бир хиллиги исботланди. Олимнинг илмий-тадқиқот ишлари Ч. Дарвиннинг эволюцион назариясини шаклантиришга ёрдам берди.

Гофмейстрнинг ғояларини Россияда биринчи бўлиб Петербург дорилғунунининг профессори Андрей Сергеевич Фоминцин (1835—1918) давом эттириди. У ёпиқ уруғли ўсимликлар муртагининг дастлабки тараққиётини ўрганиди. Осип Васильевич Барабанецкий (1843—1905) билан

ҳамкорликда лишайниклар гонидиялари устида текширишлар олиб боради. Унинг шу текширишлари лишайниклар замбуруғлар ва сувутидан иборат экаспигини аниқлади. О. В. Баранецский ўсимликлар анатомияси ва физиологиясига оид анча ишлар қилди.


Россияда таққослаш морфологик таълимини ривожлантиришда Москва дорилфунунининг профессори ботаник олим Иван Николаевич Горожанкин (1848—1904)нинг хизматлари салмоқлидир. 1883 йилда қарагай дараҳтининг уруғланиши мисолида нинабарглилардаги жинсий жараённи аниқлади. Бу иш архегониат ўсимликлар тұғрисидағы тушунчаны аниқлашта имкон яратди.

И. Н. Горожанкин яшил сувутлари вольвокслар ҳастий давридаги жинсий жараён эволюциясини изогамиядан гетерогамияга, гетерогамиядан оогамияга аста-секин үтишини аниқлаган.

И. Н. Горожанкиннинг шогирди В. И. Беляев (1890) спорали ўсимликларда әркак гаметофитнинг тараққиёти ва тузилишини морфологик таққослаш (солиштирма) усули асосида үрганди. Шунингдек нинабарглиларда чанг най-часининг тараққиёти ва тузилишини текширди. У күпгина кузатышлардан сұнг сперматозоид ядро ва протоплазмадан иборат эканини аниқлади. Бу соҳадаги ишлари билан Беляев бутун дүнёга танилди.

Железнов Н. И. (1816—1877) гулнинг онтогенезини үрганиб фанда биринчи булиб ўсимликларнинг пайдо булиш назарияси тұғрисида илмий асар ёзған.

XIX асрнинг охирида морфологияда экспериментал тажриба асосида ўсимликларда ҳосил бўладиган маълум шакл ҳамда тузилишларнинг сабабини, янги пайдо бўлган белгиларнинг ирсий эмаслигини аниқлаш имкони яратилди. Экспериментал усулдан фойдаланиб, ўсимликларда муртакнинг ҳосил булиши ва тараққий этиши, уруғланиши каби масалалар ҳам ечилди. Бу соҳада Киев дорилфунунининг профессори Сергей Гаврилович Навашин (1857—1930)нинг хизматлари салмоқлидир. Навашин 1889 йилда үзининг муҳим кашфиётини эълон қилди. У ёпиқ уруғли ўсимликларда құш уруғланишининг мавжудлигини исботлади. Навашиннинг бу иши биология фанининг энг катта ютуқларидан эди. У ядронинг редукцион-ва-кариокенез



бўлининишини, хромосомаларнинг тузилишини ўрганди. Шунингдек бу соҳада кўпгина цитолог олимлар етиштириди.

XIX асрнинг бошида ўсимликлар географияси ботаника фанидан ажralиб чиқди. Бу фаннинг асосчиларидан бири Александр Фридрих Вильгельм Гумбольдт (1769—1859)дир. Гумбольдт иқлим, ташқи шароит ва унинг ўсимликларнинг тарқалиши ҳамда ташқи кўринишига таъсири масаласига катта эътибор берди.

Ўсимликлар морфологияси ва географиясининг ривожланишида россиялик олим Андрей Николаевич Бекетов (1825—1902)нинг хизматлари бекёёсdir. А. Н. Бекетов ўсимликлар морфологиясини “Олий ботаника” деб таърифлайди. У ўсимликлар вегетатив органларининг тузилиш қонуниятлари масалалари билан шугулланган. А. Н. Бекетов янги органларнинг ҳосил бўлишида ташқи муҳит ҳал қилувчи роль ўйнайди деб кўрсатди. 1896 йили унинг “Ўсимликлар географияси” китоби чиқди. А. Н. Бекетов ўз замонасининг машҳур педагог олимларидан бўлиб, К. А. Тимирязов, Т. И. Панфилов, Н. И. Кузнецов, Н. Н. Краснов, В. Л. Камаров ва бошқалар каби жуда кўп шогирдлар етиштириди. 1922 йилда Козо-Полянскийнинг назарий морфология ва гули ўсимликларнинг филогенези тўғрисидаги илмий иши босиб чиқарилди. У ўсимликларга мансуб биогенетик қонун ишлаб чиқди, онтогенез ва филогенез масалаларини муҳокама қилди. Москва дорилфунунининг профессори М. И. Голенкин (1864—1941) сувўтларининг ҳамда гул ва тўпгулларнинг онтогенези билан шуғулланган. 1927 йилда у ёпиқ уруғли ўсимликларнинг бўр даврида тарқалиш сабаблари тўғрисидаги назарияни ривожлантирган. Эволюция жараёнида ёпиқ уруғли ўсимликларнинг ўсув органлари ўзгариб турувчи ташқи муҳитга мослашишини аниқлади. Москва дорилфунунининг талайгина профессорлари Л. И. Курсанов, Н. А. Комарницкий, К. И. Мейер, В. В. Алёхинлар, М. И. Голенкиннинг шогирдлариридир.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия флорасини ўрганиш соҳасида бирмунча ишлар қилинди. Бу соҳада П. С. Паллас, И. Г. Глемин, Н. С. Турчанинов, П. Н. Крилов, Д. И. Литвинов, С. И. Коржинский ишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Флористик текширишлар билан бир қаторда ўсимликлар қопла-

мини ўрганиш ишлари ҳам олиб борилди. С. И. Коржинский ва Г. И. Панфиловлар Россияда биринчи булиб ўсимликларнинг кичик ҳажмдаги картасини туздилар.

ХХ асрнинг бошларида Н. И. Кузнецовнинг ташаббуси билан СССР Европа қисмини геоботаника нуқтаи назаридан районлаштириш ва картага тушириш масалалари ишлаб чиқилди.

ХХ асрнинг ўрталарига келиб биология фанининг кўпгина янги тармоқлари (физиология, биохимия, микробиология, генетика, молекуляр биология, эволюцион морфология, экологик анатомия ва бир қанча янги фанлар) ривожланди. Хлорофилл, оқсил, нуклеин кислота ва бошқа бир қанча мураккаб моддаларнинг молекуласи аниқланди, электрон микроскоп ёрдамида ҳужайра таркибидаги янги-янги қисмлар аниқланди.

Йирик олим Н. И. Вавилов (1887—1941) таърифлаб берган гомология қатор таълимоти татбиқ этилиб, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси таксономик бирликларининг филогенезини аниқлаш қонунияти яратилди.

Собиқ Совет даврида ўсимликлар морфологияси соҳасида бир қанча йирик тадқиқотчилар етишди. И. Г. Серебряков — экологик морфология, Н. Н. Каден — кариология, А. Л. Тахтаджян — юксак ўсимликларнинг эволюцион морфологияси, В. Г. Александров — ёпиқ уруғли ўсимликларнинг генератив органлари илмий ишлари билан намоён бўлдилар. В. Г. Александров ва унинг шогирдлари маданий ўсимликларнинг анатомияси, П. А. Баранов, О. Н. Радкевич, В. К. Василевская экологик-анатомия соҳасида ишлаб амалий масалаларни ҳал қилишга эришдилар.

Ҳозирги вақтда ботаниканинг алоҳида соҳалари бўйича илмий иш олиб борадиган асосий марказлар Россия ФАНИНГ бирқанча илмий текшириш институтлари, В. Л. Комаров номидаги Ботаника институти, К. А. Тимирязев номидаги Ўсимликлар физиологияси институти, Н. И. Вавилов номидаги Ўсимлиқшунослик институти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институти, Ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ботаника боғлари ва бошқалардир. Бундан ташқари, Россияда ва бошқа бир қанча давлатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам турли ном билан ботаника журналлари нашр этилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институтида ўсимликларни ўрганиш ва улардан рационал фойдаланиш устида иш олиб бориляпти. Бу соҳада йирик монографиялар нашр этилди. Беруний мукофотига сазовор бўлган “Ўзбекистон флораси” (6 жилдли), академик Е. П. Коровиннинг (2 жилдли) “Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистоннинг ўсимликлар қоплами”, академик К. З. Зокировнинг “Зарафшон флораси ва ўсимликлар қоплами” (2 жилдли) ва “Ўрта Осиё ўсимликларининг аниқлагачи” (10 жилдли) каби монографиялар нашр этилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ботаника фанини ривожлантиришда биология фанлари докторлари, профессорлар О. А. Ашурметов, Ў. П. Пратов, Н. И. Ақжигитова, И. В. Белолипов, О. Х. Ҳасанов ва бошқаларнинг хиссалиари салмоқлидир.

Жумхуриятимизда ўнта йирик дорилфунун ва ўнлаб педагогика институтларида ботаника кафедралари бўлиб, уларнинг илмий ишлари ўлкамиз флорасини, ўсимликлар қопламини ўрганиб, ундан рационал фойдаланишга қаратилган.

2-бөб

ҮСИМЛИКЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Үтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб бир қанча олимлар (Де Фриз, Г. Кертис, Ч. Джифри, Е. Дотсон, А. Тахтаджян ва бошқалар) органик дунёни түрттадан түккизтагача оламга бўлишни таклиф қилдилар. Машхур олим академик Артур Тахтаджян 1973 иили эълон қилган асарида ҳозирги замон эволюция системасини яратди. Бу система куйидагича:

1. Ядроши шаклланмаган организмлар — прокариотлар катта олами. Бу катта олам фақат битта кичик олам — Prokariota дан иборат бўлиб, учта кенжা олам: археобактериялар, ҳақиқий ва оксифитобактерияларга бўлинади.

2. Ҳақиқий, чин ядрога эга бўлган организмлар эукариотлар катта олами. Бу олам учта — ҳайвонлар, замбуруглар ва ўсимликлар кичик оламига бўлинади.

Прокариот ўсимликларга бактериялар (увоқлилар) билан кўк-яшил сувўтлари киради. Баъзи адабиётларда кўк-яшил сувўтлар бактериялар билан қўшилиб цианобактериялар деб аталади.

Прокариотларнинг ҳужайраси 2—3 мкм дан 10 мкмга-ча бўлади. Уларнинг цитоплазмасида алоҳида ажralиб куринадиган ядро бўлмайди. Ҳужайрада фақатгина бир ёки бир неча ДНК (дезоксирибонуклеин кислота)нинг йифиндиси бўлади, бунга нуклеоплазма дейилади. Ҳақиқий хромосомалар бўлмайди, ирсий белгиларини ташибидиган ген — геноформ деб аталади. Геноформ ДНК атрофида жойлашган. Цитоплазмада оқсил маддаси, митохондрий ва пластидалар учрамайди.

Прокариот ўсимликларнинг ҳужайрасида цитологик мембранадан ташкил топган мезосомалар бор. Бундан таш-

қари хужайрада газ вакуоли бўлиб, тананинг сувда муаллақ туришига ёрдам беради. Цитоплазмада рибосом, ёғ томчилари, полисахарид ва полифосфат доначалари учрайди.

Прокариотларнинг хужайра деворида хитин ва целлюлоза бўлмайди, лекин гликопептид (мукопептид), муреин моддалари бўлади. Уларда хужайранинг митоз ва мейоз бўлиниши ҳамда жинсий жараён аниқланмаган. Хужайранинг бўлиниши оддий — амиотик тарзда содир бўлади. Аксарият вакилларида хужайра хивчинсиз, агар бўлса жуда ҳам оддий тузилган.

Прокариотларнинг кўлчилик вакиллари гетеротроф айрим вакиллари автотроф усул билан озиқланади. Баъзи вакиллари (бактериялар — увоқлилар) паразитдир.

ЭУКАРИОТЛАР. Буларга замбурууглар, сув ўтлари (яшил, қизил, қунғир, диатом, пиррофит, сугленофит, сариқ олтин ҳар хил хивчинлилар) ва барча юксак ўсимликлар — ҳайвонлар ва одам киради.

Эукариотларнинг хужайра ва тўқималари 10—100 мкм катталика. Хужайрада такомиллашган ядро бўлиб, унинг таркибида хромосомалар учрайди. Хромосома ДНК ва гистон деган оқсил моддасидан иборат. Гистон жуда кўп аминокислоталардан ташкил топган.

Эукариотларнинг хужайра цитоплазмаси таркибида хужайра органеллалари — митохондрия ва пластидалар, Гольжи аппарати бўлади. Протоплазма хужайра маркази атрофида ёки тўғри чизик бўйлаб ҳаракат қиласиди. Хужайра девори хитин ёки целлюлозадан иборат. Буларда ҳар хил даражада ривожланган жинсий органлар бўлиб, жинсий жараён вақтида ядронинг қўшилиши натижасиди диплоид (юнон. диплос — иккиламчи, икки марта ортиқ) ва қўшилган ядронинг бўлинишидан гаплоид (юнонча гаплос — бўлинган) ядро ҳосил бўлади. Содда эукариотларнинг хужайрасида маҳсус таначалар (кинетосом) ёрдамида ўришган ундулиди бўйлаб ҳаракат этиш вазифасини бажаради.

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ОЗИҚЛANIШИ. Ўсимликлар дунёси озиқланишига қараб гетеротроф ва автотрофларга бўлинади. Ҳозирги замон олимларининг фикрича озиқланишнинг энг қадимгиси гетеротроф озиқланишdir.

Дастлаб ҳосил бўлган гетеротроф озиқланишларнинг та-наси мураккаб тузилган. Ҳозирги организмларники каби ҳужайра қисмларига эга бўлмаган. Содда тузилган ҳужай-ра тайёр органик моддалар ҳисобидан озиқланади. Бун-дай озиқланиш — сапрофит (юонча сапрос — чиринди, трофе — озиқланиш) озиқланиш дейилади. Ҳамма ҳайвон-лар, замбуруғлар, бир ҳужайрали организмлардан — бак-териялар ва бъязи сувутлари сапрофит озиқланади.

Ҳозирги вақтда кўпчилик олимлар замбуруғларни ўсим-ликлар дунёсидан ажратиб алоҳида оламга киритиши тавсия этишмоқда, чунки уларнинг ҳаётий даврида ҳара-катчан ҳужайралар учрамайди. Аммо, замбуруғларнинг баъзи белгилари: ҳужайранинг тұхтосиз ўсиши, кўпайи-ши, тубан ўсимликларга ўхшашлигини ҳисобга олиб, улар-ни ўсимликларга қўшиб үрганилади. Замбуруғларнинг эво-люцияси бир ҳужайрали эукариотлардан бошланади.

Замбуруғларнинг кўпчилик вакиллари асосан сапрофит-лар бўлиб, чириган органик моддалар ҳисобидан озиқла-нади. Улар органик моддаларни парчалаб, табиатда мод-далар алмасинуви, экологик мувозанатни сақлашда му-ҳим биологик катализатор ҳисобланади. Органик моддалар парчаланиш жараённида атмосферага карбонат ангирил газини ажратиб, тупроқни азотли бирикмалар билан бойи-тади. Замбуруғлар юксак ўсимликларнинг илдизи атро-фида үралиб, уларни сув ва минерал тузлар билан таъмин-лайди. Юксак ўсимликларнинг замбуруғлар иштирокида озиқланишига микотроф (юон. -микос — замбуруг) озиқ-ланиш деб аталади.

Гетеротроф озиқланувчи ўсимликлар ва замбуруғлар орасида паразит (юон. паразитос — текинхўр)лар ҳам учрайди. Улар ўсимлик ва ҳайвонлар ҳисобига яшайди. Масалан, гулли ўсимликлардан — зарпечак, девпечак, шумғия; замбуруғлардан эса қора куя, занг замбуруғлари текинхўр — паразит озиқланувчиларга киради.

Ўсимликлар орасида аралаш миксотроф (юонча ми-ксис — аралаш) озиқланиш ҳам учрайди. Бундай организ-млар фотосинтез натижасида ҳосил қилинган органик моддалардан ташқари, тайёр органик моддалар билан ҳам озиқланади. Бундай ҳодисаси яшил сувутларининг ваки-ли — эвгленада учратиш мумкин.

Секин ва узоқ давом этган эволюция жараёнида Ер юзида тахминан 3,4 млрд йил аввал дастлабки фотосинтез этувчи автотроф (мустакия озиқланувчи) организмлар пайдо бўлган. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши автотроф организмларга боғлиқ. Дастлабки автотроф организмларнинг ҳужайраси, ҳозирги автотрофларга нисбатан оддий лекин гетеротрофларга нисбатан анча мураккаб тузилган.


Автотроф ўсимликларнинг ҳужайрасида яшил ранг бе-рувчи хлорофилл (хроматофор) пигменти бўлади. Ҳужайра таркибида хлорофилл ёки хроматофорга эга бўлган барча яшил ўсимликлар ҳаво таркибидаги карбонат ангидрид газини ютиб, ассимиляция жараёнида анорганик моддан органик модда ҳосил қилиш учун зарур бўлган энергияни қўёш нуридан олади.

Фотосинтез жараёни туфайли ажралиб чиқсан кислороднинг бир қисми атмосфера таркибидаги аzon (O_2) га айланади ва у қўёш нуридан ажралиб чиқсан ультра бинафша нурларини ерга туширмайди. Бу, ерда тирик организмларнинг ривожланишига имкон беради. Бундан ташқари ўсимлик ажратган кислород ҳисобидан нафас олади.

Автотроф организмларнинг бошқа хиллари мавжуд бўлиб, улар зим-зиё қоронгуликда Ер бағрида яшайди. Бундай организмларга хемотроф организмлар деб аталади. Хемотроф организмлар озиқланиши учун зарур бўлган энергияни химиявий реакция туфайли ҳосил бўлган энергия ҳисобига олади. Бу хемосинтез деб аталади. Хемосинтезни фанда биринчи бўлиб рус олими С. Н. Виноградский (1887 й.) кашф этган. Хемотроф ўсимликларга темир, олтингугурт бактериялари ва азот тўпловчи бактериялар киради.

1-§. БИР ҲУЖАЙРАЛИ, КОЛОНИЯЛЛИ ВА КЎП ҲУЖАЙРАЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Узоқ давом этган эволюцион тараққиёт натижасида жаҳон сув ҳавзаларида илк бор, прокариот гурухлар орасида шакли шарга ўхшаш, бир ҳужайрали тубан ўсимликлар мавжуд бўлган. Аммо уларнинг қолдиқлари сакланмаган. Бир ҳужайрали фототроф тубан ўсимликлар карбон (углерод), водород ва кислород молекуласига бой бўлган



1-расм. Бирхужайрали ва күпхужайрали сувўтлар: 1 — хламидомонада; 2 — хлорококк; 3 — улотрикс; 4 — улотрикснинг зооспораси; 5 — улотрикс гаметаларининг қўшилиши; 6 — кладофора; 7 — драпарнольдия.

денгиз ҳавзаларининг ўрта қисмида тараққий этган ва қалқиб ўсган. Сув тагида озиқ моддаларнинг кўп бўлганлиги сабабли бир хужайрали сувўтлар жуда тез кўпайган. Хужайралар бўлинниб, бир-биридан ажралмай, колониялар ҳосил қилган.

Хозирги вақтда яшил сувўтлари орасида бир хужайрали прокариот гуруҳидан (бактериялар — увоқлилар, кўкяшил сувўтлар — цианобактериялар) ва эукариотлар гуруҳидан хламидомонада, хлорелла, хлорококк кабилалар мавжуд (1-расм).


Бир хужайрали ўсимликларнинг ҳужайраси целлюлозадан ташкил топган пўст билан үралган. Пўстда жуда майда тешикчалар (поралар) бўлиб, шу поралар орқали ҳужайра ичига сув, карбонат ангидрид гази ва бошқа минерал моддалар ўтади. Фототроф озиқланувчи ўсимлик-

ларнинг ҳужайрасида ҳосил бўлган органик моддалар (сувда эрийдиган углевод) ҳужайрадан ташқарига чиқарилади ва натижада ўсимлик ҳужайрасида модда алмашинуви асимиляция — ютиш, қабул қилиш ва диссимиляция — чиқариш, ажратиш жараёни содир булади.

Бир ҳужайрали ўсимликларнинг озиқланиши тана юзаси буйлаб содир булади. Шу сабабли улар эволюция жараёнида тана юзаси йириклишиб борган, кейинчалик йирик тана субстратга (ерга) бириккан (2-расм. 1, 2, 3) йирик ва пластинкасимон тана ёруғликни, озиқ моддаларни кўпроқ қабул қилиб, фотосинтез юзасини кенгайтирган.

Сувўтлар орасида бир ҳужайрали (хламидомонада, 1-расм, 1) шарсимон ҳаракатчан шаклдан ташқари, юзаси анча йириклишган, пластинкасимон, ипсимон, субстратга бириккан ва одатдаги бир ядроли ҳужайрадан катта фарқ қиласидиган кўп ядроли шакллар ҳам ривожланган. Бундай организмлар ҳужайрасиз организмлар деб аталади. Буларга мисол қилиб чучук сувларда ўсадиган вошерия, денгизларда тошларга ёпишиб ўсадиган каулерпа, нам ерларда ўсадиган ботридиумни кўрсатиш мумкин (2-расм).

Эволюция жараёнида ҳужайрасиз тузилишга эга бўлган организмларда функцияларнинг тақсимланишини кўрамиз. Масалан, оқар чучук сувларда, зах ерларда ва ариқ буйларида юпқа яшил ранг ҳосил қилиб ўсадиган вошерия (2-расм, 1)нинг танаси яхлит, гүё бир гигант ҳужайрадан иборат. Унинг танаси (тальоми) узун, ипсимон дихатомик шохланган бўлиб, остидан чиқсан рангиз ва сертар-




2-расм. Ҳужайрасиз сувўтлар: 1 — вошерия; 2 — ботридиум; 3 — каулерпа

моқ ризоидлари (юононча — ризо — иллиз, эйдос — шакл) ёрдамида субстратга бирикади, жинсий ва жинссиз күпажади. Ургочи жинсий органи оогоший ва эркак жинсий органи антеридийдан иборат. Каулерпа яшил сувўти янада ҳам мураккаброқ тузилган, унинг узунлиги 50 см га етади ва битта ҳужайрадан иборат бўлишига қарамай, танаси поя, барг ҳамда ризоидга ажралган бўлиб, ташқи кўриниши баргли юксак ўсимликларга ўхшайди. Микроскопдан қараганда ботридиумнинг танаси ноксимон яшил шаклда бўлиб, ўзидан рангсиз ингичка шохланган ризоидлар чиқаради (2-расм, 2). Ризоидлари асосан танани тутиб туриш, сув ҳамда унда эриган минерал тузларни ўзига сингдириб олиш вазифасини бажаради. Ҳужайра ичидаги ҳеч қандай бўғинлар — тўсиқлар бўлмайди.

Лекин ўсимликларнинг эволюцияси ҳужайрасиз шаклларнинг яна ҳам ривожланиб мураккаблашиш йўлидан бормаган. Чунки танада тўсиқларнинг йўқлиги, механик таъсир натижасида цитоплазманинг оқиб кетиши ҳужайранинг ҳалок бўлишга олиб келган. Шунинг учун ҳам ўсимликлар эволюциясининг сўнгги босқичи кўп ҳужайрали мураккаб тузилишга эга бўлган формаларни вужудга келтириш йўли билан ривожланган.

Ўсимликлар дунёсининг тараққиёти жараёнида органларнинг дифференцияланиши (Лот. дифференцио — фарқ, тафовут) яъни шакл ва функцияларнинг тақсимланиши колонияларни юзага келтирган (3-расм). Колониялар бир ҳужайрали ва кўп ҳужайрали формалар оралиғидағи организмлардир. Ҳужайралар бўлингандан кейин бир-биридан ажралмай қолса колония ҳосил бўлади (3-расм).

Колонияли сувўтларга пандарина ва эвдорина мисол бўла олади. Пандарина колонияси бир-бирига зич ёпишган 16 ҳужайрадан, эвдоринанини эркинроқ ёпишган 32 ҳу-



3-расм. Колонияли сувўтлар: Она колония ичидаги қиз колониялар.

жайрадан иборат. Колониядаги хужайралар ингичка плаzmасимон иплар (плаzmодесомалар) ёрдамида үзаро бирлашади. Вольвокс колонияси доим маълум томонга қарабайланма ва илгариланма ҳаракат қилади. Улардаги хужайралараро функциялар тақсимоти уларни дифференцияланшига олиб келади. Колония озиқланиши, ҳаракатланиши ва кўпайиш вазифасини бажарувчи вегетатив хужайралардан иборат.

Ўсимликларнинг филогенетик тараққиётида дифференцияланиш туфайли кўп хужайрали сувутлар ривожланган. Бу жараён тахминан 650 млн йил аввал жаҳон сув ҳавзалирининг қирғоқдаридағи қияликларда содир бўлган. Ибтидоий кўп хужайрали автотроф сувутларнинг хужайраси қалин пўст билан ўралган бўлиб, субстратга бириккан, бу ҳар хил экологик омиллар (шамол, сув тўлқини ва бошқа)нинг сақланишига имкон яратган. Оддий тузилишга эга бўлган кўп хужайрали тубан ўсимликлардан Gooksonia қазилма ҳолида топилган.


Узоқ давом этган эволюция давомида хужайранинг ҳар томонлама бўлиниши натижасида бўғинларга ажralган кўп хужайрали сувутлар ҳамда замбуруулар ривожланган.

Ҳозирги замон кўп хужайрали сувутлар агар кўпайиш органларини ҳисобга олмасак, икки-уч хужайрадан ташкил топган. Фақатгина мураккаб тузилишга эга бўлган денгиз сувларида ўсадиган қизил ва қўнғир сувутларда хужайраларнинг сони ўнтагача бўлади.

Ўсимлик хужайрасининг дифференцияланиши уларни тўхтосиз ўсишига сабабчи бўлади. Ўсимликлар ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, оралаб бўлса ҳам умр бўйи ўсиб, янги хужайралар ҳосил қилиб туради.

Ўсимликларнинг умр бўйи уларда бўлиниш йўли билан янги хужайралар пайдо қилиб ўсиши ҳосил қилувчи тўқималарга боғлиқ.

Сувутларда ҳосил қилувчи хужайра талломининг учидаги жойлашган бўлиб, унга апикал ўсиш (лот. a rex — чўққи) деб аталади. Апикал ўсишни диктиота ва сфацеларни (4-расм) сувутларида учратиш мумкин. Ҳар бир шохчанинг учидаги биттадан учки хужайра бўлиб, унинг бўлинишидан бошқа шохча хужайралари ҳосил бўлади. Баъзан талломининг ўсиши бўғин оралиғидан ҳам бўлади. Бундай ўсишга




4-расм. Сувўтларда апикал (учки қисмидан) ўсиш: 1 — диктиотанинг умумий кўриниши; 2 — учки ўсиш хужайрасининг дихотомик бўлиниши; 3 — сфацелариа; 4 — учки хужайранинг бўлиниши; 5 — теломнинг бўғин оралиғидан ўсиши

интеркаляр ўсиш дейилади. Интеркаляр ўсиш қўнғир сувўтлари (ламинария)да ва фалладош ўсимликларда учрайди.

2-§. ЎСИМЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ

Юксак ўсимликларнинг морфологик эволюциясини яратишида дастлабки қуруқлик ўсимликлари — Ер геологик тарихининг силур ва девон даврларида ўсган риниофит (псилофит)ларнинг тузилиши асос қилиб олинади.

Риниофитлар (псилофитлар) биринчи марта 1913 йили Шотландияда, 1917 йили Канадада, кейинчалик уларнинг қолдиқлари бошқа жойларда ҳам топилган. Ҳозирги вақтда уларнинг (Риния, Хорнеофитон, астероксимон авлодларининг) 20 дан ортиқ турлари маълум. Бу ўсимликларда



5-расм. Риния: 1 — умумий күрниши; 2 — ҳаво йүлларининг күндаланг кесими; 3 — тананинг күндаланг кесими (э-эпидерма; к-пустлоқ; кс-кисимса; ф-флөма).


ва эпидерма ўртасида фотосинтезда қатнашувчи хлорофилга бой тўқима бўлган.

Риниофитларнинг анча мураккаб тузилишга эга бўлган (астероксимон) теломлари майда қилтаноқсимон ўсиқлар билан қопланган.

Новда ёки поя ва унда жойлашган баргларнинг эволюцияси қазилма ҳолда топилган псилофитлар (риниофитлар)да аниқланган. Майда қилтаноқсимон ёки пустсимон ўсимталар билан қопланган теломлар йириклишиб ясси шаклга кириб, фотосинтез этишга мослашган. Эволюциянинг бу йўналиши майда баргли юқори спорали (плаунсимон, қирқбўғимсимон) ўсимликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган. Майда барг эволюциясининг бундай ривожланиши энациялар (лот. энатус — бошлангич ўсимликлар)дан ҳосил бўлган. Классификацион (юон. кладус — шох ва эйдос — шакл ўзгариш) йўл билан йирик барглар ҳосил бўлган, яъни дихотомик теломлардан бир текисда яссиланиб йирик барглар пайдо бўлган. Бундай

илдиз, новда, барг, куртак бўлмаган. Бу органлар кейинчалик ривожланмаган.

Энг содда тузилган риниофитларга риния (5-расм) мисол бўла олади. Унинг ер остидаги кўндаланг ўқида ер устига дихотомик шаклда тармоқланган майда цилиндрик ўқ орган — телом (юонча телос — учки нуқта) бўлади. Теломнинг учки қисми бўртган бўлиб, спорангий (юонча спорта — уруф, аггейон — идиш) деб аталади. Теломнинг ички тузилиши ер устида ўсуви ўсимликларнига ўхшашиб бўлиб, эпидерма (пуст) билан қопланган ва лабчаларга эга (5-расмга қаранг). Ўқ органнинг марказий ўтказувчи тўқимаси



6-расм. Теломлардан баргнинг ҳосил бўлиш (1—4) босқичлари

шаклдаги барг тузилишини ҳозирги баъзи папаротникларда учратиш мумкин. (6-расм).

Эволюциянинг сўнгги босқичида риниофитлар теломидан ер устида ўсувчи новда, барг ва илдизга эга бўлган ўсимликлар ривожланган.

Телом назариясининг асосчилари. О. Линье А. Потаньлердир. Кейинчалик бу назарияни В. Циммерман, А. Тажджинлар ҳам ривожлантиришган.

ЮКСАК ЎСИМЛИКЛАРНИНГ АСОСИЙ ОРГАНЛАРИ (юнон. орган он — қурол ёки аъзо). Поя, илдиз, барг, гул ўсимлик организмида маълум бир вазифани бажаради. Ҳозирги ҳамма юксак ўсимликлар, айниқса, ёпиқ уруғлиларнинг аъзолари турли хил шаклда бўлади. Дараҳт, бута ва ўтларнинг аъзолари (поя ва барглари) ҳар хил шакл ўзгаришида бўладики, баъзан уларнинг қайси аъзодан келиб чиқишини аниқлаш анча мушкул. Масалан, тугунаклар (картошка), тиканлар (дўлана), пиёзбошлилар (лола, пиёз анзур)ни солиштирма морфологик жиҳатдан шакли ўзгарган (метаморфозага учраган) новдалардир.

Ўсимлик органларининг шакл ўзгариши деган ғояни биринчи бўлиб фанга киритган олим И. В. Гётедир. Унинг 1798 йили “Ўсимликлар метаморфози” асари нашр этилди. Бу асарида уруғпалла гулбарг (гулкоса, гултож), чангчи, уруғчи кабилар оддий вегетатив (лот. вегетатиус — ўсиш) баргнинг шакли ва функцияси ўзгаришидан келиб чиққан деган ғояни илгари сурди. XIX асрда ўсимликни сақлаб турувчи вегетатив органларни поя, барг, илдизга

ажратғанлар. Ўша даврда бу органларнинг келиб чиқиши тұғрисида аниқ бир фикр ҳам бұлмаган. Фақат XX асрда риниофитлар аниқланғандан сүнг илдиз, поя ва барг дихотомик тармоқланмаган теломдан ривожланғанлиги маълум бўлди.

Телом назариясига биноан ўсимликларнинг эволюцион тараққиётида теломнинг **стерилизация** (лот. стерилis — мевасиз наслланиш) натижасида вегетатив шохча ёки **куалоид** (юнон қуалос — новда (поя), эдос — тус, қиёфа) ҳосил бўлган. Куалоиднинг учки шохчасида спорангия ва остида **ризоид** ёки **ризомоид** (юнон, риза — илдиз, эдос — тус, қиёфа) ҳосил бўлган. Теломнинг дифференцияланишидан ер устки спорофитидан дастлабки дихотомик шохланиши, ер остики қисмидан — **ризомоидин** (ҳақиқий илдиз) тараққий этган.

Бинобарин, эволюция жарайенида даставвал новда, ундан кейин илдиз ривожланган. Кейинчалик новдадан куртак, барг; илдиздан эса илдиз тукчалари ва ён илдизлар тараққий этган. Учки ҳужайра (ўсиш нуқтаси) билан асос (туб) уртасида қутблилик юзага келган.

3-§. ЎСИМЛИКЛАР ТУЗИЛИШИДАГИ ҮМУМИЙ ҚОНУНИЯТЛАР

ҚУТБЛИЛИК. Ўсимликларнинг морфологик юқори ва қуий учларга эга бўлишига **қутблилик** деб аталади. Ҳар бир ўсимлик ўзининг юқори томондан (юқори қутвидан) новдалар, қуий и томонидан (пастки қутвидан) эса илдизлар чиқаради (7-расм). Қутблилик фақат морфологик сабаблар натижасида содир бўлмасдан, балки физиологик характерга ҳам эга. Масалан, ҳосил бўлган моддаларнинг пўстлоқ бўйлаб ҳаракати морфологик ва физиологик қутблилика боғлиқ. Органларнинг эволюцион тараққиётига қараб қутблилик оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Бир ҳужайрали сувўт хламидомонада (1-расм, 1) ҳаракатчан бўлғанилиги сабабли олд ва орқа қутбларга эга. Ундан анча мураккаброқ тузилишга эга бўлган каулерпа (2-расм, 3), сфацеларна (4-расм, 3)да ҳам қутблилик аниқ кўринади. Мураккаб қутблилик юксак ўсимликларга хосдир. Қалам-


ча қилинганда ҳамма ўсимликларнинг асосий хоссаси кутбилик, яъни вегетатив органнинг морфологик учи (юқори кутби) билан қуи кутби ўртасидаги қарама-қаршилик яққол кўринади. Масалан, тол қаламчаси нам атмосферада юқори томонини пастга қаратиб осиб қўйилса, барibir, унинг морфологик юқори кутбидан новда, морфологик пастки кутбидан илдиз чиқади (7-расм). Демак, кутбилик асосан ўсимлик танасининг марказий ўқида учрайдиган қонуният ҳисобланади.

Симметрия — (юон. симметрия — тенг бўлакли), яъни бирор ўсимлик органини (илдиз, поя, барг, гул) тенг бўлакларга бўлинганда, шу бўлакларнинг бир-бирига ўхшаш, тенг ва мос бўлинишига **симметрия** деб аталади. Симметрия ўсимлик органларининг ташки ва ички тузилишида, ён шохчаларининг танада жойлашишида ҳам кўринади. Ўсимлик танасининг марказий ўқидан бир ёки бир неча чизик ўtkазиш мумкин бўлса бундай симметрия **полисимметрия** (юон. по-лис — кўп) ёки **радиал** (лот. радиус — нур) симметрия деб аталади. Масалан, кактусларнинг цилиндрик поялари, гулларнинг гултожлари (олма, кўкнор, чиннигул, наъматак) ва бошқа ўсимликларнинг гуллари шулар жумласидандир. Полисимметрик гуллар **актиноморф** (юон. актио — нур, морфе — шакл) деб аталади (8-расм, 2).

Агар ўсимликларнинг асосий ўқ қисмидан ёки унинг бошқа бирор қисмидан фақат иккита симметрия ўтказилса, уни **билатерал** (лат. био — икки, латис — томони) ёки **бисимметрия** деб аталади. Билатерал симметрияга қизил углардан диктиота, икки паллали ўсимликларнинг муртада



7-расм. Тол қаламчасида кутбилик ҳодисасининг кўриниши:
1 — қаламчанинг одатдаги ҳолати;
2 — танаси пастга айлантириб қўйилган қаламча.



8-расм. Гул симметрияси: моносимметрик ёки зигоморф гул;

2 — полисимметрик ёки актиноморф гул;

3 — асимметрик гул.

моно — битта). Симметрия тенг икки бўлакли булади. Масалан, бинафша, маврак, нўхат ва бошқалар. Бундай гуллар зигоморф (юон. дзэугос — жуфт) деб аталади. Бирорта ҳам симметрия текислиги ўtkазиб бўлмайдиган барг ва гуллар асимметрик (юон. а-инкор симметрия, мувозанат) томонлари тенг бўлакларга бўлинмайдиган барг ва гуллар асимметрия деб аталади. Бунга қайраоч, тут ва бошқа ўсимликларнинг ёnlари, барглари, гулзорларда ўстириладиган канна ўсимлигининг гули мисол бўла олади (8-расм, 3).

Мураккаб тузилишга эга бўлган органларда ҳосил қилувчи тўқима — меристема (юон. меристос — бўлинувчи) булади. Бу тўқиманинг хужайралари янги ёш хужайраслар ҳосил қилиш хусусиятини узоқ вақт сақлайди ва унинг фаолияти натижасида шохланиш (бutoқланиш) юзага келади.


Шохланиш (бutoқланиш) хиллари. Шохланиш натижасида ўсимликларнинг тана юзаси катталашиди, бу ўз навбатида озиқланиш учун муҳим аҳамиятта эга. Ўсимликларнинг шохланиши ўзига хос шакл тузилишида булиб, асосан турт хилдир.

1. Дихотомик (юон. ди — икки, томэ — бўлинниш) шохланиш. Бунда ўсимлик нуқтасининг бир хил ривожланиши натижасида иккита куртак ҳосил булади. Кейинчалик ҳосил бўлган куртаклардан айрисимон шохчалар ривожланади. Бу шохчалар, ўз навбатида, иккиламчи шохчалар ҳосил қиласиди. Бундай шохланишни диктиота, сфацевия (9-расм) сувўтларда, замбуруғларда учратиш мумкин.

ги, опунцияларнинг ясси поялари, сапсаргулнинг қиличсимон барглари, фалласимон ўсимликларнинг баргли поялари мисол бўлади.

Талайгина ўсимликларнинг барглари ва гуллари моносимметрик (юон.

Тубан ўсимликларда бундай шохланиш усули эволюциянинг турли даврларида учрайди. Юксак ўсимликларда дихотомик шохланиш содда шакл тузилишга эга бўлган псилофитлар, плаунлар, жигарсимон йусунларда кўринади. Агар ҳосил бўлган шохча пастдан юқори ўсиб тараққий этса бундай ўшишга акропетал (юонон. а к р о с — устки, чўқчи, петерс — интилиш) ривожланиш деб аталади. Акропетал ривожланишнинг акси базипетал (юонон. б а з и с — асос, туб) ривожланиш дейилади. Ривожланишнинг бундай тури, шохча новданинг уч томонидан асосга қараб ўсишда учрайди. Базипетал ривожланиш кўпинча сувут-



9-расм. Шохланиш хиллари. А — схема (учки) дихотомик шохланиш; Б — диктионата сувўтида дихотомик шохланиш; В — ён моноподиал шохланиш; Г — қарагай новдаси. Ён симподиал шохланиш (монохазия); Д — схема; Е — черемуха новдаси. Ён симподиал шохланиш (дихазия); Ж — схема; З — сиренъ шохчаси: 1, 2, 3, 4 — шохларнинг тартибдаги ўқлари.

ларда (вошерия), уругли ўсимликларда, баргларнинг ўсиши (бегония)да учрайди.

2. Сохта дихотомия. Баъзан учки куртак ўсишдан тұхтайди, унинг тагидаги ён куртаклар тез ўсиб асосий куртакдан катта бўлиб кетади. Бундай шохланишга сохта дихотомик шохланиш деб аталади. Бундай шаклдаги шохланишни сиренда ва қўшалоқ шохчали тўпгулларда кўриш мумкин. Масалан, чиннигулдошларнинг кўпчилик вакиллари ҳам бунга мисол бўла олади. Дихотомик ва ён шохланишнинг оралиқ шаклига анизотамия (юон. а н — аксинча; изо — бир хил) деб аталади. Бундай шохланиш вақтида дихотомик шаклдаги шохчанинг бири ўсишини давом эттиради, иккинчиси эса ўсишдан тұхтайди ва ён шохчага айланади.


Юксак ўсимликларнинг эволюциясида ён шохланишнинг ривожланишидан моноподиал (лот. м о н о с — битта; п о д о с — ўқ новда, гармок) ва симподиал (юон. с и м — биргаликда, ёнма-ён) шохланиш ривожланган.

3. Моноподиал шохланиш. Бундай шохланища ўсимликтин асоси (тана) ўсишни тұхтатмайды ва ўсиш нүқтасидан пастроқда, юқорига күтариувчи ён шохлар ҳосил қиласади. Ён томондан ўсиб чиқсан шохлар ҳам худди шу усулда ўсади ва шохланади. Бундай шохланишни баргли йўсинларда, қирқбўғимларда, қарағайда, елда ва талайгина баргли дараҳт (дуб, шумтол, тоғтерак, заранг ва бошқа)ларда кўриш мумкин.

Бир йиллик ва кўп йиллик ўтчил ўсимликларда шохланишнинг учида-бош ўқида гул ёки тупгуллар ҳосил бўлади ва пировардидан ўсишдан тұхтайди. Масалан, кўкнори (10-расм). Бу ўсимлик уруғдан кўкариб чиққандан сунг ўсиб, битта моноподиал шохча (новда)га айланади ва ўсув даврининг охирида гул ҳосил қиласади. Моноподиал шохча пастроғида бир ёки бир неча ён шохчалар ривожланиб, улар ҳам ўз навбатида гул ҳосил қиласади.

Кўп йиллик ўтчил ўсимликларда моноподиал шохча (новда) бир неча йил давомида ўсиб, қисқарган моноподий ҳосил қилишини зубтурумда кўриш мумкин.

4. Симподиал шохланиш. Симподиал шохланиш жуда кўп тарқалган. У моноподиал шохланишдан ҳосил бўлади. Моноподийнинг асосий ўсиш нүқтаси (ўқи) ўшишлан



10-расм. Бир йиллик ўсимликларда ётиқ моноподиал нивдалар:
 1 — кўкиор (*Papaver somniferum*) а — ўсимликтинг юқори қисми;
 б — шохланиш схемаси; 2 — ромашка (*Matricaria chamemilla*);
 а — ўсимликтинг юқори қисми, б — шохланиш схемаси.

тўхтайди ёки ёнга сурилиб қолади. Унинг ўрнини эса ён шох эгаллаб, асосий ўқ томонга қараб ўсади. Кейинчалик бу шох ҳам ўсишдан тўхтаб, ёнга сурилади. Бундай шохланиш дараҳтлардан: тол, оқ қайн, олма, нок, шафтоли, ўрик, гилос, анжир, янтоқ ва бошқа дараҳт ҳамда буталарда учрайди. Ўтчиљ ўсимликлар орасида симподиал шохланиш итузумдошлар, айиқтовондошлар, гулхайридошлар (ғўза) оиласида учрайди. Гулли ўсимликларнинг симподиал шохлари гуллаб мева беради.

Учки куртакнинг нобуд бўлиши натижасида ён куртаклар очилиб йиғиқ шохларнинг ўсишига сабабчи бўлади. Ўсимликларнинг бу биологик хусусияти муҳим амалий аҳамиятга эга. Шунга асосланиб ўсимликка шакл берилганда мевали дараҳтларнинг мева бермайдиган ўсуви моноподиал шохлари кесиб ташланади. Бундан ташқари ўсуви шохларни кесиш, ухловчи куртакларнинг қайта кўкаришидан симподиал шохлар ривожланади.

Шохланиш қонуниятини ўрганиш ўсимликларнинг ҳосилдорлигини мунтазам ошириб боришда муҳим амалий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ғузанинг ҳосил туғиши даврида унинг учки (ўсиш) нуқтаси чимдиб ташланади.

ди. Яъни, чеканка қилинади. Натижада ғўзанинг ҳосилдорлиги гектарига 2-3 центнерга ошади. Токларнинг ўсувчи новдаларини кесиб ташлаш ҳам ҳосилнинг ошишига сабаб бўлади.

КОНВЕРГЕНТЛАР (лот. конвергерс — яқинлашмок) келиб чиқиши турлича бўлсада, маълум бир муҳитга мослашиши жиҳатидан ўхшаш белгиларга эга бўлган организмларга конвергентлар деб аталади. Масалан, сиртдан бир-бирига жуда ўхшайдиган америка кактуслари (11-расм) ва африка сутламадошлари (12-расм) шундай ўсимликлардир. Улар бир хил иқлимда қурғоқчил ўсишга мослашган. Бу ўсимликларнинг гуллари тузилиши жиҳатидан бир-биридан тамомила бошқача, уларнинг ўртасида қариндошлик белгилари йўқ.

Узоқ давом этган эволюция жараёни мобайнида баъзи органлар: масалан, новда, барг ёки илдизларнинг маълум сабабларга кўра етарли даражада тараққий этмасдан, шу ҳолича ирсий мустаҳкам белгига айланниб қолиш ҳоллари кўринади. Масалан, гулли паразитлардан зарпечак ва шумфияларнинг барглари редукция (лот. редукцио — қисқариш) ланиб жуда майда пўстларга айланган. Бу жараён ўсимликларнинг яшаш шароитига мослашуви туфайли содир бўлади. Зарпечак ва шумфияда барг ҳамда илдизлар




11-расм. Мексика ва Бразилияда ўсувчи кактуслар.



12-расм. Африка саҳроларида ўсувчи дарахтсимон сутлама.

редукцияланган бўлиб, бошқа ўсимликларнинг танасига сўрғичлари ёрдамида ўрнашиб, текинхўрлик қилиб ўсади. Шунингдек, тропик ўрмонларда ўсувчи рафлезия (13-расм) да ўсув органларнинг янада кўпроқ редукцияланганлиги кўринади. Уларда илдизлар ҳам, баргли новдалар ҳам бўлмайди, фақат тортмалар — сўрғичлар (гаусториялари) ёрдамида хўжайин ўсимликнинг пўстлоғи орасига ўрнашиб, паразитлик қилиб ўсади ва жуда ҳам йирик гул ҳосил қиласди. Баъзан ўсимликларда бирор органнинг бутунлай йуқо-либ ёки нобуд бўлганлигини учратиш мумкин. Масалан, сигирқўйруқдошларда бешта чангчининг иккитагача, фалладошларда олтига чангчининг биттагача сақланиб қолинганлигини ва бошқаларининг нобуд бўлганлигини кўриш мумкин. Бутгулдошларда эса тўпгулдаги қоплагич барглар бутунлай ривожланмасдан қолган. Бундай орган **абортив** (лот. **а б о р т и в и с** — чиқариб ташлаш) оғланлар деб аталади.

Баъзан ўсимликда турига хос бўлмаган, лекин аждодларига хос бўлган айрим белгилар пайдо бўлади. Бундай ҳодисага **атавизм** (лот. **а т а в у с** — аждод) деб аталади. Атавизмга гулнинг косача баргларини бутунлай баргга, икки жинсли гулларни бир жинсли гулга, новдада ҳалқа ёки



13-расм. Паразитлікка мослашған рафлезия.

доира шаклида жойлашған баргларни қара ма-қарши ёки жуда ҳам содда жойлашиш, чангчиларни гултожбаргларга айланиши (примула, сапсаргул, лолаларда) мисол бұла олади. Бунга асосий сабаб ташқы муҳит (вирус, замбуруғ ёки аукцин ферментларнинг ноаниқ тақсимланиши) сабаб бўлиши мумкин.

Ўсимлик оламида

баъзан бир орган тараққиётининг иккинчи орган тараққиётига боғлиқ ҳолда ўсиши ҳодисаси учраб туради, бунга корреляция (лот. корреляцио — нисбат, муносабат) ҳодисаси деб аталади. Корреляция сўзини биология фанига биринчи марта француз олими Ж. Кювье киритган. Ҳозирги вақтда бу атама ўсимликшуносликда кенг қўлланилмоқда. Масалан, гулхоналарда гул кўчатларининг илдиз учини кесиб ташлаш воситаси билан ён ва қўшимча илдизларнинг ривожланишига имкон яратилади. Фўзанинг бош ва ён новда учки ўсиш нуқтаси чилпиб ташланса, озиқ моддалар кўпроқ ҳосил шоҳларига ўтади. Натижада ёш шоналар тўкилмасдан тез ривожланиб кўсак эрта пишади ва ҳосилдорлик ошади.

Аналогик ва гомологик органлар. Эволюция жараённада ўсимликдаги хилма-хил органлар шаклан кескин ўзгариб, метаморфозага учраб, наслдан-наслга ўтиб, шу даражада ўзгарган буладики, уни қайси органдан келиб чиқишини фақат солиширмалар-морфологик усул асосида аниқлаш мумкин. Чунончи, аналогик ва гомологик органларни ўрганиш юксак ўсимликлар ўсув ва генератив органларининг ёки шу орган қисмларининг келиб чиқишини тушунтиришга ёрдам беради.

Келиб чиқиши ва бажарадиган вазифаси (функцияси) ҳар хил ва шакли бир хил бўлган органларга аналогик орган

(юонон. аналогия — ўхшашлик) деб аталади. Масалан, зиркнинг тикани — ўзгарган барг; гледичия (тикандаражт), дўлананинг тикани эса шакли ўзгарган новдадир.

Келиб чиқиши бир хил, лекин тузилиши, шакли ва бажарадиган вазифалари ҳар хил бўлган органлар гомологик органлар (юонон. гомологикис — ўхшаш, муносиб, хос) деб аталади. Бунга нўхатнинг гажаги, зиркнинг тикани, непентеснинг кўзачасимон барглари мисол бўла олади. Буларнинг барчаси келиб чиқишига кўра барг бўлса ҳам, лекин турлича вазифани бажаради. Жумладан, гажак чирмашиб ўсувчи танани кўтариш учун, тикан ўсимликни ҳимоя этиш учун, кўзача ҳашаротни тутиш учун хизмат қиласи.

3-б об

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ҲУЖАЙРАВИЙ ТУЗИЛИШИ

1-§. ҲУЖАЙРА НАЗАРИЯСИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Ўсимликнинг ҳужайравий тузилиши тўғрисидаги биринчи маълумот голландиялик ака-ука Ганс ва Захариус Янсенлар томонидан (1590—1610) оптик (кўзгу) микроскоп (юнон. микрос — кичик, скопеа — кўраман) кашф этилгандан кейин бошланган. Оптик микроскоп англиялик олим Роберт Гук томонидан такомиллаштирилди. У ўзи ихтиро қилган микроскопда шивит, шакарқамиш ва маржон дараҳт (бузина) каби ўсимликларнинг поя пўкаги тузилишини текширди ва уларнинг ҳужайравий тузилишга эга эканлигини аниқлаб, “Микрография” асарини эълон қилди. Бу асарда “ҳужайрани” *Cellula* (лот. Сутас — хона, катакча) деб атади.

Р. Гукнинг ҳужайра тўғрисидаги фикрлари бир қатор табиатшунос олимларни қизиқтириб қолди. Чунончи: англиялик тиббий олим Нимли Грью (1672—1682) “Ўсимликлар вегетатив органларининг анатомияси”, Италиялик олим Марчелло Мальпиги (1675—1679) “Ўсимликлар анатомияси” асарларини яратишиди. Улар ўз асарларида узунчоқ тузилишга эга бўлган прозенхиматик ҳужайраларни “Гук найчаси”, юмалок, тўрт бурчак ҳужайраларни эса “Гук халтачалари” деб атадилар. Узлари аниқлаган юмалок шаклга эга бўлган ҳужайраларга эса “пуфакчалар”, узунчоқ ҳужайраларга эса, тола найча “трахея” деб ном бердилар. Бу атамалар ўсимликлар анатомияси фанида ҳанузгача сақланиб келмоқда.

Кейинчалик голландиялик олим Антон Ван Левен Гук кўзга кўринмайдиган бактерия ва баъзи сувўтлар каби организмларнинг тузилишини текшириб, 1695 йилда “Табиат сирлари” асарини ёзади.

Хужайра назариясининг яратилишида катта ҳисса қўшган немис олимларидан ботаник Матиас Шлейден (1838) ва зоолог Теодор Шваннларнинг (1839) илмий тадқиқотларини мамнуният билан тилга олиш мумкин. Улар, бутун тирик табиатнинг — ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг ҳам асосий тузилиш бирлигини хужайра ташкил қиласди — “янги хужайра эски хужайра асосида вужудга келади” — деган салмоқли назарияни яратишиди.

Шундай қилиб, Т. Шванн ва М. Шлейденлар ўсимликлар хужайраси билан ҳайвонлар хужайраси назариясига асос солишиди.

Рус олими П. Ф. Горяинов (1796—1865) бутун табиатни икки оламга: аморф — анорганик (улик) ва органик (тирик) оламга бўлди. Яъни бутун тириклик хужайрадан иборат деган фикрни илгари сурди. И. О. Шиховский (1838—1840) ўсимликлар хужайрасига изоҳ берган. И. Д. Чистяков (1871) “Ўсимлик хужайрасининг тарихига доир” асарида ўсимликлар хужайрасининг цитокинез булинишини аниқлади. Рудольф Вирхов (1859) цитокенез тўғрисидаги тушунчани қонунлаштириди ва “ҳар қандай хужайра фақат хужайрадан пайдо бўлади” деган назарияни яратди. Бу назария ҳозир ҳам илмий адабиётларда тез-тез учраб туради.

Хужайра тўғрисидаги назариянинг пайдо бўлиши ва шаклланиши узоқ тарихий (таксинан тўрт юз йил) даврни ўз ичига олади. Шу давр ичida бирхужайрали ва қўпхужайрали ўсимликлар ва ҳайвонлар организмининг тузилиши тўғрисида талайгина илмий тадқиқотлар тўпланди.

Хужайра назарияси ўсимлик ва ҳайвонларнинг, генетик жиҳатдан бирлигидан келиб чиқсанлигидан далолат беради ва тирик организмларнинг энг муҳим тузилиш хусусиятига, хужайра тузилишининг бирлигига асосланади. Шунинг учун ҳам Ф. Энгельс хужайра назариясига юксак баҳо берди ва уни табиат соҳасида XIX асрда қилинган учта йирик кашфиётлар жумласига кирилди.

Электрон микроскопнинг кашф этилиши хужайра хақидаги назариянинг янада ривожланишига сабаб бўлди.

Хужайра назарияси — тирикликнинг энг кичик таксономик бирлиги хужайра эканлигини, унинг мустақил яшашга қобилиятлилиги ва унинг қўпайиши натижасида қўпхужайрали организмларнинг пайдо бўлиши ва такомиллашиши мумкинлигини исботлаб берди.

2-§. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ҲУЖАЙРА ТУЗИЛИШИ ТҮФРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Ҳамма тирик организмлар ҳужайра тузилишига кўра икки катта оламга: прокариотлар ва эукариотларга бўлинади.

Прокариот организмлар (бактериялар, яшил сувўтлар) да ҳужайранинг ирсий белгиларини геноформ (юнон. ген — туғилиш, келиб чиқиш, форм — шакл) ташайди. Ядро моддаси ҳужайрада биртекис тарқалган бўлиб, ядро пўсти бўлмайди. Эукариот организмлар (ўсимликлар, замбурууглар ва одам)нинг ҳужайрасида такомиллашган ядро бўлиб, унинг таркибидаги хромасомалар ирсий белгиларни наслдан наслга ўтказишида иштирок этади.

Эукариот организмларнинг ҳужайралари бир-биридан кескин фарқ қиласди. Ҳайвон ҳужайрасида ўсимликларга хос бўлган пўст пластидалар ва вакуолалар бўлмайди. Ҳайвонлар ва замбурууглар ҳужайрасида гликоген, ўсимликларда крахмал тўпланади. Ўсимликларнинг ҳужайра пўсти пишиқ бўлиб, цеплюзоздан; замбуруугларнинг ҳужайра пўсти хитин моддасидан ташкил топган.

Демак, ҳужайранинг энг муҳим белгиларидан бири унинг хилма-хиллиги ва үхашлигидир. Масалан, ҳужайра протопласти (юнон. протос — биринчи; пластос — шаклланган) мураккаб тузилишга эга бўлиб, унинг такомиллашиши натижасида бир қанча органеллалар ёки органоидлар (ядро, пластидалар, митохондрий, рибосома, лизосома ва бошқалар)дан ташкил топган бўлади. Органеллалар баҳарадиган вазифаси, тузилиши билан бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Ўсимлик ва ҳайвон ҳужайрасидаги органеллалар молекуляр тузилиши билан ва кимёвий таркиби билан үхаш бўлганлиги сабабли, уларнинг бажарадиган вазифаси ҳам үхшаб кетади. Бу, ўсимлик ва ҳайвон организмининг келиб чиқишида умумийлик борлигидан далолат беради.

Ҳар бир ҳужайра бир бутун мустақил бирлик бўлиб, унинг атрофи плазматик мембрана ёки плазмалема билан ўралган. Ҳужайра шу плазмалема орқали ташки мухит билан алоқада бўлади. Натижада у озиқ моддалар билан таъминланади.

Ҳамма ҳужайралар учун хос бўлган хусусиятлардан бири, цитоплазма ва ирсий ахборотларни ташувчи ДНК (дезоксирибонуклеин кислота)нинг мавжудлигидир.

Одатда, ўсимлик ҳужайраси уч қисмдан ташкил топади: ҳужайра пўсти — углеводли бирикмалардан тузилган бўлиб, ҳужайра сиртини қоплади. Протошласт — ҳужайранинг энг муҳим тирик қисми бўлиб, ҳужайра пўсти доворлари атрофига жойлашади. Ниҳоят ҳужайра марказиди вакуола (лот. вакуус — бўшлиқ) ишғол этади. Вакуолада ҳужайра шираси бўлиб, унда сувда эриган углеводлар, оқсиллар, тузлар, алкалоидлар ва бошқа бирикмалар тўпланаиди.

Ўсимлик ҳужайрасининг энг характерли белгиларидан бири, уларда жуда ҳам пишиқ тузилган пўст ва чўзилиб ўсиш хусусиятига эга бўлган вакуоланинг мавжудлигидир. Ҳужайранинг ҳажми вакуоланинг чўзилиб ўсиши туфайли содир бўлади. Ҳайвон ҳужайрасининг бўлинишида иштирок этадиган центриол юксак ўсимлик ҳужайрасида учрамайди.

Ҳужайранинг шакли, катта-кичиклиги ва бажарадиган функцияси танада жойлашган жойига боғлиқ. Зич жойлашган ҳужайралар 14 қиррадан иборат бўлиб, 4—6 бурчакли, уларнинг кўндаланг кесими ҳам 4—6 бурчакдан иборат. Эркин ўсиш хусусиятига эга бўлган ҳужайраларнинг шакли кўпинча шарсимон, юлдузсимон, ясси учили ва цилиндрисимон бўлиши мумкин.

Шакли бир хил бўлган, изодиаметрик тирик ҳужайралардан тузилган түқима паренхима (лот. пар — тенг, юонон. энхима — тўлдирилган) деб аталади. Одатда бундай ҳужайралар поя, илдиз, ҳўл мевалар ва баргларда учрайди. Улар моддаларни синтез қилиш ва тўплаш вазифасини бажаради. Паренхима ҳужайраларининг вакуоласида оқсил, ёғ, антоциан, таниид ва бошқа моддалар тўпланади. Ксерофит ўсимликларнинг паренхима ҳужайраларида сув тўпланаиди.

Баъзан ҳужайранинг ўсиши бир томонлама бўлиб, натижада чўзиқ ҳужайралар ҳосил бўлади, улар прозенхима (юонон. прос — бир йўналишда, энхима — тўлдирилган) ёки узунчоқ ҳужайралар деб аталади. Прозенхим ҳужайралар кўпинча дараҳтларда учрайдиган ўтказувчи най тола

бойламининг етилганидан сўнг тириклик хусусиятини йўқотади.

Хужайраларнинг катта-кичиклиги доимо ўзгариб турса ҳам, лекин ҳар қайси туркум вакиллари учун маълум катталикда ва шаклда учрайдиган белгидир. Одатда, хужайрани бир неча марта катталаштириб кўрсатадиган микроскоп остида куриш мумкин. Юксак ўсимликларнинг хужайра диаметри 10—100 мкм (кўпинча 15—60 мкм) бўлиши мумкин. Диаметри йирик хужайралар кўпинча гамловчи (озиқ моддаларни тўпловчи) хужайраларда масалан, картошка тутунакларида паренхимда, ҳул мева ҳужайраларида бўлади. Бундан ташқари тарвуз, лимон, апельсин ва бошқа меваларнинг юмшоқ эти, бир неча миллиметргача бўлади. Уларни баъзан микроскопсиз ҳам кўриш мумкин. Айниқса прозенхиматик хужайралар узунлиги жиҳатидан бошқа хужайралардан фарқ қиласди. Масалан, зигир толаси 40 мм, гуза толаси 35 мм, қичитки ўт толаси 80 мм узунлиқда бўлади. Уларнинг узунлигидан қатъи назар, кўндаланг кесими микроскопик ҳолда сақланади.

Юксак ўсимликларда хужайраларнинг сони бир неча ўн мингдан юз минггacha бўлиши мумкин.

3-§. ПРОТОПЛАСТНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА ФИЗИКАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Протопластнинг кимёвий таркибига: оқсиллар, нукleinлар, лиpidлар, углеводлар, минерал моддалар ва сув киради.

Оқсиллар — хужайранинг энг муҳим ва зарур таркибий қисми бўлиб, тирик материянинг тузилиши ва хусусиятини ташкил этади. Улар полимер ва мономер бирикмалардан, аминокислоталардан тузилган. Ҳозирги вақтда аникланган 40 га яқин аминокислоталардан 20 таси оқсилларнинг мономеридир. Энг юқори концентрацияли оқсиллар ўсимликларнинг уруғида аникланган бўлиб, уруғнинг қуруқ вазнига нисбатан 40% ни ташкил қиласди. Бу оқсиллар “гамловчи” вазифасини бажаради ва уруғ кўкариб чиққандан сўнг сарфланади.

Кимёвий жиҳатдан оқсиллар оддий ёки протеин ва муреккаб ёки протеидлардан иборат. Булар хужайрадаги бош-

моддалар билан қўшилиб, мураккаб моддаларни, яъни ёғлар билан қўшилиб — липопротеид, углеводлар билан — гликопротеид, нуклеин кислоталар билан — нуклеопротеидларни ҳосил қиласди.

Оқсилар протопластнинг моддий қисмини ташкил қилиш билан биргаликда ҳаёт жараёнини бошқарувчи ферментлар ёки энзинлар вазифасини ҳам бажаради. Ферментлар йирик ва мураккаб глобуляр оқсиллар булиб, табиятига кура биологик катализатор ҳисобланади. Ферментлар ўзининг таъсир этишига кўра икки гурӯҳ (гидролитик ва десмолитик)га бўлинади.

Гидролит ферментлар қандларни, ёғларни, глюкозид ва бошқа хил органик моддаларни гидролиз қиласди, лекин энергия ажратиб чиқармайди. Бу гурӯҳ ферментларга оқсилни парчалайдиган протеаза; ёғларни парчалайдиган липаза, крахмални қандга айлантирадиган амилаза ва бошқа ферментлар киради.

Десмолит ферментлар углерод атомлари ўртасидаги боғланишларни узишга олиб келади ва натижада катта иссиқлик энергияси ажралиб чиқади. Бир қатор ҳаётий жараёнларни жумладан нафас олиш, бижгишларни катализаза, пероксидаза каби ферментлар бажаради.

Ферментларни биринчи булиб, рус олими К. С. Киреев (1814) унаётган уруғда крахмалнинг қандга айланшини аниқлади. Аммо, шарқ халқлари бу ҳодисани бир неча аср илгари ўсаётган уруғ ва майсалардан шарбат ажратиб олиб, сумалак тайёрлаганлар. Бу жараённи кейинчалик А. И. Опарин, А. Л. Курсанов, Б. А. Рубинлар илмий асосда аниқлаб бердилар ва ферментлар биологиясига асос солдилар. Ферментларнинг асосий хусусиятларидан яна бири, ўз фаолиятини организмдан ажралган ҳолда ҳам сақлаб қолишидадир.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда озиқ-овқат саноатида, хусусан — нон, печенье маҳсулотларини тайёрлашда, чой, кофе, какао, чекиладиган, ичиладиган маҳсулотларни тайёрлашда кенг қўлланилмоқда.

Нуклеин (лот. нуклеус — ядро) кислоталар — ДНК (дезоксирибонуклеин) ва РНК (рибонуклеин) протопластнинг таркибида жуда оз учраса ҳам, улар биополимер гурӯҳини ташкил этади. Нуклеинлар протопластда оқсилларни син-

тез қилишда иштирок этади. ДНК хужайрада ядро, митохондрий ва хлоропластлар таркибида, РНК эса ҳам ядро, ҳам протопласт таркибида учрайди.

ДНКни биринчи марта 1936 йили А. Н. Белозерский үсимлик ҳужайрасидан ажратиб олган. ДНК — генетик (ирсий) информацияни сақладиган ва наслдан-наслга ўтказадиган молекула ҳисобланади. РНК эса шу ирсий информацияни ташиш учун хизмат қиладиган молекуладир.

Кимёвий жиҳатдан ДНК нинг ҳар бир занжири — полимер бўлиб, унинг мономерлари икки хил азотли асосларга эга бўлган нуклеозид (пириимидин ва пуурин) лардан иборат.

РНК бир неча хил бўлади, улар бажарадиган функциясига қараб номланади. Масалан, транспорт-ташувчи (Т-РНК), информацион-ахборот (И-РНК), рибосом (Р-РНК); сўнгиси рибосомалар таркибида учрайди. РНК мономерлари азотли ва фосфат кислота қолдиқли нуклеотид (аданин, гуанин, цитозин) лардан иборат. РНК молекулалари турли аминокислоталар билан комплекслар ҳосил қилиб, буларни оқсил синтезланадиган жойларга — рибосомаларга етказиб беради.

Липидлар (юнон. липос — ёф, мой; эйдос — ўхшаш) — протопласт таркибида учрайдиган энг муҳим моддалардир. Улар тузилишига кўра мураккаб эфир билан бириккан ёф кислоталари ва глицериндан ташкил топган. Кимёвий таркиби углеводларга ўхшамасада, улардан кислород сонининг озлиги билан фарқ қиласи.

Ўсимлик ёфи, эфир, глицерин (уч атомли спирт) ва ёф кислоталари оленин, пальметин, стеариндан ташкил топган.

Липидларнинг асосий хусусиятларидан бири, улар гидрофоб (яъни “сувдан қўрқувчи”) — сувда эримайди, аммо баъзи органик эритмаларда эрийди.

Ўсимликларнинг протопластида оддий ёғлар ва мураккаб липидлар (липоидлар ёки ёғларга ўхшаш моддалар) бўлади. Липидларга фосфо ва гликолипидлар ҳамда баъзи пигментлар (каротиноидлар) киради. Булар ҳужайранинг таркибий қисмларидан ҳисобланади. Ёғлар билан липидлар ҳужайрада энергия (кувват) бериш вазифасини бажаради.

Ёғлардан ташқари ўсимликларнинг ҳужайра оралиқладида эфир мойлари ёғ томчилари шакли (лаванда, ялпиз, лагох илус-күкпарат) да учрайди. Эфир мойлари саноатда парфюмерия соҳасида кенг қўлланилади.

Протопласт таркибида углеводлар ҳам учрайди. Углеводлар оддий ёки моносахарид ва мураккаб полисахаридлардан иборат. Моносахаридлар (фруктоза, сахароза) сувда яхши эрийдиган моддалар. Полисахаридлар (крахмал доначалари клетчатка, целлюлоза). Ҳужайрада углеводлар модда алмашинуви жараёнида асосий энергия манбаидир. Углеводлар (пентозалар) дан рибоза ва дезоксирибоза РНК, ДНК ва АТФ таркибига киради. Углеводлар ҳужайра таркибидаги актив биологик моддалар билан боғланиб гликозидлар, гликопротсид каби муҳим моддалар ҳосил қиласди. Бу, ҳужайранинг молекуляр хоссалари ҳисобланади.

Ҳужайра ҳаётида АТФ (аденозинтрифосфат кислотаси) жуда муҳим аҳамиятга эга. У ҳужайрадаги энергияни ўзлаштиришда биологик макромолекулали моддаларни синтез этишда иштирок этади.

Тирик ҳужайра таркибида 60—90% миқдорда сув бўлиб, унинг таркибида бошқа кимёвий моддалар эриган ҳолда учрайди.

Ҳужайранинг физикавий хоссалари — ҳажми, эластиклиги сувга боғлиқ. Одатдаги ҳолатда ҳужайра тифизлик, яъни эластик хусусиятга эга, унинг бу хусусияти ҳужайра суюқлигининг деворларига кўрсатадиган босимга боғлиқ булади. Шу босим эластик босимнинг суюқлик босими билан тенглашиб туради. Ҳужайранинг шуңдай одатдаги ҳолатига тургор (лот. тургоре — тўлиб тошмоқ) деб аталади.

Тирик ўсимлик ҳужайраларидаги тургор ҳолат сувга боғлиқ. Масалан, узуб олинган ўсимлик бир оз вақт ўтгач сўлий бошлайди. Чунки ҳужайрани тифиз тутиб, чузиб турдиган вокуоладаги ҳужайра суви аста-секин буғланиб боради ва тўқима ўзининг ички тифизлигини йўқотиб кўяди. Бу ҳодисага плазмолиз деб аталади. Сув эритувчи сифатида ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина моддалар ҳужайрага сувда эриган ҳолда шимилади, фойдаланган моддалар ҳам ҳужайрадан эритма ҳолида чиқарилади. Ҳужайрада руй берадиган кимёвий реакциялар фақат сувли эритмада содир бўлади. Масалан, оқсиллар,

ёғлар, углеводлар ва бошқа моддалар сув билан ўзаро кимёвий таъсир этиш натижасида парчаланади.

Ниҳоят, сув ҳужайрадаги иссиқлик тақсимотида ва иссиқлик ажратишида мұхим роль йүнайды. Ташқи мұхит ҳарорати пасайғанда ёки күтариғанда сув молекулалари ўртасида водород бөгларининг узилиши ва янгитдан ҳосил булиши туфайли иссиқлик ютилади ёки ажралиб чиқади.

Сувда әритмалар ҳолида жуда хилма-хил минерал тузлар бұлади. Ҳужайра таркибида қуидеги минерал тузлар: катионлардан — калий, натрий, кальций, магний; анионлардан — күчкісіз фосфор, хлор, карбон кислота қолдиклари ва бошқа күпгина тузлар бұлади. Бу тузлар ҳужайрадаги физик-кимёвий жараёнлар учун зарур.

Анорганик тузларнинг ионлари ҳужайрадаги осмотик босимни, сув алмашувини ұтто баъзилари ферментлар фаолиятини оширади.


Үсимлик ҳужайра протопласти рангсиз, лекин унинг таркибий қисми пластидалар (хлоропласт, хромопластлар) яшил, қызыл ёки пушти қызыл рангда бұлади. Протопласт физик-кимёвий ҳолати жиҳатидан күп фазали гидрозол каллоид (юон. калла — елим), яғни ёпишқоқ ва шилемшиқ моддадан иборат бұлиб, унинг зичлик даражаси 1.03—1.1. га тұғри келади.

4-§. ЦИТОПЛАЗМА

Цитоплазма (юон. цитос — ҳужайра; плазма — нағы)ни биринчи булиб чех олыми Ян Пуркинье 1839 йылда аниклаган. У цитоплазмани ҳужайранинг асосий таркибий қисми деб, таърифлаган.

Цитоплазма протопластнинг асосий таркибий қисми булиб, унда плазмалема, гиалоплазма, рибасома, гольджи аппарати, эндоплазматик түр, ядро, митохондрий, пластилар, вакуолалар, шунингдек бирикмалар (сув ва унда әриган тузлар жойлашади. Ҳужайранинг тузилиши электрон микроскопда 14-расмда курсатылған.

Плазмалемма — (лот. лемма — пуст) ҳужайра пүсти остида жойлашған булиб, цитоплазма мембраннынинг усткі қаватини ҳосил қиласы. Баъзи адабиётларда уни то-



14-расм. Электрон микроскопда 5000 марта катта қилиб құрсатылған липа барғы мезофилининг тасвири: ЦВ — цитоплазма ичидаги вакуола; Г — гиалоплазма; ГР — граналар; ГЭР — гранулярный эндоплазматический ретикулум; Д — диктиосома; КЗ — крахмальный заряд; КО — хужайра пүсти; ЛК — липид доначалары; М — митохондрий; МЖ — хужайралар оралиғи; МК — микротаначалар; ПД — плазмодесмы; ПГ — пластоглобула; ПЛ — плазмолемма; ПО — полисома; ПЯ — ядро пустедеги пора; Ўп — ўрта пластинка; Т — тонопласт; Ти — граналар орасидаги тилакоид; ХЛ — хлоропласт; ХМ — хроматин; МВ — марказий вакуола; Я — ядро; ЯД — ядро (nucleus); Яп — ядро пустое.

шопласт ёки вакуола мембанаси деб аталади. Плазмалемма хужайрада ташқы мұхит билан модда алмашинуви, яъни танлаб ўтказувчанлик ёки ярим ўтказувчанлик вазифаси- ни бажаради.


Плазмалемма орқали сув ва сувда эриган тузлар диф-
фуз тариқасида ўтади, лекин йирик заррага эга бўлган
коллоид эритмаларни ўтказмайди. Майда заррачалар (мо-
лекулалар) ва ионлар ҳар хил тезликда плазмалемма орқа-
ли гиалоплазмага ўтади. Плазмалемма баъзи моддаларни
синтез қилиш вазифасини ҳам бажаради. Масалан, у ҳужай-
ра пўстининг целлюзали микрофибрillарини ҳосил
қилишда ферментлар билан иштирок этади.

Тирик цитоплазманинг энг муҳим хусусиятларидан
бири унинг ҳаракат қилишидир. Аммо унинг ҳаракатини
йирик вокуолали ҳужайраларда куриш мумкин. Бунда
цитоплазма вокуола атрофида бир томонлама ҳужайра де-
вори бўйлаб айланма ҳаракат қиласди. Цитоплазма ядро,
пластидалар ва митохондрийларни ҳам ҳаракатлантиради.
Цитоплазманинг ҳаракати бир неча хил омил (ҳарорат,
ёруғлик, кислород ва бошқалар)ларга боғлиқ. Лаборато-
рияда цитоплазма ҳаракатини сувўтлардан хара ва сувда
ўсувчи гулли ўсимликлардан элодея ва валлиснериянинг
баргларида кузатиш мумкин.

Гиалоплазма (юнон. гиалос — ойна) ҳужайранинг доимий
гидрофилл ва каллоид елим қисми бўлиб, у чўзилувчанлик
хусусиятига эга. Бу каллоид модда цитоплазма ичидаги ҳамма
органеллаларни бир-бирига таъсири этишини ташминлайди.
Гиалоплазмада оқсиллар — ферментлар эриган моддалар
шаклида бўлиб, углеводларнинг (қанд ва гликолиз), липид-
ларнинг (ёғ кислоталарни) алмашинувида азотли ва фосфорли
бирикмалар (аминокислоталар)ни синтез қилишда иштирок
этади. Ҳужайрада кимёвий энергияни механик энергияга ай-
ланишида гиалоплазма фаол ҳаракат қилиб, ҳужайраларро
моддалар алмашинувида иштирок этади. Гиалоплазма ёш
ҳужайра цитоплазмасининг асосий қисмини ташкил этиб,
йирик ҳужайраларда ядро, пластида, митохондрий атрофи-
ни юпқа парда билан ўрайди.

Гиалоплазманинг таркибий қисмини оқсил молекула-
лари ташкил этади. Улар маълум бир тартибда жойлашган
микронайчалар ва микрофиламент (лот. филаментум — ип)
ларни ҳосил қиласди (15-расм, 1, 2).

Микронайчалар жуда ҳам майда заррачалар шаклида
бўлиб, уларнинг диаметри 25 нм, узунлиги бир неча мик-
ронгача бўлади. Бу найчалар плазмолеммага яқин жойда



15-расм. Митохондрий ва микронайчаларнинг электрон микроскопда куриниши: 1 — гинго баргининг ҳаво йўллари ҳужайрасидаги микронайчалар ($\times 45.000$); 2 — тамаки барги мезофилидаги митохондрийлар микронайчалари ($\times 45.000$); *мк* — митохондрий кристаллари; *кп* — ҳужайра пусти; *М* — митохондрий; *Mtr* — микронайчалар; *пл* — плазмолемма; *по* — полисома; *мп* — митохондрий пусти; *р* — рибосома.

бир-бирига параллел жойлашган ва кўпроқ бўлинаётган ҳужайраларда учрайди. Микронайчаларнинг бажарадиган вазифаси аниқ эмас. Улар ўзгарувчан, янгитдан ҳосил бўлади ва тезда емирилади. Митоз бўлинаётган ҳужайра хромосомаларнинг жойини ўзgartиришда ва моддаларни цитоплазмага ўтказишда иштирок этади, деган фикр мавжуд.

Микрофиламентлар (плазма иплар)нинг диаметри (4—10 нм) бўлиб, спирал шаклдаги қисқарувчан оқсиллардан ташкил топган. Бу плазма иплар пластидалар, рибосомалар ва микронайчаларга ёпишган ҳолда учрайди. Улар гиалоплазма ҳаракатини тартибга келтиради, деб фараз қилинади.

РИБОСОМАЛАР (юон. *сома* — таначалар)ни биринчи марта 1955 йили Паладе электрон микроскоп ёрдамида аниқлаган, катталиги $100—300 \text{ \AA}$, диаметри 20 нм га teng бўлиб, гранула (лот. *гранулум* — донача) қора доначалар шаклида кўринади (15-расм, 2). Улар тузилиши жиҳатидан бир қанча рибонуклеопротеид (РНК)ларнинг йигиндисидан ва ўнлаб ҳар хил шаклдаги оқсиллардан иборат. Табиатан бу доначалар эндоплазматик тўрнинг мембрана-

сини қоплаган бўлиб, унинг марказий қисмини ташкил этади.

Рибосомалар митохондриялар ва пластидаларда ҳам учрайди, лекин уларнинг ҳажми анча кичик бўлади. Рибосомалар якка-якка жойлашса — моносома (юонон. м о н о — бир, с о м а — тана) деб аталади. Агар рибосомалар бир нечтадан (4—40 тадан) иборат бўлса — полирибосомалар ёки аниқроғи полисома (юонон. поли — кўп) деб аталади. Полисомалар бири иккинчисидан 50—150 A° узоқликда жойлашган бўлиб, диаметри 10—15 A° га тўғри келадиган жуда ҳам ингичка ипчалар билан туташган и-РНК молекуласидан иборат. и-РНК генетик ахборотни “кучириб олади” ва маҳсус оқсил молекулалари ҳосил булиши учун “қолип” ўрнида уни рибосомаларга ўтказиб беради.

Рибосомалар олдин ядро ва ядрочада ҳосил бўлади, кейинчалик цитоплазмада шакланади. Улар катта-кичиклигига ва молекуляр оғирлигига қараб икки гуруҳга бўлнади. Энг кичик рибосомалар, прокариотлар (бактериялар ва кўк яшил сувутлар)га хос бўлиб, ҳажми $200 \times 170 \times 170 \text{ A}^\circ$ га teng, эукариотлар (замбуруғлар ва ўсимликлар) да учрайдиганларнинг ҳажми $240 \times 200 \times 200 \text{ A}^\circ$ teng. Цитоплазмада жуда кўп миқдорда юз мингга яқин полисомалар бўлади, улар оқсилни синтез қилишда фаол қатнашади.

Эндоплазматик ретикулум — ЭР ёки эндоплазматик тур (юонон. э н д о — ички; п л а з м а — битган, ҳосил бўлган, лот. р е т и к у л у м — тур) ўсимликлар ҳужайраси учун хос бўлган цитоплазманинг субмикроскопик тузилиши бўлиб, ҳар бир ҳужайранинг зарурий органоидидир. ЭР бир талай зичлашган халтачалар ва найчалар (везикул) тизимидан иборат. Уларнинг усти қалинлиги 5—7 нм келадиган рибосомалар билан қопланган бўлиб, микросомалар деб аталади. Булар фосфотид ва оқсил — липопротеидлардан ташкил топган.

ЭР бажарадиган вазифасига ва морфологик тузилишига биноан икки хил тузилишда бўлади: грануляр ёки ғадир-будур ва агрануляр ёки силлиқ.

Ғадир-будур ЭР зичлашган халтачалардан ташкил топган бўлиб, цистерна ёки ламелла (лот. л а м е л л а — ясси) деб аталади. Цистерналар ҳамма тирик ҳужайраларда учрайди, уларнинг сони ҳужайранинг тараққиёт даврига боғ-

лик. Цистерналар рибосомалар билан қопланган. Уларнинг асосий вазифаси рибосомаларда синтез қилинган оқсилларни Гольджи аппаратига ташиш (транспортировка)дан иборат. Кейинчалик бу моддалар ажратувчи хужайралар орқали ташқарига чиқарилади ёки бошқа органеллаларда (масалан, лизосомаларда) тұпландади. Фадир-бұдур ретикулум воситасида цитоплазмада органеллалар үзаро алоқада бўлади.

Фадир-бұдур ретикулум, хужайра мембраннынг ривожланиш ва ўсиш маркази ҳисобланади. Ундан хужайранинг айрим органоидлари (вакуола, лизосом, диктиосом) вужудга келиши мумкин.


Силлиқ ретикулум ингичка найдалардан иборат бўлиб, липидларни синтез қилиш вазифасини бажаради. (16-расм).

Хужайра мембраннынг энг муҳим хусусиятларидан бири танлаб ўтказувчанлигидир. У баъзи моддаларни осонлик билан ўтказса, бошқаларини жуда ҳам қийинчилик билан ёки бутунлай ўтказмайди. Хужайрага кирадиган озиқ моддаларнинг ҳаммаси мембрана орқали ўтади. Хужайра ажратиб чиқаридиган барча ташландиқ ва бошқа маҳсулотлар ҳам қарама-қарши йұналишда мембрана орқали ўтиб, хужайрадан чиқади.

Гольджи аппарати ёки комплексини ilk бор Италиялик олим — цитолог К. Гольджи томонидан (1898) ҳайвон хужайрасида аникланган ва “тұп аппарат” деб атаган. 1912 йилдан бүён “Гольджи аппарати” деб атала бошланган. Бу аппараттнинг ўсимлик хужайрасида мавжуд эканлиги яқинда, яъни электрон микроскоп кашф этилғандан сұнг аникланди. Ўсимлик хужайрасида уни диктиосома (юонон. д и к т и о н — тұр; с о м а — тана) ёки гольджи пуфакчалири деб аталади.

Хар қайси диктиосома диаметри 1 мкм, қалинлиги 20—40 нм, шакли юмалоқ, рибосомасиз агронуляр мембрана билан үралған 5—6, баъзан 20 тагача цистерналардан иборат (17-расм). Мембраннынг қалинлиги уч қават бўлиб, 60—70 A° га, яssi (цистерна) халтacha ёки катакчаларининг эни 60—90 A° , уларнинг оралиғи эса 50—200 A° га тенг.

Диктиосомаларнинг сони хужайрада ҳар хил: (10—50 ва баъзан 100 тагача) бўлади. Масалан, нұхатнинг мерис-




16-расм. Эндоплазматик ретикулум ва гольджи аппарати: 1 — терак барги безларининг электрон микроскопда кўриниши (60.000 марта катта қилиб курсатилган); 2 — грануляр ва агрогрануляр ретикулум; АЭР — найсимон агрогрануляр ретикулум; В — вакуола; ГЭР — грануляр эндоплазматик ретикулум цистерналари; О — ретикулур цистерна бушлиги; Гп — Гольджи пулфакчалари; По — полисома; Р — рибосома; Ди — диктиосома цистерналари.

тема ҳужайраларида 15—20 тагача, баъзи сувўтларнинг ҳужайрасида фақат битта диктиосома бўлади.

Электрон микроскопда диктиосом цистерналар яхлит бўлиб кўринмасдан, унинг четлари тешилгандек, майдамайда катакчалар ва шохланган найчалардан иборат (18-расм, 1, 2). Ҳар қайси найчанинг учидаги пулфакчалар ўрнашган (18-расм, 2 пг) бу пулфакчалар гольджи пулфакчалири деб аталади. Гольджи пулфакчалари гиалоплазма ва плазмолеммада тартибсиз жойлашади. Бу элементлар йиғиндиси ягона гольджи йиғиндинини ташкил этади.



17-расм. Плюш хужайрасида атрануляр эндоплазматик ретикулумнинг электрон микроскопда күриши (х 60.000 марта катта қилиб олинган). ГЭР — грануляр эндоплазматик ретикулумнинг цистернасы; М — митохондрий; Р — рибосома.



18-расм. Диктиосомалар: 1 — айиқтовон гули. Нектарнинг хужайралари таркибидағы диктиосома (электрон микроскопда 55.000 марта катта қилиб курсагилган); 2 — ўнг томонда-бутунлигіча олинған диктиосома, ғасвири; чап томонда -- цистерналар курсатылған; Гц — Гольджи пуфакчалари; Дц — диктиосома цистерналари; Пс — полисома.

Ўсимлик ҳужайрасида диктиосомаларнинг вазифаси кейинги йилларда электрон микроскоп ва авторадиография усули ёрдамида, ажратиб олинган органеллаларни цитокимёвий анализ қилиш натижасида аниқланди. Аниқланишича, диктиосомалар цитоплазмада синтез қилинган маҳсулотлар — **аморф** (юнон. а м о р ф — шаклсиз) полисахаридлардан пектин, гемицеллюзда каби моддаларни маҳсус ферментлар ёрдамида синтез қилишда қатнашади. Гольджи пуфакчалари полисахаридларни плазмолемага ташиб беради. Улардан ўсувчи ҳужайралар фойдаланади. Бундан ташқари гольджи аппарати оқсилларни (гидролитик ферментларни) ҳужайралар орасига ташийди ва лизосома ҳамда вауолаларни ҳосил бўлишида иштирок этади.


Ўсимликларда диктиосомалар (найчалар, цистерна, гольджи пуфакчалари)нинг келиб чиқиши тўлиқ аниқланмаган. Сувўтларининг диктиосомалари ретикулум элементлари билан боғланган бўлиб, ретикулум цистернасидан ажralиб чиқсан майда пуфакчалар бир-бири билан кўшилиб диктиосома цистернасини ҳосил қилади.

Юксак ўсимлик ҳужайраларида диктиосома миқдорининг кўпайиши ва гольджи пуфакчаларининг ҳосил булиши ҳозиргача аниқланмаган.

Митохондриялар — (юнон. м и т о с — ии, х о н д р и о н — донача, зарра) цитоплазмада донача шаклидаги органоид ҳисобланади. Улар ўсимлик ва ҳайвон ҳужайрасида мавжуд бўлиб, ҳар хил шаклда учрайди. Оддийлари юмалоқ, овал, ипсимон, таёқчасимон шаклла; мураккаблари — диаметри 0,3 — 1 мкм бўлган косачасимон, шохланган, овал шаклда ҳам учрайди.

Митохондриялар электрон микроскоп кашф этилмасдан олдин 1882 йилда Флемминг ва 1894 йилда Альман томонидан аниқланган. 1894 йили Бенда деган олим бу заррачаларга “митохондрия” номини берган. Улар ўсимлик ва ҳайвон ҳужайрасида бир хил кўринади. Аммо электрон микроскопда батафсил текширилса уларнинг ўртасида анча фарқ борлиги аниқланган.

Ўсимлик ҳужайрасида митохондрияларнинг сони ҳар хил: биттадан бир неча юзтагача бўлиши мумкин. Масалан, улар баъзи сувўтларининг ҳужайрасида фақат битта, юксак ўсимликларнинг суюқликлари оқадиган ҳужайра-



19-расм. Митохондрий тузилишининг тасвири (1,2): *Ви* — митохондрий пустининг ички қисми; *ДНК* — митохондрий ишининг ДНКси, *к* — кристе; *ма* — матрикс; *иим* — митохондрий пустининг ташки қисми; *Р* — митохондрий рибосомалари.

ларидаги күп миқдорда бўлади. Ҳужайрала учрайдиган ҳамма митохондриялар мажмуи **хондриосома** деб аталали.

Электрон микроскоп ёрдамида қаралганда митохондриялар куйидагича тузилган (19-расм, 1, 2). Улар ташки то мондан қобиқча билан уралган. Бу қобиқча иккита мембранныдан ташкил топган бўлиб, улар ўртасида тиниқ қават жойлашган. Ташки қават мембранны митохондрия билан гиалоплазма ўртасида буладиган модда алмашинуви жараёни мунтазам тартибга солиб туради. Ички мембрана тигизлиги ва кимёвий таркиби жиҳатидан ташки мембранныдан фарқ қиласди. Ички мембрана бўшлиғида найча ёки бурмалар ҳосил бўлади. Булар митохондрий кристаллари (лот. криста — қирра) деб аталади. Уларнинг шакли ҳар хил: оддий, пластинкасимон, найчасимон ва шохланган бўлиши мумкин. Кристаллар икки қаватли бўлиб, орасида пластинкалар ёки найчалар бўлади. Кристаллар митохондрияниң ички мембранныса тартибсиз жойлашиб, унинг ҳажмини кенгайтиради. Ҳар қайси кристалларнинг ораси матрикс (лот. матрекс — қолин; бўшлиқ) **гомоген** ва — юпқа доначали модда билан тўлган. Бу моддалар рибосом, майдада оқсил заррачалари ва митохондрий ДНК, РНК лардан иборат.

Митохондриялар мураккаб ультраструктура тузилишига эга бўлиб, физик-кимёвий хусусияти жиҳатидан цитоплазма солиштирма оғирлигидан устун. Улар ўзига хос кимёвий тузилишга эга бўлиб, оқсиллар, фосфолипидлар, нафас олувчи ферментлар, ДНК, РНК ва бир қатор витаминлар: А, В₆, В₁₂, К, Е дан иборат.

Митохондрийларнинг асосий вазифаси аминокислоталарни, карбонсувларни, ёғларни оксидлашдан ва шу жарайён давомида фосфорланиш натижасида энергиянинг асосий манбай бўлмиш АТФни синтез қилишдан иборат. Синтезланган АТФ цитоплазмага эркин кириб ундағи органоидларнинг фаолиятини (озикланиш, чиқариш, ҳаракат қилиш, ўсиш ва ҳ.к.) оширишда муҳим энергия манбай булиб хизмат қилади.

Пластидалар. Пластидалар (юнон. πλαστός — яратиляган, тўлдирилган) фақатгина тирик ўсимлик ҳужайрасида учрайдиган органеллалардир. Уларни биринчи марта 1880—1882 йилларда немис ботаниги Шимпер изоҳлаган. Пластидалар ҳужайрада ранг-тусни белгилаш хусусиятига ва бажарадиган вазифасига қараб уч хил: хлоропласт (яшил ранг берадиган пластид), хромопласт (сариқ, қизил) ва лейкопласт (рангсиз пластид) бўлади. Хлоропластларда асосан яшил (хлорофилл), сариқ (каротин) ва қизғиш (ксантофилл) пигментлар синтезланади.

Хлорофилл — ўсимлик ҳужайрасида учрайдиган энг муҳим пигмент (лот. πιγμέντος — ранг) — бўёвчи ёки яшил ранг берувчи (юнон. χλόρος — яшил, филан — барг) модда ҳисобланади. Яшил ўсимликларда хлорофилл озмикдорда бўлишига қарамасдан (баргнинг қуруқ оғирлигига нисбатан олганда у атиги бир фоизни ташкил этади) бу пигмент ўсимликнинг ўзи учунгина эмас балки ҳайвонлар билан одамлар ҳаётини учун катта аҳамиятга эга.

Ер юзидағи ёруғликда ўсузвичи ҳамма юксак ўсимликлар яшил рангда бўлади. Фақатгина паразитликка мослашган (шумфия, зарпечак ва бошқа) ўсимликларда яшил ранг берувчи хлорофилл бўлмайди. Қорону жойда ўсан ўсимлик ҳужайрасида хлорофилл бўлмайди ва бундай ўсимликларга этиологияланган (фр. этиоле — заифлаштирилган, сўлғинлашган) деб аталади. Хлоропластда хлорофилдан ташқари каротиноид (лот. карота — сабзи: эйдос — тус, қиёға — сувда эрийдиган сарғиш тарғил пигмент)лар гуруҳига кирувчи сариқ ранг берувчи — каротиноидлар бўлади. Улар хлорофилл таркибида яширганлиги сабабли яхши кўринмайди.

Хлоропласт барг ва ёш новдаларда (саксовул, жузғун), пишмаган меваларнинг ҳужайраларида кўпроқ бўлади.

Фақат ер остики органларда (илдиз, илдиз түкчалари, ён илдизларда) хлорофилл бўлмайди.


Хлоропластнинг доначалари шаклан линзага ўхшашдир (20-расм). Уларнинг сони ҳужайра хилига қараб ўзгаради. Масалан, шумтот дараҳти баргининг битта устунсизмон ҳужайрасида 14, теракда — 40, лавлагида — 65, тамакида — 100, картошкала — 325, ғовак тўқималарда уларнинг сони анча кам: теракда — 16, картошкада — 95, теракнинг эпидерма ҳужайрасида ҳаммаси бўлиб 5—7 та жуда майда хлоропластлар бўлади.

Сувўтларда учрайдиган хлоропластнинг шакли анча хилма-хил: пластинкасимон (мужоция), юлдузсимон (зигнема), ипсимон (спирогира) ва бошқалар. Сувўтларида хлорофилл сони жуда ҳам кам (бир нечтагача). Улардаги хлоропластларни кўпинча хроматофор (юнон. х р о м е о — бўёқ, ранг, форос — олиб юрувчи) деб аталади. Вошерия сувўтининг ҳужайрасида линзага ўхшаш хроматофора жуда кўп миқдорда учрайди.

Хлоропласт мураккаб тузилишга эга (20-расм, 1, 2, 3). Унинг цитоплазмаси иккита агронуляр (рибосомага эга бўлмаган) — ташқи ва ички мембрана пўст билан чегаралган бўлиб, гиалоплазмадан стромани (юнон. с т р о м а — ўрин, жой) ажратади. Строма таркибида пластидаларни асосий моддаси (ферментлар, ДНК иллари ва рибосомалар) тўпланади. Хлоропластнинг ички мембранны кучли тараққий этган бўлиб, унда бир-бирининг устига қат-қат жойлашган гранулалар (юнон. г р а н у м — донача), ясси ҳалтачалардан ташкил топган тилакоидлар (юнон. т и л а - ко и д е с — ҳалтача), ёки ламеллалар жойлашади.

Хлоропластнинг ҳамма тилакоидлари мембранилар билан ўзаро бирлашган. Тилакоид мембраниларида яшил ўсимликларнинг энг асосий пигменти хлорофилл (х л о - р о с — яшил; ф и л о н — барг) ва каротиноидлар деб аталаидиган моддалар тўпланади.

1960 йили олимлар хлорофиллни синтезлашга мувваффақ бўлишди. Хлорофилл моддаси ҳалқа бўлиб бириккан бир талай карбон ва азот атомларидан ташкил топган, унда ҳалқанинг марказида магний атоми туради. Мана шунинг учун ҳам тупроқда магний тузлари етишмай қолса, ўсимлик сарғайиб сўлади ва қуриб қолади.



20-расм. Хлоропласт: 1-тамаки барги ҳужайрасидаги хлоропласт ва митохондрий ($\times 20.000$) тасвири; 2,3 электрон микроскопда хлоропласт тузилишининг тасвири; Вм — хлоропласт ички пўсти мемранаси; гр — граналар; ДНК иллар; кз — крахмал доначалари; м — митохондрий; нм — хлоропласт мемранасининг ташқи пўсти; ох — хлоропласт пўсти; Pg — пластоглобула; пл — плазмолемма; р — рибосома; с — строма; т — тиопласт, тиг — тилакоид, цв — марказий вакуола.

Хлорофиллинг бир неча модификацияси (лот. м од и ф и к а ц и о — шакл ўзгариши) маълум (а, б, с, д). Ҳамма юксак ва яшил сувўтларда хлорофилл а ва б бўлади. Қўшимча пигмент тариқасида хлорофилл с ва б учрайди. Хлорофилл С-қўнғир ва диатом сувўтларда, хлорофилл d — қизил сувўтларда аниқланган. Хлорофилл сувда яхши эрийди, шунинг учун саноатда уни сув воситасида ажратиб олиб табиий бўсқ сифатида ишлатилади. Хлорофилл озиқ-овқат саноатида медицинада дори-дармон тариқасида кўлланилади.

Хлоропластларнинг асосий вазифаси — фотосинтез — қўёш ёруғлиги энергияси таъсирида карбонат ангидрид ва сувдан карбонсувлар (глюкоза) ҳосил қилишdir. Бу

жараённинг боришида асосий ўринни хлорофилл эгалайди.

Хлоропластларда фотосинтездан ташқари АТФ ва АДФ (фосфорлаш) ҳам синтез қилинади. Бу моддаларни синтез килишида асосан қүёш нури энергиясидан фойдаланилади. ДНК ва рибосомаларни, хлоропластларда мавжудлиги сабабли тилакоид мембраннынида оқсил, ферментлар синтез қилинади. Синтез қилинган моддаларнинг бир қисми ҳужайра фаолияти учун сарфланса, қолганлари крахмал доначалари, оқсил ва липидлар шаклида ғамловчи ҳужайраларда тұпланды.

Лейкопластлар (юнон. лейкос — оқ, пластос — ҳосил қилинган) күпчилик юксак үсимликлар ва баъзи сувұтларнинг ҳужайраларыда оқ рангли юмалоқ тирик таначалар шаклида учрайди. Уларни ёруғлик микроскопида күриш анча қийин, чунки ранги оқ булиб, гиалоплазма рангига үшашы. Лейкопластлар күпинча қүёш нури тегмайдыган (илдиз, ғамловчи илдиз, тугунак, пиёзбошлилар ва бошқа) органларда, муртак тұқима ҳужайраларыда, гаметаларнинг цитоплазмасыда, уруғда ва барг эпидермисининг (тәрдесканция) ажратувчи ҳужайраларыда учрайди. Уларнинг шакли юмалоқ эллипссимон, косачасимон ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Лейкопластлар хлоропластлардан, ички мембрана тизимишининг анча суст тараққий этганлиги билан, айрим ҳолларда битта тилакоиднинг учраши билан фарқ қиласи. Бошқа компонентлар (пүст, строма, рибосомалар, ДНК фибриллалари) хлоропластниң үшашдир.

Лейкопластларнинг асосий вазифаси крахмал, оқсил ва ёғ моддаларни тұплышдан иборат. Лейкопластлар фотосинтез жараённанда ҳосил бўлган глюкозани иккиламчи крахмалга амилопластларга айлантириб, ғамлаб қўйилган крахмалга ўтказиш хусусиятига эга.


Сумалак тайёрлаш учун ўстирилган буғдой майсасида ҳам иккиламчи крахмалга айланмаган лейкопласт таркибида амилаза ферменти мавжуд. Шу фермент майса суви таркибида булиб, уни буғдой уни билан (яъни таркибида иккиламчи ғамланган крахмал бўлган) қайнатилганда амилаза ферменти таъсирида иккиламчи крахмал (қандга) тотли сумалакка айланади. Баъзан лейкопласт стромасида

крахмал умуман түппланмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг стромасида ёғ кислоталари, суюқлик (секреция) ажратадиган ҳужайраларда эса эфир мойлари синтез этилади.

Хромопластлар (юонон. хромо — ранг, бүёк, пластос — түлдирилган) ҳужайра цитоплазмасида сарик, түқ мalla, қизил рангларга бўялган маҳсус пластилар ҳисобланади. Хромопластлар гулларнинг тожбарларида (айиқтовон, нарцисс, лола, қоқигул атиргул), пишган меваларда (помидор, қовун, ошқовок, апельсин, мандарин, хурмо ва бошқаларда), илдиз меваларда (сабзи, лавлаги) ва кузда тўкилишдан олдин сарғайган баргларда учрайди.

Хромопластлар — каротиноидлар (липоидлар) жумласига кирувчи пигмент (каротин, ксантофилл)лардан иборат. Бу пигментлар кимёвий тузилиши жиҳатидан углеводородларнинг изопереноиди бўлиб, 40 та углерод атомидан иборат. Каротинлар айниқса сабзида, наъматакнинг мевасида ва бошқа ўсимликларда кўп бўлади. Буларнинг таркибида хлорофилл бўлмайди, шунинг учун ҳам улар фотосинтез жараёнида иштирок этмайди. Хромопластларнинг шакли хилма-хил: элипссимон, кўп бурчакли, пилакчасимон ва ҳоказо. Катталиги 10—12 мкм. Улар шаклан кристалсимон каротиноидлардан иборат бўлиб, строма ипларида эркин ҳолда жойлашган.

Хромопластларнинг каротиноидлари плостоглобул деган ёғ томчиларида эриган ҳолда учрайди. Бу модда хромопласт ҳужайрасида анча зич жойлашган (21-расм).



21-расм. Айиқтовон гултожларидағи мезофилл ҳужайраларида хромопластларнинг кўрининиши ($\times 50.000$): *ам* — хромопластнинг ички, *и.м* — ташки мембранны; *пг* — пластоглобула; *с* — строма; *Т* — тонопласт.

Хлорспластлар билан хромопластларнинг оралиқ шакллари ҳам учрайди, буларга хромопластид деб аталади. Уларда жуда ҳам майда тилакоид қиррали ҳамда жуда кўп миқдорда йирик пластглобуллар бўлади (сабзи илдизмеваларида, тарвуз меваларида).

Одатда, каротиноидлар хромопласт ҳужайрасида ҳар хил қирралы кристаллар (тишсимон, игнасимон, пилласимон, учбурчак қирралы) шаклида түпланади.

Уларнинг модда алмашинувидаги ва синтез қилишдаги роли аниқланмаган.

Каротиноидлар, хлорофиллга үхаш осонгина ажратиб олинади ва саноатда бўёқ дори-дармон сифатида ишлатилади.

Ўсимликларнинг индивидуал тараққиёти (онтогенези) давомида бир хил пластида иккинчи хил пластидага айланниши мумкин. Масалан, кузда барглар тикилишидан олдин улардаги хлорофилл доначалари сарғаяди, сабаби, хлоропластларнинг ички мембрана қирралари ва стромадаги тилакоидлари бузилади, бу, ўз навбатида хлорофиллни бутунлай ўзгариб, каротиноидларга айланисига сабабчи бўлади. Оқибатда барг бутунлай сарғайиб тушиб кетади. Кейинчалик мева пишган вақтида хромопластга бой бўлади.

Лейкопласт хлоропластга айланади. Агар картошка тунакларининг устидаги тупроқ очилса, қуёш нурининг таъсирида лейкопластилар хлоропластларга айланади. Шунингдек хромопласт ҳам хлоропластга айланади. Масалан, сабзининг тупроқда ўсаётган қизил илдизмевасининг юқори қисми очиб қўйилса, бир қанча вақтдан сўнг илдиз бўйинчасидаги хромопласт кўкариб хлоропластга айланади.

5-§. ЯДРО

Ядро, унинг тузилиши ва вазифаси

Ядро (лот. нуклеус. юон — карион) ҳужайранинг деярли ўртасида, цитоплазма ичидаги жойлашган асосий органоид ҳисобланади. Уни биринчи марта инглиз ботаниги Р. Браун (1831) аниқлаган. Ядро ўсимлик ҳужайраси протопластининг энг йирик органоиди ҳисобланиб ҳамма эукариот оламига кирувчи организмлар ҳужайрасининг асосий таркибий қисмидир. Ўсимлик тури ва ёшига қараб, ядронинг катта-кичиклиги ҳар хил: чунончи кўпчилик ўсимликлар ҳужайрасида 10—25 мкм; жинсий ҳужайра-

ларда унинг катталиги 500 мкм гача бўлади. Цитоплазма-да ядро асосан думалоқ, кўп қиррали, урчуксимон ва бошқа шаклларда катталиги эса 500 мкм гача бўлади.

Ўсимлик цитоплазмасида битта ядро бўлади; баъзи тубан ўсимликлар (сувўтлари ва замбуруғлар)да иккита ёки жуда ҳам кўп бўлиши мумкин. Бактериялар (увоқлилар) ва кўк яшил сувўтларида такомиллашган ядро бўлмайди.

Хужайра ядросининг ҳолати ва шакли хужайра ёши ва тузилишига боғлиқ. Ёш хужайраларда у ўртада, қариган хужайраларда эса цитоплазма пўстига яқин жойлашган бўлади.

Ядро хужайрада жуда муҳим ва мураккаб вазифани ба-жаради. У хужайранинг зарурий қисми бўлиб, ундаги ҳаётий жараёнларни бошқаради. Чунончи, у модда алма-шинуви, ирсий белгиларни сақловчи ва ташувчи марказ-дир. Ядросиз хужайра тез орада нобуд бўлади. Бу бир қан-ча тажрибалар воситаси билан исбот этилган. Масалан, бир хужайралар табулярия сувўтининг ташқи кўриниши со-ябонга ўхшаб кетади, унинг ядроси ўша “соябон” даста-сининг учидаги жойлашган. Агар у кўндалангига кесилса, икки: бири ядросиз, иккинчиси — ядроли бўлакка бўли-нади. Устки ядросиз бўлак бир неча вақтдан кейин ҳалок бўлади, пасткиси, яъни ядроли бўлаги етишмай турган қисмини янгитдан регенерация (лот. регенерацио — тик-ланиш) қилиб танани қайтадан тиклайди.

Рус олими И. И. Герасимов спирогира сувўти хужай-расига совуқ таъсир эттириб, унинг одатдаги ҳолатини ўзгартиришга эришган, яъни совуқ таъсирида бўлинган ядро ўртасида тўсик ҳосил бўлмасдан, бўлинган ядро битта хужайрада қолиб, натижада икки ядроли хужайра ҳосил бўлган. Хужайралар жуда тез ўсиб йирик хужайрага ай-ланган. Ядросиз хужайра эса, тириклик белгиси, ассими-ляция (лот. а с с и м и л я ц и о — ўхшатиш, ўзлаштириш) сақлаб, яъни ташқи муҳитдаги моддаларни ўзлаштириш-ни давом эттирган, лекин бўлиниш хусусиятини бутунлай йўқотган. Бу тажриба билан И. И. Герасимов хужайра ҳаётида ядронинг аҳамиятини исботлаган.


Ядронинг кимёвий таркиби. Кимёвий тузилиши жиҳа-тидан ядро таркибида 99% ДНК бўлишилиги билан бошқа органеллалардан фарқ қиласи. ДНК цитоплазманинг мар-

казий қисмida жойлашиб, ядро таркибидаги дезоксири-
бонуклеопротеидлар билан оқсил йиғиндисини ҳосил қила-
ди. Ядрода РНК (айниңса и-РНК ва р-РНК) ва жуда күп
микдорда оқсиллар бўлади. Ядро хроматин ва ядроча бўлиб,
нуклеоплазмада ботган ҳолда учрайди. Ядро цитоплазма-
дан пуст билан ажралиб туради.

Хроматин (юнон. хрома — ранг, бүёқ) ҳужайра ядро-
сидаги ДНК мураккаб оқсил доначаларидан иборат. Ёруғ-
лик микроскопида улар ингичка иплар шаклида кўрина-
ди. Электрон микроскопда бу ипчалар узунлиги 20—30 нм
га тенг келадиган фибрilla (лот. фибрilla — тола) —
лардан иборат бўлиб кўринади. Шу толалар ичида икки
қатор спирал шаклида қайрилган ДНК бўлади. Хроматин
таркибидаги оқсиллар қисқа цилиндр шаклидаги дезок-
сирибонуклеопротеидлардан иборат бўлиб, узунлиги 10
нмга тенг. Хроматинда РНК синтезланади ва ядронинг
бўлиниши даврида ундан хромосомалар шаклланади.

Хромосомалар (юнон. хрома — ранг, сома — тана) —
ядронинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, унда ДНК
тўпланади. 1874 йилда рус олим Чистяков плаун ва қирқ
буғим спораларида хромосома таначалари борлигини аниқ-
лаган, лекин 1888 йилда немис олимни Волдир бу танача-
ларни “хромосома” деб аташни тавсия этган. Хромосома-
ларда ирсият бирлигининг ташувчилари — генлар (юнон.
генос — уруғ, келиб чиқиш) юзага келади. Одатда, орга-
низмдаги хромосомалар гаплоид ва диплоид бўлади. Жин-
сий ҳужайралар ядросида гаплоид, яъни битта хромосома
тўплами мавжуд. Гаплоид ёки бирламчи хромосомалар сони
жиҳатидан диплоид хромосомалардан икки марта кам бўла-
ди ва и деб белгиланади. Диплоид хромосомалар икки жин-
сий (эрқак ва ургочи) ҳужайраларининг қўшилишидан
ҳосил бўлади. Хромосомаларда ДНК тўпланади. ДНК да
организмнинг ҳар бир турида наслдан-наслга ўтадиган
ирсият бўлади.

Ҳар бир организмнинг тури ўзига хос маълум хромосома
сони билан белгиланади. Хромосомалар сони доимий-
лик қонунияти билан аниқланади. Масалан, бу қонуният-
га биноан юмшоқ буғдойда 14 та, қаттиқ буғдойда 28 та,
ғўзада 52, лагохилус-кўкпарангда 32 та, папоротникда эса
300 та хромосомалар аниқланган. Хромосомалар ядронинг



22-расм. Хромосоманинг тузилиш тасвири: А — ички тузилиши; Б — умумий кўриниши. 1 — иккала хроматид иплар; 2 — хроматид ичидаи хромонемалар; 3 — хромосомалар; 4 — хромосоманинг оксил матрикси; 5 — центромерали биринчи тортма; 6 — ядроча; 7 — йулдош хромосома.

кин. Шу вақт ичидаги ДНК нинг ҳар бир молекуласидан ўзига ўхшаш иккинчи молекула ҳосил бўлади, натижада диплоид (жуфт) хромосомалар вужудга келади.

Интерфаза ҳужайрада хромосома ҳаёт фаолиятининг ҳамма жараёнини назорат қиласи. Шу даврда РНКда оксиллар, углеводлар ва ёғлар узлуксиз синтезланади. Бу, ўз навбатида, ҳужайранинг ўсиши, озиқланиши, нафас олиши, АТФ синтези каби жараёнларни таъминлайди.

10—25% ни ишғол этади, лекин улар интерфазада кўринмайди. Улар фақат метафаза даврида аниқ кўринади, чунки бу даврда хромосома иплари анча қалинлашган ва тўқ рангда бўлади. Бўлинаётган ядрода хроматин иплари жуда ҳам ингичкалашган бўлиб, улар 140 \AA га тенг. Шунинг учун ҳам ёруғлик микроскопида кўринмайди. Хромосома иплари оксил билан бириккан бўлиб, ДНК нинг молекуласидан иборат (22-расм, А, Б).

Интерфазада (лот. интер — ташки. кине зис — ҳаракат), яъни бўлиниш жараёни содир бўлмасдан олдин ДНК синтезланади. ДНК синтези натижасида ҳар бир хромосома икки марта ошади. Бу, жараён ўсимлик турларига қараб 6—10 соат давом этиши мум-

Ядроча нуклеоплазмада эркин жойлашади, уларда худди хроматинга ўхшаш мембрана бўлмайди. Ядрочалар диаметри 1—3 мкм. бўлган бир ёки бир нечта юмaloқ, эллипсимон, узунчоқ шаклда бўлиши мумкин.

Ядроча ўзининг физик ва кимёвий хусусияти ҳамда солиширма оғирлигининг кўплиги билан ядродан фарқ қиласди. Электрон микроскоп ёрдамида текширилганда ўнинг моддаси субмикроскопик ипчалардан иборат бўлиб, нуклеолонема деб аталади. Улар ядронинг асосий таркибий қисми бўлиб, хромосомаларнинг шаклланишида, оқсилларни ва РНК ни синтез қилишда иштирок этади.

Нуклеоплазма ёки матрикс — ўта шаффоф суюқ модда. Унинг таркибida бир неча ферментлар; (оқсиллар) и-РНК, р-РНК ва анорганик элементлар (Ca , Mg , Fe) тўпланди. Матрикс тешикчалари орқали модда алмашинуви жараёни содир бўлади. Ядронинг таркибий қисми бўлмиш хроматин ва ядроча нуклеоплазмада жойлашади.

Ядро қобиги ёки кариотека субмикроскопик қалинликда (40—60 нм) бўлиб, ядрони цитоплазмадан ажратиб турувчи юпқа қаватдир. Ядро қобигининг тузилиши ва бажара-диган вазифасини 1925 йили Чемберс аниқлаган. У мустаҳкам эгилувчан ва қайишқоқ бўлиб, утказувчанлик хусусиятига эга. Ёргулик микроскопида у жуда юпқа (каталак) шаклида эканлиги, электрон микроскопда эса ташки ҳамда ички мембрана ва улар ўртасида перинуклеар (юон. пери — атроф; нуклеус — ядро) борлиги аниқланган. Ташки ва ички мембрана оралиғидаги бўшлиқда суюқ модда бўлади. Ташки мембронада рибосомалар ёпишган, гиалоплазма билан ички мембрана рибосомасиз бўлиб, нуклеоплазма билан туташган. Ядро қобигида талайгина тешиклар мавжуд. Шу поралар орқали цитоплазмада ва ундан ядрода оқсиллар, углеводлар, ёғлар, нуклеин кислоталар мавжуд бўлиб, сув ҳамда ионларнинг узлуксиз модда алмашинуви бўлади.


6-§. ЦИТОКИНЕЗ, МИТОЗ ВА МЕЙОЗ

Эукариот оламига мансуб организмлар хужайрасидаги ядро ва цитоплазманинг бўлиниб, янги хужайрани ҳосил бўлишига цитокинез деб аталади.

Ядро ва хужайранинг бўлиниши. Хужайра асосан митоз (юон. м и т о з — ип) ёки кариокинез (юон. к а р и о н — ядро, к и н е з и с — ҳаракат) усулда бўлинади.

Митознинг биологик аҳамияти шундан иборатки, хужайранинг бўлиниши натижасида ҳосил бўлган иккита янги хужайраларда хромосомалар қатъий бир текисда тақсимланади, бу, ҳар бир бўлинган ёш хужайранинг ирсий ахборотини тўлиқ ўтишини таъминлайди.

Митоз жараёни бир неча даврларга (босқичларга) — профаза, метафаза, анафаза ва телофазага бўлинади (23-расм).



23-расм. Пиёз илдизининг учидаги хужайранинг митоз бўлиниши:
1 — интерфаза, 2, 3, 4 — профаза; 5 — метафаза; 6 — анафаза; 7, 8,
9 — телофаза; 10 — цитокинез; 11 — қиз хужайралар.

Профаза (юон. про — дастлабки) — митознинг биринчи бўлиниш даврида хромосомалар спираль бўлиб ўралади, зичлашади ва ёруғлик микроскопида яхши куринадиган бўлиб қолади. Ядроча ва ядро пардаси аста-секин эрибетади. Натижада нуклеоплазма гиалоплазма билан қўшилиб, хромосомаларда бирламчи тортма (булиниш)чизиги пайдо бўлади. Хромосомаларнинг ҳар бир или спиралсимон ўралган иккита хроматидлар ҳосил қиласди. Улар ҳужайраларнинг қутбларида гиалоплазмада қалпоқчага ўхшаб центриолалар ёки бўлиниш уруғига айланади.

Метафаза (юон. мета — кейин) митознинг иккинчи босқичи бўлиб, хромосомалар экватор бўйлаб жой олади ва хромосома пластинкасини ҳосил қиласди. Хроматидлар урчук ипларига бирикиб бўлгандан кейин, хроматидлар қарама-қарши қутбларга тортилади. Метафазада хромосомаларни ҳисоблаш мумкин. (Масалан, пиёзда — 16, маккажўхорида — 20, юмшоқ буғдоидаги — 42, қарағайда — 14, қирқбўғимда — 108).

Анафаза (юон. ана — юқорига, фазис — куриниш) — митознинг учинчи босқичи бўлиб, унда хромосомаларнинг иккитадан хроматидлари ажралиб, аста-секин қутбларга қараб тарқалади.

Телофаза (юон. телос — охирги) — митознинг сўнгги босқичи бўлиб, хромосомалар спиралсизланади, яъни узун иплар шаклига киради. Ядро, ядроча, ҳужайра пўсти шаклланади ва худди профазага ўхшаб қолади.

Телофазанинг профазадан фарқи шундаки, ҳар қайси ташкил топган янги хромосома фақат битта хромосомадан иборат бўлиб унда, ДНКнинг сони икки баробар камдир. Хромосомадаги хроматинларнинг иккинчи бўлаги интерфазада ДНК дан редупликация (лот. икки баробар) ланиш йўли билан тикланади. Телофаза босқичида цитоплазма ҳам бўлинади, натижада иккита ёш ҳужайра бирбиридан ажралади. Ҳужайранинг мито бўлиниши 1—24 соатгача давом этади.

Мейоз (юон. мейозис — камайиш, озайиш) ҳужайранинг мураккаб бўлиниш шаклларидан бири бўлиб, унда редукция жараёни юз беради. Мейоз вақтида ҳужайрада хромосомалар сони икки марта камаяди. Шунинг учун ҳам бу жараённи редукцион бўлиниш деб аталади.

Мейоз жараённи илк бор рус олими Беляев (1885–1888), Страсбургер (1888) ва ниҳоят Флеммин (1889) томонларидан ўрганилган. Бу жараён ҳамма жинсий ҳужайраларда кўринади.

Масалан, тубан ўсимликларнинг жинсий кўпайиши гаметалар (изогамия, гетерогамия, оогамия) воситасида содир бўлади. Гематаларнинг қўшилиши натижасида диплоид зигота ҳосил бўлади. Бироз вақт ўтгандан сунг зиготанинг диплоид ядроси редукцион бўлинади ва гаплоид споралар вужудга келади.

Гулли ўсимликларнинг микроспоралари (чангчилари)–чангдон ичида (микроспорогенез), макроспоралар уруғмуртак (мегаспорогенез) вақтида редукцион бўлиниш натижасида ҳосил бўлади.

Мейоз икки марта бўлиниш жараёнидан иборат бўлиб, ядронинг биринчи бўлиниши, иккинчи бўлиниши билан тугалланади. Ҳар икки бўлинишда ҳам ҳар турт давр (профаза, метафаза, анафаза ва телофазалар) тақрорланади. Биринчи бўлиниш (редукцион)да хромосомаларнинг сони икки баробар камаяди, иккинчи бўлиниш – эквацион (лот. эквалистенг, баравар) бўлинишда хромосомалар тенг иккига бўлиниади; бу митоз бўлиниш йули билан бўлади. Умуман бўлинишлар I нчи ва II нчи бўлиниш даврлари деб айтилади.

Мейознинг биринчи бўлиниши гетеротип (юнон. гетерос – ҳар хил), иккинчиси гомеотип (юнон. гомойос – бир хил) деб аталади. Биринчи бўлинишда хромосома қайта тузилади, пировардида иккита ёш гаплоид ядро вужудга келади.

Мейознинг биринчи бўлинишида профаза узоқ давом этади, чунки бу даврда гомологик хромосома жуфт бўлиб конюгацияланади, ирсий белгилари алмашинади. Биринчи бўлинишнинг анафазасида гомологик хромосома ажралиб, гаплоид шаклга айланади ва қарама-қарши кутбларга тарқалади.

Профазанинг биринчи бўлиниши беш босқичдан иборат. Бу даврда ядро пусти ва ядроча йўқолади. Профаза I нинг биринчи босқичи лептонема (юнон. лепто – ноzik; нема – ип)нинг бошланишида гаплоид – гомологик хромосома жуда нозик иплар шаклига айланади ва параллел жойлашишга чоғланади. Лептонемадан кейин зигоне-

Ма босқич келади. Ҳар иккала босқич оралиғида махсус босқич бўлиб унга синапсис деб аталади. Бунда хромосом иплар қисилиб, зичлашиб тугун ҳосил қиласди.

Зигонема ёки коньюгация даври. Бунда гомологик (эр-как ва урғочи) хромосомалар жуфт-жуфт бўлиб бир-бирига параллел жойлашади. Бу даврнинг охирида ҳамма гомологик хромосомалар бир-бирига яқинлашиб бирлашади ва бивалентлар ҳосил қиласди. Ҳар бир бивалентда иккита гомологик (эркак ва урғочи) хромосомалар бўлади.

Пахинема (юонон. пахис — йўғон, нема — ип) ёки йўғон иплар даври. Бу даврда ҳар қайси гомологик хромосомалар аста-секин йўғонлашади, кейинчалик буралиб бир-бири билан коньюгация этилиши кузатилади. Натижада бивалент (жуфт) хромосомаларнинг умумий сони икки баробар камаяди. Баъзан бивалент хромосомалар буралиб, қалинлашган тугунча ҳосил қиласди, бунга **кроссинговер** дейилади. Шу даврда гомологик хромосома хроматидларининг бир-бирига ўтиши намоён бўлади. Бу ҳодиса келажак авлоднинг турли-туман генетик хусусиятларини таъминловчи омиллардандир.

Диплонема (юонон. ди — икки, нема — ип) йўғон иплар ёки тўртта хроматид даври. Бу даврда бивалентлик гомологик хромосома иккита хроматидга ажралади, натижада ҳар бир жуфт хромосома тўрттадан хроматидга эга бўлиб, айрим учлари бирикади. Икки хил хромосомаларнинг бирлашган жойига хиазма (юонон. хиасмос — кундаланг кесиб ўтган жой) деб аталади. Бу даврда хромосомалар қанча узун бўлса, хиазмалар шунча кўп бўлади. Хиазма хроматидлар жойини алмашишига имкон яратади.

Дикенез (юонон. ди — икки, кен. — тенг)да йўғонлашган жуфт хромосомалар ядро ва ядро атрофида тўпланади.


Метафаза I да гомологик хромосомалар икки қаватли пластинка ҳосил қиласди. Анафаза I да гомологик хромосомалар ажралади, яъни редукцион ёриқ бўйлаб бўлинади. Ажралган хромосомаларнинг ҳар бири икки хроматиддан ташкил топади ва кутбларга тарқалади.

Телофаза I да кутблардаги хромосомалар бўлиниб иккитадан хроматидларга эга бўлади. Шундан сўнг ин-терфаза бошланади, унда иккита ядро тақомиллашади. Мейознинг иккинчи бўлиниши жуда ҳам тез ўтади. Профаза II да урчуқлар ҳосил бўлади ва метафаза II бошланади.

Бу даврда хромосомалар иккига бўлинган хроматидлардан иборат бўлиб, урчуқлар экватор атрофидан жой олади, уларнинг сони икки баравар кам бўлади.

Анафаза II да илгари бўлинган икки жуфт хроматидлар кутбларга тарқалади ва гаплоид хромосомага ҳамда пўстга эга бўлган, ядро ва ядроча пайдо бўлиб, хромосомалар спиралини очади ва ҳужайра мембранныи шаклланади, шундан сўнг диплоид она ҳужайрадан тўртта гаплоид ядро ҳосил бўлади. Уларнинг атрофи цитоплазма билан ўралиб тўртта ёш ҳужайра ёки тетрада (спора) вужудга келади. Бу споралар гаплоидли бўлади.

Мейоз жараёни баъзи ўсимликларнинг жинсий ҳужайраларида содир бўлмаслиги мумкин. Шундан сўнг диплоид она ҳужайрадан тўртта гаплоид ядро ҳосил бўлади. Уларнинг атрофида цитоплазма билан ўралиб тўртта ёш ҳужайра ёки тетрада (спора) вужудга келади. Бу споралар гаплоидли бўлади (24-расм).



24-расм. Мейознинг тасвири: $2n=4$: 1 — метафаза (метафаза пластинкасида гомологик хромосомаларни жуфт бўлиб тўпланиши); 2 — анафаза I (гомологик хромосомалар хроматидларга бўлинмасдан кутбларга тортилиши); 3 — метафаза II (метафаза пластинкасида хромосомалар бир қатор бўлиб жойлашади, лекин метафаза I нисбатан хромосомалар сони икки баробар кам); 4 — анафаза II (киз хромосомалар бир-биридан ажралади); 5 — телофаза II (тетрада ҳужайралар ҳосил бўлади); В — веретино; хм₁ — бир хил хроматидли хромосома; хм₂ — икки хроматидли хромосома.

Баъзи ўсимликларнинг жинсий хужайраларида мейоз жараёни содир бўлмаслиги мумкин. Оқибатда, хужайралаги хромосомалар диплоид ҳолатда сақланиб қолади. Натижада уруғланиш содир бўлгандан сўнг ҳосил бўлган ҳамма хужайраларда хромосомалар сони уч баравар ортади. Бу ҳодисага полиплоидия (юнон. поли — кўп) ёки кўп хромосомаланиш деб аталади. Хромосомаланишни сунъий йўл билан ҳосил қилиш мумкин. Масалан, мейоз мавжуд бўлган хужайрага ташқи омиллар (рентген нурлари ва ҳар хил кимёвий моддалар) таъсирида мейоз бузилалиди. Оқибатда, хромосомалар сони ортади. Бундай хужайралар тез ўсиб йириклишиб кетади (маккажӯхори, буғдор, помидор ва бошқалар). Бу усул билан янги, серҳосил навлар яратиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишда қўлланилмоқда.

7-§. ВАКУОЛА ВА ҲУЖАЙРА ШИРАСИ

Вакуола (лот. вакуус — бўшлиқ) — хужайра ичидағи бўшлиқ бўлиб, ўсимликлар хужайраси учун ҳосил бўлган белгилардан биридир. Унинг ичи хужайра шираси билан тўлган. Ҳужайра шираси цитоплазмадан маҳсус мембрана тонопласт (лот. тонус — таранг, зўр; платос — маълум шакл) билан ажралиб туради. Тонопласт танлаб ўтказиш ёки ярим ўтказувчаник хусусиятига эга.

Ёш хужайраларда бўшлиқ ёки кавакчалар бўлмайди, улар хужайра қарий бошлагандан сўнг юзага келади ва бирбири билан кўшилиб, битта йирик вакуола ҳосил қиласиди.

Вакуола ўсиб йириклишиб хужайранинг 90% ини ишғол этади ва цитоплазмани ҳамда унинг таркибидаги органеллаларни хужайра пўстига қараб сиқиб суради ва натижада юпқа қават ҳосил қиласиди.

Вакуоланинг вазифаси: фамловчи, ажратиш ва хужайра таранглигини сақлашдан иборат. Шу сабабдан хужайрада осмотик ва тургор босим пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида, тўқиманинг қайишқоқлиги (эластиклиги)ни таъминлайди.

Вакуола ичидаги хужайра шираси бўлиб, унинг асосий таркибий қисмини сув ташкил этади. Сувда эриган минерал тузлар, органик бирикмалар (қанд ва полисахарид-


лар), органик кислоталар, алкалоидлар, гликозидлар, пигментлар ва бошқа моддалар бўлади. Бу моддалар протопластнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлади ва ҳужайра ширасида тўпланади. Вакуоланинг кимёвий таркиби ҳужайранинг кимёвий таркибидан фарқ қиласи.

Ҳужайра ширасининг концентрацияси ошса, сув тонопласт (ярим ўтказувчи парда-мембрана) орқали шимилиб, икки томондаги суюқликнинг осмотик босими тенг бўлгунча, бир томондан иккинчи томонга ўтади. Сувнинг ҳужайра вакуоли ичига кириш кучи **сўриш кучи** деб аталади. Сув шимилигдан сари вакуол ва ҳужайранинг ҳажми кенгаяди. Аммо ҳужайра пўсти қайишқоқ бўлганлиги сабабли чексиз кенгая олмайди, унинг ўзи ҳужайра шираси ва цитоплазманинг кенгайишига қаршилик кўрсатиб, улар томон босим билан таъсир этади, бу ҳодисага **тургор** (лот. тургоре — тўлиб-тошмок) деб аталади.

Демак, тургор тирик ўсимлик ҳужайраларига хос хусусиятларданdir. Узуб олинган ўсимлик тезда сўлийди, чунки ҳужайраларни тифиз (таранг) тутиб чўзиб турадиган катта-катта вакуолалардаги ҳужайра суви аста-секин буғланиб боради ва тўқума ўзининг ички тифизлигини йўқотиб кўяди. Шунинг учун ўсимликлар ҳаётида ҳужайранинг тургор ҳолати катта аҳамиятга эга бўлиб, ўсимлик органлари (барг, новда, гул, илдиз) ҳамма вақт бўртган ҳолатда бўлади. Бундан ташқари ўсимликда модда алмашинуви ассимиляция каби жараёнлар одатдагидек давом этади. Акс ҳолда, ўсимлик ҳужайрасидаги сувнинг чиқиб кетиши ҳужайра пўстидан ажralишига олиб келади. Бу ҳодисага **плазмолиз** (юнон. плазма — тўлдирилган; лезис — эриш) деб аталади (25-расм).

Плазмолизга учраган ҳужайралар тириклик хусусиятини сақлаб қолса, уларни сувга солиб тургор ҳолатини тиклаш мумкин. Бу ҳодисага **деплазмолиз** (лот. де ин кор) деб аталади. Деплазмолиз, плазмолиздан қайтиш, тургорга ўтиш демакдир. Бунда ҳужайра сувни шимиб олиб плазмолиз ҳолатидан, тургор ҳолатига қайтади.

Амалда қишлоқ ҳўжалигидаги кўп масалалар ўсимликнинг шу тургор ва плазмолиз ҳодисасига боғлиқдир. Масалан, ёз фаслида гўзалар ўз вақтида сугорилмаса, тупроқ эритмаси қуюқлашиб кетиб, сувнинг ўсимлик илдизига



25-расм. Плазмолизнинг тасвири: А — тургор ҳолатидаги ҳужайра. Б — плазмолизнинг ҳосил бўлиши (ҳужайра 6% KNO₃ эритмасига кўйилган; В — ҳужайра 10% KNO₃ эритмасига плазмолизнинг содир бўлиши; 1 — ҳужайра пўсти; 2 — протопласт; 3 — хлоропласт; 4 — марказий вакуола; 5 — ядро.

Утиши қийинлашади ва илдиз ҳужайраларида плазмолиз ҳодисаси рўй беради. Бундай ҳолда ўсимликнинг ривожланиши батамом тўхтаб қолиши мумкин. Шунинг учун ёзани вақтида супориш талаб этилади. Ёзга қондириб супорилса, ҳужайра тургори тикланади ва унинг ўсиши тезлашади.

Масалан, меристема (ҳосил қилувчи тўқима) ва муртак ҳужайраларнинг дифференцияланиши натижасида, кичик вакуолаларнинг бир-бири билан қўшилишидан йирик вакуола ҳосил бўлади. Аммо цитоплазмада вакуоланинг ҳосил бўлиши тулиқ ўрганилмаган.

Лизосомалар (юнон. лизио — эритаман; сома — тана) гидролитик фермент бўлиб, унинг катталиги 0.5—2 нмк. Ҳар бир лизосом гиалоплазмадан пишиқ мембрана билан чегараланган. Улар эндоплазматик ретикулум ёки Гольджи аппаратидан ҳосил бўлади.

Лизосомаларнинг асосий вазифаси макромолекулали биологик моддаларни (нуклеин кислоталар, оқсиллар, ёғлар, полисахаридлар, органик бирикм-тарни) эритишидан иборат. Бундан ташқари озиқ моддаларни ҳазм этишда ва парчаланган органеллаларни (пластид, митохондрий) чиқариб ташлашда фаол қатнашади.

ҲУЖАЙРА ШИРАСИ. Ҳужайра ширасининг таркибий қисми ўсимлик тури, органлар, тўқима ва ҳужайра ҳолатига қараб ўзгаради. Ҳужайра ширасида карбонсув-

лар, органик кислоталар, алкалоидлар, глюкозидлар ва құпгина бошқа моддалар бұлади.

Карбонсувлар. Ҳужайра шираси таркибида карбонсувлардан сахароза, глюкоза ва фруктоза құпроқ учрайди. Бу моддалар цитоплазманинг нафас олиши учун асосий энергия манбаи ҳисобланади.

Сахароза — шакарқамиш деб аталадиган үсимлик ҳужайра ширасида бұлади. Бу үсимлик тропик миңтақаларда үсади. Сахароза қанд лавлаги илдизмелариде ҳам жуда күп миқдорда тұпланади. Озиқ-овқат учун ишлатыладиган қанд шакарқамиш ва қанд лавлагидан олинади.

Глюкоза узум шакари, фруктоза — мева шакари одатда сахароза билан аралаш қолатда учрайди. Улар пишган мевалар (узум, олма, нок, шафтоли, қовун, тарвуз ва бошқалар)нинг этида тұпланади. Баъзи үсимликларнинг ҳужайра ширасида полисахаридлар шилимшиқ ёпишқоқ шаклда бұлади (масалан, кактусдошлар, орхидеягүлдошлар, семизүтгүлдошлар).

Мураккабгүлдошлар оиласининг баъзи вакиллари илдизида (андиз, ер ноки) инулин моддаси тұпланади. Тайлайгина үсимликларнинг ҳужайра ширасида карбонсувлардан пектин моддаси учрайди (апельсин, лимон, беҳи, олма, олхури ва бошқалар). Бу моддаларнинг кислота ва қанд билан бирга ивиб қолиш хусусиятига әғалиги, шу сабабли озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда ундан желатина сифатида фойдаланилади.

Пишиб етилган уругларнинг вакуоласида коллоид шаклда оқсил моддаси тұпланади (фалла донлари, лолагүлдошлар, итузумдошлар, соябондошлар). Бундай вакуола оқсилли вакуола деб аталади. Вакуоладаги оқсиллар ғадир-бұдур эндоплазматик ретикулумнинг рибосомаларидан синтезланади.

Органик кислоталардан ҳужайра ширасида лимон, олма, янтар, шавел кислоталар бұлади. Бу кислоталар күпинча пишмаган меваларда учрайди. Шунинг учун ҳам хом меваларнинг таъми нордон бұлади. Органик кислоталар минерал туз ионлари билан ҳужайрада осмос қолатини саклашда иштирок этади.

Ҳужайра шираси таркибида ошловчи моддалардан тағни тұпланади. Бу модда ҳужайра шираси таркибида баъ-

зан жуда ҳам кўп миқдорда тўпланади ва саноатда терини ошлашда ишлатилади. Танин таъсирида тери таркибидаги оқсиллар эримайдиган ҳолатга келади ва тери юмшаб, сув текканда шишмайдиган бўлади. Ўзбекистонда ошловчи ўсимликлардан таран, сабзавот ўсимлиги сифатида нор-дон откулоқ ёки шовул каби ўсимликлар ўсади. Кейинги йилларда энг яхши дубил модда берувчи ўсимлик сифатида таран экилмоқда.

Алкалоидлар (арабча — алкали — ишқор; юон. эйдос — ўхшаш қиёфа) — ўсимлик ҳужайра ширасида учрайдиган ишқор таъми аччик, рангсиз, баъзан тўқсариқ (зарфалдоқ) бўлади. Алкалоидлар юксак ўсимликлар ҳужайра ширасида учрайди. Ҳозирги вақтда алкалоидларнинг 2 мингдан ортиқ тури аниқланган.

Алкалоидлар ҳамма ўсимликларда ҳам учрайвермайди, улар фақат айрим ўсимликларга хос белги ҳисобланади. Масалан, кўкноргулдошлар, айиктовондошлар, итузумдошлар (бангидевона, мингдевона), рўянгулдошлар оиласларига кирадиган хинин ва кофе дараҳтларида кўп бўлади.

Алкалоидлар медицинада дори-дармон сифатида жуда ҳам оз миқдорда ишлатилади (морфин, кофеин, хинин). Қишлоқ ҳўжалигида заарли ҳашаротларга қарши курашда анабазин, никотин каби моддалар қўлланилади. Баъзи ўсимликларнинг ҳужайра ширасида жуда ҳам кўп миқдорда алкалоид (кўкнор), айрим ўсимликларда каучук (қоқи, гевея, таусагизда) тўпланади.

Гликозидлар (юон. гликис — ширин) — қандларни спирт, альдегид, фенол ва бошқа моддалар билан бириклишидан ҳосил бўлади. Ўсимлик гликозидлари табобатда дори-дармон сифатида ишлатилади. Масалан, ландишдан олинадиган гликозид юрак хасталикларини даволашда ишлатилади.

Самарқанд, Навои вилоятларининг ўл ва адирларида ёввойи ҳолда ўсадиган лагохилус ёки кўкпаранг ўсимлигининг барг ва гулларидан лагохилин (тўрут атомли дитерпин спирт) олинган. Бу модда табобатда турли хил касалликларни, айниқса қон кетишини тўхтатища ишлатилади.

Гликозидларга ҳужайра шираси таркибида учрайдиган Флавоноидлар (лот. флавус — сариқ) ранг берувчи фер-

ментлар ҳам киради. Флавоноидлар ўсимлик гулига сарық ранг беради. Масалан, сигирқүйрүк, примула, капалакгульдошлар, мураккабгульдошлар кўпчилигининг гули сарық рангда бўлади.


Баъзи ўсимликларнинг ҳужайра шираси таркибидаги антоциан (юнон. αντός — гул; κιανός — синий) деб атала-диган пигмент бўлади, бу пигмент ҳужайра ширасига қизил, синий, бинафшаранг беради. Бу, ранг-баранглик ҳашаротларни гулга жалб этиб, четдан чангланишини осонлаштиради.

Ҳужайра таркибидаги аралашмалар. Модда олмашинувининг маҳсулотлари, ҳужайра гиалоплазмасида, органеллалар, вакуола ва баъзан ҳужайра пўстида эритмалар ёки қаттиқ бирикма — кристалл ҳолида тўпланади. Уларни ёруғлик микроскопида кўриш мумкин. Бу моддалар крахмал, алайрон доначалари, рафид ёки друз шаклида кўринади (26, 27-расмлар).


Крахмал доначалари. Крахмал, одатда, лейкопластларнинг ичидаги стромада бир ёки бир неча доначалар шаклида ҳосил бўлади. Крахмал кимёвий таркиби жиҳатидан углевод булиб, у а — 1,4 — 0 — глюкан — полисахарид — $(C_6H_{10}O_5)_n$ шаклида ёзилади.

Крахмал доначалари совуқ сувда эримайди, иситилганда оқ модда — клейстерга айланади.

Ассимиляцион бирламчи крахмал фотосинтез жараёнида ёруғда ўсимликларнинг хлоропластларида ҳосил бўла-



26-расм. Ҳужайрада оксалат кальций тузларининг кристаллари: 1—2 — рафидлар; 3 — опунция ҳужайрасидаги друзлар; 5 — картошка баргининг ҳужайрасидаги кристалл.




27-расм. Ҳужайрада кристалларнинг тұпланиши:

А — аңжир баргиннің эпидерма ҳужайраларида тұпланған шистолит; *Б* — традесканция баргиннің ҳужайраларида тұпланған рафидлар; *В* — аңжир баргиннің устуңсіз үшкіншікке үшкімаларидаги друзлар; *Г* — begonия новда ҳужайраларидаги друз ва кристаллар; *Д* — пісіннің эпидерма ҳужайраларидаги кристаллар.

ди. Кечаси қоронғулиқда ассимиляцион крахмал ферментлар воситасида глюкозага айланади. Ҳосил бұлған глюкоза ғамловчи тұқымалар (тұгунак, илдизевалар, пісізбошлар)нинг махсус лейкопластлари ёки **амилопласт** (лот. амилум — крахмал) ларида тұпланади ва иккіламчы крахмалга айланади. Агар амилопластларда крахмал доначаларапи биттадан юзага келса **оддий**, иккита ёки бир неча крахмал доначаларидан иборат бұлса **мураккаб крахмал** доначалары деб аталади. Микроскоп остида қаралса крахмал доначалари қатлам-қатлам булып күринади (28-расм). Қатламлар концентрик (кон.— биргаликда; центрум — марказ) крахмал күпинча капалакгүлдошлар, ғаллагулдошларда учрайди, баъзан эксцентрик (лот. экс — күшимчадан ташқари) қатлам (картошка тұгунакларыда) бұлади.

ОҚСИЛ ДОНАЧАЛАРИ. Ҳужайраннің органеллалары да оқсил доначалар кристалл ёки **аморф** (юон. *α* — инкор қилиш, м о р ф е — шакл) яъни бир шаклға эга булмаған ҳолатда учрайди. Оқсил кристаллари күпинча ядро-



28-расм. Крахмал доначалари: А — сули дони хужайрасидаги мураккаб; Б — картошка тугункларидаги оддий; В — сутлама хужайрасидаги оддий; Г — геран шохчаси хужайрасидаги; Д — ловия уруғи хужайрасидаги; Е — маккажӯхори; Ж — буғдои дони хужайрасидаги оддий крахмал доначалари.

нинг нуклеоплазмасида, гиалоплазмада (картошка тугунклари, нилуфар гулиниң устунча паренхимасида), лейкопластларнинг стромасида (ловия, бирпаллали ўсимликларни ўтказувчи наиларида), эндоплазматик ретикуланинг кенгайган цистерналарида (бутгулдошлар, пиденанинг безларida), митохондрия ва вакуолада тўпланади. Оқсил кристаллари 8–12 имк катталиқда бўлади.

Одатда уруғлар оқсилга бой бўлади. Оқсилга анча бой бўлган ўсимликлар (нұхат, ловия, соя, ясмиқ, нут, ерёнғоқ) ва бошқалар киради. Оқсилли уруғлар озиқ-овқат сифатида ниҳоятда қимматли маҳсулотdir. Аморф шаклдаги оқсилларга капалакгулдошларнинг уруғлари, гуруч, макка дони мисол бўла олади.


Оддий оқсиллардан протеинлар, гиалоплазма ва вакуолада кристалларга ўшаш эллипсоид шаклдаги алейрон доначалар алейрон ҳосил қилади. Алейрон доначалар ичида тиник ёки ялтироқ, юмалоқ шаклда

глобоидлар бўлади (29-расм). Кристаллга айланган оқсиллар мураккаб булиб, улар кўпинча мойли уруғларда (зигипир, кунгабоқар, писта, қанакунжут, ошқовоқ ва бошқаларда) бўлади.

Уруғларнинг униши олдидан оқсил доначалари шишли ва ферментлар таъсирида эрийдиган ҳолатга ўтиб, кимёвий жиҳатдан соддароқ бирикмаларга айланади. Бу моддалар униб чиқаётган эмбрионга (муртакка) озиқ бўлади ва майсанинг ўсишига сарф этилади. Алейрон доначалари сарф этилгандан сўнг уларнинг ўрнига вакуолалар ҳосил бўлади, кейинчалик бу вакуолалар бир-бирига қўшилиб аминокислоталарга бой бўлган марказий вакуолага айланади.

Уруғларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиши вақтида рибосомаларда вужудга келган оқсил доначалари вакуолада тўпланади. Уруғ пишган вақтда вакуола таркибидаги сув буғланиб чиқиб кетгандан кейин оқсил кристалларга (алейрон доначаларига) айланади ва уруғ таркибида фамловчи модда сифатида тўпланади.

Липидлар (юон. липос — ёғ) ўсимликларнинг ҳамма хужайраларида учрайди. Одатда, ёғ томчилари цитоплазманинг гиаолоплазмасида тўпланади, улар ёруғлик микроскопида қора доғлар шаклида кўринади. Ёғлар асосан пишган уруғларда (чигит, кунгабоқар, зигипир, ёнгоқ, ерёнгоқ, соя) бўлади ундаги куруқ модданинг 40% ни ташкил



29-расм. Канадона (клешевина) уруғи таркибидаги алейрон доначалари: 1 — алейрон доначалари; 2 — алейрон доначаларининг пўсти; 3 — кристаллар; 4 — глобоид.

этади. Үсимлик ёғлари истеъмол қилинади ва саноатда (совун, мойли бүёклар, двигателларни мойлашда) ишлатилади.

КАЛЬЦИЙ ОКСАЛАТ КРИСТАЛЛАРИ. Оқсил, ёф томчиларидан ташқари ҳужайранинг вакуола ва бошқа органларида (каротиноидлар, хромопласт) кальций оксалат кристаллари учрайди. Уларнинг шакли ҳар хил булиб, асосан, вакуолада тўпланади (28-расм, г). Друзлар (чех, д р у з а — тўплам)нинг шакли шарсимон, қўшалоқ-қўшалоқ булади. Улар кўпинча илдизмева ҳужайраларида, баргларнинг бандларидаги тўқималарда ва эпидермис ҳужайраларида тўпланади. Рафид (юнон. ра ф и с — нинасимон шаклда) — икки учи ўтқир кристаллар тўпламидан иборат (28-расм, б). Бундай кристаллар токнинг новда ва барг ҳужайраларида тўпланади. Баъзи үсимликларнинг вакуоласида сонсаноқсиз думбоқчали қопчиқсимон пуфак шаклдаги кристаллар тўплами ҳам учрайди, уларга цистолит (юнон. ц и с т и с — пуфак; л и т о с — тош) деб аталади. Цистолит ҳужайра бўшликларида осилиб туради (27-расм, А). Цистолит кальций карбонат тузларидан ташкил топган булиб наша, ачитқи ўт, тут баргларнинг ҳужайраларида булади.

3-§. ҲУЖАЙРА ПЎСТИ ВА УНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Ҳужайра пустининг ҳосил бўлиши, тузилиши ва биологик аҳамияти. Үсимлик ҳужайраси ниҳоят пишиқ тузилишга эга бўлган пўстга эга. Шунинг учун ҳам үсимлик ҳужайраси ҳайвон ҳужайрасидан фарқ қиласи. Үсимликларнинг ҳужайра пўсти цитоплазма фаолиятининг маҳсулоти булиб, ҳужайра ичидаги протопласт, плазмалемма ва органеллаларни ўраб ҳимоя этади. Одатдаги шароитда ҳужайра пўтсиз яшай олмайди, чунки ҳужайра тифизлигини сақловчи тургор босими плазмалемани ва протопластни ёриб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳужайра пишиқ пўст билан ўралган булади. Кўпчилик сувўтлари ва замбуруғларнинг зооспораларида пўст бўлмайди. Уларнинг протопласти юпқа эластик қатлам плазмалема билан қопланган.


Ҳужайра пустининг ривожланиши Гольджи аппарати ва плазмалемма фаолиятига боғлиқ. Уларнинг таркибида

максус ферментлар бўлиб улар, полисахаридларни синтез қилишда қатнашади. Ҳосил бўлган полисахаридлардан це́ллюлоза ва хитин микрофибрillари, Гольджи аппарати ёрдамида плазмалемага ташилади. Бунда улар бир-бири билан зич жойлашиб пўстни ҳосил қиласди (30-расм).

Хужайра пўсти илк бор муртак (эмбрионал) ва мериствема (ўсимликларнинг тузувчи тўқимаси) хужайраларида пластинка шаклида ҳосил бўлади. Пластинка пектин мoddасидан ташкил топган бўлиб, ярим суюқлик ҳолида учрайди, лекин унинг таркибида це́ллюлоза бўлмайди. Ёш хужайралар цитокинез бўлинниб кўпаяди. Ҳосил бўлган ҳар қайси ёш хужайра ўзининг максус пўстига эга; қўшни хужайралар бир-биридан юпқа оралиқ парда пластинка билан ажралган. Бинобарин, ҳар қайси қўшни хужайралар бир-биридан икки қават “девор” билан ажралади. Шу сабабдан баъзи адабиётларда хужайра пўстини хужайра “девори” ёки пардаси, аниқроғи хужайра пўстининг ички девори деб айтиш мумкин.

Одатда, хужайра пўсти тиниқ, рангсиз, осонлик билан кўёш нурини ўзидан ўтказиш хусусиятига эга. Пуст орқали сув ва сувда эриган моддалар ўтказилади.

Хужайра пўсти ўсиш хусусиятига эга, унинг ўсиши чўзилиш воситасида содир бўлади. Хужайра пўстининг қалинлиги хужайранинг ёшига ва жойлашган ўрнига қараб ўзгариб боради. Электрон микроскоп, ёруғлик ҳамда рентген нурлар ёрдамида ўсимликларнинг соматик хужайра пўсти



30-расм. Ўсуви ҳужайра пўсти компонентларини ҳосил бўлиш тасвири: *ко* — ҳужайра пўсти; *пл* — ҳужайра пўсти матриксидаги аморф ҳолатдаги полисахаридлар; *Г* — гиалоплазма, *пг* — плазмолемада учрайдига мембрана; *Д* — диктиосомалар.

икки (ташқи ва ички) қават эканлиги ва уларнинг ўртасида маҳсус пластинка қавати борлиги аниқланган.

Хужайра пўстининг чўзилиш даврида ёш хужайралар ҳамма вақт бир хил текисликда ўсмайди. Хужайра пўстининг ядрога тегиб турган жойи бошқа жойга қараганда тезроқ йириклишади. Одатда, хужайра пўсти ичкарисидан қалинлашади. Чўзилиб ўсан пўстнинг хужайраси бирламчи бўлиб, унинг таркибида 60—90% сув бўлади. Бирламчи пўстнинг қалинлиги 0,1—0,5 нмк. Иккапаллали ўсимликларнинг бирламчи пўст хужайраларида пектин ва гемицеллюзода тенг микдорда бўлади. Бирпаллалиларда асосан, гемицеллюзоза учрайди. Бирламчи пўстда целлюзоза 30% ни, оқсиллар 10% ни ташкил этади. Лигнин моддаси умуман бўлмайди.

Кўпчилик ўсимликларда хужайранинг ўсиши тўхташи билан бирламчи пўст ҳам ўсишдан тўхтайди. Бундай хужайралар юпқа пўст билан қопланган бўлиб, ўсимлик ҳётининг охиригача сақланиб қолади.

Баъзи ўсимликларда хужайра пўстининг ўсиши ички томондан давом этаверади ва натижада иккиласми қалинлашиш ҳосил бўлади.

Натижада айрим хужайралар (масалан, толалар, трахеидлар, бўғинли толалар)нинг протопласти нобуд бўлади. Аммо, баъзи ўсимликларда (қарағай) паренхима хужайралари ва флоэмаси ҳаётчанлигини сақлаб қолади.

Умуман пўстнинг иккиласми қалинлашиши асосан, механик аҳамиятга эга булиб, ўсимлик танасининг мустаҳкамланишига сабаб бўлади. Баъзи бир урургларнинг жуда қалин пўстида озиқ моддалар тўпланади. Шунга биноан, иккиласми қалинлашган пўст таркибида сувнинг микдори оз, целлюзоза микрофибралари кўп бўлади. Жумладан пахта толасининг таркибида 95% целлюзоза учрайди.

Игнабаргли дараҳтлар ва ёпикуруғли ўсимликларнинг иккиласми қатлами орасида учламчи қатлам ҳосил бўлади. Учламчи қатламнинг қалинлиги 1—10 ммк гача бўлиб, целлюзозага жуда ҳам бой.

Пўст ҳамма вақт ҳам хужайра атрофига бир текисда қалинлашмайди, шу сабабли баъзи жойлари жуда ҳам ингичка тешикчалар шаклида қолади. Бу тешикчалар пора ёки апертура (лот. а пер тус — очик) деб аталади. Тузи-

лиши жиҳатидан поралар икки хил: оддий ва ҳошияли булиши мумкин. Оддий пораларнинг диаметри бир хил, ичи цилиндрический, баъзан эгилган бўлади. Бу хилдаги поралар паренхиматик хужайраларда, луб толаларида (склеренхима), ёғочланган толаларда кўпроқ учрайди. Тошибони хужайраларда (беки, нок, нашвоти) поралар тармоқланган. Ёндош хужайралар деворидаги поралар бир-бигрига қарама-қарши жойлашади.

Ҳошияли поралар тешик камераси билан тешик калдан ташкил топган. Бу хилдаги поралар кўпинча сув ўтказувчи ёғочланган хужайраларда кўпроқ учрайди. Энг оддий тузилган ҳошияли пора юқоридан қаралса иккита айланага ўхшаб кўринади. Айлананинг каттаси туташтирувчи парда билан ўралган. Нинабаргли ўсимликларда мураккаб тузилишдаги ҳошияли поралар учрайди. Уларда парданинг ўрта қисми йўғонлашган бўлиб, торус (лот. торус — ётоқ жой) деб аталади. Торус ўрта пластинкасининг қолдиги бўлиб, икки томондан бошлангич пуст билан ўралган.

Поралар хужайраларро сув ва сувда эриган моддаларнинг ўтишини таъминлайди.

Хужайра пўстида поралардан ташқари, плазмодесмалар (юнон. десмос — боғлама) деб аталадиган тузилмалар бўлади. Плазмодесмалар факат ўсимлик хужайрасига хос бўлиб, протопласт пайванди, яъни қўшни хужайраларни бир-бири билан боғловчи нозик цитоплазматик иплардан ташкил топган. Улар хужайра поралари ичидан ўтади. Ҳамма юксак ўсимликларнинг кўпхужайрали сувўтлари хужайрасида плазмодесмалар борлиги, ёруғлик микроскопи ёрдамида аниқланган. Одатда улар тўп-тўп бўлиб, айрим вақтда якка ҳолда жойлашади. Тузилиши электрон микроскопда ўрганилган.

Хужайра пўстининг кимёвий таркиби. Хужайра пўсти асосан, полисахаридларнинг (ксилан — ксилоза, манан — маноза, глюкан — глюкоза ва бошқа моддалар) мономерларидан ташкил топган.

Полисахаридлардан ташқари хужайра пўсти таркибидаги оқсиллар, минерал тузлар, лигнин, пигментлар ва бошқа моддалар ҳам бўлади.

Юксак ўсимликлар ҳужайра пўстининг асосини целлюлоза (клетчатка) ташкил этади. Бу модда — 1,4 глюкан ёки ($C_6H_{10}O_5$)_n карбонсувдан иборат бўлиб, узун молекулалар занжирга ўхшаш, такрорланадиган бирликдан ҳосил бўлган иккита глюкоза қолдиги (целлюлоза)дан иборат. Электрон микроскопда улар ингичка (1,5—4 нм) толалар шаклида кўринали. Бу толалар кристалланиш хусусиятига эга бўлиб, микрофибраллалар деб аталади. Бу модда эластиклик, пишиқлик хусусиятига эга бўлиб, нурларни яхши синдиради.

Целлюлоза сувда ва органик бирикмаларда эримайди, қайнатилганда ҳам ишқор ва кучсиз кислоталардан таъсириланмайди. Целлюлоза микрофибраллари эластик ва жуда пишиқ, шу сабабдан ҳалқ ҳўжалигида кенг кўлланилади. Жумладан, целлюлозадан пахта толаси, вискоз деб аталадиган сунъий ипак, милиқнинг тутунсиз ўқи, целлофан, қофоз, ёғоч олинади.

Замбуругларнинг ҳужайра пўсти хитин деб агаладиган полисахаридлардан ташкил топган. Хитин — глюкозанинг қолдиги бўлиб, целлюлозадан ҳам пишиқроқдир.

Полисахаридлар кимёвий ва физикавий хусусияти жиҳатидан икки гуруҳга: пектин ва гемицеллюлоза деган моддаларга бўлинади.

Пектин (юнон. πέκτος — қуюқлашган) сувли шаротда шишиш ва баъзан эриш хусусиятига эга. Ишқор ва кислоталарда осонлик билан парчаланади. Юксак ўсимликлар барчасининг ҳужайра пўстида полигалактур кислота ёки галактуран деган модда учрайди. Бу модда галактозанинг оксидланишидан ҳосил бўлади ва сувда эрийди. Ёш ҳужайраларнинг пўстида учрайдиган пектин моддасининг таъми нордон бўлади. Пектин моддалар Ca^{2+} ва Mg^{2+} ионлари билан қўшилиб сувда эримайдиган кальций ва магний тузларини ҳосил қиласди.

Ҳужайра пўстининг таркибида мураккаб органик моддалардан лигнин (лигнум — ёғоч) учрайди. Бу модда ароматик спиртлардан ташкил топган бўлиб, сувда эримайди. Ажратиб олинган лигнин сарғиш аморф шаклида. Юксак ўсимликларнинг (даражат ва буталарнинг) целлюлоза микрофибраллари қаторида лигнин жойлашган.

Хужайра пўсти ёғочланганда унинг девори атрофида тўпланиди. Ёғочланиш натижасида унинг қаттиклиги, зичлиги ва нур синдириши ортади.

Баъзи хужайраларнинг (эпидерма, эндодерма, пўкақ) пўстларида мум, кутин, суберин (лот. субер — пўкақ) тўпланиб, иккиласмчи, қалинлашган хужайра пустида алоҳида қатлам ҳосил қиласди. Кутин ва суберин кимёвий жиҳатидан бир-бирига яқин модда бўлиб, феллон, глицерин кислоталаридан ташкил топган. Бу моддалар аморф шаклда бўлиб эритувчи меддаларда эримайди.

Мум — ёғ ва спиртларнинг монолари бўлиб, эритувчи органик моддалар ёрдамида ажратиб олинади ва шу заҳоти кристаллга айланади. Кутин мум билан бирлашиб барг, новда пўстларининг устида маҳсус қатлам кутикула (лот. кутикула — пўст, қобик) ҳосил қиласди. Бу қатлам қурғоқчилик шароитида ўсимликнинг ўзидан сувни кам буғлантиришига сабабчи бўлади.

Суберин хужайранинг иккиласмчи пўсти ичидаги тўпланиб пўкақ ҳосил қиласди. Пўкаклашган пўст ўзидан сувни ҳам, газни ҳам ўтказмайди. Кейинчалик бундай пўстли хужайра ҳаётчанлигини йўқотади.

Ўсимликларнинг маҳсус ихтисослашган хужайралари баҳорда танасидан ширали модда ва елим ажратади (шафтоли, олча, гилос ва бошқалар). Бу моддалар асосан Гольджи аппаратида синтезланади, кейинчалик протопластни ёриб иккиласмчи ва бирламчи пўст қаватларини тешиб, хужайрадан ташқарига чиқарилади. Кимёвий жиҳатдан ҳар иккала модда бир-бирига жуда яқин бўлиб, пектинлардан ташкил топган. Шира сувда эрийди, елим эса узун ипга ўхшаб чўзилади. Бу моддаларнинг ҳосил бўлиши вақтида протопласт аста-секинлик билан буришиб, ҳажми кичрайиб, хужайра марказида тўпланади.

Ўсимлик хужайрасидан ажралиб чиқадиган моддалар ҳар ҳил вазифали бажаради. Масалан, илдиз қини томонидан ажратиладиган шилимшиқ модда илдизни тупроқка мустаҳкам ўнашиши учун хизмат қиласди. Қумли чулларда жузғун деган ўсимлик ўсади. Унинг ён илдизлари 20—30 м узунликда бўлади. Илдиз томонидан чиқарилган

ширали модда қум заррачаларини бир-бирига ёпишириб, илдиз устини қинга үшаб маңкам үрайди. Кучли шамоллар қумни учиреб кетгандан вақтда ҳам илдиз ҳаётчанлигини сақлаб қолади.

Шарқий Осиё ўрмонларида ўсувчи непентес ўсимлигининг барглари шаклини ўзgartириб, кўзачасимон булиб ўзидан шира чиқаради. Бу шира ҳашаротларни ўзига жалб этади ва улар билан озиқланади. Шунинг учун ҳам бу ўсимлик ҳашаротхўр деб аталади.

Беҳининг уруғи униш вақтида ўзидан шира чиқаради, бу шира унаётган уруғни сув билан тъминлайди.

4-бөб

ТҮҚИМАЛАР

1-§. ТҮҚИМАЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Үсімлік түқимаси ҳақидаги дастлабки маълумот XVII асрда Мальпиги ва Грю асарларида баён этилган. Улар биринчи булиб фанга паренхима ва прозеңхима ҳужайра-ларини аниқлад беришган.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида үсімліклар анатомияси анча ривожланды. Бу даврда үсімлік түқималарининг келиб чиқиши ва бажарадиган вазифалари эътиборга олиниб, улар класификацияланы.

Бирок түқималарнинг бундай класификацияси бир қанча қарама-қарши фикрларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

1. Үсімлікларнинг күпчилик түқималари ҳар хил вазифаларни бажаришга мослашган; яъни бир хил шаклдаги түқима бир неча вазифани бажариши ҳам мумкин (масалан, ассимиляция түқималари озиқ моддаларни ғамловчи, механик түқималар эса мустаҳкамлик бериб турувчи) вазифасини бажаради. Бундан ташқари ҳар хил вазифани бажарувчи элементлардан ташкил топган түқималар **мураккаб түқималар** деб аталади.

2. Түқималарнинг ёши ўзгариши билан уларнинг бажарадиган вазифаси ҳам ўзгаради. Масалан, ҳужайра пўсти ёшлик даврида сувни ўтказиш, кейинчалик ёғочланиши натижасида фақат таянч бериш вазифасини бажаради.

3. Шакл беришда түқимадаги маҳсус ҳужайралар иштирок этади. Бундай ҳужайраларга идиобластлар (юонидиос — ўзига хос, бластос — ниш) деб аталади. Масалан, тош ҳужайралар, туз (кальций оксалат) ошловчи моддалар сақловчи ҳужайралар. Түқималар деярли ҳамма юксак үсімлікларда учрайди. Улар фақат тубан үсімлікларда ва йўсунларда бўлмайди.

Юксак ўсимликларда тұқималар келиб чиқиши ва ба-
жарадиган вазифасыга құра ҳар хил бўлади. Чунки, узоқ
давом этган эволюция жараёнида пайдо бўлган ўсимлик
тұқималари ҳар хил иқлим ва тупроқ шароитига мосла-
шиб ривожланган ва наслдан-наслга ўтиб такомиллашган.
Масалан, бактерияларда ва содда сувўтларида ҳамма ҳужай-
ралар бир хил бўлиб, айримлари такомиллашган. Кўнғир
сувўтларида 10 хил, йусунларда 20 хил, папоротникларда
(қирқ бўғимларда) 40 га яқин, ёпиқ уруғли ўсимликларда
эса 80 га яқин ҳужайра хиллари бор.

Одатда, юксак ўсимликларнинг ҳужайралари ҳар то-
монга қараб бўлинади, ҳосил бўлган янги ёш ҳужайралар
тузилиши жиҳатидан бир-биридан жуда ҳам оз фарқ қила-
ди. Кейинчалик онтогенез даврида уларнинг тузилиши ва
шаклларида такомиллашиш бошланади. Натижада ўзаро
ўхшаш ҳужайралар гуруҳи вужудга келиб, булар қўшни
ҳужайралар гуруҳидан фарқ қиласди.

Тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, муайян бир
вазифани бажарадиган ва келиб чиқиши бир хил бўлган
ҳужайралар **тұқималар** деб аталади.

Бир хил шаклдаги тұқималар оддий, ҳар хил ҳужайра-
лардан ташкил топгани **мураккаб тұқима** деб аталади.

Баъзи адабиётларда ўзаро ўхшаш ҳужайралар умумий
физиологик хусусиятларига қараб: асосий, қопловчи ва
ўтказувчи тұқималар системасыга ажратилади. Бу класси-
фикация шартли бўлиб, ўсимликларнинг тузилишини сод-
далаштиради.

Тұқималар тұғрисида умумий тушунчага эга бўлмасдан,
ўсимлик органларининг анатомик тузилишини үрганиб
бўлмайди. Шунинг учун ҳам тұқималарнинг келиб чиқи-
ши, бажарадиган вазифаси ва аҳамиятини эътиборга олиб,
уларнинг классификациясини қуидагича үрганамиз.
Ҳосил қилувчи тұқима (меристема), қопловчи тұқима, (бир-
ламчи — эпидерма, иккиламчи — перидерма, учламчи —
пўстлок), **асосий тұқима** (ассимиляция, ғамловчи, шамол-
латувчи аэренихима), мустаҳкамлик беріб турувчи (меха-
ник), ўтказувчи (ксилема, флоэма), ажратувчи, сўрувчи
тұқималар. Ҳосил қилувчи тұқималардан бошқа ҳамма
тұқималар доимий тұқималар ҳисобланади.


2-§. ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ЁКИ МЕРИСТЕМА ТҮҚИМАЛАРИ

Меристема (юонон. меристос — бұлувчи, ажратувчи) ҳосил қилувчи түқима бұлиниш йулы билан янги түқима ҳосил қилиш хусусиятига эга. Шу түқиманинг бұлиниши ҳисобидан үсимлик танасида янги-янги түқималар ҳосил бұлади ва үсиши умр бүйі давом этади. Ҳайвонларда меристема түқимаси бұлмайды, шунинг учун ҳам уларнинг үсиши чегараланған. Үсимлиklар мана шу хусусиятига құра ҳайвонлардан фарқ қиласы.

Үсимлик танасида меристема ҳар хил жойлашади. Ривожланыёттан уруғдаги эмбрион (муртак) дастлаб бирламчи меристемадан иборат бұлади. Унинг кейинги тараққиетіда бирламчи меристема новдаларнинг учки апикал (лот. апекс — учки) ва барча ён ёки латераль (лот. латус — ён) куртакларда ҳамда илдизларнинг учига яқын жойда бұлади. Үсиш нұқталарида инициал (лот. инициалis — бошланғич) хужайларлар бұлиб, уларни бұлиниши натижасида меристема түқимаси ҳосил бұлади. Инициал хужайра йүсін (мох) ва баъзи қирққулоқларда биттадан, уруғли үсимлиklарда эса бир нечта бұлиши мумкін. Инициал хужайларлар доимий түқималарни ҳосил қиладиган меристемаларни юзага келтиріди.

Меристема түқимасининг хужайларлари иирик магиэлицитоплазма билан тұлған юпқа пустли баъзан кичик вакуолаларға эга. Еруғлик микроскопида пластид ва митохондрийлар жуда ҳам оз бұлиб күрінади. Бошқа ҳамма органоидлар (рибосом, диктиосом, эндоплазматик ретикулум) гиалоплазмада ботиб туради ва ёруғликни деярли бир хилда синдиради. Электрон микроскопда рибосома ва митохондрийлар жуда ҳам күп бұлиб күрінади. Улар оқсилларни ва бошқа моддаларни синтез қилишда қатнашади.

Меристема хужайларлари үсиш хусусиятига эга. Улар бир неча марта бұлинади ва у ёки бу хилдаги түқима хужайларига айланади. Маълум бир вақт үтгандан кейин меристематик хусусиятини йүқотиб доимий хужайларларға айланади. Дастлаб бу хужайларнинг ҳажми катталашади: хужайра пүсти нотекис қалинлашганлиги сабабли иирик-лашаёттан хужайларнинг шакли үзгәради ва баъзан бүйігә ұзилади ҳамда күп қирралы шаклға айланади. ~



31-расм. Элодея новдасининг учки меристемаси: А — узунасига кесмаси; Б — ўсиш конуси (ташқи кўриниши ва узунасига кесмаси); В — бирламчи меристема ҳужайралари; Г — шаклланган баргдаги паренхима ҳужайраси; 1 — ўсиш конуси; 2 — барг бошланғичи; 3 — учки куртак бўртмаси.

Бўлиниш натижасида ҳосил бўлган ёш ҳужайралар ёнмаён жойлашади ва уларнинг пўсти ҳам чўзилади, лекин ҳеч қачон бир-бирига халақит бермайди. Ёш ҳужайралар шаклланиб, цитоплазмадан чиққан плазмодесма иплари ёрдамида бирлашади ва яхлит бир бутун **симпластни** ҳосил қиласди.

Меристема ҳужайраларининг шакли хилма-хилдир, кўпинча улар паренхиматик бўлиб, изодиаметрик кўп қиралли шаклда учрайди (31-расм, г).

Апекал ёки бирламчи меристема ўсимлик органларида жойлашиши бўйича учки меристема ҳисобланади. Бу меристеманинг бўлиниши натижасида новда ва илдиз узунасига ҳамда ёнига қараб ўсади. Ўсимлик шохланиши вақтида ҳар қайси ён новда ва ён иллиз инициал ҳужайралардан ташкил топган меристемага эга бўлади.

Ён (латераль) меристемалар, апекал меристемасидан бир оз пастроқда жойлашган бўлиб, унинг фаолияти натижасида ҳалқасимон қатлам юзага келади (31-расм, А, В). Бу ҳужайраларнинг бўлинишидан бирламчи камбий, перицикл ҳосил бўлади. Бошқа ён меристемалар (камбий,

феллоген) кейинроқ юзага келади, шунинг учун ҳам уларни шартли равишда иккиламчи меристема деб аталади. Күпчилик вақтда иккиламчи меристема, масалан феллоген, доимий тұқыманинг қайта такомиллашишидан юзага келади ва үзидан ташқарыда пұқак қатламини ҳосил қилаади. Аммо, күпчилік ғалладошлар вакилларида иккиламчи меристема бүлмайды ва үсимликнинг пояси фақат бирламчи меристемадан ташкил топади.

Одатда, ёш тұқымалар апекал меристемадан акропетал (юон. ακρος — тепа, уч; πετερε — интилиш) тарзда юзага келади ва юқорига қараб үсади. Акропетал үсиш илдизларда яқын күринади, лекин новдаларда бу қонуният тез-тез бузилиб туради, чунки пояларда интеркаляр (лот. интеркаляр — орқага күйиш, жойлаштириш) үсиш бүгім оралиғида жойлашған меристемаларнинг бүлинишидан ёш хужайралар юзага келади (масалан, ғалладошларда бүгім остида).

Бүгім оралиғидаги интеркаляр меристеманың апекал ва латераль меристемалардан фарқи шундаки, биринчидан бунда бир қанча элементлар (масалан, үтказувчи) наилар такомиллашмаган, иккінчидан ҳеч қачон инициал хужайралар бүлмайды. Шунинг учун әзін бүгін оралиғидаги меристема вақтынчалик тұқима ҳисобланади. Улар кейинчалик доимий тұқымаларга айланади.

Епік уруғлы үсимликтарда барг пластинкаси базипеталь (юон. βασις — асос, туб, таг; πετερε — интилиш) қысмлари ўртасыда интеркаляр үсиш юзага келгенлигидан барг асоси ва банди ҳаммадан кейин пайдо бўлади.

Баъзан үсимликнинг бирор органдың тұқимаси жароҳатланганда меристема тұқимаси ҳосил бўлади ва шикастланган жойнинг тикланишини таъминлайди. Шикастланган жойга яқын жойлашған ҳаётчан хужайралар такомиллашиб ҳосил қилувчи тұқима юзага келади ва ҳимоя қилувчи пұқакни ҳосил қиласи.

3-§. ҚОПЛОВЧИ ТҰҚИМАЛАР

Қопловчи тұқымалар асосан, үсимликтарни ташқи мұхит таъсиридан ҳимоя қиласи, ички тұқымаларни куриш шикастланишдан саклайди. Унинг асосий физиологик функцияси (вазифаси) моддаларни танлаб үтказиши, транс-


пирация (лот. транс — орқали, спиро — нафас чиқариш) — сувни шароиттга қараб буғлатиш ва газ алмашинуви жараёнини бошқаришдан иборатdir. Баъзи қопловчи тўқималар моддаларни сўриш ва чиқариш хусусиятига эга. Қопловчи тўқималар жуда ҳам қадимий бўлиб, уларнинг эволюцияси ўсимликларни сув шароитидан чиқиб, куруқликка мослашиш вақтидан юзага келган. Бу тўқималар ҳам бошқа доимий тўқималарга ухшаш онтогенез даврида меристема тўқимадан вужудга келади.

Меристемалар хужайраларининг такомиллашишидан учхил қопловчи тўқималар — бирламчи (дастлабки) эпидерма (юонон. э пи — юзасида; дерма — пўст) новданинг апекал меристема хужайраларидан юзага келади, барг ва поянинг ташқи томонидан ўраб олади. Кейинчалик бу тўқима ўрнига иккиласи қопловчи тўқима — перидерма-феллогендан ҳосил бўлади. Бу мураккаб тўқима поя ва илдизларда бўлади. Ўсимлик қариган сари унинг тана ва илдизларida перидерма ўрнига пўстлоқ — ўлик тўқималар пайдо бўлади.

Эпидерма. Бу тўқима апекал меристеманинг сиртқи қаватидан ҳосил бўлиб, барг ва ёш новда (поя) ларни ташқи томондан ўраб туради. Шунинг учун ҳам бирламчи қопловчи тўқима деб аталади.

Эпидерма мураккаб тўқима бўлиб, унинг хужайралари морфологик шакли ва бажарадиган вазифаси жиҳатидан бошқа тўқимадан кескин фарқ қиласи. Масалан, эпидерманинг асосий хужайралари, нафас йўли (устыца), трихома (юонон. трихома — толалар) яъни эпидерманинг ташқи қисмида учрайдиган ипсимон бурмалар тўқимасидан иборат. Эпидерма хужайраларила қалинлашган кутикула моддаси бўлиб, сувнинг кўп буғланиб кетишига йўл қўймайди. Эпидермада айниқса турли хилдаги тукчалар бўлади, бу тукчалар ҳам ҳимоя вазифасини бажаради.

Эпидерманинг асосий вазифаси транспирация ва газ алмашинувини бошқаришdir. Бу вазифани бажариш учун маҳсус мослашувлар юзага келган (тукчалар, кутикула, ҳаво ёки нафас йўлларининг тез-тез ўз ҳолатини ўзгартириши ва бошқалар). Булар ўсимликнинг ички тўқималарига қасаллик туғдирубчи микроорганизмларни киритмайди мөханик таъсирлардан ҳимоя қиласи; эфир мойлари тузлар



32-расм. Турли үсімліктар эпидермасы: А — бир палладилардан хлорофитум (*Chlorophytum*); Б — иккى палладилар вакиллари, плюш (*Hedera helix*); В — геран (*Pelargonium*); Г — оқ тут (*Morus alba*); 1 — туташтирувчи ұхжайралар, 2 — ҳаво йұлы тирқиши (օғизчалар).

ажратади, турли моддаларни синтез қилишда иштирок этади ва сұрувчи тұқима вазифасини ҳам бажаради.

Эпидерманинг асосий ұхжайралари бир-бирига зич тақалган бўлиб, юқоридан қаралганда жуда ҳам хилма-хил шаклда күринади (32-расм). Бу ұхжайраларнинг ён деворлари зичлашган эгри-бугри шаклда, улар микроскоп остида тўрт ёки беш бурчакли бўлиб кўринади. Барг ва пояларнинг эпидерма ұхжайралари одатда тананинг үқига параллел йұналишда жойлашади (масалан, ғалладошларда). Ұхжайра девори атрофида юпқа протопласт, ядро, вакуола ва баъзан пластиidlар бўлади. Эндоплазматик ретикулум ва Гольджи аппарати тарақкий этган.

Эпидерма ұхжайраларининг деворлари нотекис, айникса, ташқи қавати кучли қалинлашган ва мураккаб тузилган. Ички қават ұхжайралари целялюзода ва пектин моддадан ташкил топган. Ташқи қават кутикула билан қоп-

ланган. Илгари кутикула структурасиз ингичка парда шаклида ва ўзидан ҳеч қандай суюқлик ва газларни ўтказмайди деб таърифланган. Лекин электрон микроскоп ёрдамида текширилганда, унинг ҳар хил тузилганлиги аниқланган.


Кутин ва цеплюлоза чегарасида пектин қават жойлашган. Бу қават ўрта пластинканинг пектин моддаси билан чегарадош бўлиб, эпидермани бошқа ҳужайралардан ажратади. Пектин қаватда ингичка ва шохланган чизиқлар (каналлар) бўлиб, эпидермада ҳосил бўлган кутин ва мум моддаларини кутикулага ташийди, натижада кутикула қаватлари ҳосил бўлади. Бу қаватларда кўпинча мум ва кутин сингган бўлиб, уларнинг орасида майдага тешикчалар (поралар) мавжуд. Шу поралар ёрдамида газ ва моддалар алмашинуви жараёни содир бўлади.

Кутикуланинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, у намланган вақтда (баҳорда ёмғир ёқсанда) ўзидан суюқлик ва газларни яхши ўтказади, лекин ҳаво куруқ бўлганда унинг ўтказувчанлиги кескин пасайди. Бундай ҳолатни чўл ва сахроларда ўсуви — **ксерофит** (юнон. κερός — курғоқ; φίτον — ўсимлик) деб атала-диган ўсимликлар (саксовул, жузғун ва бошқалар)да кўриш мумкин.

Ўсимликларнинг ҳаётида кутикула доимо бир хил шаклда сақланмайди, уларнинг қалин ёки юпқа булиши ўсимликнинг турига, ўсиш шароитига ва ёшига боғлиқдир. Баъзан кўп йиллик эпидермаси бўлган новда, пояларнинг юзасига кутикула ёрилиб, ичкаридан тирик протопластнинг ўсиши натижасида янгиланиб туради (масалан, зарангла).

Баъзан эпидерма бир неча қаватдан ташкил топган бўлади. Бу хилдаги эпидерма доимо намлик буладиган тропик ўрмонларда ўсуви (Фикус, бегония) ўсимликларда учрайди. Кўп қаватли эпидерманинг ичкарисида **гиподерма** (юнон. γιπό — ичкари) ҳужайралари учрайди. Бу ҳужайралар эпидермадан ҳосил бўлади, лекин тузилиши ва вазифаси бошқача, ҳужайра пўсти қалинлашган бўлса, мустаҳкамлик бериш вазифасини бажаради, айрим ҳолларда гиподермада пигментлар, таниндлар тўпланади.

Оғизчалар (ҳаво ёки “нафас” йўллари) — эпидерманинг энг муҳим ва такомиллашган иккита туташтирувчи ҳужайралардан ва уларнинг орасидаги тирқиш (оғизча) дан таш-



33-расм. Оғизчалар (нафас йули)нинг тузилиши: А — устки томондан кўриниши; Б — кўндаланг кесмаси: 1 — туташтирувчи ҳужайра; 2 — оғизча тирқиши; 3 — ёрдамчи ҳужайралар; 4 — ҳаво тўпланадиган бўшлиқ; 5 — эпидермис ҳужайраси; 6 — кутикула; 7 — мезофиллдаги хлоропластлар.

кил топган (33-расм, Б, 1). Туташтирувчи ҳужайраларнинг ён деворлари бир текисда қалинлашмаган. Ҳаво йўллари тирқишига ёндошган бурчақлар жуда қалин, ён пўстлари эса юпқа. Ҳаво йўлининг бундай тузилиши шакл ўзгаришини осонлаштириб, унинг очилиб ва юмилиб туришига ёрдам беради ва шу сабабли транспирация ва газлар алмашинув жараёнини тартибга солади. Туташтирувчи ҳужайраларнинг остида ҳаво ёки "нафас" бўшлиғи жойлашган (33-расм, Б, 4). Туташтирувчи ҳужайраларнинг ёнларидағи ҳужайралари қўшимча ёки ёрдамчи ҳужайралар деб аталади (33-расм, Б, 3). Туташтирувчи ва қўшимча ҳужайралар биргаликда ҳаво аъзолари "нафас" олиш аъзолари — оғизчани ташкил этади.

Оғизчалар турлича тузилган, уларнинг сони 15 тагача. Юксак ўсимликларда оғизчаларнинг аномоцит, диацит, анизоцит, тетроцит хиллари кўп учрайди. Аномоцит (юнон. а н о м о с — тартибсиз) хилдаги ҳаво ёки "нафас" олиш йўлларидағи қўшимча ҳужайралар тузилиши жиҳатидан эпидерма ҳужайраларидан фарқ қиласи. Диацит (юнон. д и а — орқали, устидан)да оғизча иккита қўшимча ёки ёрдамчи ҳужайралардан ташкил топган бўлиб, туташтирувчи ҳужайра деворлари билан бириккан (лабгулдошлар, чиннингулдошлар).

Анизоцитда туташтирувчи ҳужайра учта қўшимча ҳужайра билан уралган бўлиб, улардан биттаси катта кичик

бұлади. Фаллагулдошларда эса күпинча тетроцит оғизчалар учрайди.


Ұсимликларнинг ўсиш шароити ва турига қараб барға новда оғизчалар миқдори ҳар хил бұлади. Одатда, үтлоқзорларда, үрмөнларда, шунингдек маданий ұсимликтің барға новдаларида 1 мм^2 юзасида 100 дан 700 гача оғизчалар бұлади.

Туташтирувчи ҳужайраларнинг ҳаракати жуда ҳам муреккеб бўлиб, ұсимликларнинг турига қараб ҳар хилдир. Кўпчилик ұсимликларда сув етишмасдан қолганда кечаси ва баъзан кундузи туташтирувчи ҳужайраларнинг тургор босими сусаяди ва оғизча ёпилиб транспирация жараёни секинлашади.

Ұсимлик ҳужайрасида тургор босимининг ўзгариши кальций ионларининг оз ёки кўп булишига боғлиқ. Кальций ионлари сувда эриган ҳолда учрайди. Бу моддаларни оғизчалар атрофидаги ҳужайралардан сўриб олади. Натижада туташтирувчи ҳужайралар сувни шимиб олади ва тургор босими кучаяди, натижада ҳужайралар бўшлиги катталашади, деворлар бир-биридан узоқлашиб оғизчалар очилади ва сув буғланади. Туташтирувчи ҳужайралар тургорининг бир хиллигини сақлашда улардаги тилакоиднинг хлоропластлари муҳим аҳамиятта эга. Хлоропластлар синтез қилган дастлабки крахмалнинг қандга айланишини туташтирувчи ҳужайралар шираси концентрациясининг ошиши туфайли уларнинг сўриш кучи ортади. Бунда ҳужайра тургор ҳолатта келиб, оғизчаларнинг очилишига сабаб бұлади.

Оғизчаларнинг ҳаракатига бошқа омиллар (ёруғ, ҳарорат) ҳам таъсир этади.

Трихомалар. Ұсимликларнинг эпидерма қаватида ҳосил бўладиган туклар, безлар, қипиқчалар трихомалар деб аталади. Уларнинг шакли, узунлиги, тузилиши ва бажарадиган вазифалари ҳар хил. Энг узун трихома пахтанинг чигитида (5–6 см) бўлади. Трихомалар ўрама қипик, қоплама қипик ва безлар шаклида учрайди. Ўрама қипик шаклидаги трихомалар — бир ҳужайрали, кўп ҳужайрали, шохланган ёки юлдузсимон (34-расм) бўлади. Безсимон туклар ұсимлик организмидан ажратиладиган моддаларни тўплайди ва ташқарига чиқаради. Буни трихомалар фаолияти ҳақида ажратувчи тўқималар тўғрисида маълум



34-расм. Картошка (A), олма (Б), сигиркүйрүк (В), жиыда (Г), тамаки (Д) баргларининг эпидерма ҳужайраларни устида учрайдиган күпхүжайралы оддий бессимон түккалар (трихомалар); Е — газакүтдаги күйдирувчи модда түпланадиган трихомаларнинг (1—3) тараққиет давлари.

мот берилганда куриб үтамиз. Үрама трихомаларнинг шакли турли-туман. Уларнинг тузилиши ва шакли ҳар бир түр, түркүм ва оиласа хос болғандан иборат. Шунинг учун ўсимликни системага солишда, фармакогенезияда, айниқса доривор ўсимликларни микроскопда аниклашда, эпидерма трихомалари мұхим ақамиятта эга.

Ўрама қипиқ ёки туклар узоқ вақт тириклик хусусиятини сақлаши мүмкін, лекин айрим ҳолларда туклар етилгандан кейин тушиб кетади, шунда уларнинг ўринини, одатда, ҳаво эгаллади.

Курғоқчил шароитда ўсишга мослашган баъзи ўсимликларнинг барг ва новдалари устини эпидерма қатлами туклар билан қоплаб, кигизга ўхшаш оқ сарғиши ёки кулранг қатлам ҳосил қиласи. Бу тукчалар ёргуликни қайтариб, ўсимлик танасини қизишдан сақлади. Баъзан тукчалар баргнинг остки қисмида, оғизчалар атрофида жойлашиб, транспирацияни секинлаштиради.

Ўсимлик танаси устки қисмидаги тукларнинг ҳосил бўлишида эпидермадан ташқари, ички тўқималар ҳам қатнашади, буларга эмергенцлар (лот. э м е р г е н с — туртиб чиққан) деб аталади (масалан, қичитки тиканинг ачи-тувчи туки, атиргул, малина, ежевика (маймунжон) тиканаклари мисол бўла олади).

Перидерма. Ўсимликларнинг тана, илдизлардаги ташқи бирламчи қопловчи тўқималарнинг ўринини эгалладиган, кўп қаватли мураккаб тузилишга эга бўлган тўқималарга перидерма дейилади. Бу тўқима тузилиши ва баҳарадиган вазифалари жиҳатидан бир неча ҳужайралардан иборат (феллема, феллоген, феллодерма).


Феллема — ўлик ҳужайралардан ташкил топган кўп қаватли тўқима (35-расм, 1, Ф). У ҳимоя вазифасини баҳаради.

Феллоген — асосий паренхима ҳужайраларидан ҳосил бўлган бир қатор меристема ҳужайралари бўлиб, эпидерма остида жойлашган. Баъзан у тўғридан-тўғри эпидерманинг ўзидан ҳам ҳосил бўлиши мумкин (масалан, толларда, 35-расм, 2). Айрим ҳолларда ички пўстлоқ ҳужайралар қаватидан ҳосил бўлиши мумкин (35-расм, 3). Феллоген ўзидан ташқарида пўкак қатламини, ичкарида эса тирик ҳужайраларни — феллодермани ҳосил қиласи ва бир қаватлигича қолади (масалан, бузина-маржондаҳтда, 35-расм, 1).

Феллогендан ҳосил бўлган пўст (пўкак ҳужайралари) дастлаб юпқа бўлиб, кейинчалик иккиласмчи пуст ҳосил қиласи ва унинг қатламларида суберин, мум тупланиб астасекин туйиниб, пўкакланиш содир булади. Шу вақтдан бошлаб ҳужайралар тириклик хусусиятини йўқотади ва ичи

ҳаво билан тұлиб қолади. Пүкак хұжайралари орасында хұжайралараро бүшлиқ бўлмайди. Улар деярли емирлайлайди, узлуксиз пайдо бўлаверади.

Пүкакнинг асосий аҳамияти пўстлоқ хұжайралари таркибидаги сувнинг буғланиб, қуриб қолишидан сақлади. Пүкак ҳар хил (касалликларни чақиравчы) организмларни та-




35-расм. 1 — маржондарактда субэпидермал қаватдан; 2 — толда эпидермадан; 3 — хұжагат (малина) да пўстлоқнинг ички қатламидан перидерманиң ҳосил бўлиш хиллари: п — перидерма; в — толалар; к — пўстлоқ, колл. коленхима; ф — феллема; фг — феллоген; фд — феллодерма; з — эпидерма.

нанинг ички қатламларига ўтказмайди. Кўп йиллик пўкак дараҳт ва шохчаларнинг танасига мустаҳкамлик бериб туриш вазифасини бажаради. Феллоген шикастланган танани янги пўкак қават билан таъминлайди. Пўкак хұжайралари ҳаво билан тұлиб иссиқликни жуда ҳам оз ўтказади. Шу сабабдан ўсимликларнинг танасида ҳорорат доимий равишда бир хилда сақланади.

Баъзан пўкак хұжайралари таркибида кристаллар шакидаги моддалар тұпландайди. Масалан, беш-олти йиллик қайнининг поя ва новдаларидаги пўкак хұжайраларида бетулин деган модда тұпланиб оқ ранг беради.

Узоқ вақт давомида қалинлашган поя ва илдизларнинг перидермаси деформацияга (лот. деформацио — бузилиш) учраб, пўкакнинг ўлик хұжайралари чўзилади ва бўртиб қолади. Шу вақтда тургор босими ҳолатидаги феллогендан ҳосил бўлган ёш пўкак хұжайралар, ўлик қатлам бўлиб, ёрилиб ажралади, уларнинг ўрнини янгитдан ҳосил бўлганлари эгаллайди.

Пўкак остидаги ёш паренхима хұжайраларда доимо газ алмашинуви бўлиб туради. Бу жараён перидерма тўқима-



36-расм. Ясмиқчалар: 1 — маржондаракт (бузина) новдасидаги ясмиқчаларнинг ташқи кўриниши; 2 — ясмиқчаларнинг кўндаланг кесими; 4 — ясмиқча.

си шаклланишидан бошлаб, дарахт ва буталарнинг ташқи пўсти остидаги маҳсус тешикчалар — **ясмиқчалар** орқали ҳосил булади (36-расм, 1,2). Ясмиқчалар одатда, хлорофилли паренхима ҳужайраларининг ўсиши ва бўлининишидан юзага келади. Ҳосил бўлган ҳужайралар тўлдирувчи ҳужайрага айланади, уларнинг ораси ғовак бўлиб, осон алмашади. Тўлдирувчи ҳужайралар эпидермани кўтариб, ёриб юборади ва ясмиқча феллоген юзага келади. Кузга бориб ҳосил бўлган ҳужайралар бир-бири билан алоқасини йўқотади, пўкақлашади, юмалоқлашиб ғовак ҳужайралар ҳосил булади.

Новдалар йўғонлашган сари, ясмиқчаларнинг шиши ҳам ўзгаради, улар қўнғир ёки кулранг чети сал кўтарилган чукурчалар шаклида пайдо булади.

Кузда ясмиқча феллогени ичкари томонда тулаштирувчи қаватни ҳосил қиласи, баҳорда эса, бу қават ёрилади ва янги-янги ясмиқчалар юзага келади.

Кўп йиллик дарахтларнинг танасидаги силлиқ перидерма тўқимаси ўрнига тўқималар тўплами пустлоқ ёки ритидом ташкил топади. Перидерманинг фаолияти натижасида пустлоқ йил сайин ички томондан ўсиб туради, унинг юзаси эса емирилиб, нотекис ёрилган жой ҳосил қиласи ва тўкилиб тушади.

Пустлоқнинг ҳосил булиши ва емирилиб тушиши ўсимликларнинг тури ва ёшига боғлиқдир. Масалан, толда по-

ясиning иккинчи ёшида, олма ва нокда 6—8 ёшда, грабда камида 50 ёшга кирганда бу жараён бошланади. Чинор, эвкалиптда пүстлоқ умуман ҳосил бўлмайди. Пўстлоқ дарахтларни механик таъсирлардан, қўёш нуридан, юқори ҳароратдан, ёнфиндан сақлади.

4-§. Асосий тўқималар

Ассимиляция (лот. ассимиляцио — ўзлаштириш) тўқималарининг асосий вазифаси фотосинтездан иборат. Бу тўқималарда ҳаёт учун энг зарур бўлган органик моддалар синтез қилинади.

Ассимиляция тўқималари юпқа деворли тирик паренхима ҳужайраларидан тузилган. Ҳужайраларнинг цитоплазмаси ҳужайра девори атрофига жойлашган бўлиб, ядро ва бир қават хлорофилл доначаларидан иборат. Шунинг учун ҳам бу тўқималарни хлорофилли паренхима ёки хлоренхималар деб аталади.

Хлоренхима (юнон. хлорос — яшил, энхима — тулдирилган) ҳужайралари хлорофиллга бой бўлган устунсимон ва фоваксимон паренхима тўқималар бўлиб, улар яшил барглар ва ёш новдаларда эпидерма ҳужайралари остида жойлашган. Эпидерма ҳужайралари тиник ёки шаффоф бўлиб, ўзида ёргулукни осонлик билан үтказади ва газ алмашинуви жараёнини осонлаштиради.

Устунсимон хлоренхима цилиндр шаклидаги чўзиқ ҳужайралардан, фоваксимон хлоренхима эса, юмалоқ ҳужайралардан иборат. Фоваксимон хлоренхима ҳужайралари орасида бўшлиқлар бўлиб, уларнинг вазифаси ҳужайрада газ алмашинувини енгиллаштиришдан иборатdir. Баъзан ҳужайраларда хлоропластлар миқдори ортади ва қат-қат бурма ҳосил бўлади. Масалан, нинабаргли ўсимликларнинг пўстлоғига қатрон (смола) чиқариб турадиган бўртмалар кўп учрайди.

Ўсаётган ёш хлоренхима ҳужайраларида хлоропластлар (хлорофилл), қари ҳужайраларга нисбатан беш баробар кўп бўлади, уларда рибосомалар ва тилакоидларнинг сони ҳам ортади. Шунинг учун ҳам фотосинтез жараёни ёш хлоренхима ҳужайраларида қари хлоренхима ҳужайраларига нисбатан тезроқ боради.

Хлоренхима гулда, пишмаган меваларда ҳам булиб, фотосинтез вазифасини бажаради. Лекин бу фотосинтез иккиламчи ўриндаги вазифалардан ҳисобланади. Тропик ўрмонларда ўсувчи баъзи ўсимликларнинг ҳавоий илдизларида ҳам хлоренхима учрайди (масалан, ангреум, фаленопсис, тенофилум, полириза ва бошқа орхислар).

Фамловчи тўқималар. Бу тўқималарда фотосинтез жаёнида ҳосил бўлган озиқ моддалар — оқсиллар, карбонсув, ёғлар тўпланади ва узоқ муддатга сақланади.

Фамловчи тўқималар ўсимликнинг деярли ҳамма органларида бўлади. Уругларнинг муртакларида тўпланади. Улар муртакларнинг ривожланиши учун сарфланади.

Бир йиллик ўсимликлар ўсув органларида озиқ моддаларни жуда оз миқдорда тўплайди, чунки уларнинг ҳаётй даври фақат бир всетация даври билан тугалланади. Кўп йиллик ўсимликлар озиқ моддаларни илдиз, новда ва тақомиллашган органлар — тугунак, пиёзбош, ер ости новдаларида, илдизмеваларда тўплайди. Бу озиқ моддалар тинчлик даври ўтгандан сунг ўзлаштирилади.

Фамловчи тўқималар юпқа деворли тирик паренхим хужайралардан иборат. Ўша хужайраларда озиқ моддалар қаттиқ ва суюқ ҳолатда тўпланади. Қаттиқ ҳолда — крахмал, оқсил кристаллари (картошка тугунакларида) ёки алейрон доначалари шаклида, суюқ ҳолда — масалан, лавлаги илдизмевалар, сабзи пиёзбошлилар, шакар қамиш, узум, тарвуз, қовун ва бошқаларда учрайди.

Фамланган моддалар ферментлар таъсирида гидролизланади ва сувда эрийдиган ҳолга келади, шундан сунг ривожланаётган ўсимлик томонидан сарф этилади.

Чўл ва саҳроларда ўсувчи айрим ўсимликларнинг хужайралари йирик ва шилимшиқ ширага бой бўлади. Бундай хужайралар сув **фамловчи** хужайралар деб аталади. Сув фамловчи тўқималар баъзи ўсимликларнинг баргларида (агава, алоэ, семизўт), пояди (кактус, сутламада) бўлади.

Аэренихима тўқималар. Аэренихима (юнон. аэр — ҳаво; энхима — тўлдирилган) хужайраларининг оралифи ҳаво билан тўлдирилган булиб, сув остида ёки сув юзасида қалқиб ўсувчи гидрофит (юнон. гидро — сув; фитон — ўсимлик) ва баъзи қуруқликда ўсувчи ўсимликларга хос хусусиятлардан ҳисобланади. Аэренихима тўқималари ўсим-

ликларни ҳаво (кислород ва карбонат ангидрид) билан таъминлайди, ўсимлик тўқималарини енгил қиласди, шунинг учун ҳам сувда ўсуви ўсимликлар сув юзасида қалқиб тура олади (зулфиобилар, ўқбарг, сувайиқтовони ва бошқалар).

Аэренихима тўқималари сув ва ботқоқликда ўсуви ўсимликларнинг вегетатив органларида учрайди. Бу тўқималар паренхима ҳужайраларининг модификацияси (лот. модификаціо — шакл ўзгариши) бўлиб, юмалоқ, юлдузсимон ва бошқа шаклларда учраши мумкин.

Сўрувчи тўқималар ўсимликнинг ҳаётида муҳим аҳамиятта эга. Булар орқали сув ва сувда эриган минерал моддалар шимилиб организмга ўтади. Тузилиши ва шакли жиҳатидан сўрувчи тўқималар ҳар хил (ризодерма, веламен, гидропот) бўлади. Буларнинг энг муҳими ризодерма (юнон. ризо — илдиз; дерма — пуст) дир.

Ризодерма ёки сўрувчи тўқималарнинг ташқи қаватини илдиз тукчалари ташкил этади. Булар тупроқ зарралари орасига жойлашган туксимон шаклдаги юпқа деворли ўсимталардан иборат. Ризодерма ва ёки сўрувчи тўқималар тупроқдаги сув ва сувда эриган минерал тузларни сўриб, ўтказувчи толалар орқали ўсимлик органларига етказиб беради.

Баъзи ўсимликларнинг ҳавоий илдизлари устида ўзига хос тузилишга эга веламен (лот. веламен — қобик) деб атадиган тўқималари бўлади. Бу тўқима келиб чиқиши жиҳатидан ризодермага ўхшаш бир қаватли протодермадан юзага келади, лекин онтогенезида ривожланиб кўп қаватли шаклга айланади. Веламен ҳужайралари тез нобуд бўлади. Шу сабабли сув илдиз ҳужайраларига маҳсус поралардан ўтади ва капилляр найлар орқали сўрилиб пўстлоқ ҳужайраларига ўтказилади. Веламен тўқималар орхидеядошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг ҳавоий илдизларида учрайди.

Эволюция жараёнида айрим ўсимликлар (зарпечак, шумғия ва бошқалар) автотроф озиқланиш хусусиятини йўқотиб, бошқа ўсимликларнинг танасига гаустория — сўргичлари ёрдамида ўрнашиб, тайёр органик моддалар ҳисобидан озиқланади. Шу сабабдан ҳам бундай текинхўр ўсимликларнинг илдиз ва ҳужайраларида хлорофилл бўлмайди.

Секрет ажратувчи түқималар. Секрет (лот. секрет и о — ажратаман) чиқарувчи ёки ажратувчи түқималарга тузилиши ҳар хил бўлган, ихтисослашган ҳужайралар киради. Бу ҳужайраларда модда алмашинуви натижасида кимёвий таркиби ҳар хил бўлган моддалар ҳосил булади.

Ажратувчи түқима ҳужайралари шакл жиҳатидан паренхима ҳужайраларидан ташкил топган. Уларнинг девори юпқа, узоқ вақтгача тириклик хусусиятини сақлаб қолади ва ўзидан секрет чиқаради.

Энг муҳим секретлар — терпинлардир. Улар эфир мойлари, каучук, бальзам, смолалардан иборат. Қарағай эфир мойларидан скипидар, канифол моддалари ажратиб олиниди. Бундан ташқари бу түқималар ўзидан қанд, оқсил, тузлар, сув ҳам чиқаради.


Терпинлар ва оқсиллар ҳужайранинг эндоплазматик ретикулумида, шилимшиқ ширалар эса, Гольджи аппарата синтез қилинади.

Секрет түқималар, ўзидан ажратадиган моддаларнинг ташқарига чиқарилиши ёки ичкарида сақланиб қолишига асосланиб, икки гуруҳга: ташқарига чиқарувчи ва секретларни сақловчи түқималарга бўлинади. Эволюция жараённада ташқарига чиқарувчи түқима эпидермадан, секретларни сақловчи түқима эса, ассимиляция ва фамловчи түқималардан келиб чиқсан.

Ташқарига секрет чиқарувчи түқималар бессимон туклар, нектар, гидатодалар шаклида булади. Бессимон туклар ёки трихомалар эпидермадан пайдо булади. Бу безлар бирхужайрали ёки кўпхужайрали бошчадан иборат. Улар чиқарадиган секрет ёки суюқлик асосан, эфир мойларидан иборат бўлиб, кутикула остида тўпланади (37-расм, а-ж). Бу хилдаги бессимон туклар лабгулдошлар (розмарин, лагохилус кўкпаранг), мураккабгулдошлар ва бошқа оила вакилларининг барг ва новдаларида жойлашган.

Баъзан ташқарига секрет чиқарувчи түқималар дағал безлар шаклида булади, улар эмергеншлар деб аталади. Эмергеншларнинг ҳосил бўлишида эпидермадан ташқари, ички түқималар ҳам қатнашади.

Ташқи бессимон эмергеншларга қичитқитиканнинг ачитувчи туклари мисол бўла олади (38-расм). Унинг ачитувчи бессимон эмергеншлари тирик ҳужайра бўлиб, косача-




37-расм. Лабгулдошлар оиласига киругчи *Lagocheirus prokopyakovii* жергіт барғидаги бирхужайралы ва күпхужайралы секрет чиқарувчи безлар (трихомалар): а — бирхужайралы; б, в, г — күпхужайралы безлар, д, е — бирхужайралы туклар; ж — икки ұжайралы туклар.

симон шаклдаги күпхужайралы таглилка ўрнашган. Түкнинг асоси, ингичка конус сингари чўзилган, ичи ковак, митти шприц нинасига ўхшайди, унинг учида қийшиқ бошчаси бор (38-расм, 2). Тук одам ёки ҳайвонга тегиши билан синиб, ўткир учи терига санчилади ва ұжайра ширапси терини ачитади.

Нектарлар ўзидан қандлы суюқлик — нектар чиқаради ва ҳашаротларни жалб этади. Улар одатда, гулда жойлашган бўлади. Нектарларни ажратувчи ұжайралар қуюқ цитоплазмага эга бўлиб, модда алмашинувида фаол қатнашади.

Гидатодалар деб (юнон. гидор, гидатос — сув; одос — йўл) сув ва сувда эриган тузларнинг маҳсус тешикчалар ёрдамида чиқарилишига айтилади. Гидатодалар баргнинг хлоренхима ўтказувчи найларини ҳосил қилувчи эпитема (юнон. эпитета қолқоқ) деб аталадиган юпқа пардали ұжайралардан ташкил топган. Гидатода хлоренхима тўқималаридан атрофдаги ұжайралар билан ажрал-



38-расм. Қичитқитиканнинг ачитувчи тукчалари:
1 — тукчаларнинг умумий күрниши; 2 — тукчанинг узулиш жойи, тукчанинг асосий: 4 — цитоплазма, я — ядро, в — вакуоласи.


ларнинг (непентис, росянка) ҳазм безлари ҳам киради. Бу безлар чиқарадиган шира таркибида фермент ва кислоталар булиб, тутилган ҳашаротлар ҳазм этилади.

Секретларни сақловчи тўқималар идиопластлар шаклида булиб, бошқа тўқималар орасида жойлашади. Уларнинг таркибида кальций карбонатнинг ҳар хил шакллари (алоҳида кристаллар, друз ёки рафид), терпинлар, танид ёки ошловчи моддалар тўпланади. Эфир мойлари тўпланадиган идиопластлар найлар ёки каналлар куринишида булиб, унинг ичидаги терпинлар тўпланади. Эфир мойлари тўпланадиган идиопластлар магнолиягулдошлар, лавргулдошлар, карнайгулдошлар оиласига хос хусусиятларидан ҳисобланади (39-расм).

Секретларни сақловчи тўқималар, асосан, баргларда найлар ёки каналлар шаклида булади. Улар схизоген ёки лизиген йўл билан юзага келади. Схизоген (юнон. схизо — ажратмоқ, генос — чиқиб келиш) найлар ёки каналлар, зич жойлашган ҳужайраларнинг бир-биридан ажралиши ёки узоклашиши натижасида ҳосил булади. Уларни атрофи бир-бири билан зич туташган юпқа пардали ти-

ган. Эпитемага ички томондан сув ўтказувчи трахеидлар орқали кела-ди ва субэпидермал бўшлиқда тўпланади. Уша бўшлиқ устида сув ёриги булиб, унинг иккита туташтирувчи ҳужайралари бор, улар мудом очиқ туради ва ортиқча сувни сув ёриги орқали томчилаб чиқаради, бу ҳодисага **гуттация** (лот. гутта — томчи) деб аталади. Гуттация ҳодисасини талайгина ўсимликларда кўриш мумкин (масалан, бриофиллум, фукция, колоказия, соябонгулдошлар, атиргулдошларнинг кўпгина вакилларида). Гуттация воситаси билан ўсимлик тана-сида тўпланиб қолган ортиқча сув ва тузлар чиқарип ташланади.

Ташқарига секрет чиқарувчи тўқималарга ҳашаротхўр ўсимлик-



39-расм. Идиопластлар; 1 — *Nuphar luteum* (сариқ нуфар) гулбандидаги аэренихима хужайралари ичилә; 2 — ўша хужайраннинг си томондан күриниши; 3 — *Peripomia magnolifolia* баргининг хужайраларидаги эфир мойларини ажратувчи иккита хужайра; М — хужайралар оралиги, Пкл — паренхима, Скл — склеренхима.

рик эпителия (юнон. э п и — устида; т е л е — сүргич) хужайралари билан үралган. Эпителия хужайралари ички томонга секрет (смола) ажратади; ажралган секретлар, яни смолалар найлар ёки канал бўшлиқларига тўпланади (нина баргли ўсимликлар, соябонгулдошлар, карнайгулдошлар, мураккабгулдошлар). Лизоген (юнон. л и з и с — эритиш, йўқотиш) хужайра оралиғи, хужайра қобиғининг эриб кетиши натижасида вужудга келади, ҳосил бўлган каналларда эфир мойлари тўпланади (масалан, лимон, апельсин, мандаринда).

Баъзи ўсимлик (масалан, сутлама, қоқи, анжир, тут, күкнор)ларнинг новда ва барг хужайралари вакуоласида оқ рангли сутсимон шира тўпланади. Ўсимлик танаси жароҳатланганда, сут йўллари деб аталадиган тирик хужайралардан шира ажralиб чиқади. Бу ширага латекс (лотекст — шира, суюқлик) дейилади. Латекс таркибида қанд, оқсил, алкалоид каби бирикмалар бўлади.

Ўрта Осиё ва Жанубий Қозогистон тоғларида товсағиз ва кўксағиз ўсади. Бу ўсимликларнинг илдизпоя ва баргларида каучук-латекс (сут шираси) тўпланади.

5-§. МЕХАНИК ЁКИ МУСТАҲКАМЛИК БЕРУВЧИ ТҮҚИМАЛАР

Механик тўқималар ўсимликларнинг вегетатив ва генератив органларига (новда, барг, поя, илдиз) мустаҳкамлик берувчи хужайралар йифиндисидан ташкил топган. Бу тўқималар органларни шамол, қор ва шу сингари бошқа ташқи омил таъсирларидан сақлайди. Механик тўқима хужайраларининг мустаҳкам бўлишига асосий сабаб шуки, улар ҳар хил даражада қалинлашган хужайра пўстларига эга. Энг ёш ва ўсувчи органларда механик тўқима бўлмайди, чунки бу тирик хужайраларда тургор босими кучли, хужайра пўсти қайишқоқ ва эгилювчан бўлади. Органларнинг тараққий этиши, такомиллашиши туфайли механик тўқималар ривожланади.

Бирхужайрали ва кўпхужайрали сувўтларнинг хужайраси доимо тургор ҳолатда бўлиб, пўсти эгилювчан, қайишқоқ тананинг доимий шаклини сақлаб, ташқи скелет ва зифасини бажаради. Аммо, қуруқликда яшашга мослашган ўсимликлар учун бундай таянч камлик қиласи. Шунинг учун ҳам сувдан чиқиб қуруқликка мослашган дастлабки ўсимликларда анчагина қалинлашган пўстли хужайралардан ташкил топган маҳсус тўқима — механик тўқима — вужудга келган ва такомиллашиб борган. Бундай тўқима хужайралари ўлгандан кейин ҳам ўсимлик органларига таянч бериш вазифасини бажаради.

Мустаҳкамлик берувчи тўқималар, ўз вазифасини бошқа тўқималар билан биргаликда бажаради ва уларнинг ора-

лиғида арматура (лот. арматура — жиҳозлаш) ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам механик түқима баъзи адабиётларда арматура системасининг түқималари деб аталади. Улар колленхима ва склеренхима түқималариdir.


Колленхима (юон. колла — сирач, клей; энхима — тұлған, тұлдирилған) — тирик ҳужайралардан иборат бўлиб, ўсуви ёш органларнинг (поя ва барг бандларида) муҳим қисми ҳисобланади. Бу түқима ҳужайралари бўйига чўзилиб, фақат бурчакларининг бир қисми нотекис қалинлашганлиги билан фарқланади. Колленхима ҳужайраларининг қалинлашган қисмиде пектин, гемицеллюзда ва сув кўп бўлади. Бу ҳужайраларнинг энг хусусиятли белгилари шундан иборатки, уларда бирламиши ва иккиласмчи пўстлар ўртасидаги чегара аниқ кўринмайди.

Колленхима ёш новда ҳужайраларининг бўйига чўзилиб ўсиши вақтида эпидерма остида юзага келади ва айланма ҳалқа ҳосил қилиб, мустаҳкамлик беради. Колленхима ҳужайралари тирик, ҳужайра деворлари эластик ва пластик, шунинг учун чўзилиб ўсиш хусусиятига эга.

Эволюция жарайёнида колленхима паренхима ҳужайраларидан келиб чиқади ва таянч вазифасини фақат тургор ҳолатидагина бажаради. Сув миқдори камайса, колленхима ҳужайралари букилиб сўлийди. Баъзан уларда хлоропластлар учрайди, улар ҳужайранинг тургор ҳолатини сақлашда хизмат қилса керак.

Колленхима асосан уч хил: бурчаксимон, пластинкасимон ва ғоваксимон бўлади. Агар ҳужайралар бўйига чўзилиб, фақат бурчаклари қалинлашиб уч ёки беш бурчак ҳосил қилса — **бурчакли колленхима** деб аталади. Ҳужайранинг фақат икки ён девори, деворлари қалинлашган бўлса — **пластинкасимон**, схизоген йўл билан эса **ғоваксимон** колленхима ҳужайралари юзага келади. У бурчакли ва пластинкасимон колленхималардан ҳужайра ораларида бўшлиқ ҳосил қилиши билан фарқ қиласди.

Склеренхима (юон. склерос — қаттик, мустаҳкам) түқималари тузилиши жиҳатидан колленхимадан фарқ 8—Ботаника



40-расм. Геран (Geranium pratense) баридаги ёғочлик толалари: А, Б – күндаланг кесмаси; В – узунасига кесмаси; 1 – ҳужайра девори; 2 – оддий пора; 3 – ҳужайра бўшлиғи.

қилади. Склеренхима тўқималарининг ҳужайралари тарақ-қиётнинг маълум бир даврида, прозенхима шаклидаги ҳужайраларнинг такомиллашишидан ташкил топади ва бир хилда қалинлашиб лигнин (лот. лигнум – ёғоч) моддасини шимиб, мустаҳкамланиб ёғочланади (40-расм). На-

тижада ұхжайралар тириклик хусусиятини йүқтади, бүшлиғи ҳаво билан тұлади. Ҳужайралар оралиғи оддий поралар билан туташган. Ҳужайра пүсги жуда пишиқ ва эластик бұлиб, мустаҳкамлигі жиҳатидан пұлатта яқин-дир.

Ҳужайра пұстида сувда әримайдиган мураккаб органик мөддә лигнинни тұпланиши склеренхиманиң мустаҳкамлигини янада оширади. Лекин ёғочланиш ҳужайра пұстини мұрт қиласы. Айрим қолларда склеренхима ҳужайралары ёғочланмасдан узунчоқ ингичка учили иплар (толалар) дан ташкил топади (масалан, зигир).


Склеренхима тұқымаси асосан, иккى хил: толалар (либрiform) ёки тошсимон склереид шаклда бұлади.

Толалар ёки либрiform (лот. либр и — луб, форма — шакл) ёғочланған мустаҳкам тұқымалар, ингичкалашған прозенхима ҳужайраларидан ташкил топған, баъзан бир неча сантиметр узунликда бұлади. Флоэма (юон. флоис — пұстлоқ) таркибида учрайдиган тұқымалар — луб толаси деб аталади. Ксилема (юон. ксило н — ёғоч) да учрайдиган толалар либрiform деб аталади (40-расм). Улар луб толаларига нисбатан қисқароқ бұлиб ёғочланған. Эволюция жараёнида либрiform толалари трахеидларнинг ёғочланған, узун ва үткір учли ўлук ҳужайраларидан келіб чиққан. Бу толалар бирпаллали үсімліктерде күп учрайдиган механик тұқима ҳисобланади.

Луб толалари тұқымачилик саноатида муҳим аҳамиятта зға (зигир, каноп, кендр, рами). Саноатда ишлатиладиган толаларнинг сифати уларнинг узунлиғи ва ёғочланишига боғлиқ.

Склереид ёки тошсимон тұқима, күпинча паренхима ҳужайраларининг құшимча развишда қалинлашиши ва қаттықлашиши натижасида вужудға келади, ҳамда пұстлоқтардаги арматурани маҳкамлайды. Улар бирламчи ва иккіламчи бұлади. Бирламчи склереидлар ҳосил қилувчи (меристема) тұқыманың прокамбий (юон. про — ўрнита, эвазига) ёки перицикл (юон. пери — атроф; киклос — айланы) дан, иккіламчиси эса, камбий (лот. камбий — алмашиб) ҳужайраларидан юзага келади. Склереидлар күпинча юмалоқ ёки шохланған шаклларда

булиши мумкин. Буларнинг деворларида одий поралар бўлиб, кўпинча шохланган (41-расм). Юмалок тошсимон склереидлар (нокда), ёғочланган брахисклереид (ёнғоқда), астросклереидлар (олча, олхўри ва бошқа данакли мевалар) бўлади.



41-расм. Пишмаган олча (*Prunus divaricata*) донагидаги склереидлар: 1 — цитоплазма; 2 — қалинлашган хужайра пўсти; 3 — поралар.

6-§. ЎТКАЗУВЧИ ТЎҚИМАЛАР

Ўтказувчи тўқималарнинг асосий вазифаси сув ва унда эриган минерал тузлар ҳамда органик моддаларни ўсимлик танаси бўйлаб ўтказишдан иборат. Ўсимликлар сувдан чиқиб, тупроқقا ўрнашиб, қуруқликка мослашиш давридан бошлаб уларда ўтказувчи тўқималар пайдо бўлган. Ўсимлик тупроқ ва ҳаводан озиқланганлиги сабабли уларнинг танасида икки хил ўтказувчи тўқималар пайдо бўлган. Тупроқдан илдиз орқали сўриб олинган сув ва унда эриган минерал тузлар пастдан юқорига (илдиздан барггача) ксилема найлар орқали ҳаракатланади. Шунга кўра, баъзи адабиётларда ксилемани сув ўтказадиган тўқима деб айтилади. Лекин, ксилема орқали бошқа моддалар ҳам ҳаракатланади. Масалан, баҳор фаслида ксилема орқали ривожланаётган ёш новда ва куртакларда қанд ҳамда илдизда синтез қилинган органик моддалар ҳаракат қиласи. Бу хилдаги моддалар оқими юқорига кўтариувчи оқим деб аталади. Баргда синтез қилинган органик моддалар юқоридан пастга (баргдан новдага сўнг илдизга) томон флоэма (элаксимон)найлар орқали ҳаракат қиласи. Бу оқимга пастга тушувчи оқим деб аталади. Шу оқим орқали ассимиляция натижасида ҳосил бўлган мод-

далар янги хужайра ва тўқималарнинг юзага келишида мухим аҳамиятга эга.

Ўтказувчи тўқималар (ксилема, флоэма ва уларнинг элементлари) меристема тўқимасидан вужудга келади ва мураккаб бир системани ташкил этади. Бу система учун умумий бўлган бир қанча хусусиятлар мавжуд. Ўтказувчи тўқима системаси ҳамма ўсимлик органларини (илдиздан тортиб ёш новдагача) бир-бiri билан боғлайди. Ксилема ва флоэма ҳам мураккаб тўқимадир, яъни уларнинг таркибида ғамловчи, ажратувчи. Энг мухими ўтказувчи элементлар бўлиб, уларнинг деворларидағи поралар — тешикчалар ёки перфорация (лот. перфораре — тешилиш)лари моддалар ўтишини енгиллаштиради. Перфорацияларнинг жойлашиши тўрсимон, спиралсимон, нарвонсимон бўлиши мумкин.

Ўтказувчи тўқималар, бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бирламчи тўқима барг, ёш новда ва илдизларда бўлиб про камбийдан, иккиламчиси камбийдан (ўсимлик камбий ҳисобидан энiga ўсади) ҳосил бўлади.

Жуда кўп органларда ксилема билан флоэма ёнма-ён жойлашиб алоҳида қатламлар ёки ўтказувчи боғламлар ҳосил қиласди.

Новда ва илдизларнинг апекс қисмидаги меристема хужайраларининг прокамбий фаолияти натижасида бир-паллали ўсимликларда ёпиқ ўтказувчи боғлам, иккипаллали ўсимликларда эса очиқ боғлам вужудга келади, бу боғламларга коллатерал (лот. кол — биргаликда, латералис — ён томон) тузилиш деб аталади. Одатда, очиқ коллатерал боғлам кўпроқ учрайди, бунда ксилема билан флоэма ўртасида камбий пайдо бўлади. Биколлатерал ўтказувчи боғламда ички томондан қўшимча ҳолатда флоэма шаклланади, масалан, қовоқгулдошлар, итузумгулдошлар оиласига мансуб ўсимликларда (қовоқ, бодринг, помидор, картошка, итузум ва бошқалар). Ёпиқ ўтказувчи боғламларда камбий қатлами бўлмайди. Шунинг учун ҳам уларда иккиламчи йўғонлашиши кузатилмайди. Баъзан ёғоч қатлам (ксилема), луб қатлами (флоэма)ни ўраб олади, бу хилдаги ўтказувчи боғламга амфивазиал (юнон. амфи-атроф, теварак; лот. ваз — найча) боғлам ёки найчалар тудаси леб аталади. Бу ландиш ва гулсапсарнинг илдиз ва по-

яларидан күзатылади. Акси эса флоэма, ксилемани үраса амфикрибраң наилар тұдаси дейилади.

Тұқымалар тузилишини үрганиш үсімліклар эволюция йүлини аниқлашда мұхим ақамияттаға эга, чунки ҳар бир үсімлік тури учун үзігін хос тузилишгә зәға бўлган ўтказувчи тұқымалар системаси мавжуддир.

Ксилема наилари орқали илдиздан, баргача сув ва унда әриган минерал моддалар ҳаракатланади. Ксилема ҳужайралари бирламчи ва иккиласы бўлади. Бирламчи ксилема ҳужайраларида камбийдан ҳосил бўлган радиал чизиклар шаклидаги паренхима ҳужайралари — узак нурлар бўлмайди. Бинобарин бирламчи ксилема, иккиласы ксилемадан фарқ қиласи.

Ксилема таркибиға ўтказувчи, мустаҳкамлик берувчи, ғамловчи ва бошқа бир қанча элементлар киради. Ксилема элементларининг морфологик тузилиши ҳар хил бўлиб, сув ўтказиш, таянч ва ғамловчи вазифаларини бажаради. Булардан энг мұхими ўтказувчанлигидир.


Трахеидлар (юон. трахея — нафас) сув ўтказувчи наилар узун-узун бўғинли, бошланғич деворлари бузилмаган ҳужайралардан ташкил топган. Моддаларни бир трахеиддан иккинчисига ўтиши, ўша ҳужайра деворларидаги ёғочланмасдан қолган ҳошияли тешикчалар (поралар) орқали фильтрланиб ўтади (54-расм, 1). Ҳошияли тешикчалар икки ёндош ҳужайра орасидаги туташ пардан ҳужайра ичига қараб торайиб боришдан ҳосил бўлади.

Трахея (трахея — нафас, эйдос — тус, қиёфа) — учили наилардир. Булар бир неча бўғинли, узун ва ўткір учили үлкін ҳужайралардан вужудга келади. Бўғинлар устма-уст жойлашиб наилар ҳосил қиласи (42-расм, 2). Устма-уст жойлашган наилар бир-бири билан ҳужайра қобигининг тешилиши перформация (лот. перфортати — пармаламок) этилиши натижасида туташади. Бу тешикчалар ҳошияли поралар ўрнида пайдо бўлади. Наилар орқали эритмалар, трахеидларга нисбатан енгил ҳаракатланади. Шаклланган трахея (учили наилар) деворлари ёғочланади, сунг протопласт емирилиб эриб кетади. Протопласт ўрнини эритма тўлдиради.


Трахеид ва трахеялар эритмаларни фақат юқорига кўтарилиши учун хизмат қиласадан, балки ён томонда жой-

лашган трахеид ҳамда учили найларга ва бошқа тирик ҳужайраларга ҳам ўтказади. Трахеид ва учили найларнинг деворлари турлича қалинлашган бўлиб, бу қалинлашган жой уларга мустаҳкамлик беради. Трахеид элементлари ён деворларининг қалинлашиши хусусиятига кўра ҳалқасимон, спиралсимон, тўрсимон, нарвонсимон ва нуқтасимон найлар пайдо бўлади. Трахеид элементларининг морфогенетик эволюцион қатори 43-расмда кўрсатилган. Трахеид элементларининг ривожланишида энг аввал ҳалқали ва спирал найлар пайдо бўлади, кейинчалик қолганлари вужудга келади. Булар новла, илдиз ва баргларнинг чўзиладиган қисмида учрайди. Ҳалқасимон ва спиралсимон трахеид элементлари чўзилувчи, шунинг учун ҳалқалар бир-биридан узоқлашади (43-расм, 2, 4). Кейинроқ онтогенезида органларнинг чўзилиши тутагач, такомиллашган элементлар пайдо бўлади.

Трахея ёки учили найлар — камбийдан ҳосил бўлган юпқа деворли чўзилувчан тирик ҳужайралардан юзага келади.



43-расм. Трахеид элементлари деворларининг қалинлашиш хиллари:
1 — ҳалқасимон; 2—4 спиралсимон; 5 — нуқтали; 6 — нарвонсимон;
7 — қарама-қарши; 8 — нахватлашган тесикчали найлар.



42-расм. Ўтказувчи элементлар (2) ва трахеидлар (1) тузилишининг тасвири; алоҳида трахеид ва ўтказувчи найлар қора рангда.


Бу ҳужайралар энига ўсиб такомиллашгандан сұнг, унинг протопласти қоюқлашиб ҳужайра деворига тақалиб ши-лимшиқланғандан кейин эриб перфорацияланади. Тирик ҳужайраларнинг учли найларга ёки трахеидларга айланиши жуда тез, бир неча соат давомида содир бўлади. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, ҳужайра пўстини ташкил этишда қатнашадиган ретикулум (диктиосома, микронайчалар) фаол иштирок этади. Шундан сұнг протопласт нобуд бўлади ва унинг хусусияти ҳам ўзгаради. Ён деворларнинг қалинлашиши ва кўндаланг деворларнинг эришидан кейин протопласт ичидаги кучли равишда вакуолалар пайдо бўлади ва йириклишади. Натижада най ёки трахеид ичидаги бўшлиқ суюқлик билан тўлади.

Найлар сингари, трахеидлардан, оддий пораларга эга бўлган ва кучли равишда лиггинашган ёғоч толалар ривожланади. Аммо улар такомиллашиш жараёнида ўтказувчанлик хусусиятини йўқотиб, кўпроқ мустаҳкамлик бериш вазифасини бажаришга мослашгандир. Ёғоч таркибida толалар бўлганлиги сабабли бу тўқималар анча мустаҳкам бўлади.

Эволюция жараёнида ксилема элементлари энг қадими қуруқликда ўсишга мослашган юксак ўсимликлардан ринияда юзага келган. Уларда ксилема элементлари ҳалқали ва спирал трахеидлардан иборат бўлган. Трахеидлар юксак спорофит (қирқбўғимлар, плаунлар, қирқкулоқлар ва очиқуруғли) ўсимликларда учрайди ва ягона ўтказувчи элементлардан ҳисобланади.

Эволюция жараёнида ёпиқуруғли ўсимликларда трахеидлардан ташқари, тешикли либриформ толаларидан ўтказувчи найлар пайдо бўлган. Ёпиқ уруғли ўсимликларда найларнинг ҳосил бўлиши эволюциянинг прогресшив (лот. прогресс — олдинга интилиш) йўлидир. Бу йўл қуруқлик шароитида ўсишга мослашган ўсимликларда сув ҳаракатини тезлаштирган. Бу жараён физиологик аҳамиятга эга.

Флоэма (юон. флюос — пўстлоқ)нинг асосий таркибий қисми найлар, луб (йўлдош ҳужайралар, луб паренхималари ва луб толалари) дан иборат бўлиб, органик моддаларни ўтказиш учун хизмат қиласи. Шулардан энг муҳими элаксимон найлар ва йўлдош ҳужайралардир.



44-расм. Элаксимон най ва йўлдош хужайраларининг гистогенези:
1 — вакуола, ядро, тонопласт, пластилларга эга бўлган хужайранинг кўришиши; 2 — элаксимон най ва йўлдошиларни ҳосил булиши; 3—4 элаксимон перформацияларни ҳосил булиши; 5—6 элаксимон най поралари атрофига коллоза тўпланиши; V — вакуола, Ka — каллоза, пл — пластиллар, пр — перформация; ск — йўлдош хужайралар; T — тонопласт; Я — ядро.

Флоэма бирламчи (бошлангич) ва иккиламчи бўлиши мумкин. Бошлангич ёки бирламчи флоэма ўсимлик органларининг ўсиши даврида жуда тез чўзилади ва тез бузилади. Иккиламчи флоэма ёки луб камбийдан вужудга келади.

Элаксимон найларнинг деворларида жуда майдатешикчалар (турлар) булади. “Түр” сўзи найларда учрайдиган тешикчалар тўпламини билдиради. Бу тешикчалар поралар деб аталади. Элаксимон найларда поралар жуда ҳам тор, ҳамма тўрсимон найларда бир хил шаклда булади. Поралар ёнма-ён жойлашган ҳужайраларнинг перфорацияниши натижасида ҳосил булади ва уларни ташиб утади. Шу поралар орқали ён ҳужайраларнинг тирик моддаси ва ассимиляция маҳсулоти ҳаракат этиб туради. Перфорация бир неча ҳужайралар гуруҳидан ташкил топган булиб, элаксимон пардалар шаклида жойлашади (44-расм).

Юксак спорали содда тузилган, очикуруғли ўсимликларда тўрсимон пардалар ён деворларда тарқоқ ва қияланган ҳолда жойлашади. Ёпикуруғли ўсимликларда перфорация анча ривожланган булиб, пардалар тўрсимон найларнинг охирида жойлашади ва пластинка (орқа тусик) ҳосил қиласи. Тўрсимон пластинкада битта парда бўлса оддий, агар бир неча парда бўлса мураккаб пластинка деб аталади.

Одатда, элаксимон найлар ва элаксимон ҳужайралар булади. Элаксимон ҳужайралар юксак спорали ва очикуруғли ўсимликларга хос содда тузилган. Бу ҳужайралар узун ва ўткир учли, элаксимон пардаси тарқоқ булиб, ён деворларда жойлашадиган булади. Бундан ташқари, уларда йўлдош ҳужайралар бўлмайди, такомиллашганларida ядро ҳосил булади, бу белгилар уларни содда тузилганлигини билдиради.

Элаксимон элементларнинг иккинчи тури, узунасига кетган ҳужайралар (бўғимлар) қаторидан иборат булиб, пластинкалари бир-бiri билан гуташиб элаксимон найларни ҳосил қиласи. Найларнинг узуилиги 150—300 мкм, эни 20—30 мкм. Элаксимон найлар, элаксимон ҳужайралардан юзага келади. Найлар флоэма боғламларининг узунлиги бўйлаб жойлашади (44-расм, 3).

ОНТОГЕНЕЗИДА ЭЛАКСИМОН НАЙЛАР ВА УЛАРНИНГ ЭЛЕМЕНТАРИ МЕРИСТЕМА ҲУЖАЙРАЛИДАН ТАШКИЛ ТОПАДИ. БУНДА МЕРИСТЕМА ҲУЖАЙРАЛАРИ УЗУНАСИГА ТУСИҚ БИЛАН ИККИГА БУЛИНАДИ (44-расм), ҲОСИЛ БЎЛГАН ИККИТА ҚИЗ ҲУЖАЙРАЛАР БИР-БИРИ БИЛАН ҲАР ТОМОНЛАМА ПЛАЗМОДЕСМА БИЛАН БОҒЛАНАДИ. ЙИРИКРОҚ ҲУЖАЙРАДАН ЭЛАКСИМОН НАЙЧА, КИЧИГИДАН

Йүлдош ҳужайра пайдо булади. Айрим ҳолларда она ҳужайра буйига икки ёки учга булинади. Натижада элаксимон найча ёнида иккита ёки учта йүлдош ҳужайра вужудга келади. Ҳосил бўлган элементлар ўсиб чўзилади, қобиги бироз қалинлашади, ҳужайранинг охиридаги плазмодесмалари ўрнига перфорацияланган пластинка ҳосил булади. Пластинка поралари атрофида кимёвий таркиби жиҳатидан целялюзага яқин бўлган полисахарид — каллоза тўпланди ва пораларнинг торайишига сабаб булади. Элаксимон найлар ўз фаолиятини тугатгандан кейин каллоза пораларни беркитади.

Ёш элаксимон най элементларининг таркибида бир нечта вакуола булади. Уларнинг ҳар қайсиси тонопласт билан уралиб, цитоплазмадан ажралади. Кейинчалик шаклланган элаксимон найларда цитоплазма ҳужайра девори атрофида жойлашади. Ядро емирилади ёки унинг қолдиги сақланади. Бундан ташқари цитоплазма билан вакуола оралиғидаги тонопласт ҳам емирилиб, марказий вакуола чегараси йўқолади, натижада ҳужайра маркази вакуола ва цитоплазма моддаси билан тулади. Шаклланган элаксимон най элементларида цитоплазманинг қолган қисмлари (эндолизматик ретикулум, митохондрий ва жуда оз миқдорда учрайдиган пластидлар) ҳужайра девори атрофида жойлашади. Рибосома, диктиосома ва микронайлар бўлмайди. Шу хусусиятлари билан элаксимон най элементларининг тузилишидан фарқ қиласди.

Иккипаллали ўсимликларнинг ёш элаксимон элементларининг цитоплазма таркибида юмaloқ шаклдаги таначалар ёки флоэма оқсиллари (Φ — оқсил) ҳосил булади. Кейинчалик бу флоэма оқсиллари шаклини ўзгартириб, ёйилиб кетади ва унинг фибрillалари перфорация поралари орқали най бўғимларига ўтади. Φ — оқсилнинг асосий вазифаси ҳозиргача тўлиқ аниқланмаган. Айрим маълумотларга кўра бу оқсил каллоза билан биргаликда жароҳатлаинган элаксимон най элементларининг атрофида қатлам пайдо этишда қатнашади.

Органик моддаларнинг ҳаракатида тўрсимон найларнинг махсус паренхима ёки йўлдош ҳужайралари муҳим аҳамиятга эга, чунки бу ҳужайраларда ядро ва митохондрийларнинг ҳаётчанлиги узоқ вақт сақланади. Турси-

мон найлар билан йүлдош ҳужайралар ўртасида жуда күп сонли ён түрлар бор ва улар плазматик алоқада. Флоэма элементлари орқали ассимиляция маҳсулотининг ҳаракат тезлиги 50—150 см га түғри келади. Бу жуда катта кувват сарфлашни талаб этади. Жараён ҳужайранинг нафас олиши билан боғлиқ. Нафас олиш жараёни секинлашса моддаларнинг флоэма элементлари орқали ҳаракати тұхтайди.

Тұрсымон найларнинг фаолияти узоққа чўзилмайди. Баъзан бута ва дараҳтларда 3—4 йил давом этади, кейинроқ вегетациянинг охирида тұрсымон найларнинг пластинкалари каллоза билан беркитилади ва плазмали толалар сиқылади. Камбий фаолияти натижасида янги тұрсымон элементлар ҳосил бўлади.

Камбийнинг фаолиятидан иккиламчи флоэма ёки луб паренхимаси вужудга келади. Булар юпқа деворли, бўғимсиз узун ҳужайралар кўринишида юзага келади. Луб паренхима ҳужайралари, ўтказувчанлик хусусиятидан ташқари, фамловчи ва мустаҳкамлик вазифасини бажарувчи тўқима элементлари склеренхима ва склереидлар (тошсимон ҳужайралар) шаклида бўлади.

Очиқ уруғли ўсимликларда йўлдош ҳужайралар бўлмайди; уларнинг вазифасини луб паренхималари бажаради. Лублаги паренхимада фамловчи моддалар (крахмал, гемицеллюзоза) тўпланади.

Камбийдан ташқарига қараб тангентал (лот. тангенс — тегишли, алоқадор, узунасига, бўйига) йўналишда луб нурлари ёки луб толалари юзага келади. Ўт ўсимликларнинг луб нурлари узунасига кетган паренхима ҳужайраларидан тузилган, дараҳтларда эса радиал (тик) йўналишда чўзилган ҳужайралардан иборатдир. Луб нурларининг вазифаси ассимиляция маҳсулотини яқинроқ масофага ўтказишдан иборатдир.

5-б о б

ГУЛЛИ ЎСИМЛИКЛАР ОНТОГЕНЕЗИННИГ БОШЛАНГИЧ ДАВРЛАРИ

Ўсимликларнинг онтогенези (юон. онтос — мавжуд; генезис — келиб чиқиши, ҳосил бўлини) ёки индивидуал тараққиёти уруғланган тухум ҳужайранинг ривожланишидан бошланади. Агар ўсимлик вегетатив қўпайса, унинг онтогенези бошлангич “она” ўсимликнинг соматик (юон. соматос — тана, гавда) ҳужайраларининг булиниши билан бошланади ва ўсимлик ҳаётининг охиригача (куриб нобуд бўлгунча ёки янги булинишигача) давом этади. Онтогенез атамасини фанга биринчи бўлиб 1866 йили Э. Геккель киритган.

Гулли ўсимликларнинг энг асосий ўсув органлари — новда ва илдизи, одатда, стилган уруғ таркибидаги муртакда жойлашган бўлади. Лекин уруғ уна бошлагандан сўнг, муртакдан янги органлар: куртак, новда, барг ва ён новдалар, ён ва қўшимча илдизлар ҳам ривожланади. Ўсимликларнинг кейинги ривожланиши даврларида репродуктив (лот. ре — янгитдан; продуктио — ҳосил қилиш) яъни жинсий қўпайиш органининг (гул, уруғ) ҳосил булиши меристема ҳужайраларининг фаолиятига боғлиқ.

1-§. УРУҒ, УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТУЗИЛИШИ

Уруғ ёпиқ уруғли ўсимликларнинг жинсий қўпайиши натижасида уруғкортак мегаспорангий (юон. м е г а с — спора; агейон — най)дан ҳосил бўлади ва қўпайиш органи ҳисобланади. Очикуруғли ўсимликларнинг уруғлари макроспорангий (юон. м а к р о с — катта; с п о р а — уруғ; агейон — най) ларнинг тубида жойлашган уруғкортак-дан ўсиб ривожланади. Буларнинг уруғи тутунча девори

билин ҳимоя қилинмасдан очиқ ҳолда ўрнашган. Баъзан, уруг жинсий хужайралар қушилмаган ҳолда, уруғланмаган тухум хужайралардан ҳам вужудга келади. Бу ҳодисага апомиксис (юнон. από — инкор, акс; μίκσις — аралашиш, қоришиш) деб аталади.

Уруғлар шакли, катта-кичиликлиги, ранги ва ички тузилиши жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қиласи. Уруғларнинг шакли юмалоқ, дисксимон, эллипссимон, узунчоқ ва ҳоказо. Энг кичик уруғлар ароиддошлар оиласининг вакилларида ва текинхўр ўсимликлар (масалан, шумфия)да учрайди. Буларнинг уруғлари жуда ҳам кичкина, шунинг учун уларни оддий куз билан куриш қийин. Уруғларнинг усти силлиқ, ялтироқ, ғадир-будур бўлиши мумкин.

Онтогенез ривожланишида уруг — ўсимликнинг эмбрионлик (юнон. ἐμβριον — муртак) даври ҳисобланади. Уруг асосан 1—2 қават интегумент (лот. интегументум — қоплама) — уруғкортак қобиги — пусти нүцеллюс (лот. ёнгоқча — куртак мағзи)ни ўраб турувчи пуст билан қопланади. У уруғлангандан сунг уруг пустга айланади. Уруг ичидаги муртак, эндосперм ёки перисперм бўлади. Баъзан бир ургуда кўп муртак етилиши мумкин. Бу ҳодисага полиэмбриония (юнон. поли — кўп; эмбрион — муртак) деб аталади. Кўп муртаклилик очикуруғли, орхидеягулдошлар, пиёздошлар ва мураккабгулдошлар оиласининг вакилларида учрайди.

Уруг пусти. Уруг пусти ёки перикарпий (юнон. περι — атрофда, καρπος — мева) уруғкортак тугунчалигининг кушилиб ўсишидан ҳосил бўлади. Одатда у кўп қаватли ва пишиқ. Унинг асосий вазифаси, муртакни ҳар хил таъсирлардан — куриб қолишдан, муддатидан олдин унишдан ва микроорганизмлардан ҳимоя қилишидир. Кўпчиллик ўсимликлар уругининг устидаги ҳалқасимон бўртма — уруг ўсимтаси ҳосил бўлади. Унинг келиб чиқиши ҳар хил. Баъзан фуникулус (лот. фуникулюс — арқон) уруғкортакнинг банди ёки уруг бандидан, айрим ҳолларда эса уруғкортакнинг интигументидан вужудга келади. Уруг ўсимталари кўпинча микропиле (юнон. мікрос — кичик; піле — тешик, тирқиш) ёки уруг йўлига яқин жойлашади ва карункула (лот. карункула — этли, гурра, шиш)

деб аталади. Улар уруғ устида кичкина ўсимталар шакли-да ўрнашиб, ҳар хил ранг ҳосил қиласи ва ўсимлик уруғларини тарқатувчи ҳашаротлар, чумолилар ҳамда қушларни жалб қилишда уругларнинг тарқалиши учун хизмат қиласи (масалан, нормушк, гунафша ва ҳоказо).


Уруғ пустининг ранги ва анатомик тузилиши ҳар хил. Масалан, данаксиз резавор меваларнинг уруғ пустлари данакли меваларнинг уруғ пустига нисбатан кучлироқ тараққий этган ва пишикроқ булади. Куруқ, очилмайдиган меваларда уруғ пусти икки, уч ёки бир қават ҳужайрадан ташкил топган. Лекин, баъзи ўсимликларда (лабгулдошлар, капалакгулдошлар, гулхайридошлар ва бошқаларда) уруғ пусти, аксинча, қалин ва кўп қаватли булади.

Одатда, пишган уруғ мевалардан узилиб тушса, уларнинг пустида уруғ ўрни билан қўшиладиган жойи булади, бунга уруғ чоки ёки уруғ кертими деб аталади.

Уруглар пишиб ерга тўкилгандан сунг қулай об-ҳаво ва намлик шароитида униб чиқади. Унишнинг дастлабки даврида сув ва ҳаво микропиле орқали уруғ ичига ўтади ва ферментлар таъсирида уруғ пусти ҳужайралари шилимшиқланади, натижада уругларнинг, тупроқ заррачаларига ёпишиб нам тўғлаши учун замин яратилади.

МУРТАК. Муртак, уругланиш содир бўлгандан сунг, зиготадан ҳосил булади. Унинг ҳужайралари диплоид хромосомали ядрога эга. Муртак янги ўсимликнинг бошлангичи, у деярли меристема тўқимасидан ташкил топган. Гулли ўсимликларнинг етилган муртаги морфологик жиҳатдан бошлангич новда, илдиз ва битта ёки иккита уруғпалладан иборат булиб, улар ёш спорофит ўсимликнинг биринчи барглари ҳисобланади. Уруғ униб чиққанда иккита баргсизон яшил палла (ғўза, ловия) ҳосил қилувчи ўсимликлар икки паллали ўсимликлар, деб аталади. Муртаклари бир уруғ паллали ўсимликлар бир паллали ўсимликлар деб аталади (буғдой, шоли ва бошқалар).

Бошлангич новда ва илдизнинг апикал қисмида меристема тўқималари жойлашган. Меристема ҳужайралари физиологик жиҳатдан ёш ва булиниш хусусиятига эга. Муртак поясча, бошлангич новданинг ўсиш нуқтаси жойлашган меристема ҳужайраларидан пастроқда, бўртма шаклида булади (45-расм). Баъзан новданинг апексида,



45-расм. Үсімталарнинг тузилиши. А — ловия (ер устки үсиш), Б — бұгдой; В — маккажұхори үсиш хиллари: эпикотиль; уруғпалла үрнашған жой; 3 — гипокотиль; 4 — илдиз бүйинчаси; 5 — асосий илдиз; 6 — ең илдизлар; 7 — күшімча илдизлар.


уруғпаллалардан кейин баргларнинг бошланғич бұртмалари (мұртак күртаклари) ҳосил бұлады. Мұртак үқіннің уруғпаллалардан илдиз бүғизигача бұлған қисми гипокотиль (юон. гипо — остықи, пастки қисм, котилеодон — уруғпалла) деб аталағы. Гипокотильнің энг пастки қисми илдиз бүйинчаси, илдиз бүғизи деб аталаувчи қисм орқали мұртак илдизчаси билан туташады. Мұртак илдизчага уни қоллаб турадын илдиз қінчасидан иборат (53-расмга қаралсЫН). Уруғпалла билан биринчи күртак оралиғи эпикотиль (юон. эпи — устида) деб аталағы.

Очикуруғли (нинабаргли)ларнинг уруғида ўнтағача уруғпаллалари бўлади. Уларнинг муртаги гипокотиль ва куртакча ҳамда кичкина илдизчадан иборат. Куртакчада ўсиш нуқтаси ва ўнта ингичка уруғпаллалар мавжуд. Куртак ўсганда бу уруғпаллалар дастлабки ўнта ипсимон, нинабаргларга айланади.


Эндосперм — озиқ моддали тўқима булиб, ўсимликнинг уруғида ривожланади. Эндосперм қўшалоқ уруғланиш нағијасида муртак халтасининг диплоидли марказий ҳужайрасидан ҳосил бўлади ва триплоид ҳужайралардан иборат. Демак, уруғнинг муртаги ва эндосперми бир-биридан кескин фарқ қиласи. Баъзи ўсимликларда масалан, бирпаллалилардан буғдои, пиёз, лола, пиёзгул ва бошқаларда уруғ муртаги шу даражада кичик бўладики, уруғнинг деярли бутун ички қисмини эндосперм (оқсил) эгаллайди (46-расм). Бу хилдаги уруғлар эндоспермли уруғлар деб аталади.

Эндоспермли уруғлар кўпинча бирпаллалилар (фаллагуллошлар, пиёзгулдошлар), иккипаллали ўсимликлардан итузумдошлар, соябонгулдошлар, сутламадошлар (канакунжут)да учрайди.

Кўпгина ўсимликларда, аксинча, муртак ўсиб, эндоспермни иўлаштириб юборади ва эндосперм уруғ пўсти остида бир неча қатор ҳужайралар шаклида қолади (масалан, бодом, 47-расм, 1) ёки бутунлай қолмайди (капалакгулдошлар, мураккабгулдошлар, бутгулдошлар, қовоқгулдошлар, атиргулдошлар ва




46-расм. Бир паллали ўсимлик уруғларида эндоспермнинг жойлашиши. Оқ рангда озиқ модда, қора рангда муртак шакли.



47-расм. Икки паллали ўсимлик уруғлари: 1 — бодом (*а* — данак ичидаги уруғнинг умумий кўриниши; *б* — бўйига кесилган уруғ кесими; *в* — муртак). Уп — мева пўсти, э — эндосперм, гп — гипокотиль; эпк — эпикотиль; *к* — илдизча.

ҳоказода). Бу хилдаги уруғлар эндоспермсиз уруғлар деб аталади. Эндоспермсиз уруғларнинг уруғ пўсти остида йирик уруғпаллалари бўлиб, уларнинг тўқималарида озиқ моддалар тўпланди (қовоқ, ловия, 47-расм, 2 ва бошқалар, 48-расм).

Муртак эндоспермни ўзлаштириб юборган ҳолларда, унинг вазифаси бирмунча ўзгаради ва (купинча уруғпаллалари фамлаган) озиқ моддаларни тўплай бошлайди. Бундан ташқари фамлаган озиқ моддалар перисперм (юнон. peri —



48-расм. Уруғ хиллари. А — күкнор (*Papaver somniferum*), Б — бүгдой (*Triticum*), Г — ловия (*Pisum sativum*), Ѓ — қора мурч (*Piper nigrum*); Д — *Agrostemma githago*: 1 — уруғ пўсти; 2 — эндосперм; 3 — илдизча; 4 — пояча; 5 — куртакча; 6 — уруғпалла (3—6 — муртак); 7 — мева пўсти; 8 — перисперм.

атроф; сперма — уруғда ҳам тўпланади. Бундай уруғларга қора мурч, лавлаги ва бошқалар мисол бўла олади. Перисперм уруғ пўсти остида жойлашган бўлиб, уруғкортакнинг нуцеллусидан ривожланади. Бундай уруғларда муртак жуда ҳам кичкина бўлади, уни ҳамма томондан фамловчи тўқима ўраб олади. Эндосперм ва перисперм муртакка тақалиб тургани учун уруғ ўсаётган вақтда, муртак улардаги барча озиқ моддаларни сўриб олади. Бинобарин, эндосперм ва периспермдаги озиқ моддалар — муртакнинг дастлабки озиги ва унинг ривожланиши учун асосий заминидир.

Эндосперм кимёвий тузилиши жиҳатидан унсимон ёки ёғсимон бўлиши мумкин. Унсимон эндосперм хужайраларида иккиласми крахмал доначалари, ёғсимон эндосперм хужайраларида эса ёғ томчилари тўпланади. Бундан ташқари уруғларда оқсил ва фитин (фосфорли бирикмалар) ҳам учрайди. Фитин уруғнинг унишидаги модда алмашинувини тезлаштиради.

Оқсил, алейрон (юон. алейрон — ун) доначалари шаклида бўлиб, эндоспермнинг ташқи юпқа қаватини ташкил этади (буғдой, арпа ва бошқа шу каби донлар). Кўпчилик ўсимликларда уруғ шу қадар сувсизланадики, улар жуда ҳам қаттиқ, шишасимон ва ҳатто тошсимон бўлиб қолади (масалан, финик пальмаси).

Ёғсимон эндоспермли уруғлар (кунгабоқар, зигир, ёнғоқ ва бошқалар) фамловчи озиқ моддалар ичida қувват жиҳатидан бошқа уруғларга нисбатан устунлик қилади.

Уруғ унаётганда муртак эндосперм моддаларини ўзлаштиради ва шундан сунг унинг хужайралари емирилади.

Эндосперм ва перисперм функциялари жиҳатидан бир хил, лекин морфологик жиҳатидан турли хил келиб чиқишига эга: яъни улар бир-бирига аналогдир.

2-§. УРУҒНИНГ УНИБ ЧИҚИШИ ВА ЎСИМТАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Уруғ пишиб етилиши учун маълум жараёнларни ўтаси керак, яъни вақт талаб этилади. Бу, жуда кўп ташқи ва ички омилларга боғлиқдир. Ташқи (экологик) омиллар ичидаги энг муҳими: сув, ҳаво (кислород) ва ҳароратдир. Бундан ташқари, майда уруғларнинг униши (айниқса бегона ва ёввойи ўтлар) учун ёруғлик ҳам керак бўлади.

Етилган уруғлар, одатда, жуда ҳам қуруқ бўлади. Уларнинг нисбий намлиги 5–20%ни ташкил этади. Шунинг учун ҳам уруғлар зарур бўлган сувни ўзлаштириб олмагунча уна олмайди. Сувнинг шимилиши натижасида уруғ бўртади. Унинг таркибида мавжуд бўлган ферментларнинг фаолияти ошади, нафас олиши тезлашади ва озиқ моддалар парчаланади. Полирибосомаларнинг фаолиятида оқсил ва бошқа моддалар синтез қилинади. Муртак қайтадан булинади, хужайралар чўзилади. Бунинг учун сув ва озиқ моддалар тўхтовсиз талаб этилади.

Уруғ унишининг дастлабки даврларида анаэроб шароитда, кейинчалик уруғ пўсти ёрилганда, сўнг аэроб шароитда нафас олади. Агар шу вақтда тупроқда нам мўл бўлса, уруғнинг нафас олиши қийинлашади, чунки кислород миқдори етишмаслиги сабабли уруғ унмасдан қолади.

Кўпчилик уруғлар униб чиқиши учун ҳар хил даражадаги ҳароратни талаб этади. Лекин ҳар бир тур ўсимликнинг ўз минимум (энг оз), оптимум (энг яхши, қулай) ва максимум (энг баланд, юқори) даражадаги ҳарорат чегараси бўлади. Кўп ўсимликлар учун ҳароратнинг энг паст (минимум) чегараси $0+5^{\circ}\text{C}$, энг баланд (максимум) $+45$, $+48^{\circ}\text{C}$, ўртача (оптимум) $+25$, $+30^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлади.

Баъзи уруғлар ташқи барча шарт-шароитлар қулай бўлган тақдирда ҳам унмайди. Бундай уруғлар тиним давридаги ёки уйқудаги уруғлар деб аталади.

Тиним давридаги ёки уйқудаги уруғлар экзоген, ёки эндоген ва мураккаб, яъни ҳам экзоген ҳам эндоген булиши мумкин. Экзоген тинимдаги уруғ пўсти жуда ҳам қаттиқ бўлиб, ўзидан сув ва ҳавони ўтказмайди (масалан, данакли меваларнинг уруғлари, қашқарбеда, акация ва бошқа ўсимлик уруғлари). Эндоген уруғларнинг муртаги секин ривожланади (женьшень). Бу хилдаги уруғларнинг муртаги бир ёки икки, уч йил давомида етилиши мумкин. Бунинг сабаби кўп, аммо, энг муҳими шундаки, кўпинча муртак физиологик жиҳатдан ҳали тўлиқ етилмаган бўлиб, уруғ пўсти эса сувни, баъзан ҳатто кислородни ҳам ўтказмайди. Ана шундай физиологик жиҳатдан етилмаган уруғлар униши учун бир қатор мураккаб ферментатив ва биохимёвий жараёнларни ўташи шарт. Шунда уруғ кейинроқ пишиб етилади. Иқлими мўътадил минтақаларда унча совуқ бўлмаган қиши даври мана шу жараёнларнинг ўтиши учун имкон яратади. Натижада етилиш учун талаб қилинадиган қўшимча вакт, уруғнинг қиши пайти (ноқулай шароит)да унишининг олдини олади. Айниқса, совуқ иқлимда ўсуви ўсимликларнинг ҳаёти учун тиним даври катта аҳамиятга эга, чунки бу уруғларни ҳар қандай шароитда унищдан сақлайди ва уларни кейинги ҳаётчанлигини таъминлайди. Баъзи уруғлар тиним даврини қушларнинг ёки сутэмизувчиларнинг овқат ҳазм қилиш органларида ўтайди. Бу, уларнинг бир томондан кенг тарқалишини, иккинчидан уруғнинг унишини тезлаштиради.

Сув ва ҳавони яхши ўтказмайдиган қаттиқ пўстли уруғларнинг (қашқарбеда, акация, янтоқ, лагохилус, кўклипранг ва бошқаларнинг) униб чиқишини тезлаштириш учун уларнинг қобиги сунъий йўллар билан юмшатилади. Бу усулга скарификация (лот. скарифиicare — тирнамоқ) деб аталади. Бу уруғларни қум ёки жилвир шишада араштирилиб ишқалаш йўли билан бажарилади. Бу чора уруғ муртагига сув ва ҳаво ўтишини осонлаштиради ва нафас олишини яхшилади.

Кишлоқ хўжалигида пўсти қаттиқ дарахт, бута (шумтол, заранг, акация, нок, олма, армуғон ва ҳоказо) ҳамда кўпгина фойдали ёввойи ўсимликлар (лагохилус-кўклипранг, қатрон, изен, таран ва бошқалар) уруғларининг униб чиқишини тезлаштириш учун улар нам қум орасида 20—

25 см чуқурлиқда 0 +6°C ҳароратда бир ёки бир неча ой давомида сақланади. Бу усулга **стратификация** (лот. стратум — түшама, қатлам; фасерс — бажармок) деб аталади.

Чүлларда үсимликтарнинг уруғ пўстида (шувоқ, туяқорин, итсифек, лагохилус-кўкпарат) унишни тұхтатувчи модда ингибитор (лот. ингибе — тұхтатиш) бўлади. Бу модда ёмғир, қор сувлари томонидан ювиб юборилса, шундан кейин уруғи уна бошлайди. Уруғнинг униш чиқиши тезлиги ва униш қобилиятыни сақлаб қолиш хусусиятига қараб үсимликлар кўйидаги гурухларга бўлинади:

1. Узоқ давом этувчи чуқур тинимдаги (уйқудаги) уруғлар. Бундай уруғлар бир, икки ёки ундан ҳам кўп йиллар мобайнида униш қобилиятыни сақлаб қолади. Уларга кўпгина дарахт ва утчил үсимликлар киради. Айниқса бегона ўтларнинг уруғлари тупроқда жуда кўп (10, 40 ва ундан ҳам зиёд) йиллар давомида униш қобилиятыни сақлайди. Шунинг учун ҳам бегона ўтларга қарши курашиб қийин (масалан, шумфия, сариқ печак ва бошқалар).

2. Пишиб тўқилгандан кейин бирданига ёки бир оз вақт ўтгандан (кўпинча қишлиб бўлгандан) кейин унадиган уруғлар. Аммо улар ҳам кўп вақт ичиде униш хусусиятини сақлаб қолиши (7—12—18 йил) мумкин. Буларга бошоқли маданий үсимликлар, полиз экинлари, чўл, адир, тоғ ва яйловда үсуви үсимликлар киради.

3. Пишиб етилгандан сўнг қулай шароитда дарҳол униш чиқадиган ва нокулай шароитда униш қобилиятыни тезда йўқотадиган уруғлар. Буларга: тол, терак, себарга ва кўпгина нам иқлимли тропик үсимликлар мисол була олади.


4. Пишиб етилгандан сўнг, она үсимлиқда турган вақтида ёқ уна бошлайдиган уруғлар. Бундай үсимликлар жуда ҳам оз учрайди ва тирик тугар үсимликлар деб аталади. Кўпинча айрим үсимликларда умуман мева ёки уруғ ҳосил бўлмайди, улардаги гул майдагина новдачага айланиб, узилиб тушади ва үсиб янги үсимликни ҳосил қилади (каланхоз, ризофора, бриофиллум ва бошқалар).

Етилган уруғ унишдан олдин албатта бўртиши, яъни кўп миқдорда сувни шимиши ва тўқималари сувга тўйиши зарур. Одатда уруғнинг пўсти ёрилади. Сувни шимиш вақтида ферментлар фаолияти ошади ва бу озиқ моддаларнинг эриган ҳолга ўтишига муртакнинг меристема

хужайралари уларни осонлик билан ўзлаштиришига саббчи бўлади. Масалан, крахмал эриган ҳолатда шакарга айланади. Бу жараёнларнинг ҳаммаси учун зарур бўлган энергия уруғнинг жуда тез нафас олишидан ҳосил бўлади.


Муртакнинг уруғпаллалари, яъни (палеабарглари) ўзидан эндоспермда ёки периспермда ўзгаришлар ҳосил қила-диган ферментлар ишлаб чиқаради. Бу ферментлар "ҳазм килиш" ҳамда сўриш вазифасини бажаради. Бу жараённи кокос пальмасининг муртак ва уруғпалласининг ривожла-нишида кўриш мумкин (49-расм). Унинг уруғпалласи жуда ҳам ўсиб кетади ва сўриш органи гаусторий (лот. гаустор — сўрмоқ, сўрғич)га айланиб муртак орқали озиқла-нади. Кокос пальмасининг уруғи унишдан олдин яхши етилмаган муртак пояча ва илдизлар ҳосил қилиб, уруғ-палласи эса эндосперм суюқлиги ичida ўсиб уни шимиб озиқланади.

Уруғ униб чиқаётганида жадал озиқланиш натижасида муртакда барча органлар тез шаклланади. Пустнинг ёрилган жойидан ёки микропиляр тешикчадан биринчи бўлиб муртак илдизчаси чиқади ва у ёш ўсимтани тупроққа би-рicketириб, ташқи муҳитдан сув ва сувда эриган минерал моддаларни ўзлаштира бошлайди. Шу билан бирга гипо-котиль ҳам ўсиб илдиз учини тупроққа ўрнаштиради. Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг қовузлокқа ўхшаб эгилган гипокотиль уруғ устидаги тупроқни силжитади. Кейинча-лик гипокотиль туғриланади ва уруғпаллани ва улар ора-




49-расм. Кокос пальма уруғининг униши: 1 — муртаги (M) етилмаган кокос пальма уруғининг умумий кўриниши; M — етилмаган муртак; КЭ — эндосперм қобиги; Мё — мева ёни; 2 — ўсаётган ёнгок; урп — гаусторий функциясини бажарадиган уруғпалла; қи — қўшимча илдиз; к — муртак; юз — эндосперм суюқлиги .

сидаги бошланғич новда ҳамда баргли күртакни ер устиғи олиб чиқади. Қуёш нури таєсирида уругналла таркибида япил ранг берувчи хлорофил пайдо бўлади, шундан сўнг ўсимта биринчи ассимиляция органига айланади. Иккى паллали ўсимликларда ниш иккита паллабарглари билан ер бетига чиқади. (Масалан, бутгулдошлар, шўрадошлар, итузумгулдошлар, мураккабгулдошлар, соябонгулдошлар, гулхайридошлар, раънгулдошлар ва бошқаларда). Айрим ҳолларда паллабарглар тупроқ орасида қолади (масалан, нұхат, ерёңғоқ, бурчоқ, олхўри, олча ва бошқаларда). Бундай униш яширини ушини деб аталади (50-расм, 4,5).



50-расм. Иккى паллали ўсимликларда уруг паллаларини ер остида (яширин) ва ер устида ривожланиши: 1 — уругининг ушиши; 2, 3 — уруг паллаларни ер бетига кутарилниш даврлари; 4—5 — уруг паллаларини ер остида яширин ҳолда қолиши: *Аи* — асосий илдиз; *Гп* — гипокотиль; *урп* — уруг палла, *эпк* — эпикотиль; *еи* — ён илдиз; *ки* — қушимча илдизлар; *тб* — таңгачасимон барг.



51-расм. Бир паллали уругларининг униши: 1–2 пиёс; 3–4 қарғакүз (*Paris quadrifolia*); 5, 6, 7 – ландиш; 8 – финик пальмаси; 9–10 традесканция; 1–4 ер бетига кутарилиб чиққан уруғ палла, 5–8 ер остида уруғ паллани яшириниб қолиши: вsm – уруғ палла нови (влагалище); г – гаустория; кг – куртак; чш – тангачасимон барг; л – яшил барг; гк – асосий илдиз; пк – күшимча илдиз; э – эндосперм, ск – уруғ пўсти.

Бир паллали ўсимликлар ургининг яширин унишида кўпинча уруғпалланинг бир қисми ер устига чиқади, шундан сўнг уруғпалланинг филофи ўсишдан тўхтайди, кейинчалик қурийди. Иккинчи қисми қалпоқча эса, ер остида қолади ва шимувчи орган сифатида уруғда узоқ сақланади. Бир паллали ўсимликларнинг кўпчилигига ургининг унишида эндоспермдаги озиқ моддаларни шимиб оловчи алоҳида орган гаусторий (лот. гаустор — ютадиган, сўрғич) юзага келади (51-расм). Гаусторий уруғпалла ёки куртак билан бириккан бўлади. Фалладошларнинг ердан униб чиққан (рангсиз ва баъзан қизғиши рангли) биринчи барғи – колеоптиль (юон. колеос – қин, филоф) асоси билан ўсиб ташқарига чиқади ва ўзининг ичидаги куртакни

шикастланишдан сақлади. Унинг учки қисми бироз ёрилиб ўзидан кейинги ўсиб келаётган баргни ўтказиб юборади.

Уруғпалланинг шакли күпинча жуда оддий (юмалоқ, узунчоқ, тухумсимон, буйраксимон) булади, аммо баъзан мураккаб ҳам булиши мумкин (липа≈жӯка (*Tilia*), настурция). Уруғпалладан кейинги биринчи чин барг ўзидан кейинги баргларга нисбатан соддароқ булади. Чин барглар шаклан худди шу ўсимликнинг ҳақиқий баргидан кескин фарқ қиласи. Агар ўсимта ёш барглардан ташкил топган булса ёшлиқ ёки ювениль (лот. *ю в е н и л и с* — ёшлиқ) давр деб аталади. Бу даврда ўсимлик ўзига хос кўринишга эга бўлиб, дефинитив (лот. *д е ф и н и т и в у с* — охирги, сўнгги, ҳақиқий) барглар чиқаргунча бир қатор ўзгаришларни — барг қаторларини ҳосил қиласи.

Куртакнинг ўсиш нуқтасида янги барг бўртмаларининг ҳосил булиши узоқ вақт давом этади; олдинроқ ҳосил бўлганлари эса ёзилади, уларнинг ўртасидаги поя қисми эса чўзилиб, бўғим оралигини ҳосил қиласи.


Муртак илдизча, ўсимтанинг асосий илдизига айланади; ўсиш даврида у шоҳлайди; ён илдизлар асосий илдизлар билан биргаликда бирламчи асосий илдиз системасини ҳосил қиласи. Илдиз бўйинчasi атрофида, гипокотилда қўшимча илдизлар ҳосил булиши мумкин. Баъзи ўсимликларда асосий илдиз системаси яхши ривожланмай, қўшимча илдизлар кучли тараққий этиб кетади (баъзи фалладошларда муртакдаёқ қўшимча илдизлар шаклнади). Шу тариқа кўпгина бирпаллалиларга хос бўлган поук илдиз системаси ҳосил бўлади.

Ўсимликлар умумий кўринишининг хилма-хиллиги нафақат ер ости қисмининг тузилиши билан балки, ер устки қисмининг тузилиши билан ҳам фарқ қиласи. Масалан, агар барча бўғинлар оралиғидаги поялар яхши ўssa, унда узайган (чўзилган) поя ҳосил бўлади. Айрим ҳолларда эса, асосий поя бўғим оралиқлари ўсмай қолади ва улар қисқарган поя деб аталади. Ўсимликларда ривожланишининг дастлабки давридаёқ ҳамма асосий ўсув органлари ҳосил бўлади. Илдиз ва новда системалари кейинчалик учки (апекал) меристемалар ва шоҳланиш ҳисобига ривожланиб боради.

6-б о б

ЮКСАК ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ВЕГЕТАТИВ (ЎСУВ) ОРГАНЛАРИ

Ўсимликларнинг ўсув органлари икки асосий қисм — новда ва илдиз системасидан иборат. Новда тузилиши жиҳатидан асосий новда қисмлари: поя, барг ва куртаклардан иборатdir. Илдиз системаси эса, асосий ўқ ва ён илдизлардан ташкил топган (52-расмга қаранг).




52 — расм. Вегетатив органлар тизими (системаси).

Эволюция жараёнида ўсув органлар илк бор қуруқлик шароитида яшашга мослашган риниофитларда юзага келган. Риниофитларнинг танаси дихотомик шохланган булиб, баргсиз телломдан иборат бўлган. Кўпчилик олимларнинг фикрича телломдан новда ривожланган. Қадимги юксак ўсимликларнинг новда ва унинг шаклан ўзгарган қисмлари ўсув органининг функциясини (вазифасини) бажарган. Эволюция жараёнида илдиз новдадан кечроқ, қуруқликка яшашга мослашган риниофитларнинг ризомоидларидан вужудга келган.

1-§. НОВДА СИСТЕМАСИ

Новда ҳақида умумий тушунча. Новда юксак ўсимликларнинг асосий ўсув органи ҳисобланади. Одатда новда ривожланиши онтогенездан, дастлабки давридан бошлаб



53-расм. Икки паллали ўсимликинг тузилиши: 1 — ёш муртак; 2 — етилган муртак; 3 — ўсимта; 4 — вегетатив даврдаги ёш ўсимлик; см — уруғпаллалар; Гп — гипокотиль; Гк — асосий илдиз; Бк — ён илдизлар; Пк — құшимча илдизлар; зк — муртак илдизчы; Впч — үчи куртак; БЛн — ён куртаклар; кн — новданинг ўсиш конуси; РК — прокамбий.

апекал меристемадан ҳосил бўлади. У поя, барг ва куртакларга ажралади. Новда ўсиш хусусиятига эга.

Ривожланишнинг дастлабки даврида, яъни уруғнинг унишидан ўсимта ҳосил бўлади (53-расм). Ўсимталарда уруғпалла барглари ва биринчи чин барглар орасидан пояча тараққий этади. Поянинг энг учидаги баргчалар орасида ўсиш нуқтаси (апекс) булиб, ундан новда, яъни поянинг бир ўсув даврида ўсиб чиқсан баргли ва куртакли қисми (бир йиллик новда) ривожланади. Ривожланишнинг кейинги босқичларида ҳар бир новда апекал меристемадан, яъни

учки куртакларнинг ривожланишидан вужудга келади. Демак, куртак бошланғич новда бўлиб, у ўсиш ва ривожланиш хусусиятига эга (54-расм).

Ўсимликларнинг энг асосий биринчи тартиб новдаси бошланғич поячанинг ўсишидан ҳосил бўлади, кейинчалик унинг ён куртаклардан иккиласми, ундан учламчи тартиб новдалар ҳосил бўлади. Ҳозирги замон морфологлари новдага учки (апекс) мери-стемадан ҳосил бўладиган яхлит бир орган сифатида қарашади. Новда анча мурракаб тузилишга эга, чунки у ривожланишнинг дастлабки давридан бошлаб, поя, барг ва куртакларга ажралган.

Новдалар ўсувчи ва генератив бўлади. Ўсувчи новдаларнинг бўғин оралиғи узун бўлиб, ҳар томонлама ўсиш қобилиятига эга, улар ҳаво орқали озиқланади, аммо бундан ташқари бошқа функцияни ҳам бажариши, ҳамда турли метаморфозага учраши мумкин. Ўрта Осиё чўлларида, масалан, кумли чўлларда оқсансаул, қорасансаул, жузғун, қизилча ёки баржоқ, куланқўйруқ каби ўсимликлар новдасидаги барглари жуда ҳам майдо қипиқчалар шаклида ёки бутунлай редукцияланган бўлиб, ассимиляция функциясини ёш новдалар бажаради. Бундай новдаларнинг хлоренхима тўқималарида хлорофилл кўп бўлади.

Репродуктив ёки генератив (лот. ген. рацио — туғилиц, келиб чиқиш) новдаларнинг бўғим оралиғи қисқа бўлиб гул ва меваларни тутиб турувчи орган вазифасини бажаради (55-расм, 5). Унда ассимиляция этувчи яшил барглар жуда кам бўлади.

Новданинг энг хусусиятли белгиси шундан иборатки, биринчидан, у бўғимларга ажралган, иккинчидан эса, ҳар



54-расм. Куртак учининг тузилиши. Пастки барглар қўлтиғида бошланғич куртакчалар кўриниб туриши.



55-расм. Кисқарған (B) ва узун (вегетатив, A) новда:
1 — бүгим оралиғи; 2 — бир иллик вегетатив новда.

ди. Натижада I, II ва III тартиб новдалар ҳосил бўлади, буларнинг йифиндисига новдалар системаси деб аталади.

Куртак. Куртак — ўсимликнинг тана, барг, гул ва бошқа қисмларини ҳосил қилиувчи муртак шакидаги новдадир. Куртак муртак ўқидан ва ундан муртак баргчаларидан иборат бўлиб, унинг учидаги ўсиш нуқтаси бўлади. Куртаклар жойлашишига кўра учки ҳамда ён (қултиқ) куртакларга бўлинади. Ён куртаклар битта ва бъязан бир неча куртакдан иборат бўлади. Улар устма-уст жойлашса се-

қайси бўгимда битта, иккита ёки бир неча барглар жойлашади. Щу хусусияти билан новда, илдиздан кескин фарқ қиласи.

Новданинг барг билан бириккан жойи — бўгим, бир бўгим билан иккинчи бўгим оралиғи бўгим оралиғи деб аталади. Агар баргнинг асоси ёки барглар ҳалқаси (бир қанча барглар) пояни тўлиқ ўраб олса — ёпик, тўлиқ ўраб олмаса очиқ бўгим дейилади. Одатда, поя бир неча ёки кўп бўгим ва бўгим оралиқларидан иборат бўлиб кетма-кет жойлашади. Бўгимларнинг бундай жойлашиши метамер (юонон. мета — орасида, кетма-кет) жойлашиш дейилади. Поя учига яқинлашган сайин бўгим оралиғи қисқариб, барглар майдароқ ва зичроқ бўлиб боради, поянинг энг учидаги тепакуртак (апекс) жойлашади. Бу куртак бошлангич новда ҳисобланади. Ундан асосий новда ривожланади. Асосий новданинг поя билан барг ўртасидаги бурчакка барг қўлтиғи дейилади. Барг қўлтиғидан келгусида новда ўсиб чиқадиган бир неча ён куртаклар вужудга келади. Ён куртакларнинг ўсишидан I—II тартиб новдалар тараққий этади. Натижада I, II ва III тартиб новдалар ҳосил бўлади, буларнинг йифиндисига новдалар системаси деб аталади.

риал (лот. сериес — қатор) куртак деб аталади (масалан, учқат, ёнғоқ, оқ акация ва бошқаларда учрайди). Агар куртак биргаликда ёнма-ён жойлашса коллатерал (лот. кол — биргаликда; латерагис — ён томон) дейилади. Бундан ташқари құшимча ёки адвентив (лот. адVENTИC — келгінді, тасодифий) куртаклар ҳам бұлади. Адвентив куртаклар вегетатив күпайиш вазифасини бажаради.

Тузилиши ва вазифасига күра, куртаклар ҳар хил — үсув, үсув-генератив ҳамда генератив куртаклар бұлади.

Үсув куртаклардан баргли ва куртакли поя үсіб чиқади. Бундай куртакларда ташқи бошланғич барглар (барг куртаклари) учлари билан қайрилиб, үсиш нұқтасини үраб олади. Куртакда бұғым зич жойлашган, шунинг учун бұғым оралықтарини аниқлаш қыйин. Бошланғич барг құлтиғида ён куртак мұртаклари ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Демак, новданинг чексиз шохланишига бўлган яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган имконият куртакда мавжуд.

Үсув-генератив куртакларнинг тузилиши үсув куртакнинг тузилишига ұхшайды, лекин үсиш нұқтасида бошланғич ҳолатдаги гул ёки тұпгұл бұлади. Бундай куртаклар күпинча үтчил үсимликларга хос бўлса-да, дараҳт ва бугаларда ҳам учрайди (масалан, сирен, бузина=маржондарапт).

Бундан ташқари тұпгұллар ҳосил қиласидан гул куртаклар ҳам учрайди (булар шаклан үзарған новдадир). Нихоят аралаш куртаклар деб аталадиган куртаклардан новдалар билан гуллар үсіб чиқади.

Құшимча куртаклар. Экзоген йүл билан ҳосил бўладиган одатдаги ён куртаклардан ташқари құшимча ёки адвентив куртаклар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Улар пояларда эндоген, баргларда эса экзоген йүл билан ҳосил бўлади ва тартибсиз жойлашади. Құшимча куртаклар поя, барг ва илдизда уларнинг перицикл камбий, үзак нурларидан ва ҳаттоқи баргнинг мезофил ёки эпидермисидан ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Қайси органдан ҳосил бўлишидан қатый назар, тузилишига күра улар оддий учки ёки ён куртаклардан фарқ қилмайди.

Құшимча куртакларнинг биологик аҳамияти катта. Улар күпгина үсимликларда вегетатив күпайиш учун хизмат қиласиди. Масалан, илдиз бачкилари орқали қўпаядиган үсимликларда (малина=хұжагат, қулупнай ва бошқалар-

да) албатта құшимча куртаклар бұлади. Илдиз бачкила-
ри — илдизда жойлашған құшимча ўсиб чиққан новда (тоғ
тераги, шумтол, оқ ақация, олча, олхұры, сирень, янтоқ,
чирмовуқ, сарық бұзтикан ва бошқа)лар.

Құшимча куртаклар баргларда ҳам ҳосил бұлади. Ма-
салан, бриофилиум үсимлигининг баргларida құшимча
куртаклар барг четларида ривожланади. Ана шу куртаклар
баргдан узилмасданоқ, илдизча ва баргчалар ҳосил қила-
ди. Кейин узилиб ерга түшгандан сұнг, ўсиб янги үсим-
ликка айланади. Бундай хилдаги құшимча куртаклар аж-
ралувчи куртаклар дейилади. Бегония гулининг уй шаро-
итида ўстириладиган хилларининг барг қаламчалари орқали
күпайтириш мүмкін. Уларда құшимча куртаклар жаро-
хатланиш натижасыда ҳосил бұлади.

Тикланиш ёки янгитдан ўсуви куртаклар. Үсимликлар
оламида шундай куртаклар ҳам учрайди, улар маълум
бир муддат ичиде тинчлик (тиним) даврига кетади, сұнгра
яна новда беради. Бундай куртакларни қишлоғчи куртак-
лар дейилади, қиши бұлмайдиган минтақаларда уларни ти-
ним давридаги куртаклар дейилади. Бажарадиган вазифа-
сига қараб бундай куртакларни доимий тикланиш куртак-
лари деб юритиш мүмкін, чунки айнан шу куртаклар
туфайли тинчлик давридан кейин новдалар системаси қай-
та тикланади. Бундай куртаклар дараҳт ва үтчил үсимли-
кларга ҳосдир. Келиб чиқишига күра тикланиш куртакла-
ри экзоген ёки эндоген булиши мүмкін.

Ухловчи ёки яширин куртаклар. Дараҳт, бута, бутача ва
күп йиллик үтчил үсимликларда ухловчи куртаклар уч-
райди. Келиб чиқиши жиҳатидан улар тикланиш куртак-
ларига үшшайди, лекин фарқи шундаки, бу куртаклар бир
нече йиллар мобайніда, баъзи үсимликларда умрининг
охиригача ҳам ўсиб новда ҳосил қымайды. Шундай бұлсада
улар ўсиш қобилятини узоқ муддат сақлаб қолади. Қа-
лонки үсимликтің асосий новдаси шикастланса, синса,
кесиб ташланса ёки үсимлик қариса ухловчи куртаклар
ұса бошлайди (үйғонади). Дараҳтлар кесилса, тұнка атро-
фидан ёш новдалар ҳосил булиши кузатылған. Айрим үсим-
ликларда (липа ёки жука, толлар ва бошқаларда) новда учки
томондан қурий бошлаганда ухловчи куртаклар янги ёш
новдаларни ҳосил қилиши мүмкін.

Баъзи ўсимликларда масалан, шоколад дарахтида (Theobroma какао, қавун дарахти) ухловчи куртакларнинг ўсишидан вегетатив новда ўсмасдан, қисқарган, баргиз новда ҳосил бўлади, буларнинг учидаги мева осилиб туради. Бу ҳодисага каулифлория (лот. каулис — пой, флорес — гул) деб аталади.


Куртаклар очилганда ташқи пустлари тушиб кетади, ўсуви новданинг асосида узоқ сақланадиган чоклар қолади, ўша чоклар куртак ҳалқалари деб аталади.

Улар дарахтларда йиллик новдалар чегарасини ҳосил қиласди. Куртакдан йилда бир марта ўсиб чиқадиган новдалар йиллик новдалар дейилади.

Совуқ ва ўрта иқлим минтақаларида ўсуви дарахт ва буталарнинг новдаларида куртаклар ташқи томондан маҳсус куртак тангачалари билан ўралиб, куртакнинг ички меристема тўқималарини ҳимоя қиласди ва қуришидан сақлайди. Бундай куртаклар ёпиқ куртаклар деб аталади. Агар ўша тангачалар бўлмаса очик куртак дейилади. Кўпинча очик куртакларнинг ўсиш конуси ёки ўсиш зонаси бутунлай очиқ бўлмай, уларни усти барг қисмлари ёки ёнбаргчалари билан ўралади (масалан, оқ қайнин, беда ва бошқа цитрус ўсимликлари). Фалладошларда ўсуви новда қин ичида жойлашган. Ёпиқ куртаклар аксарият дарахт ва буталарда (масалан, ўрик, олма, нок, гилос, терак, маржондараҳт ва бошқаларда) бўлади.

Новданинг бўйига ўсиши учки куртак — апекс меристема хужайраларининг ўсиши воситасида содир бўлади. Новданинг бу хилдаги ўсиши учидан ўсиш дейилади. Апекс ичида инициал (лот. инициал — бошлангич) хужайралар мавжуддир. Улар очикуруғли ўсимликларда гуруҳ тариқасида, уруғли ўсимликларда эса бир нечта бўлиши мумкин.

Куртак апексининг остки томонида доимий равища экзоген бўртмалар шаклида примордиал (лот. примордиум — дастлабки, бошлангич) барглар акропетал тартибда, яъни пастдан юқорига қараб вужудга келади. Апексининг энг учки қисми силлиқ бўлиб, унда дистал (лот. дисталис — марказдан узоқлашган) ўсиш конуси ёки ўсиш зонаси жойлашади. Ўсиш конусининг фаолияти натижасида гистогенез (юнон. гистос — тўқима) ва органогенез



56-расм. Ёпиқ уругли ўсимликларни ўсиш меристемаси: А — новданинг ўсиш конуси; Б — илдизнинг ўсиш конуси; В — қирқулоқсимонлар новдасининг ўсиш конуси: 1 — инициал ҳужайра; 2 — бошланғич барг дүмбоқчалари; 3 — новда ва илдизнинг ўсиш конусидаги ҳужайраларнинг бўлиниши; 4 — илдиз қини.

нез, яъни ҳамма органлар (новда, барг, куртак, гул) юзага келади. (56-расм).

Кўпчилик спорали (йусунлар, плаунлар, қирқбўғимлар, қирқкулоқлар) ва юксак ўсимликларнинг алекси битта ёки бир неча инициал ҳужайралардан ташкил топган. Буларнинг биттаси йирикроқ бўлиб, икки қиррали шаклда, бирламчи меристемаси кўпхужайрали. Бу ҳужайраларнинг шакли ва катталиги ҳар хил. Уларнинг энига ва кўндалангига бўлиниши натижасида примордиал (бошланғич) барг думбоқлари ҳамда новда ҳосил бўлади.

Очикуруғли ўсимликларнинг инициал ҳужайралар гурӯҳи анча мураккаб тузилишга эга. Уларнинг алекси тузилиши жиҳатидан зоналарга бўлинган. Дистал атрофидаги марказий меристема ҳужайраси йирик вакуолага эга. Улар жуда ҳам секин бўлиниади. Бу зонанинг пастрофида жойлашган меристема ҳужайралари такомиллашган. Улардан устунсимон меристема ҳужайраларининг бўлинишидан поянинг бўғин оралиғи ва ўзак ҳосил бўлади. Аекснинг ён меристема ҳужайралари кичик ва жуда тез бўлиниш хусусиятига эга. Уларнинг фаолиятидан примордиал барг ва новдалар шаклланади.

Гулли ўсимликларнинг ўсиш конуси бир нечта зоналарга булинади. Ҳар қайси зонада меристема ҳужайраларининг фаолияти ҳар хилдир. Бу зоналарнинг тузилишини исботловчи бир қанча назариялар мавжуд. Жумладан, немис ботаниги А. Шмидт томонидан яратилган “туника — корпус” назариясига биноан, ёпиқуругли ўсимликларнинг ўсиш конуси икки хил гистологик қаватдан ташкил топган бўлиб, меристема ҳужайраларининг фаолияти ҳар қайси қаватда ҳар хилдир. Бу назарияга биноан ўсиш нуқтасининг ташки қавати туника (лот. т у н и к а — устки қавати) ва ички қавати корпус (лот. к о р п у с — тана, гавда) деб аталади. Туника ҳужайраларидан бирламчи қопловчи тўқима — эпидерма ёки бирламчи пўстлоқ ҳосил бўлади. Корпус ҳужайраларининг бўлинишидан ўтказувчи тўқималар ривожланади.

Учки куртак (апекс)нинг остида ён куртаклар жойлашган бўлиб, уларнинг ўсишидан ён шохчалар ҳосил бўлади ва новдалар системасининг габитуси (лот. г а б и т у с — гавда, ташки қўриниши) ёки умумий қўриниши шаклланади. Новдалар системасининг умумий қўриниши ҳар хил: акротония, мезотония ва базитония (юнон. акрос — учки; мезон — ўрта; базис — асос; тонос — қават, куч) шаклда. Улар ўртасида оралиқ шакллар ҳам бўлиши мумкин.

Акротон шохланишда асосий новданинг учки томонига яқин турган ён шохчалар (қарағай, заранг, қайраоч, дуб ва бошқа дарахтлар) ҳамда баъзи бир ўтчил ўсимликлар (бутакўз) яхширок ривожланади.

Бута, бутачалар, кўп йиллик ўтчил ўсимликларнинг шохланиши базитон бўлиб, энг кучли ва йирик шохчалар марказий новдадан ҳосил бўлади. Фалладошлар оиласига мансуб маданий (буғдой, шоли, арпа ва бошқалар) ва ёввойи ўсимликлар (буғдойик, қорабош ва бошқалар)нинг ва ён новдалар ҳосил қилиб тармоқланиши базитон шохланишга мисол була олади.

Мезотон шохланишда кучли тарақкий этган ён новдалар асосий новданинг ўрта қисмидан шаклланади (арча, заранг).

Новданинг ўсиш йўналишлари бир неча хил. Кўпчилик новдалар тик ўсади — бундай ўсиш ортотроп (юнон. ортос — тўғри; тропос — йўналиш) ўсиш ёки йўналиш

деб аталади. Бу хилдаги ўсишда асосий новда манфий геотропизм (юонон. гео — ер)ни сақлаб қолади (тол, терак, қарағай, кунгабоқар, ғұза, шувоқ, шұра ва бошқалар). Уларнинг ён новда йұналиши ташқи мұхит таъсирида ўзгариши мүмкін.


Ён новдалар асосий новда билан турлі бурчак ҳосил қилиб бирикиши мүмкін. Ана шундай новдалар йұналишига **плагиотроп** (юонон. плагиосе — әгилган, құндаланғ) ўсиш дейилади (қовун, тарвуз, қовоқ ва бошқалар). Күпинча новдалар ўсиш мобайнида ўз йұналишини ўзгартыриб **анизотроп** (юонон. аизос — тенг бұлмаган) ҳолатта үтиши мүмкін. Бундай новдаларға күпинча үтчил ўсимликлар (ўрмаловчи айқтовон, бүдойиқ, қорабош ва бошқалар), бута (туркестон арчаси)нинг күтарилиб ёки қиялаб ўсуви чи новдалари мисол бўлади.

2-§. НОВДА ТУЗИЛИШИ ВА ҲАЁТЧАНЛИГИГА АСОСАН ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ВЕГЕТАТИВ ОРГАНЛАРИНИ КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ

Барча гулли ўсимликларнинг новдалари шакл тузилиши ва ҳаётчанлигига қараб дараҳт, бута, чала бута ва ўт ўсимликларга бўлинади.

Дараҳт — кўп ийллик ўсимлик бўлиб, ҳаётининг бутун давомида яхши ривожланган танага эга. Тана бўйига ва энига ўсади. Тананинг шохланиши **акротон**, (юонон. акрос — уч; генос — ҳосил бўлиш) ҳаётчанлиги эса бир неча ўн йилдан, юз йилгача ва баъзан минг йилгача бўлиши мүмкін. Дунёда энг кўп яшайдиган дараҳт секвойя ёки мамонт дараҳтидир. Бу дараҳтнинг ватани Шимолий Америкадаги Калифорния ярим ороли. У ердаги баъзи мамонт дараҳтларининг ёши минг йилга тенглиги аниқланган. Африка ҳамда Ҳиндистоннинг тропик ўрмонларида ўсуви чи баобаб дараҳти ҳам шулар жумласидандир.

Ер юзида ўсадиган энг баланд дараҳтлар экватор атродидаги тропик ўрмонларда учрайди. Бу дараҳтларнинг узунлиги 50—80 м ва баъзан ундан ҳам узун бўлади. Масалан, Австралия миңтақасининг ўрмонларида ўсадиган эвкалиптларнинг узунлиги 150 м га етади.




57-расм. Соябонсимон акация дарахти.

Дарахтлар ўсиш хусусиятига биноан ҳар хил: тик пояли (қарагай, терак, заранг ва бошқалар), дарахтсимон лиана (испан. лиан — чирмашмоқ) шаклида бўлади. Лиана шаклидаги дарахтлар фақатгина тропик ва сернам субтропик ўрмонларида учрайди. Ўрта Осиёда ўсадиган ток (*vitis*) дарахтсимон лианаларга киради.

Тик пояли дарахтлар шох-шаббали бўлиб, ташқи қиёфаси ҳар хил: сада, пирамида шакли шабба (масалан, түя, арча, терак), ёйиқ шабба (бақатерак, ёнғоқ, тут, чинор ва бошқалар).

Ёпиқ шаббали дарахтлар Африка ва Австралия саванналарида (якка ҳолда ўсувчи катта-кичик дарахтлар) кўпроқ учрайди. У ерларда нам озроқ, ёруғлик кўп бўлади. Шу сабабли у ерда ўсадиган дарахтларнинг шох-шаббаси кўп (масалан, соябонсимон акация — 57-расм). Австралия ва Мексика саванналарида ўсадиган брахихитон деган дарахтнинг бўйи паст бўлиб, пояси худди бочкага ўхшашdir (58-расм).

Умуман, экватордан узоклашган сари иссиқ ва совук иқлимли ўрмонларда ўсадиган тик пояли ва ёйиқ шох-шаббали дарахтларнинг бўйи паст бўлади. Ўрта Осиё тофларида ўсадиган туркистон арчаси ва писта паст бўлади, ёйиқ шох-шаббали дарахтларга мисол бўлади.



58-расм. Брахихитон дарахти.

Дарахтсимон лианалар тропик ўрмонларда үсади. Масалан, Осиё тропик ўрмонларида үсадиган ротанг пальмасининг пояси 2—4 см бўлиб, узунлиги 300 м дан ҳам ортиқроқдир. Улар ёруғлиққа интилиб, бир дарахтдан иккинчисига иммоқлари — гажаклари ёрдамида ёпишиб үсади.

Буталар — бўйи 2—3 м дан ошмайдиган, тана ва шоҳчалари ёғочланган кўп йиллик сершоҳ үсимлик. Биринчи асосий новданинг илдиз буйинчасидаги ухловчи куртакларидан ёш новдалар жуда тез үсиб бир нечта танани ҳосил қиласди. Шу хусусияти билан улар дарахтлардан фарқ қиласди. Буталарнинг ҳаётчанлиги ҳар хил, улар жуда кўп йиллар давомида үсиши мумкин. Лекин ҳар бир тананинг уртacha ёши 20—40 йилдан ошмайди (зирк, учқат, бодом, анор ва бошқалар).

Буталар ер куррасининг деярли ҳамма қитъаларидаги ўрмонларда, маҳсус бутазорларда ҳам үсиши мумкин. Масалан, тундра, Кавказ ва Ўрта Осиё тоғларида, чўл ва дарё буйларида (рододендрон, олхури, жийда, наъматак, жингил ва бошқалар).

Бутача ёки чала бутача. Бутачаларнинг бўйи 50—70 см дан ошмайди. Уларда барча новда ва шохчаларнинг пастки қисми ёғочланган, устки қисми эса ёғочланмаган булади. Шунинг учун уларни қишида совук уради. Бутачалар илдизпояли (ер остки танали) олиготроф (юон. олигос — оз, кам; трофе — озиқланиши), яъни уларнинг ўсадиган муҳитида озиқ моддалар кам бўлганлиги сабабли ўсимликлар бу, озиқ моддаларни кам талаф этади. Улар кўпинча йўрта Осиёнинг шўр, тақир, қумли чўлларида, адир ва тоғ минтақаларида ўсади (масалан, чўл шувоқлари, изень, астрагал, лагохилус).

Ўт ўсимликлар деб бир ўсув даврида ер устки (ўсув, генератив новдалари ва барглари) қисмлари, қишида бутунлай куриб қоладиган ўсимликларга айтилади. Ўт ўсимликлар ҳаётчанлигига қараб қўпийиллик, икки йиллик ва бир йилликларга бўлинади.

Қўпийиллик ўтларнинг ер устки қисми вегетация охирда куриб, ўсиш куртаклари тупроқ остида қишлияди. Улар ер остидаги таналарининг ўсиш хусусиятларига қараб илдизпояли, ўқпояли ёки каудекс (лот. каудекс — тана), поя тутунакли, пиёзбошли ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.


Каудекс ёки илдизпоя деб, поянинг ер остида турадиган, ташқи кўриниши жиҳатидан илдиздан фарқ қиласидиган, йўғонлашиб қалин ва зич барг қолдиқлари орасида қишлоғчи куртаклар жойлашган қисмига айтилади. Қўпийиллик ўтларнинг аксариятида каудекс бор. Каудекс узун (чўл шувоқлари, лагохилус, қиёқутлар ва бошқалар), калта ёки йўғон (отқулоқ, наврўзгул, гулсапсар ва бошқалар) баъзан горизонтал ёки ёйик жойлашган. Улар келиб чиқиши жиҳатидан эпигеоген (юон. эпи — устида, юзасида, гео — ер; генезис — чиқиб келиш) дир.

Новданинг ер остки қисми қисқа бўғимли бўлиб, майди қипиқчали (кўнғир ёки оч рангли) баргчалар билан қопланган. Улар барвақт тушиб кетади ва ўрнида кичик чоклар қолдиради (59-расм).

Каудекс ёки илдизпоялар ҳар йили баҳорда учки ёки қўлтиқ куртагидан, кўпинча иккала куртакдан ҳам битта ёки бир нечта новдалар чиқаради. Новдалар моноподиал бўлиб, гул ва уруг ҳосил қилгандан сўнг қурийди. Улар

олдинги вегетация даврининг кузидаёқ юзага келади. Одатда, илдизпоялар (каудекс)да құшимча илдизлар ҳосил булади, улар ер ости тананинг ҳамма томонидан үсіб чиқады.

Илдизпоя (каудекс)ли үсимликларнинг ҳаётчанлиғи ҳар хил: калта ёки йүғон илдизпоялы үсимликлар (гулсапсар, тоғ игири ва бошқалар) 20 йил, узун илдизпоялы (чүл шувоқлари, лагохилус-күкпаратнг ва бошқалар) 25—40 йил



59-расм. Ер ости новдаларда барг чокларини ҳосил бўлиши: *роз* — тўлбаргновда; *из* — гул; *лр* — илдизпояда барг чокларининг кўриниши.

ҳаёт кечиради.

Илдизпоялы үсимликлар қариса, унинг қариган қисмлари аста-секин нобуд булиб кетади. Лекин, баъзи узун илдизпоялы (лагохилус, чүл шувоқлари ва бошқалар) үсимликларнинг йўғонлашган каудекс қисми бир қанча бўлакларга ажралади ва янги мустақил үсимликни ҳосил қиласди. Бу ҳодисага **партикуляция** (лот. *particula*-*r* и *c* — алоҳида, парча, айрим) деб аталади (60-расм). Илдизпоялари кўндаланг (горизонтал) ҳолатда сурдалиб үсадиган үсимликлар (буғдойиқ, ажриқ, гумай ва бошқалар) тармоқланиб жуда кўп ер ости новдалар чиқариб шу новдалардан вегетатив кўпайиб, катта майдонларни ишғол этади ва экинларга зарар етказади.

Ер устки тананинг қуриб қолиши натижасида худди “тўнгакка” ўхшаб дўппайиб турадиган ва құшимча илдизлар чиқариб тупроқقا зич жойлашиб, чим ҳосил қиласдиган кўпийллик ўт үсимликларга калта илдизпоялы ёки ер ости танали үсимликлар деб аталади. Масалан, қумли чўлларда үсувчи илаак (*Carex physoides*), адирда үсувчи ранг

(*Carex pachystilis*), күнғирбош, тирик туғар (*Poa bulbosa var vivipara*) ва бошқалар.

Пиёзбош. Күпийиллик, новдаси ривожланмасдан калта қисқарган, пиёз учида куртак ҳосил қиладиган ўсимлик. Пиёз учи куртагидан келгуси йилда ривожланган ерустини новда гул ҳосил қилади. Буларда ён илдизларнинг ривожланишидан илдиз системаси ҳосил бўлади. Бу хилдаги ўсимликлар эфимероид яъни вегетация даври қисқа ўсимликлар деб аталади (масалан, тоғ пиёзи — пиёз анзур, лола).


Ер остики тана ёки илдиз тугунак. Бундай ўсимликлар уруғпала пастики бандининг (гипокотиль) йўғонлашишидан (цикламен, ер совун, редиска) ёки остики ётиқ стаплонлар (лот. с т а л о н и с — бачки)-новдадан ҳосил бўлади. Улар ер остида (картошкада) ёки ер устида (кольраби) вужудга келади.

Икки йиллик ўсимликлар. Улар биринчи йили ўсиб, ер устки ва ер остики ўсув органлари ҳосил қилади. Иккинчи йили гуллаб, уруғ ҳосил қилиб, ҳаётини тутатади (сабзи, пиёз, лавлаги ва бошқалар).

Бир йиллик ўтлар ёки тेरофитлар (юнон. тер, ёз, фит — ўсимлик) — фақат бир ёз давомида яшайдиган ўсимликлар. Уларнинг ўсиши, гуллаши, уруғ ҳосил қилиши бир ёз давомида тамом бўлади.

Бир йиллик ўтлар орасида эфимер (юнон. эфимес — бир кунли) ёки умри қисқа, яъни баҳори ўсимликлар бўладики, улар бир неча ҳафта ичидаги уруғдан ўсиб, гуллаб, уруғлайди ва шу билан ҳаётини тутатади (масалан, лола қизғалдоқ, бутгуллилар оиласининг жуда кўп вакиллари).

Баъзи бир йиллик ўт ўсимликлар ҳаётини икки тўлиқ бўлмаган вегетация давомида ўтказади (масалан, жағ-жағ



60-расм. Партикуляция.

ва бошқа бегона үтлар). Уларнинг уруғи кузда намгарчилик кўп бўлган, иссиқ кунларда ўсади, қишлиайди ҳамда баҳорда вегетациясини давом эттириб, гуллайди ва урублайди. Бу хилдаги ўсимликлар кузги ўсимлик дейилади. Кузги ўсимликларнинг уруғлари кузда ўсиб қишлиайди.

3-§. ПОЯ, УНИНГ ФУНКЦИЯСИ, МОРФОЛОГИК ВА АНАТОМИК ТУЗИЛИШИ

Поя — новда ўқи бўлиб, бўғим ва бўғим оралиғидан иборат. Унда ўсимликнинг барг ва шохчалари ҳамда гуллари жойлашади. Поя бир йиллик ва кўп йиллик үтларда, тана эса дараҳт ва буталарда бўлади. Поя орқали барг, илдиз билан бофланади.

Поянинг асосий вазифаси танани тик ёки ётиқ ҳолда ушлаб туриш ва илдиз орқали шимиб олинган сув ҳамда унда эриган минерал моддаларни бундан ташқари, баргда ассимиляция жараёнида ҳосил бўлган органик моддаларни ўтказишдан иборат.

Поя озиқ моддалар тўпланадиган жой ва вегетатив кўпайиш органи бўлиб хизмат қиласди. Пояда барглар маълум бир тартибда жойлашиб, кўёш нуридан унумли фойдаланишига имкон яратилади. Суккулент (лот. с у к к ус — шира, ширали) ўсимликлар (кам сув буфлатади, чунки қуруқ шароитда ўсади)нинг этили пояси хлорофиллга бой бўлиб, ассимиляция этувчи органдир (масалан, кактус, мексика агавалари). Пояда гул ва мевалар ҳосил бўлади (масалан, шоколад дараҳти — *Theobroma cacao*, қовун дараҳти — *Carcica papaya*).

Пояларнинг шакли ўсимликларнинг турига ва ўсиш шароитига қараб ҳар хил бўлади. Кўпинча улар цилиндрик, баъзан уч қиррал и (қиёқ үтларда), тўрт қиррали (лабгулдошларда), кўп қиррали (кактусларда), тропик ўрмонларда ўсувчи брахихитон, бом баксалари деган дараҳтларда бочкага ўхшашир.

Поялар ўсиш йўналишига қараб ортотроп (тик) ва плагиотроп (кўндаланг) бўлади. Ортотроп пояларга кунгабоқар, ғўза, маккажӯхори мисол бўлади. Уларнинг орасида чирмашувчи ёки таянчга үралиб, юқорига ўсадиган үтчил

ўсимликлар (печакгул), лианалар деб аталағынан дараҳт-
сімөн ротанг пальмасини күрсатыш мүмкін.

Плагиотроп пояларнинг баъзилари ерда ёйилиб құшим-
ча илдизлари билан ерга ўрнашиб ўсади, бу хилда ўсувлы
ўсимликларга сурдраби ёки ёйилиб ўсувлы поялар дейи-
лади (ғозпанжа, темиртика, тошёар, маймунжон ва бош-
қалар). Ер бағирлаб ўсувлы пояларга маданий ўсимликлар-
нинг палакларини күрсатыш мүмкін (қовун, тарвуз,
бодринг, қовоқ). Айрим ўсимликларнинг поясида бүгім
оралиғи жуда ҳам қисқа бўлиб, барглари ер бағирлаб ўса-
ди, ўша баргларининг ўртасидаги поя ўсиб гул ҳосил қила-
ди. Бундай пояларга гулпоя деб аталади (масалан, приму-
ла, қоқиёт, зуптурум, коврак ва бошқалар).


Поянинг ички тузилиши

Поянинг ички тузилиши одатда унинг асосий вазифа-
ларини бажаришга монаңд равишда тузилган. Поянинг
ичида ўтказувчи тұқымалар бўлиб, ўсимликтарнинг барча
органларини бирлаштиради, механик тұқымаларнинг мав-
жудлиги эса мустаҳкамлик береб туради. Поя ва умуман
новданинг ўзи, ҳамиша ўсиб, янги органларни ҳосил қилиб
туриши сабабли, “очиқ” системадир.

Ўтказувчи ва механик тұқымалардан ташқари пояды
қолповчи тұқымалар ҳам бўлади. Уларнинг мавжудлиги
ички тұқымаларни ташқы таассуртлардан сақланишини
ва ёриқчалар (ҳаво йули) орқали газлар алмашинувини
таъминлайди. Айтиб ўтилган тұқымалардан ташқари тур-
ли ўсимликлар поясида яна ғамловчи, ассимиляциялов-
чи, ажратувчи ва бошқа тұқымалар ҳам бўлиши мүмкін.

Турли тұқымаларнинг қандай тартибда жойлашғанли-
гини ўтчил ўсимликлар поясини ўрганишдан бошлаш маъ-
кулроқ. Чунки уларда күпийиллик дараҳт пояларидагидек,
камбий туфайли бўладиган иккиламчи ўзгаришлар бирламчи
тузилишини унчалик ўзгартыриб юбормайды.

Пояда бир-биридан ажралиб турувчи 3 та анатомик зона
(қисм)ларни куриш мүмкін: қолповчи, бирламчи пустлоқ
ва марказий (ўқ) ўтказувчи тұқымаларни ўз ичига олган
поянинг марказий цилиндр қисми ўзак ёки стел (юон.
стела — устун) бўлади (61-расм).



61-расм. Лагохилус-күкпаратын бир йиллик новласининг күндаланғышсымы. от — бир жүйралы түкчалар; бт — икки жүйралы беллар; к — куттикула; э — эпидерма; колл. — колленхима; п — паренхима; энд — эндодерма; лб — луб толалари; фм — флоэма; к — ксилема; н — наїлар; ў — марказий цилиндр екіншіңдегі.

Хар қандай пояни ташқы томондан эпидерма қоплады. У бошқа түқималарга қараганда бирмұнча олдин дифференцияланады. Бирламчи қопловчы түқимады.

Эпидерма остида, паренхимадан ёки паренхима ва механик тўқималардан (икки паллалиларда колленхимадан, бир паллалиларда — склеренхимадан) ташкил топган бирламчи пустлоқ жойлашади.

Бирламчи пустлоқнинг энг ташқи паренхима ҳужайралари фотосинтез вазифасини бажариши мумкин. Энг остики бир қатор паренхима ҳужайралари крахмал түпловчи ҳужайралар (қинлар)га айланади. Ана шу хил ҳужайралар пустнинг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, суберинга ўшаш, (пустни пукакка айлантирувчи) моддалар тўплашади.

Натижада ҳужайра деворларининг ўрта қисми йўғонлашиб, пукаклашиб, кейин эса ёғочлашиб йўл-йўл чизик ҳосил қиласди, уларни Каспари камарлари (тасмалари) деб аталади.


Поянинг ички қисмини марказий цилиндр эгаллади. Марказий цилиндрнинг энг ташқи бирламчи пустлоқ билан чегара қисмида перецикл (юонон. peri — атроф; циклос — айланади), яъни вақтинча меристема вазифасини бахарувчи (эпидерма остида жойлашган) тирик ҳужайралар булади. Баъзи ўсимликларда перицикл бўлмаслиги ҳам мумкин (62-расм).

Бирламчи меристемалар фаолияти туфайли поянинг бирламчи тузилиши шаклланади. Бирламчи тузилиши узоқ вақт сақданиши мумкин, лекин агар прокамбийдан камбий ҳосил бўлса, иккиласми тўғонлашиш бошланади. Вақт ўтиши билан эса эпидерма ва бирламчи пустлоқ нобуд бўлади, унинг ўрнига перицерма (юонон. peri — ёнида, дерма — пуст) ривожланади. Шу тариқа поянинг иккиласми тузилиши шаклланади.

Поянинг бирламчи тузилиши. Поянинг бирламчи тузилиши, унинг апикал меристемаси, ўсиш конусининг инициал ҳужайралари фаолияти туфайли ҳосил бўлади.

Ўсиш конусида поянинг шаклланиши тўғрисида турли назариялар мавжуд. XIX аср ўрталарида Гофмейстр поянинг ягона инициал учки ҳужайрадан ҳосил бўлиш назариясини илгари сурди. Унинг назарияси фақат моҳсимонлар ва папаротниксимонларга тегишли эди холос. Чунки уларнинг апексида ҳақиқатан ҳам битта инициал ҳужайра бўлади. Ундан кейинги изланишларнинг кўрсатишича,

күпчилик пояларнинг апексида битта эмас, балки бир талай инициал ҳужайраларнинг булишлиги аниқланди. Натижада поянинг бирламчи тузилиши бўйича икки хил назария пайдо бўлди. Биринчи назария — гистогенлар назарияси булиб, уни 1868 йилда Ганштейн олға сурди. Бу назарияга асосан, гулли ўсимликларнинг ўсиш нуқтасида битта эмас, инициал ҳужайраларининг бир груҳи бир неча қават булиб жойлашади. Ганштейннинг фикрига кўра, ўсиш нуқтасининг энг ташки ҳужайралари қаватининг остидаги меристематик ҳужайраларидан поянинг ва умуман бутун ўсимликнинг ривожланиши содир бўлади. Ана шу меристематик ҳужайралар йиғиндишини Ганштейнн 3 та зонага — гистоген (юон. хистос — кийим, газлама),




62-расм. Ёш олхўри дарахти поясининг кўндаланг кесими: 1 — умумий тасвир; 2 — катта қилиб кўрсатилиши; к — камбий, кол — коленхима; мкс — метаксилема; мф — метафлоэма; п — паренхима, пк — бошлангич пўстлок; пкс — бошлангич ксилема; пркс — протоксилема; прф — протофлоэма; пф — бошлангич флоэма; с — ўзак; эп — эндодерма.

дерматоген (юонон. дерматос — пүст, генос — туғаёт-
ган, туғылган, чиқиб келиш), перилема (юонон.peri б-
дема — қоплам, пүстлөк), шлеромага (юонон. плером —
түлдириш) ажратади.

Ұсиш конусининг энг ташқи қават ҳужайралари дер-
матоген деб аталади. Дерматоген остида бир неча қават
перилема жойлашади. Дерматогендан поянинг ва илдиз-
нинг пүсти шаклланади. Перилемадан бирламчи пүстлөк
хосил бўлади. Плерома ұсиш конусининг марказий қис-
мини эгаллайди ва поянинг ёки илдизнинг марказий ци-
линдрини хосил қиласди.

Поянинг шаклланиши тўғрисидаги иккинчи назария —
туника ва корпус назариясидир. Бу назариянинг асосий
муаллифи Шмидт (1920) бўлиб, унга асосан ұсиш конуси
икки қисмдан, энг ташқи қават туника ва ички қават —
корпусдан иборат. Бу назарияга асосан ұсиш конусининг
энг учидаги инициал ҳужайралар гурухи бўлади. Улар анти-
клинал (юонон. анти — қарши, клино — эгилиш) йўна-
лишда бўлинади ва туникани хосил қиласди. Туниканинг
остидағи фаол бўлинувчи меристема ҳужайралари корпусни
шакллантиради. Бу ҳужайралар барча йўналишда бўлина
оладилар. Туникадан қопловчи тўқима, қисман эса пүстлөк
шаклланса, корпусдан марказий цилиндр ва қисман
пүстлөк ривожланади.

Ұсиш конуси апексидаги бирламчи меристема фаоли-
яти туфайли поя шаклланади. Бирламчи тузилишда поя
ҳамиша эпидерма остида бирламчи пүстлөк шаклланади,
унинг энг ички қавати эндодерма деб айтилади. Эндодер-
ма ҳужайралари деярли тўрт бурчак шаклда, юпқа пўстли
бўлиб, крахмал доналарини тўплаши мумкин. Бирламчи
пүстлөк айнан бир хил ҳужайралардан ташкил топган эмас
(63-расм). Эпидерма остида, поя қирғоғи бўйлаб, хло-
ропластларга эга бўлган паренхима жойлашган. Эпидерма
остидағи ҳужайралар кўпинча пүсти қалинлашиб коллен-
химага айланиши ҳам мумкин. Баъзан бирламчи пўстлөк-
да ажратувчи тўқималар ёки ажратувчи алоҳида-алоҳида
ҳужайралар — идиобластлар (юонон. идиос — ўзгача, ўзига
хос; бластос — муртак, новда, майса) бўлиши мумкин.
Шундай қилиб бирламчи пўстлөкнинг ташқи чегарасини
эпидерма, ички чегарасини эндодерма ташкил қиласди,



63-раси. Япон хурмоси поясининг бирламчи тузилиши: *A* — бошлангич пустлоқ; *B* — марказий ўзак: 1 — эпидерма, 2 — безли туклар, 3 — одий туклар, 4 — пустлоқ паренхимаси, 5 — крахмал түпланган хужайралар боғлами, 6 — флюэма, 7 — камбий, 8 — ксилема, 9 — ўзак нурлари, 10 — ўзак.

уларнинг орасида эса бирламчи пустлоқ паренхимаси жойлашади.

Марказий цилиндрнинг энг ташқи чегараси перицикл ҳисобланади ва у эндодерма остида жойлашади. Кўп ҳолларда перицикл бир қават ҳужайралардан ташкил топади, баъзан бир неча қават бўлиши ҳам мумкин. Перицикл ҳам бирламчи меристемаларга киради. Пояда перициклдан механик толалар ҳосил бўлади. Ана шу толалар перицикл билан биргаликда марказий цилиндрнинг ташқи чегарасини ҳосил қилишда иштирок этади.

Марказий цилиндрда най-тола боғламлари ва ғовак паренхима ҳужайраларидан иборат бўлган ўзак жойлашади. Ўзакнинг ташқи қисми перимедуляр (юон. peri — атроф, лот. м е д у л л и я — ўзак) зона дейилади. Ўсимликнинг ёши катта бўлган сари кўпчилик ўзак ҳужайралари нобуд бўлади ва унинг ичи ҳаво ёки сув билан тулади.

Баъзи ўсимликлар ўзагида эса ажратиб чиқарилган моддалар йиғилиши ҳам мумкин.

Бир паллали ўсимликларда перицикл унчалик муҳим аҳамият касб этмайди ва кўп ҳолларда умуман бўлмайди.


Бир паллали ўсимликларда камбий уларда поянинг бирламчи тузилиши ҳаётининг охиригача сақланади. Бир паллали дараҳтчил ва кўп йиллик ўтчил ўсимликларда иккиласми ўзгаришлар камбийга боғлиқ бўлади.

Поянинг иккиласми тузилиши. Икки паллали ўсимликлар поясида иккиласми меристемалар жуда эрта шаклланади. Шунга мувофиқ иккиласми тузилиш (структуралар) ҳам эрта ҳосил бўлади ва тез ривожланади. Иккиласми тузилишга ўтиш камбийнинг шаклланиши билан бошланади. Дараҳтларда бу жараён жуда тез содир бўлади ва эндигина ёзилган новдада бирламчи тузилишни аниқлаш жуда ҳам қийин. Ўтчил ўсимликларда эса аксинча, иккиласми тузилмалар эрта шаклланишига қарамай бирламчи тузилиш белгилари узоқ вақт сақланади.

Поянинг типик бирламчи тузилишини ўтчил ўсимликлар куртагида куриш мумкин. Куртак ёзила бошлаган вақтда камбий ҳосил бўлади, у фаол ишлайди ва иккиласми тузилишни пайдо қиласди. Камбий хужайралари боғламлар ўртасидаги паренхима хужайраларидан ёки флоэма ва ксилема ўртасида сақланиб қолган прокамбий (бирламчи камбий) хужайраларидан шаклланиши мумкин.

Икки паллали ўтчил ўсимликларнинг иккиласми тузилиши бирламчи тузилишидан кам фарқ қиласди. Иккиласми тузилиш камбий ҳалқаси ҳосил бўлиши ва унинг фаолияти туфайли юзага келади, натижада поя йўғонлашади ва тола боғламлари маълум бир тартибда жойлашади. Бу боғламлар поя бўйлаб параллел тортилганлиги учун кўндаланг кесмада улар доирасимон кўринали.

Поянинг боғламли тузилишини себарга мисолида кўриш мумкин (64-расм). Эпидерма юпқа кутикула қавати билан қопланган. Эпидерма хужайралари йўғонлашган ва кутикулалашган. Эпидерма остида юпқа пустли пустлоқ паренхимаси жойлашади. Унинг хужайралари тангентал (лот. тангенс — тегишли, алоқалор, узунасига, бўйига) йўналишда чўзилган ва шу сабабли энига ўсишга ёрдам беради. Кейинроқ эпидермага энг яқин жойлашган ана




64-расм. Себарга (*Trifolium repens*) поясида толали най боғламларнинг тузилиши: 1 — эпидерма; 2 — пустлоқ паренхимаси; 3 — флоэма; 4 — камбий; 5 — иккиламчи ксилема; 6 — ўзак; 7 — ўзак нурлари.

шу хужайралар колленхимага (юон. колла — сирач; энхима — тұлған, механик-тұқима) айланади. Колленхима ўтчил үсимлик. Пояси әгилувчан, шунинг учун катта дараҳтлар йиқилиши мүмкін бұлған күчли шамолда ҳам унинг пояси синмайды.


Марказий цилиндр яхши ривожланған. Аммо перицикл құрінмайды. Шундай бұлсада — тола боғламлари устидағи механик қалпоқча перициклидан ҳосил бұлади. Марказий цилиндрнинг энг асосий элементлари тола (най) боғламлари ва иирик хужайралы ўзак паренхимасидир. Боғлам камбийсі аниқ құрініб туради. Боғламлар ўргасидаги камбий эса аниқ бұлмайды. Улар кейинроқ ҳосил бұлади ва боғлам камбийсі билан құшилиб яхлит камбий қалқасини ҳосил қиласы.

Боғламли тузилишга эга бұлған ва ўзак нурлари яхши ривожланған поясының тузилишига кирказон (65-расм)нинг поясини мисол қилиш мүмкін.

Зигир үсимлиги (*Linum usitatissimum*)нинг пояси боғламларсиз тузилишга эга (66-расм). Унинг пуст қисміда



65-раск. Киргазон — *Aristolochia* поясида толали най тұдаларининг
түзилиши: 1 — кутикула; 2 — эпидерма; 3 — пүстлөк паренхимаси;
4 — луб толалари; 5 — флоэма; 6 — камбий; 7 — толали най тұдалары
оралиғидаги камбий; 8 — толали най тұдаларининг ксилемаси;
9 — ўзак.



66-расм. Зигир поясининг кўндаланг кесими: А — пўстлоқ, Б — марказий цилиндр; 1 — эпидерма, 2 — пўстлоқ паренхимаси, 3 — луб толаси, 4 — флоэма (элаксимон найлар ва йўлдош хужайралар), 5 — камбий, 6 — иккиламчи ксилема, 7 — бирламчи ксилема, 8 — ўзак.

бирламчи ҳамда иккиламчи гистологик элементлар ажраби туради. Бирламчи паренхима хужайралари ҳажмининг кичиклиги ва чўзинчоқлиги билан фарқланади. Луб толалирининг хужайра деворлари қалин бўлиб, улар текстил

саноатида ишлатилади. Флоэма устида йирик ҳужайрали иккиламчи пүстлөқ паренхима жойлашган. Флоэма билан ксилема яхлит ҳалқа шаклда жойлашган булади.

Камбий ҳужайраларининг фаолияти. Камбий ҳужайраларининг фаолияти бошқа меристема ҳужайраларига қарашанда бошқачароқ ва ўзига хос тузилишга эга. Уларнинг шакли тангентал йўналишда чўзилган бўлиб, ана шу йўналишда бўлинади. Камбий ҳужайраларининг икки учи ўтқирлашган. Биринчи ажralиб чиқсан камбий ҳужайраси она ёки инициал ҳужайра бўлиб қолаверади. У ўзида “чексиз” бўлиниб ҳужайралар ҳосил қилиш қобилиятини сақлади. Инициал ҳужайранинг бўлиниши натижасида меристема ҳужайраси ҳосил бўлади, у такрорий бўлинади ва ҳосил бўлган ҳужайрадан флоэма ва ксилема доимий элементлари шаклланади. Бўлинаётган камбий ҳужайраси ксилема ҳужайраларини флоэма ҳужайраларига нисбатан 3—5 баробар кўп ишлаб чиқаради. Камбий ҳалқаси ўз фаолиятида борган сари поя марказидан узоқлашиб, массаси ортиб бораверади.

Дараҳт ўсимликлар поясининг тузилиши. Дараҳтларнинг поя тузилиши ўтчили ўсимликларнинг поя тузилишидан фарқ қиласди. Дараҳтлар поясининг ўзига хос вазифалари бор. Дараҳтларнинг поаси кўп йиллар давомида ўзидаги ён шоҳлар, шоҳчалар ва баргларнинг оғирлигини кўтариб туради. Дараҳтчил ўсимликлар поясидаги асосий фарқ шундаки, уларнинг тўқималари кучли ёғочланади ва тараққий этади ҳамда поя марказида жойлашади.

Хозирги замон дараҳт ўсимликларга нинабаргли дараҳтлар (қарағай, оққарағай, қорақарағай, тилоғоч), икки паллали баргли дараҳтлар (қайнин, тоғтерак, эман, заранг, қайрагоч, жўка, шумтол ва бошқалар), бир паллали дараҳтлар (ҳар хил пальмалар ва драценалар) киради.

Нина баргли дараҳтлар билан икки паллали дараҳт ўсимликлар поаси ўшаш бўлиб, иккиламчи тузилишга эга. Уларнинг асосий структура элементи — камбийдир. У флоэма ва ксилема элементларини ҳосил қиласди ва поясининг йўғонлашувини бошқаради. Камбийнинг асосий вазифаси, албатта, ўсимликнинг бутун ҳаёти мобайнида кучли ксилемани (ёғочликни) шакллантириш. Аммо ксилема ҳужайраларининг таркиби ва жойлашиш тартиби

бўйича нинабаргли ва икки паллали дараҳтлар пояси фарқ қилинади.

Бир паллали дараҳт ўсимликлар тропик ва субтропик ўрмонларда тарқалган. Уларнинг поясида камбий бўлмайди, боғламлар ёпиқ, тартибсиз жойлашган. Бундай ўсимликларда ҳам иккиламчи ўзгаришлар бўлади, лекин бу ўзгаришлар паренхимадан ҳосил бўлувчи ва жуда қисқа муддат ишлайдиган ҳалқалар ҳисобига рўй беради.

Икки паллали дараҳт ўсимликлардан қайрағочнинг поя тузилишини кўриб чиқамиз.

Иккиламчи тузилиш шакллана бошлангандан пустнинг энг ташқи қавати бўлиб перидерма ҳисобланади. Вақт ўтиши билан кўп дараҳтларда перидерма пустлоқ қаватига айланиши мумкин. Перидерма билан марказий цилиндр ўртасида пустлоқ паренхимаси жойлашган. Марказий цилиндр перициклдан, агар у бўлмаса флоэмадан бошланади. Иккиламчи флоэма элементлари камбийдан экзарх (юонон. э к з о — ташқи; а р х е — бошланиши), яъни марказдан ташқарига қараб ҳосил бўлади. Иккиламчи флоэма хужайралари бирламчи флоэма хужайраларидан йирикроқ. Вақт ўтиши билан иккиламчи флоэма хужайралари кўпайиб, бирламчи флоэмани деярли кўринмас ҳолга келтириб қўяди ёки улар юпқа ҳалқа шаклида кўриниши мумкин. Иккиламчи флоэма элементлари — элаксимон найчалар ва йўлдош хужайралар. Уларга аралашган ҳолда луб (флоэма) паренхимаси ва луб механик толалари жойлашади.

Флоэманинг гистологик элементларига ўзак нурлари ҳам киради, улар флоэма ҳалқасини радиал йўналишда ёриб ўтади. Луб паренхимаси хужайраларида крахмал, гемицеллюлоза ғамланади. Куз охирига келиб бу хужайраларда юқоридаги моддалар ўрнига глюкоза, ёғ ва бошқалар тўпланади. Луб паренхимаси хужайраларида ажратиб чиқарувчи моддалар — ҳар хил алкалоидлар, глюкозидлар, ошловчи модда ва бошқалар тўпланади. Баъзи ўсимликлар флоэмасида сут йўллари бўлади.

Ёғочликнинг (ксилеманинг) асосий элементларига — найлар, трахеидлар, механик толалар (либриформ) ва паренхима киради. Паренхимани ёғочлик паренхимаси ва ўзак нурлари ташкил этади. Иккиламчи ксилема ва икки-


ламчи флоэмани ҳосил қылувчи камбий күп қаторли бўлиб жойлашади. Либриформ — ёғочликнинг асосий элементи бўлиб, механик вазифани бажаради.

Ўзак нурлари бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бирламчи ўзак нурлари ўзакдан бошланади ва бутун ёғочлик орқали пўстлоқча қадар давом этади. Иккиламчи ўзак нурлари бир йиллик ҳалқадан бошланади ва камбий ҳалқасигача боради.

Йиллик ҳалқалар. Камбийнинг фаолияти йил фаслларига қараб ўзгариб туради. Айниқса баҳор ойларида, ўсимликларда шира суюқлиги оқиши бошланган даврда камбийнинг фаолияти ортади. Мана шу вақтда шаклланган ўтказувчи элементлар — трахея ва трахеидларнинг диаметри йириклишади. Куз яқинлашиб келгани сайин камбий фаолияти сусаяди, ҳамда ажратиб чиқарилаётган ҳужайралар сони камайиб, уларнинг диаметри кичрайди ва ҳужайра пусти қалинлашади. Шундай қилиб, баҳорги ва кузги ҳосил бўлган ҳужайралар ўртасидаги кескин фарқланиш натижасида йиллик ҳалқалар ҳосил бўлади (67-расм). Йиллик ҳалқаларнинг ўсиш тезлигига, қалинлигига ёғингарчилик миқдори, ҳарорат режими ва қуёшли кунлар сони таъсир этади.

Йиллик ҳалқаларнинг қалинлигига, шаклига қараб климатолог ва палеонтолог олимлар ўтган йиллар ва ҳатто ўтган асрлар (қазилма ўсимликларда) иқлимини аниқлайдилар. Ҳалқалар сонига қараб эса дараҳтларнинг ёшини аниқлаш мумкин. Иқлими қуруқ ва иссиқ чўл шароитида ўсадиган баъзи ўсимликларда (саксовул, эльдор, қарағай ва боциқаларда) ёздаги ёғингарчилик вақтида сохта йиллик ҳалқалар ҳосил бўлиши мумкин. Агар эътибор билан қаралса, бу сохта ҳалқалар кўринади. Уларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, пайдо бўлган ҳалқалар тўлиқ доира ҳосил қilmайди.

Ёғочликдаги йиллик ўзгаришлар. Йиллик ҳалқаларнинг энг қарилари поянинг марказида жойлашади. Шунинг учун йиллар ўтиши билан ёғочликнинг ички қисмларига сув, озиқ моддалар ва кислороднинг кириши қийинлашади. Ёғочликнинг ички ҳалқаларидаги тирик паренхималар моддалар алмашинуви оғирлашади. Натижада бу ҳужайраларда пухаксимон бўртмалар ҳосил бўлади. Найлар (тра-



67-расм. Дуб (эман) дарахти поясидаги йиллик ҳалқалар: 1 — пүстлок, 2 — ўзак тевараги, 3 — узак маркази.

хеялар) бүшлиги ҳар хил моддалар (смола, эфир мойлари, ошловчи ва бошқа моддалар) билан шимилади. Натижада бутун бир ҳалқа ҳужайраларида моддалар алмашинуви деярли тұхтайди. Шу моддаларнинг түпланиши ва оксидланиши натижасыда уша йиллик ҳалқа маълум бир рангга киради. Бу ранг турли үсимликтарда турлича бұлади. Йиллар үтиши билан бундай ҳалқаларнинг сони ортиб боради ва ёғочлик маркази ёки унинг ўзак (энг қари) қисми маҳсус ранги билан ажралиб туради. Ёғочликнинг ёш қисми ўзак атрофи (ёғочликнинг ташқи қавати) дейилади.

Ана шундай чиройлы рангга ўзакка зәг бұлған ёғоч қимматли ҳисобланади. Ундан турли бадий буюмлар тайерланади. Ёғоч, қаштанда ёғочнинг ўзаги түк — қаштан рангыда, қарағай ва қайрағочда — жигар рангда; тисс (қизил

да; хурмонинг турли вакилларида — қора рангда бўялган бўлади. Ёғочликнинг ана шу ўзак қисмини ўрмончиликда етилган ёғочлик деб юритилади.


Баъзи ўсимликларда ёғочлик ўзаги юмшоқ бўлади. Шу сабабдан замбуруғ ва бошқа микроорганизмлар ёғочликни осонлик билан емиради. Бундай дараҳтларда (терак, тол, чинор) ковак ҳосил бўлади. Уларнинг умри нисбатан қисқа. Бироқ чинор бундан мустасно. Чинорнинг ичи ковак бўлсада узоқ умр кўради.

Ёғоч — халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун ажойиб хом ашё ҳисобланади. У қурилишда, мебель ишлаб чиқариш саноатида ишлатилади. Ёғочликдан ёғоч спирти, сирка кислотаси, ацетон, турли смолалар, бўёқлар ва бошқа моддалар ажратиб олинади.

4-§. СТЕЛ НАЗАРИЯСИ

Стел (юнон. стела — устунча) — ўзакларнинг келиб чиқиши ва тузилиши, эволюцияси ҳақидаги назариянинг асосчиси француз ботаниги Ван Тигелдир. У илдиз перициклини ўраб турувчи бирламчи тўқималар йигинидисини стела деб атади. Кейинчалик поя перициклидан кейинги барча ўтказувчи ва бошқа тўқималар тўпламишини стела деб ҳисоблади.

Стелнинг энг содда ва қадимги хили — гаплостела (юнон. гаплос — оддий, содда) ёки протостеладир (юнон. протос — биринчи). Гаплостелада флоэма ксилемани яхлит ўраб туради (68-расм). Стелнинг бу хили риниофитларда ва бир қанча содда ўсимликлар поясида учраган. Юксак спорали ўсимликларнинг баъзиларида ҳозир ҳам гаплостела учрайди. Актиностела (юнон. актинос — нур)-да ксилема юлдузсимон бўлиб жойлашади, бу шаклдаги стела содда тузилишга эга бўлган ўсимликларга (плаунсимонларда, Қирилиб кетган қирқбўғимларда) хос белгидир. Новда ён органларига ўтадиган ўтказувчи боғламларнинг ҳосил бўлиши актиностелнинг шаклланишига олиб келган. Бундан ташқари актиностелла ксилема ва флоэма ўз атрофидаги бошқа тўқималарга кўпроқ тегиб туради, натижада моддаларнинг ўтишига имкон яратади.



68-расм. Стел эволюцияси: 1 — гаплостела, 2 — актиностела, 3 — илдиз стели, 4 — сифоностела, 5 — диктиостела, 6 — эустела, 7 — этактостела, ксилема қора рангда күрсатылған.

Сифоностел (юнон. сифон — найча) да үзак пайдо булади. Сифоностелнинг шаклланиши билан иирик организмлар ҳосил бўлган. Ксилеманинг қирғоқда жойлашиши ва найсимон тузилишининг вужудга келиши поянни янада чидамли бўлишга олиб келди.


Тараққиётнинг кейинги даврларида диктиостела (д и к - т и о н — түр), эустела (юонон. э у — яхши, ҳақиқий)лар ҳосил бўлган. Диктиостела қирққулоқларга хос, уларда камбий бўлмайди (68-расм, 5). Эустела эса уруф ҳосил қилалигани ўсимликларга хосдир (68-расм, 6).

Стел эволюциясининг охирида бирпаллали ўсимликларда атактостела (юонон. а — инкор; т а к т о с — тартиб билан жойлашиш) ҳосил бўлган. Унда камбий бўлмайди ва най-тола боғламлар жуда мураккаб жойлашган.

5-§. БАРГ

Баргнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиши. Барг новданнинг ён органи. Ўсимликларнинг биринчи вегетатив барги уруғпалла бўлиб, у анекс уни новда пайдо бўлмасдан олдин муртак танасининг такомиллашишидан юзага келади. Кейин ҳосил бўладиган примордиал барг новданнинг ўсиш конусидаги меристемадан акропетал тартибда экзоген бўртмалар ёки дўмбоқчалар кўринишида вужудга келади. Аввало унинг протодерма ёки бошланғич эпидерма хужайралари бир хил (антклиналь) бўлинади. Кейинчалик ҳосил бўлган дўмбоқчалар дифференцияланиб (лот. тафовут, фарқ) икки: юқори (апекал) ва пастки (базал) қисмларга бўлинади. Бунда апекал, базал қисмга нисбатан тез ўсади. Нинабарглилар ва бир паллалилар пиrimордиалининг катталиги 0,3 мм, икки паллалиларники эса 7-10 ва баъзан 15 мм га (баъзи бутгулдошларда) етади. Шундан кейин примордийнинг апеки ўсишдан тўхтайди. Унинг маргинал (четки) меристема хужайралари интеркаляр (лот. и н т е р к а л я р с — жойлашириш) ўсишда давом этади. Бошланғич баргнинг интеркаляр ўсишини Африка саҳроларида ўсуви чажойиб вельвичия (*Welwitschia mirabilis*) деб аталадиган ўсимликларда кўриш мумкин. (69-расм).

Онтогенезда примордиал баргнинг апекал қисмидан барг пластинкаси ва банд, базал қисмидан эса барг асоси ва ён баргча ўсиб етишади (70-расм). Икки паллали ўсимликларда барг пластинкаси одатда базипетал (юонон. ба - зи с — асос, туб, таг, п е т о м ай — интилиш) равишда юзага келади, яъни унинг уни олдинроқ ташкил топади.




69-расм. Ажойиб вельвичия.



70-расм. Онтогенезда баргпин тақомиллашиш тасвири: 1,6 — куртака; 1,2 — примордиял бошланғич баргпинг үсиши; 3 — бошланғич юқори ва паст қисмининг дифференциацияланиши; 4 — барг асосида пастки қисм ва ён баргларнинг бундан кейинги ривожланиши; 7 — вояга етган барг; нч — барг бошланғичининг пастки қисми; вч — вояга етган юқори қисми; о — барг асоси, прл — сибарг; чрш — барг банди, лпл — барг пластинкаси.


Примордийнинг апекал ва базал қисмлари ўртасида интеркаляр үсиш содир бўлганлиги сабабли барг банди ҳамадан кейин пайдо бўлади. Барг пластинкасининг қирралари четки маргинал ҳужайраларининг бир текисда ўсмаслигидан юзага келади.



71-расм. Мураккаб баргнинг ривожланиши: 1 — дуккадошлар оиласига кириувчи ўсимликларда тоқ патсимон баргни акропстал ривожланиши; 2 — синюхи; 3 — наъматак баргларини базигетал ривожланиши; 4 — тмин (*Carum Carvi*) кўп марта қўрқилган баргнинг ривожланиши; 5 — люпин (*Lupinus*) панжасимон баргнинг ҳосил булиши; а, б, в — бошлангич баргининг ҳосил бўлиши; I—VII — баргларнинг навбат билан ҳосил булиш тасвири; пр — ёнбарглар.

Мураккаб барглар ҳам худди оддий барглардай пайдо бўлади ва кейинчалик унинг маргинал ҳужайралари були-на бошлайди (71-расм).

Бир паллали ўсимликларнинг бошлангич (примордиял) барглари ривожланишининг аввалида қиррали ўроқсизмон шаклда бўлиб, кейинчалик энига ўсади ва қалпоқча шаклига айланади (72-расм, 1а, —д). Баъзан примордия бир-бiri билан қўшилиб узунасига ўсади. Найнинг остики смисида барг нови ёки филофи ривожланади (соя-бонгулдошлар, бошокдошлар). Фалладошларнинг примор-



72-расм. Бирпаллали ўсимликларда баргнинг ривожланиш тасвири:
 1 — валик-болиш шаклдаги примордий (а—д тараққиёт даврлари);
 2 — дўмбоқча шаклда примордий (а—б — тараққиёт даврлари); 3 — ке-
 силгаи ўсимлик баргининг ривожланиши.

диал баргларидаги меристема ҳужайралари узоқ вақтгача ўз фаолиятини сақлади. Шунинг учун уларда барг кесилса ёки ўрилса қайта ўсиш содир бўлади.


Баргнинг вазифаси ва морфологияси. Ўсимликларда барглар катта сатҳни ташкил этади. Яшил барг сатҳининг асосий вазифаси фотосинтез, транспирация (сувни буғлаб ҳавога чиқариш)дан иборатdir.

Барг сатҳига тушган ёруғлик нурларининг энергияси органик моддаларнинг ҳосил бўлишига сарф этилади. Барг орқали ҳаводан олинадиган карбонат ангидриди ва илдиз системаси орқали пояга ўтиб турувчи сув ҳисобига органик модда ҳосил бўлади. Сув транспирация туфайли поя орқали юқори кўтарилиб туради. Натижада ўсимликлардаги тирик ҳужайралар сув билан таъминланиб тургор ҳолати сақланади. Бундан ташқари транспирация жараёни ўсимликларни қизиб кетишдан асрайди. Барг сатҳининг ўсиши ёруғликни тутишга, газ алмашинишини кучайтиришга ва сувни буғлатишга бўлган мослашишdir. Бу мос-

дашиш узок давом этган эволюция жараёнида ўсимликтарни муҳитга мослашиши натижасида вужудга келган.

Баргнинг пластинкаси ясси, унинг икки томони бирбиридан фарқ қиласи. Шунинг учун бундай барглар бифациал (лот. би — икки; фацио — томон, юз) ёки икки томонли барг деб аталади. Барг ўзи жойлашган ўқса (пояга) қараган томони жиҳатидан ҳар хил: унинг устки қисми адакциал (лот. ад — “га”; аксиc — ўқ), ён ёки остики қисми абаксиал (лот. а будан) деб аталади. Баргнинг устки ва остики қисми анатомик тузилиши, томирланиши ва ранги билан фарқ қиласи.

Етилган типик барг уч қисмдан: барг пластинкаси, барг банди ва барг асоси (таги) дан иборат (73-расм, 1). Кўзга кўринадиган типик барг пластинканинг энг эътиборли



73-расм. Барг ва унинг қисмлари: 1 — бандли, 2 — бандлиз, 3 — ёстиқчали ёки буртмали барг, 4 — новли ёки гилофли барг, 5 — ён баргчалари туташмаган; 6 — ён баргчалари туташган барг, 7 — ён барглари туташган ётиқчали барг: пл — барг пластинкаси, ос — барг асоси, вл — нов ёки гилоф, пр — ён баргчалар, ч — барг банди, пп — ён куртак, мм — интеркаляр меристема.

томони шундаки, у ясси шаклда, дорсовентрал тузилища булиб, ўсиши чекланган. Баргнинг катта-кичиклиги **Хар хил**: энг йирик барг рафия деб аталган, патсимон баргли хурмо дараҳтларида 15–20 м, Жанубий Американинг тропик қисмida, айниқса, Амазонка дарёси ҳавзаларида кўп тарқалган Виктория реги баргининг диаметри 2 м гача. Энг кичик барг эса бир неча см гача бўлади. Баргнинг асосий вазифаси фотосинтез, транспирация, газ алмашинувидан иборат. Барг пластинкаси билан барг асоси ўртасида барг банди жойлашган. Унинг шакли цилиндрический, ясси, узун (ёнғоқда) ёки қисқа (толда) бўлиши мумкин. Банди бор барглар бандли барглар деб, банди йўқ барглар бандсиз барглар деб аталади (73-расм, 2). Барг бандлари баргларни пояга яшил ёруғ тегадиган бўлиб жой олишига, мустаҳкамлик, ўтказувчанлик ва интеркалар ўсишга имкон беради.

Баргнинг асоси ёки таги ҳар хил: баъзи ўсимликларда новда ва шохча билан бирлашадиган ери бўртма шаклида, кўпгина ўсимликларда эса баргнинг асоси тарновга ўхшаб кенгайган булиб, поянинг бир қисмини ўраб олади ва барг нови ёки барг филофи дейлади. Барг филофи бир паллали (фалладошларда) ва баъзан икки паллали (соябонгулдошларда) учрайди (73-расм, 4). Барг филофи тиник (шаффофф) парда (пўст)ли ёки қўнғир, кулранг бўлиши мумкин. Баъзан барг филофининг хужайраси яшил рангла бўлиб, фотосинтезда қатнашиш хусусиятига эга. Барг филофи барг кўлтиғида жойлашган куртак ва пояни интеркалар меристемани ҳимоя этади.

Кўпгина ўсимликларда барг билан поянинг қўшиладиган жойида, яъни барг бандининг асосида (тагида) бир жуфт алоҳида ўсимталар чиқади, буларга ёнбаргчалар деб аталади (74-расм 5,6). Ёнбаргчаларнинг шакли пардага, қобиққа, майдамайда баргчаларга қилтаноқ ва баъзан ҳақиқий баргларга ўшайди. Йириклашган ёнбаргчалар фотосинтез вазифасини бажаради (масалан, нұхат, мураккабгулдошларнинг кўпчилик вакилларида).

Онтогенезда ёнбаргчалар, барг пластинкасига нисбатан олдин ривожланади ва куртакдаги баргларни ҳимоя этади, чунки барг пластинкаси нисбатан йирикроқ бўлади. Куртак очилгандан сўнг ёнбаргчалар тушиб кетади



74-расм. Баргнинг турли шакллари ва формациялари: 1—4 қулупнайниңг ўсиш даврида турли шаклдаги барглари; 5—9 қулупнай новдасининг юқори қисмida жойлашган барглар; 10 — кала (*Calla polinstris*)нинг барги (По); 11—14 нұхаттнинг вегетация даврида ҳосил бүлған барг шакллари; 15—20 шумтол дараҳтининг онтогенез даврида барг шаклларининг ҳосил булиши; 21 — марваридгул-ландиш (*Canvallaria*) да барг шакллари; 22 — наымтак новдасининг остида ҳосил бүлған барглар; 23 — ёнғоқ (орешник)да күртак қипиқчалари ва новданиң урта қисмидаги барг; 24 — черемица новдасининг пастки барглари: НЛ — пастки, Сл — ўртанчи, Вл — юқори барглар.



75-расм. Баргнинг турли шакллари: 1—нинабарг, 2—қалами барг, 3—чўзиқ барг, 4—наштарсимон барг, 5—эллипссимон барг, 6—ён томирли барг, 7—тўгарак барг, 8—тухумсимон барг, 9—тескари тухумсимон барг, 10—ромбсимон барг, 11—кураксимон барг,

(олма, нок, оқ қайин, эман-жұка ва бошқаларда). Баъзи ўсимликларда (йүнгічқа, қулупнай ва бошқаларда) барг ҳосил бұлғандан кейин, ёнбаргчалар қурийди, лекин тушмасдан узоқ сақланади. Тиканға үшшаган ёнбаргчалар ҳимоя вазифасини бажаради.

Баъзан барг асоси (таги)даги ёнбаргчалар құшилиб ўсиб юпқа пардачали найчага айланади, бунга раструб дейилади. У күпинча отқулоқдошлар оиласига мансуб ўсимликларда учрайди (масалан, ровоч, отқулоқ, сув қалампири, таран ва бошқалар).

Барг шакллари. Барглар ҳар хил шаклда бұлади. Пластинкаси (япроги)нинг шаклиға қараб оддий ва мураккаб барглар бұлади.


Барг, бир бандда фақат битта япроққа эга бўлса оддий барг деб аталади. Ҳазонрезлик вақтида оддий барг банди ва япроги билан бир вақтда узилиб тушади.

Оддий барг шаклини аниқлашда унинг консистенцияси (лот. консерос — тузилиши), умуман күриниши, асоси, учи, четлари, томирланишига қараб тасвирланади. Машхур швед олимі К. Линней 170 дан ортиқ барг хилларини аниқлаган. Баргларнинг шакли ва томирланиши тур, туркум, оила ва синфнинг белгиларидан биридир. Шунинг учун уларни ўрганиш ва тасвирлаш ботаника систематикасида муҳим аҳамиятга эга.

Оддий барглар ўз япроғининг шаклиға күра нинабарг, қалами чўзиқ, наштарсимон, тухумсимон, кураксимон, буйраксимон, юраксимон, камонсимон каби шаклларда бўлади (75-расм).

Барг шапалоғининг учи, таги ва чети ҳам хилма-хил. Чунончи, барг учи — нишдор, ўтқир, тўмтоқ, тўгарак, ўйма

12 — юраксимон барг, 13 — буйраксимон барг, 14 — ўқсимон барг, 15 — найзасимон барг, 16 — патсимон барг, 17 — панжа бұлакли барг, 18 — бармоқ томирли барг, 19 — бармоқсимон қырқма барг, 20 — лирасимон барг, 21 — уч япроқли барг, 22 — панжасимон мураккаб барг, 23 — ёнбаргчали мураккаб барг, 24 — тоқ патсимон мураккаб барг, 25 — тақориј жуфт мураккаб барг, 26 — қўштакрор патсимон барг, 27 — тоқ патсимон алмашма барг.



76-расм. Барг таги, учи ва четларининг хилма-хиллиги. А — учи:
1 — учли, 2 — чўзиқ, 3 — тўмтоқ, 4 — тўгарак (юмалоқ), 5 — ўйма,
6 — ўткир; Б — таги: 1 — чўзиқ, 2 — понасимон, 3 — кенгпонасимон,
4 — ёпишқоқ, 5 — кесик, 6 — тўгарак, 7 — ўйма, 8 — юраксимон.
В — барг пластинкасининг қирралари: арасимон, 2 — күшаррасимон,
3 — тишсимон, 4 — кунгурали (тўмтоқ тишли), 5 — ўйма, 6 — бутун.

ва ҳ.к. (76-расм, А); барг таги энсиз понасимон, понасимон, кенг понасимон, ёпишқоқ, кесик, тўгарак, ўйма, юраксимон (76-расм, Б); барг шапалоғининг чети (қирралари): арасимон (урик, тол ва бошқаларда), күш арасимон, тишсимон (шураларда); тўмтоқ тишли (кунгурали); ўйилган, бутун (текис) бўлади (76-расм, В).

Барг бандила бир неча япроқчалар жойлашган бўлса, бундай барг мураккаб барг деб аталади. Хазонрезлик вақтида бу япроқчалар олдинма-кетин тўклилади, шундан сўнг асосий банд ҳам поядан узилади (масалан, ёнғоқ, акация, наъматак, атиргул ва бошқалар). Мураккаб баргнинг асосий банди *рахис* (лот. *рахис* — умуртқа) деб аталади. Раҳисда япроқчаларнинг жойлашишига қараб мураккаб барг одатда учталик, патсимон ва панжасимон шаклда тафовут этилади (75-расм, 22—27).

Барглар ажралиш хусусиятига кўра, панжа бўлакли, панжасимон бўлакли ва лирасимон бўлиши мумкин (75-расм, 20).


Баргларнинг томирланиш системаси. Ўсимликларда барг шапалоғининг томирланиш системаси барг банди ва по-

яга кетадиган тола (томир)ларидан иборат бўлиб, улар орқали сув, минерал тузлар ва органик моддалар ҳаракатланади. Сув ва минерал тузлар барглардаги ҳужайраларга, органик моддалар эса доимо барг ҳужайраларидан пояга қараб ҳаракат қиласди.

Томирланиш системаси икки хил: йўғон пишиқ механик тўқима ва ингичка трахеидлар (луб ва склеренхима)-дан иборатdir. Йўғон томирлар жуда пишиқ бўлиб, барг банди ва барг пластинкасини тутиб туриш (механик таянч) вазифасини бажаради, Трахеидларни учи берк, улар анастамозалар (юон. а на ст о м о з и с — улагич) деб атадиган ингичка луб ва склеренхима ҳужайралари билан кўшилади ва барг шапалогини йиртилишдан сақлайди.

Томирланиш системаси барг шапалогида ҳар хил: дихотомик, параллел, ёйсимон, патсимон ва тўрсимон шаклда булади (77-расм).

Филогенетик жиҳатдан учта такомиллашмаган томирланишнинг қадимги дихотомик ёки айрисимон хили мавжуд. Бу хилдаги томирланиш айрим жойларда мезозой эрасидан сақланиб қолган реликт (лот. р е л и к т у с қ олдирилган) кам учрайдиган гинго (*Tingo biloba*)нинг барг-



77-расм. Баргларнинг томирланиши: 1 — параллел томирланиш;
2 — ёйсимон томирланиш; 3 — бармоқсимон томирланиш;
4 — патсимон томирланиш; 5 — дихотомик томирланиш.

ларига хосдир. Күпчилик қирқүлоқларда ва содда тузилган уруғли ўсимликларда битта ёки иккита бир-бири билан туташмаган оддий томирлар бўлади. Галладошларда параллел, пиёзгулдошларда ёйсимон томирланишни кўриш мумкин.

Дихотомик томирланишда бир-бири билан улагичлар (анастамозлар) орқали қушилиб тўрлар ҳосил қиласди. Бундай томирланиш баргда озиқланишни сув ва тузларни хужайраларга томон, эластик моддаларни эса доимо барглардаги хужайралардан пояга томон ҳаракатини тезлаштиради. Бу хилдаги томирланиш тол, олма, нок, зирк ва бошқаларда учрайди. Патсимон томирланиш системаси кўпчилик дараҳт, бута ва ўтчил ўсимликларнинг баргидаги бўлади.

Баргларнинг томирланишини ўрганиш палеоботаникада ҳамда ўсимликларни системага солишида эътиборга олинидиган доимий белгилардандир.

Томирланиш системаси бир ўсимликдаги барг пластинкасида ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, пастки ярусдан юқори ярусга қараб томирлар ошиб боради, яъни пастдаги сояроқда жойлашган баргларга нисбатан устки серёрга ярусда жойлашган баргларда томирланиш кўпроқ ривожланади. Бу қонунни 1902—1904 йилларда буюк олим В. Р. Заленский кашф этган.

Баргнинг новда ўқида жойлашиш тартиби. Ўсимликларнинг барглари новда ўқида маълум бир қонун асосида жойлашиб радиал симметрия ҳосил қиласди. Баргнинг новда ўқида жойлашиши бир неча хилдир:

а) навбатли, кетма-кет ёки спираль жойлашиш — бунда барглар ҳар бир бўғинда биттадан чиқади ва новда бўйлаб пастдан юқорига қараб жойлашади. Баргларнинг шу тартика жойлашишига навбатли, кетма-кет ёки спираль жойлашиш деб аталади (атиргулдошлар, 78-расм, А).

б) новданинг ҳар қайси бўғинида иккита барг бир-бира га қарама-қарши жойлашган бўлса қарама-қарши жойлашиш деб аталади (лабгулдошлар, сигирқуйруқдошлар, сирень ва бошқа ўсимликларда) (78-расм, Б). Бунда юқоридаги иккита қўшни жуфт барглар, пастдаги жуфт баргларга соя туширмайди;

в) ҳар бўғимда бир нечтадан барг туп бўлиб жойлашишига ҳалқасимон жойлашиш деб аталади (элодея, олеандр).



78-расм. Новдада баргларнинг жойлашиши: А — навбатли, кестма-кет ёки спираль (шафтоли-*Persica vulgaris*); Б — қарама-қарши супротив (лигуструм-*Ligustrum*); В — ҳалқасимон (олеандр-*Nerium oleander*).

78-расм В). Буларда қўшни давралар бир-бирининг устига жойлашмасдан, улар навбатлашиб, юқори ва пастки давра барглари ўргасидаги оралиқдан жой олади.

Баргларнинг пояга жойлашиш тартиби ирсий белги булиб, ҳар қайси оиласарда маълум тартибда жойлашади.

Барг мозаикаси. Новданинг ўсиши натижасида унда жойлашган баргларнинг тартиби ҳам ўзгаради. Айниқса, поянинг бир текис ўсмаслиги, бўғим оралиқларининг бурилишига ва барглар жойлашиш бурчакларининг ўзгаришига сабаб бўлади. Бу ўзгариш ёруғлик шароитига боғлиқ. Шуниси диққатга сазоворки, барча ўсимликларнинг барг пластинкалари бир-бирига нисбатан қуёш нурини тусмай жойлашади. Бу ҳодисага барг мозаикаси ёки барг нақшлари деб аталади. **Барг мозаикаси** айниқса, дараҳт ва буталарнинг плагитроп новда ва шохчаларида (жўка, ўткир баргли заранг, қайрафоч ва бошқа дараҳтларда) плюш, герань, тамаки, зубтурум ва бошқа ўтчиликларда учрайди.

Баргларнинг хилма-хиллиги. Одатда, бир ўсимликнинг танасида жойлашган барг шапалоғи шакл тузилиши жи-

жатидан ҳар хил бұлади. Уруғдан униб чиққан ўсимлик-нинг бириңчи чинбарги — уруғпалла ҳисобланади, у мұртакнинг дифференциялашишдан ҳосил бұлади. Уруғпалла катта-кичиклиги, шакли ва бажарадиган вазифаси жи-жатидан ундан кейин ривожланадиган барглардан фарқ қылади.

Уруғпаллалар шакли жиҳатидан оддий, юмалоқ ёки тухумсимон (лабгулдошлар, атиргулдошлар), ёки ноксимон (гулхайридошлар), буйраксимон (капалаккүлдошлар), ништарсимон ёки ланцетсимон (итузумдошлар), узунчоқ (зубтурумдошлар) ва ҳоказо бұлади.

Күпчилик ўсимликларда уруғпаллалар униб ер устига чиқади, яшил рангга киради ва ўсимликнинг фотосинтез жараёни борувчи органига айланади. Баъзи ўсимликлар (эман, шўра, нұхат ва бошқалар)да уруғпаллалар ер остида қолиб, фамловчи орган вазифасини бажаради. Уруғпаллаларнинг ҳосил булиши ўсимта ёки майса даври деб аталади.

Майса давридан кейин ўсимликларнинг ювенил (лот. ю ве н и л у с — ёш) даври келади. Бунда ўсимлик ёшлиқ даврига хос күринишга эга бұлган бир қатор ҳақиқий (бириңчи ва иккинчи) барглардан ташкил топади. Бу барглар анча майда ва содда тузилишга эга (қулупнай, ловия, шумтол, наъматак, боршевик, ойболтирғон ва бошқаларда), шундан сұнг бошқача шаклга кирадиган барглар ҳосил бұлади.

Барглари мураккаб тузилишга эга бұлган ўсимликларнинг уруғпаллаларидан кейин пайдо бұладиган баргларнинг биттаси ёки бир нечтаси оддий бұлади. Кейинчалик юзага келадиганлари эса аста-секин мураккаблашиб, пи-ровордида типик патсимон мураккаб баргларга айланади (74-расм, 15—20).

Ювенил даврдан сұнг ўсимликларнинг имматур (лот. генерацио — туғилиш, келиб чиқиш, яратилиш) гул ҳосил қилиш даврлари бошланади. Бу даврда пайдо бұладиган барглар шакл тузилиши жиҳатидан уч хил: пастки, ўрта ва устки барглардан ташкил топади.

Пастки ёки катафилл (юонон. kata — пастки; фи-лон — барг) барглар одатда, кичик, пластинкасі тарақ-қый этмаган барг асосидан иборат бўлиб, шаклан оч яшил,


Күнгір рангли ёки барг қынларига үхшашдир. Булар күпин-ча пиेшибош (лола, зафар), илдиз пояли күп ииллик үтчил үсімліктер (отқулоқ, ровоч, чукри за бошқалар)нинг ба-ҳордан янгитдан рибожланадиган новдаларида ҳосил бұла-ди. Уларнинг асосий вазифаси куртакларни ҳимоя қилиш-дир (74-расм, 21—24).

Катафилл барглардан сұнг яхши тарақкий этган чин ёки ҳақықий яшил рангга зәға бұлған ассимиляция вазифа-сини бажарадиган үрта барглар ривожланади (74-расм, 21).

Үтчил үсімліктернинг новда учида, айниқса гул ва түпгүл-лар яқинида гипсофилл (юонон. г и п с о — устки; ф и л-лон — барг), яъни устки ёки гул ёнбарглар пайдо бұлади. Бу шаклининг анча соддалиги билан үрта барглардан фарқ қиласы (74-расм, 5—9). Тропик үрмөнларда үсувчи үсім-ліктернинг устки ёки гулёнбарглари қизил, қирмизи оқ рангда булып, ҳашаротларни үзиге жалб этади (масалан, арумдошлар оиласидан *Anthurium*, *Zantedeschia*, кала ва бошқалар).

Бирор үсімлік новдасидаги ёки поясидаги баргларнинг ҳар хил шаклда булишига гетерофилия (юонон. г е т е р о с — түрлича) деб аталади. Бу айниқса, сувда үсувчи үсім-ліктерда күп учрайди. Бу үсімліктернинг сув остидаги барг-лари қирқілган ёки узун лентасимон, сувнинг юзасидаги барглари эса бутунлай бошқача шаклдалиги бундай үзга-ришлери билан экологик шароитта мослашади. Масалан, ўқбаргнинг сув остидаги барглари бандсиз ва жуда ҳам нозик лентасимон шаклда, сув юзасидаги барглари эса мустаҳкам банд ва барг шапалогидан иборат. Сув остида-ти ва сув юзасидаги барглар нафақат морфологик, ҳаттоқи анатомик түзилиши жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қиласы.

Экологик шароит таъсирида ҳосил буладиган гетеро-филия ҳодисасини иссиқ хоналарда үстирилған австралия акацияси мисолида күриш мүмкін. Намлиқ етарли бұлған-да уніб чиққан үсімтанның уруғпаллаларидан кейин ри-вожланадиган жуфт патсимон барглари, филлодий (юонон. ф и л-лон — барг; эйдос — қиёфа) деб аталадиган баргга ұшынған кенг барг бандыда ҳосил бұлади (79-расм, 3). Ге-терофилия тут, әвқалип, ёввойи нок каби қуруқлиқда үсувчи үсімліктерда ҳам күринади.



79-расм. Гетерофилия: 1 — сув айктовони, 2 — найзабарг, 3 — акация (*Acacia melanoxylon*); подв-сув остидаги барглар, 4-план — сув бетидаги барглар; возд — ҳавои барглар; ф — феллоеде.


6-§. БАРГНИНГ ИЧКИ (АНАТОМИК) ТУЗИЛИШИ

Барг ўсимликнинг ер устки органи булиб, у ўсимликларнинг тарихий тараққиёти даврида сув (намлик) шароитидан қуруқликка ўгиш жараёнида вужудга келган. Барг асосан юксак ўсимликлар учун хос булиб, ўсиш конусининг ён ўсимтасидан шаклланади.

Баргнинг анатомик тузилиши бажарадиган вазифасига боғлиқ булиб, унинг пластиклигини (эгилувчанлигини) таъминлайди.

Барг гистологик элементларининг тузилишига новдага қараб жойлашиши, маълум даражада намлиқ, ёруғлик; ҳарорат, шамол, тупроқ шароити ва денгиз сатҳига нисбатан ўрни таъсир қиласи.

Нафақат ҳар хил ўсимликларда, ҳатто битта ўсимликда ҳам ҳар хил тузилишга эга бўлган баргларни учратиш мумкин. „Ёруғликда ва сояда ўсан барглар, ҳатто битта ўсимликда ҳар хил ярусда жойлашган барглар бир-биридан фарқ қиласи“ — деб кўрсатган эди В. Р. Заленский. Ўсимлик ҳастини ташқи муҳит омиллари билан боғлиқ эканлиги тўғрисидаги аниқ далилларни фақат барг тузилишидаги тўқималарнинг бажарадиган вазифалари орқали аниқлаш мумкин. Барг шапалогининг кўндаланг кесимида қўйидағи эпидерма, мезофилл ва ўтказувчи тўқималарни кўриш мумкин (80-расм).



80-расм. *Lagochilus leiacanthus* баргининг кўндаланг кесими: 1 — куттикула; 2 — эпидерма; 3 — ҳаво йўллари (устына); 4 — устунсимон паренхима; 5 — ғовак паренхима; 6 — колленхима; 7 — кальций оксалаг кристаллари; 8 — ксилема; 9 — флоэма; 10 — безчалар; 11 — қалонсимон безчалар.

Эпидерма баргнинг қопловчи тұқымаси. Эпидерма барг этини устки ва остки томонидан қолаб туради. У бир қатор бир-бирига зич жойлашган хужайралардан иборат. Үнда бошқа тұқималар сингари хужайра оралғы бұлмайды.

Эпидерма ёки эпидермис келиб чиқишига күра, бирламчи қопловчи тұқима бұлиб, поя апикал меристемаси-нинг ташқи қатламидан вужудга келади.

Эпидерма хужайрасининг қобиғи әгри-буғри бұлиб, у мустаҳкамлик беради. Эпидерма тұқымасининг асосий вазифаси үсімлікни қуриб қолищдан, механик таассуроттардан, үсімлікда ҳаво алмашинуви ва транспирация ҳоди-сасини таъминлаш, шунингдек, үсімлік таркибига ҳар хил заарқунанда ва микроорганизмлар киришидан сақлады.

Эпидерма хужайралари тирик бұлиб, уларда цитоплазма, анча йирик вакуола, ядро ва лейкопластлар бор. Эпидерма хужайраларида хлорофилл бұлмайды. Эпидерманинг устки юпқа структурасиз тузилишга әга бўлған қисми кутикула ёки мум пардаси билан қопланган. У үсімлікни қуришдан ва кучли қүёш нуридан сақлады. Кутикула ва мум пардаси үсімлікнинг яшаш шароитига ҳамда турига қараб қалтн ёки юпқа булиши мумкин. Бундан ташқари эпидерма устида ҳимоя құлувчи ҳар хил үсімталар туклар ҳосил бұлады, улар ҳимоя қилиш билан бир қаторда кераксиз моддаларни ажратиб чиқаради.

Эпидерма тұқымаси учун хос бўлған хусусиятлардан бири унинг хужайралари орасида (устыңа) оғизчаларнинг пайдо булишидир. Бу, иккита яримойсімон хужайранинг үзаро мuloқотли вазифани бажаришидан вужудга келади. Ҳаво йўллари кўпинча баргнинг остки эпидермисида жойлашади. Масалан, картошка баргининг остки томонида 1 мм^2 да 263 та, устки томонида 45 та, терак баргининг 11 мм^2 115 та, устки томонида эса 20 та оғизча мавжуд.


Ҳаво йўли (оғизча)нинг асосий вазифаси сувни була-тиш (транспирация) ва ҳаво алмаштиришдан иборат. Оғизчаларнинг очилиб ётилиши ҳавонинг ҳароратига, ёруғлик ва қоронгиликка қараб очиқ, ярим ёпиқ ёки тұла ёпик ҳолатда бўлади ва ўз вазифасини ўзгартириб туради. Нина баргли үсімлікларнинг эпидермаси ўзига хос. Уларнинг эпидермаси остида 2–3 қават хужайралардан иборат ги-подерма ҳосил бўлади. Бу, ўз навбатида уларни совуқдан,

иссиқдан, шамолдан сақлайди ва уларга мустақамлик беради.

Гиподерма бир ёки бир неча қаватдан иборат бўлиши мумкин. Масалан, Шимолий минтақаларда ўсувчи Сибирь қарағайда бир қават, Жанубий минтақаларда ўсувчи эльдор қарағайда эса икки-уч қаватдан иборат бўлади. Байзан гиподерма сув ғамловчи вазифасини ҳам бажаради (масалан, чўлда ўсувчи *Salsola dendroides*, 84-расм, 2).

Мезофилл. Баргнинг мезофилл (юнон. м е з о с — ўрта, ф и л л о н — барг) қавати паренхиматик тўқима ҳужайралидан иборат бўлиб, асосан ассимиляция вазифасини бажаради (81-расм).

Ҳамма тенг ёнли, пояга нисбатан перпендикуляр жойлашган типик дорзовентраль барглар морфологик ҳамда физиологик хусусияти билан фарқ қиласидиган икки хил мезофилл тўқималаридан ташкил топган. Булар устунсимон ва ғовак тўқималардир. Устунсимон паренхима ҳужай-



81-расм. *Lagochilus proskorjakovii* йкаги. баргининг тузилиши: к — кутикула; ё — мум қавати; эв — юқори эпидерма; пт — устунсимон паренхима; хрл — хлоропластлар; кэм — эфир мой томчилари; кес — ғовак тўқима; прп — ўтказувчи най болгамлари; экв — эфир чиқарувчи безчалар; пв — тукча; у — оғизча (устынича).


ралари узунчоқ шаклли. Баргнинг устки эпидермисига нисбатан перпендикуляр равища зич жойлашган. Барг устки эпидермасининг ҳар бир ҳужайрасига 3 тадан 6 тагача ҳужайра тақалиб туради. Устунсимон ҳужайралар хлоропласт доначаларига жуда ҳам бой булиб, кундузи улар ҳужайра деворига яқин тизилиб, ёруғликни сингдиришга мослашади.

Барг мезофилининг устунсимон паренхимаси асосан фотосинтез жараёнини таъминловчи тўқима ҳисобланади. Устунсимон паренхима сернам жойларда ўсувчи ўсимликларнинг баргидаги қатор, куруқликда ўсувчи чўл ва сахро ўсимликларида икки ва ундан ортиқ (кўп) қаторли булиши мумкин (80—81-расмлар).

Фовак паренхима ҳужайралари устунсимон паренхима ҳужайраларига нисбатан овалсимон — юмалоқ шаклли булиб, ҳужайра оралиқларининг кентлиги ва ҳужайра ичидаги хлорофилл доначаларининг камлиги ҳамда тарқоқ ҳолда жойлашганлиги билан фарқ қиласи (82-расм). Фоваксимон паренхима қисман фотосинтез жараёнида иштирок этади. Шу билан бирга, у шамоллатувчи (вентиляцион) тўқима вазифасини ҳам бажаради. Агар баргларда устунсимон ва фоваксимон паренхима бўлмасдан, улар бир хил тузилган бўлса, изолатераль (юнон. и з о — тенг, лот. латералис — ён томон) ёки эквифациал (лот. эквалис — текис, фасес — ташки қиёфа) барглар дейилади. Бундай баргларга ғалладошлар, пиёздошлар, қиёқдошлар каби ўсимликларнинг барги мисол бўлади.

Баргнинг ўтказувчи тўқималари поя ва илдизнинг ўтказувчи тўқималари каби ўзига хосдир. Баргнинг ўтказувчи тўқимаси, тола бойлам найдалардан иборат булиб, бутун барг мезофилл қисмига тўрсимон ҳолда тарқалган. Барг ўтказувчи тўқима ёпиқ коллатераль бойламлардан иборат. Уларда устки томонда ксилема, остки томонида эса флоэма жойлашган.

Баргнинг ўтказувчи бойлами барг ўрни билан туташган. У икки паллали ўсимликларда барг ўрнида, барі банди ва барг пластинкасини бош най тола бойламларига етиб боради. Ундан эса биринчи тартиб бойламга, сунгра иккинчи тартиб ва ҳоказо бойламларга боради. Шундай қилиб тўрсимон томирланиш вужудга келади. Бир паллали ўсим-



82-расм. Сирень баргининг кўндаланг кесими: 1 — ёруғда ўсан баргнинг кўндаланг кесмаси; 2 — мезофиллнинг устунсимон паренхимаси; 3 — ёрглиқ кам тушган барг мезофилийнинг тузилиши.

ликлар баргидаги йирик ўтказувчи най(тола) бойламлари йўқ, барг ўрнида бир қанча (параллел ёки ёйсиз) мустақил ўтказувчи тола бойламлари ўзаро майда (анастамоз) йўлакчалар билан боғланади. Барг ўтказувчи бойламлари ёпик ҳолда бўлиб, уларга коллотераль ўтказувчи бойлам дейинлади.

Баъзи икки паллали ўсимликлар баргининг бош томирларида ксилема билан флюэма орасида камбий қатламчалари.

си (пардаси) пайдо бұлса ҳам, у үз вазифасини, яъни қалиштириш вазифасини бажармайды.

Баргнинг асосий ўтказувчи най бойламлари атрофини механик тұқиманың склеренхима толалари ўраб турады ва барг томирларига мустаҳкамлик (лот. а р м а т у р а — жи-хозлаш) беради.

7-§. БАРГНИНГ АНАТОМИК ТУЗИЛИШИГА ТАШҚИ МУҲИТИННИГ ТАЪСИРИ


Барг ўсимлик организмининг энг нозик ва нафис органдары булиб, ташқи муҳитнинг ўзгаришидан тез таъсирланади. Баргнинг ички тузилишига ёруғлик, намлик, ҳарорат, шамол, тупроқ ва бошқа омиллар кучли таъсир этади. Бу экологик омиллардан энг күп таъсир күрсатадиган намлик ҳисобланади. Шунинг учун эволюция жараённанда тупроқнинг ҳар хил намлик шароитида ўса олишига қараб ўсимликлар тұрт экологик гурухға бүлинади: гидрофитлар, гигрофитлар, мезофитлар, ксерофитлар.

1. Гидрофитлар (юон. хидар — сув, фитон — ўсимлик)га сувга танасининг учдан бир ёки бугунлай сувға күмилиб турадиган ўсимликлар киради (ўқбарг; сув айқтовони). Буларда ҳаво тұпланадиган тұқима (аренхима) жуда кам тараққий этган, барглар түксиз, эпидермалари ингичка, ҳаво йұллари яхши тараққий қылмаган, хужай-раларининг осмотик босими жуда оз бұлади.

2. Гигрофитлар инг эпидермаларыда түкчалар бұлмайды, кутикулалари ҳам күчсиз тараққий этган, барглар иирик, ҳаво йұллари баргнинг ички тарағыға жойлашган ва күпинча гидратадағы бұлади. Буларга серсув жойларда ўсимликлар киради.

3. Мезофитлар (юон. мезос — ўрта; фитон — ўсимлик)га — ўртача намли тупроқ ва юмшоқ иқлими шароитда ўсувчи ўсимликлар киради. Улар күпинча субтропик (Кавказ ва Ўрга Осиё тоғларидаги) ўрман тұқайзорларыда ғасиди. Бундан ташқары экиладиган сабзавот мева, ғұза каби ўсимликлар ҳам шулар жумласидандыр.

4. Ксерофитлар (юон. ксерос — күрғоқ; фитон — ўсимлик)га күрғоқчылық шароитида (чүл, сахро-



83-расм. *Lagochilus inebrians* (құқапаралы) барғининг құндаланг қесими:
 юс — юқори эпидерма; є — остки эпидерма; к — кутикула; в — бир
 ұхайрали оддий түкчә; ж — 4 ұхайрали безча; ж — 8 ұхайрали безча;
 у — оғизча (устыңа); прп — коллатериал ұтказувчи тұда (боғлам); пт —
 устунсимон паренхима; ср — мезофиллнинг үрта қисми; км — эфир
 мойлари.

Ұсадиган үсимликлар киради. Бу турдаги үсимликларнинг
 барғ эпидермиси ҳар хил шаклда булиб, жуда күп түкчалар,
 эфир мойлари чиқарадиган безлар, қалин кутикула
 билан қопланған (масалан, Ўзбекистон чүлларыда үсуви
 күкпарапанг=лагохилус, 83-расм). Ҳаво йүллари анча ботиқ
 ҳолла жойлашған. Устунчасимон паренхима күчли тарақ-
 қый этган. Ұхайраның осмотик босими 20—40 атм. га
 етади, улар жуда күп сув ютиб, кам сув буғлатади.

Үсимликларда баргларнинг анатомик тузилишидаги
 фарқлар нағақат уларнинг ҳар хил экологик шароитда яша-
 шыга, ұтто битта үсимликтің ҳар хил ярусларда жойла-
 шишига қараб ҳам фарқ қилинади.

Ёруғда ва сояда жойлашган баргларнинг морфологик ва анатомик тузилишидаги фарқлар, айниқса дараҳтларда яққол күринади. Чунончи, ёруғда жойлашган баргларда эпидерма хужайралари қалин кутикула билан қопланган. Устунсимон паренхима тұқымаси икки-уч қатор хужайралардан иборат болади. Сояда үрнашган баргларда устунсимон паренхима фақат бир қатор, ғовак паренхима эса уч-түрт қатор хужайралардан ташкил топади. Масалан, сиреннинг ёруғда үрнашган барги сөядаги баргига нисбатан анча қалин болади. Ёрудаги баргнинг мезофили икки қатор устунсимон хужайралардан иборат. Соядаги баргда эса бир қатор устунсимон тұқима жойлашган болып, ғовак паренхима тұқымалари орасыда бүшлиқтар мавжуд (82-расмға қаранг). Шу бүшлиқтар орқали газ алмашинуви содир болади.

Ўзбекистоннинг дала, чүл ёқаларида ўсадиган тут дарахти баргларининг эпидерма хужайраларida, гоҳо тұқымаларининг бошқа қисміда цистолитлар (юнон. цистис — пуфак, литос — тош) болади. Буларда мезофилл уч қатор устунсимон ва бир қатор ғовак паренхимадан ташкил топган.

Ўзбекистоннинг адирларида ўсадиган ксерофит күкпаранг (*Lagochilus inebrians*) баргининг анатомик тузилиши ксероморф болып, изолатерал шаклда (83-расм) болади. Мезофилл устунсимон ва ғоваксимон тұқымаларга дифференциялашмаган. Баргнинг устки (адаксиал) ва остки (абаксиал) қисмларидаги мезофилл тұқымалари 2—3 қатор жойлашган бир хил шаклдаги устунсимон тұқымалардан ташкил топган. Уларнинг фарқи шундан иборатки, абаксиал томондаги хужайралар орасыда бүшлиқтар мавжуд.

Устки ва остки мезофилл үртасида икки қатор юмалоқлашган хужайралар болып, ғовак тұқимани эслатади. Үтказувчи боғламлар коллатерал тузилишда. Адаксал томонда ксилема ва абаксал томонда флоэма жойлашган. Флоэма ва ксилема ҳажми гистологик тузилиши жиҳатидан фарқ қиласы.


Баргнинг қопловчи тұқымаси: эпидерма ва ҳаво йүлларидан иборат. Эпидерма бир қатор майда ва бурاما изодиаметрик (юнон. изос — бир хил, циаметрос — күндаланғ)

хужайралардан иборат бўлиб, унинг усти қалин кутикула бўйин копланган. Баргнинг устки ва остки эпидерма хужайралари бир хужайрали тукчалар ва 4—8-хужайралари эфир мойлари ва лагохилин дитерпин (4 атомли спирт) ажратадиган безлар билан қопланган. Ёзниг жазирама кунларда ҳавонинг ҳарорати 35—40 дараҷага етганда, бу безлардан эфир мойлари ва лагохилин кристаллари чиқади, натижада баргнинг усти худди ун сепгандай бўлиб қолади. Шундай вақғда ўсимлик ўзидан сувни жуда кам кам буфлатади.

Ўрта Осиёнинг шўрхок чўлларида ўсувчи ўсимликларнинг барглари ўзига хос анатомик тузилишга эга. Улар этли ва семиз бўлиб, суккулент (лот. суккус — шира, ёки ширали) деб аталади. Бундай ўсимликларнинг паренхима хужайраларида сув тўпланади. Улар ўзидан сувни кам буфлатади (масалан, шўраклар (*Salsola*) туркумининг вакиллари).

Дарахтсимон шўра (*S. dendroides*)нинг эпидерма хужайралари остида бир қатор чўзиқ хужайралар жойлашган бўлиб, гиподерма (юнон. хипо, дерма — пуст) ёки сув тўпловчи паренхима деб аталади. Мезофилл ёки хлоренхиманинг икки қатор, ташқи қаватдаги хужайралари узунчоқ бўлиб хлорофиллга бойдир. Унинг остидаги хлоренхима хужайралари тўрт қиррали, уларда хлорофилл кам бўлади. Хужайра марказий қисмининг ичини сув билан тўлган, йирик хужайралардан ташкил топган паренхима ташкил этади (84-расм, 6).


Очиқ уруғли ўсимликлардан қарағайнинг барглари худди нинага ўхшаш бўлганлиги учун нинабарг деб аталади. Нинасимон баргларнинг анатомик тузилиши кенг япроқли барглардан баъзи белгилари билан фарқ қиласди (85-расм). Биринчидан, уларнинг эпидерма хужайра девори қалинлашиб, усти қалин кутикула билан қопланган. Эпидерма остида хужайра деворлари қалинлашган гиподерма бўлади. Иккинчидан, ҳаво йўллари эпидерма остида жойлашмасдан, гиподерма остида жойлашади. Учинчидан, мезофилл бурма паренхима хужайраларидан иборат бўлиб, унинг орасида склеренхима билан ўралган смола сақловчи бўшлиқлар мавжуд ва ниҳоят барг мезофилини марказий қисмидан ажратиб турадиган хужайра қобиғи ёғоч-



84-расм. Дараҳтсимон шұрак (*Salsola dendroides*) барғининг тузилиши:
1 — эпидерма; 2 — гиподерма; 3 — қаво йүллари оғизча; 4 ва
5 — хлоренхима; 6 — сув сақловчы паренхима; 7 — тола найлар тудаси;
8 — марказий тола — найлар тұдаси.

лашган эндодерма ҳосил қиласы. Эндодерма остида иккита үтказувчи боғлам (флоэма ва ксилема)нинг атрофида порали үтказувчи трансфузион (лот. трансфузия — төвләниш, түлкінли) паренхима ҳосил бұлады. Буларнинг асосий вазифаси сув ва органик маддаларни үтказиш билан бир қаторда, үтказувчи тұқымалар билан мезофилл орасыда маддаларнинг үтишини таъминлайды.

Баргларнинг ҳаётчанлиги ва ҳазонрезгилик. Баргларнинг ҳаётчанлиги үсимликларнинг тури, биологик хусусияти ва иқлим шароитига қараб қаралуынан анықталады. Мұндаидыл иқлим шароитида үсүвчи дараҳт, бута ва құпийлilik үтчил үсимликларнинг барглары фақат бир үсүв давомида ҳаётчанлигини сақлады, күзде сарғайып ёки қызарып түкиледи (масалан, олма, үрек, гилос, тол, терак, заранг, эман ва бошқалар).



85-расм *Pinus cedarica* (эльдар қарагайы)нинг барг түзилиши: 1 — кутинула; 2 — эпидерма; 3 — икки қаторлы гиподерма; 4 — мезофилл; 5 — уступсизмен паренхима; 6, 7 — эндодерма; 8 — порали паренхима; 9 — флоэма; 10 — ксилема; 11 — оғизчалар (устыңца); 12 — смола (катрон) ажратувчи ёриқчалар.

Тропик үрмөнларда үсуви дараҳт, буга ва күп йиллик үтчил үсимликларниң барги бир неча йил давомида ҳәётчанлигини сақладаб, кейин түкилади ва үрнига янги барглар ҳосил бўлади. Масалан, Австралия ва Жанубий Америка қитъаларида үсуви, мезозой эрасидан сақланиб қолган реликт Араукарияниң барги 15 йил, лавр дараҳт 4 йил, Африканниң Сахара сахросида үсуви Вельвичия барги 100 йилгача ҳәётчанлигини сақлайди. Ўрта Осиё тоғларида үсуви тисснинг барги 6—10 йил, арчанинг барги эса 5—7—12 йилгача ҳәётчанлигини сақлайди.

Баргларниң ўз вегетацияларини тамомлаб тўкилишига ҳазонрезлик дейилади. Ҳазонрезлик маълум қонуниятга асосланган бўлиб, у ер юзининг ҳамма еридаги үсимликларга ҳосдир.

Мўътадил иқлим шароитида ўсуви ўсимликларда, ~~хаво~~
зонрезлик ҳаво ҳароратининг пасайишига боғлиқ. Сувук
тушиши билан ўсимликларниг барги тўкила бошлади.
Тропик иқлим шароитида ўсуви ўсимликларда эса ~~хаво~~
намлигининг пасайиши узоқ вақт давомида ёғингарчилик
бўлмаслиги сабабидир. Натижада баргларнинг тўқима-
ларида бир қанча ўзгаришлар содир бўлади. Айниқса қари
баргларнинг тўқималарида кальций оксалат кристаллари
тўпланиб, модда алмашиниш жараёни бузилади. Хлоро-
филл ва пигментларнинг таркиби бузилиб, хужайрада ан-
тоциан ва каротинларнинг миқдори кўпаяди, натижада
барглар тўқилишдан олдин сарғаяди ва баъзан қизаради.
Фотосинтез ва нафас олиш жараёни кескин ўзгариши, ме-
зофилл тўқималарида РНК ва оқсил камаяди, крахмал
билан қанд йўқолади. Шу билан бирга баргнинг тузили-
шида ҳам ўзгаришлар рўй беради. Барг бандининг асоси-
да ажралиш қавати ҳосил бўлади, кучсиз шамол эсганда,
барг ўз шохидан узилади.

Баргнинг тўқилиши жароҳатнинг битиши билан тугайди,
яъни узилган барг ўрнида феллоген бир неча қават
пўкак ҳосил қилиб ёғочлашади.

Хазонрезлик ўсимликларнинг ирсий белгиси ва физи-
ологик ҳолати бўлиб, улар шу жараён натижасида тиним
даврига ўтади ва янги биологик жараёнлар учун замин
тайёрлайди.

8-§. ИЛДИЗ, УНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

Ўсимликларнинг илдизи эволюция жараёнида бошқа
органдарга нисбатан анча кейин пайдо бўлган. Сувдан
чиқиб қуруқликда ўсишга мослашган психофитларнинг
танаси новда ва илдизга ажралмаган. Псилофитларнинг
асосий орган — танаси апекал меристема ёрдамида бўйига
ўсиб, дихотомик шохланади. Шу дихотомик тананинг бит-
таси тик ернинг устида, иккинчиси эса тупроқ юзасида
ўрнашиб сув ва минерал тузларни ўзлаштирган.


Эволюциянинг кейинги даврида субстратга чуқуррок
ўрнашиб тупроқдан озиқли тузларни шимиб олади ва яхши
тараққий этган илдиз ҳосил бўлади. Субстратдан озиқла-

нишни таъминлайдиган махсус орган — илдизнинг пайдо бўлиши бу органларнинг ихтисослашувига ва тўқималарни келиб чиқишига сабабчи бўлган. Илдиз тукчалари тупроқдан сув ва эриган минерал тузларни шимсиб олиш вазифасини бажаради. Бундай ҳужайралар ризодерма (юнон. ризо — илдиз, дерма — пуст) тўқимасини ҳосил қилали ва шу тўқималар сўриш зонасининг юзасини катлаштириб боради. Тупроқ қатламларини тешиб ўтишда апикал меристеманинг шикастланишидан сақлайдиган илдиз филофи юзага келади.

Ҳақиқий илдиз қирқулоқсимонларда вужудга келади, кейинчалик гулли ўсимликларда илдиз такомиллашади.

Илдизнинг вазифаси. Илдиз ўсимликларнинг асосий вегетатив органи бўлиб, у биринчидан, ўсимликларни тупроқда тик ва маҳкам ушлаб туради (масалан, маккажўхорининг қўшимча илдизлари шу хизматни ўтайди 86-расм); иккинчидан, тупроқдан сув ва минерал тузларни ўзлаштириб органик бирикма (аминокислота, гормон, алколоид)ларни синтезлаш вазифасини ҳам бажаради. Баъзан, илдизда захира органик моддалар тўпланади (серэт илдизлар). Баъзи ўсимликларда вегетатив кўпайиш органи вазифасини ҳам бажаради.

Илдиз ўсиш ва ривожланиш даврида тупроққа турли хил моддалар ажратади (масалан, карбонат ангидрид гази,



86-расм. Маккажўхорининг тираб турадиган қўшимча илдизлари.


органик кислоталар, уксус ва олма кислотаси, қанд ва х.^у._{К.})
Бу моддалар тупроқ таркибидаги микроорганизмларнинг
ривожланишини тезлаштиради. Микроорганизмлар (зам-
буруғлар ва бактериялар) билан ҳамкорлик қиласы. Улар-
нинг фаолияти натижасида ҳосил бўлган моддалар эса ил-
диз системаси орқали ўзлаштирилади.

Баъзи ўсимликларда, нафас олиш илдизлари ҳосил була-
ди. Бундай илдизлар ботқоқ жойларда ўсадиган ўсимлик-
ларда (масалан, Шимолий Америкадаги ботқоқ кипари-
си — *Taxodium distichum*) ботқоқдан чиқиб туради. Тро-
пик ўрмонлардаги дараҳт шохларида ва пўстлоқларида
ўрнашиб, паразитлик қилмасдан ўсадиган эпифит орхидеяй
(юон. эни — устида; фитон — ўсимлик) ўсимлиги паст-
га осилиб турадиган ҳавоий илдизлар гигроскопик сув-
ларни шимиб олиш хусусиятига эга (87, 88-расмлар).

Илдиз ўсимликларнинг марказий ўқ органи ҳисоблан-
иб, учки (апикал) қисмida жойлашган меристема хужай-



87-расм. А-монстера (*Monstera deliosa*) ва банаң (Б). 1 — ҳавоий
илдизлар.



88-расм. Эпифит орхидейнинг ҳавои илдизлари.

раларининг бўлиниши натижасида бетўхтов ўсадиган ва радиал тузилишга эга. Унда ҳеч вақт барг ва ташқи (экзоген) куртаклар ҳосил бўлмайди. Инициал ҳужайралар доимо қин (филоф) билан уралгандир.

Кўпчилик ўсимликларнинг ёш илдизи апекс (учи)да морфологик жиҳатдан аниқ ифодаланган ўсувчи ва сўрувчи қисмларга шаклланади. Ўсувчи сўрувчи қисмга нисбатан анча кучли равишда бўйига ўсиб, тупроқнинг чукур қатламларигача етиб боради ва ер ости сувларни шимиб олиш учун хизмат қиласи. Илдизнинг бўйига ўсиши апекснинг меристема ҳужайралари бўлиниши воситасида содир бўлади.

Ўсиш қисмининг юқорироғида экзодерма ҳужайрала-ридан сўрувчи тукчалар ривожланади. Тукчалар бир қават ҳужайралардан ташкил топган ва эластик хусусиятга эга. Уларнинг узунлиги 0,3–10 мм атрофида. Тукчалар тупроқнинг қайси қатламида жойлашган илдизда юзага келса, шу ердаги сув ва минерал тузларни фаол суреб олиш

учун хизмат қиласы ва илдизнинг сўрвчи юзасини 5—10 баравар, баъзи ўсимликларда эса 40 баравар ошишига сабабчи бўлади. Тукчалар узоқ яшамайди, улар 10—15 кунла ҳаётчанлигини йўқотиб, келгуси баҳорда илдизнинг бошқа жойидан янгитдан юзага келади.

Ўрга Осиёнинг чўл ва ярим чўлларида ўсувчи ўтчи ўсимликларнинг илдизларида эфемер (юонон. эфемерос — бир кунли) умри қисқа тукчалар ҳосил бўлади. Шу тукчалар баҳорда намгарчилик вақтида тупроқнинг юза қисмидаги сув ва минерал тузларни сўриш учун хизмат қиласы. Тупроқда нам қуригандан сўнг эфемер тукчалар ҳам курийди.

Илдизнинг ривожланиши. Илдиз бошланғичи уруғда жойлашган бўлади. Уруғ униб ўса бошлагандага дастлаб унинг илдизи пустни ёриб ташқарига чиқади. Бир паллали ўсимлик уруғидан бир неча илдиз, икки паллали ўсимлик уруғидан фақат битта илдиз чиқади ва тараққиётини давом эттириб, асосий ёки ўқ илдизга айланади. Асосий илдиз билан поя ўртасидаги чегара илдиз бўйни деб аталади. Поянинг илдиз бўйнидан биринчи муртак баргларигача (уругпаллаларгача) бўлган қисми гипокотиль (уругпалланинг ости) деб аталади (45-расмга қаралсин). Ривожланиш хусусиятига қараб, асосий ёки ўқ илдиз ва қўшимча илдизлар тафовут этилади. Муртакдан ривожланган илдиз асосий, поядан ёки бошқа органлардан ўсиб чиқсан илдиз қўшимча илдиз дейилади. Асосий ёки ўқ илдиз тез ўсиб, озгина вақт ичидаги ён илдизлар ҳосил этилади. Бир паллали ўсимликларнинг асосий илдизи кўп вақт ўтмай қурийди, ўрнига поя остидан қўшимча илдизлар ўсиб чиқади. Ўсимликларнинг яхшироқ ўрнашиши ҳамда озиқланишига ёрдам беради ва илдиз системаси юзасини катталаширади.

Илдиз системаси. Одатда, ўсимлик тупроқ орасида жуда катта илдиз системасини юзага келтиради. Унинг ҳажми ўсимликтин шоҳ-шаббасидан бир неча марта катта бўлиши мумкин.

Илдиз системаси — асосий, ён қўшимча илдизларнинг йиғиндисидан ташкил топади. Асосан икки хил: ўқилдиз ва патак илдиз системалари мавжуд (90-расм).

Үқилдиз асосий ёки (бош) илдиздан иборат бўлиб, поя билан илдиз бўғизи орқали туташади. Бу илдиз поянинг давомидек бўлиб кўринади. Шунинг учун ҳам баъзи адабиётларда уни илдизпоя дейилади.


Үқилдизда асосий илдиз муртак (эмбрион) ўсиб чиққандан сўнг, ундан ён илдизлар юзага келади. Улар акропетал йўл билан, илдизнинг ўсиш нуқтасидан юқорироқда, яъни сўрувчи зонадан ўсиб чиқади. Үқилдиз асосан иккى паллали ўсимликларга хос бўлади, шу билан бирга бу хил ўсимликларнинг баъзисида (масалан, зубтурумда) үқилдиз яхши ривожланмайди. Үқилдиз чўл шароитида ўсувчи ўсимликларда (янтоқ, шувоқ, кўкпаратнг лагохилус, саксовул ва бошқаларда) айниқса узун — 5—15 м ва кўпроққа етади.

Ён илдизлар эндоген (эндо — ички) йўл билан, яъни ички перицикл ҳужайраларининг бўлиниши натижасида бирламчи ёғочлик боғламлари қаршисида дўмбоқчалар (бўртмалар) кўринишида ҳосил бўлади (89-расм, IV, I) ва тўғри қатор ҳолида жойлашиб, акропетал тартибда шохланади. Ҳосил бўлган бўртма ўсиб үқилдизнинг бирламчи пустлоғидан ўзига йўл очиб ташқарига томон ўсади. Ён илдизлар ўз навбатида тармоқланиб, ҳар бир тармоқдан иккиламчи, учламчи ён илдизлар ривожланади.

Ўсимликларда үқилдиз, ён илдизлардан ташқари қўшимча илдизлар ҳам ҳосил бўлади. Улар эндоген йўл билан меристема хусусиятини сақлаб қолган тўқималар: перицикл, камбий феллогендан юзага келади. Бу илдизлар тузилиши ва кўриниши жиҳатидан бошқа илдизларга ўхшаш, лекин улар поядга, баргда илдизпоя ва қари илдиз тукчаларида юзага келиши билан фарқ қиласди.

Ўсимликнинг ҳаётида қўшимча илдизлар катта аҳамиятта эга. Улар илдиз системасининг юзасини кенгайтиради, ўсимликнинг маҳкамлигини таъминлаб, озиқланиш шароитини яхшилайди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида помидор, картошка, карам, маккажӯхори каби ўсимликларга ишлов берилганда атрофига тупроқ тўплаш йўли билан қўшимча илдиз пайдо булишини тезлатиш мумкин.

Бир паллали ўсимликларда асосий илдиз жуда барвақт курийди. Уларда бутун илдиз системаси поянинг пастки қисмидан ўсиб, қўшимча илдизлардан ташкил топади ва




89-расм. Ёш илдизнинг апекси (учи). А — умумий кўриниши; Б — узунасига кесилган қисми: I — илдиз қини; II — ўсиш ва чўзилиши зонаси; III — илдиз тукчалари ёки сўриши зонаси; IV — ён илдизларнинг ҳосил бўлиш зонаси; 1 — ён илдизнинг ҳосил бўлиши; 2 — илдиз тукчалари; 3 — эпидерма; За — экзодерма; 4 — бошлангич пустлок; 5 — эндодерма; 6 — перицикл; 7 — марказий цилиндр.

патак (попук) илдиз деб аталади. Патак (попук) илдизлар асосан бир паллали ўсимликларга хосdir. (90-расм, Б)

Қўшимча илдизлар икки паллали ўсимликларда ҳам поянинг пастки қисмida ҳосил бўлади (масалан, гумай, ажриқ, қўйпечак, бўритикан, кампирчопон ва бошқаларда).


Ўсимликларнинг қўшимча илдиз системасини ҳосил қилиш хусусиятига асосланаб, қишлоқ хўжалик амалиётida ток, тол, терак, чаканда каби ўсимликлар вегетатив (қаламча, пархиш) йўл билан кўпайтирилади. Юксак спорали ўсимликлар — плаунлар, қирқбўғимлар, қирқулокларда — асосий илдиз бўлмайди. Ривожланишнинг бошланишида уларда қўшимча илдизлар ҳосил бўлади. Бу хил-




90-расм. Илдиз системаси: А — ўқ илдиз; Б — патак илдиз:
1 — асосий илдиз, 2 — ён илдиз, 3 — күшимча илдиз.

даги илдиз системаси содда бўлиб бирламчи гомориза (юонон. гомойос — бир хил; риза — илдиз) деб аталади.

Ёниқ уруғли ўсимликларнинг кўпчилик вакилларида уруғ униб чиққандан сўнг, аввало асосий ўқилдиз ривожланади, лекин маълум вақт ўтгандан сўнг, асосий ўқилдиз қурийди ва қўшимча илдизлар тараққий этади. Бу хилдаги илдиз системасига иккиламчи гомориз (91—92-расмлар) дейилади (масалан, қулупнай, картошка, оққалдирмоқ ва бошқалар). Баъзан қўшимча илдизлар, қирқиған илдиз поялардан ҳам ривожланади (масалан, зуптурум) ва ипсимон илдиз системасини ҳосил қиласди. Йўнгичқада қўшимча илдизлар илдизпоядан тараққий этади, энига ўсиб, иккиламчи ўқилдиз ҳосил қиласди ва кучли тармоқланади.



91-расм. Илдиз системаси: 1 — бирламчи гомориз; 2—4 аллориз; 5 — гомориз; 2,3 — ўқилдиз, 4—5 патак ёки попук илдиз. Асосий илдиз қора рангда күрсатылған.



92-расм. Иккіламчи ўқилдиз системаси: М — она үсимлик; Д — она үсимликтен ажраган ўш үсимлик.

Илдиз системасининг тупроқ таркибіда бундай жойлашиши үсимликларнинг ҳар хил намлык миқдорига қараб мослашиш даражасини күрсатади.

Юқорида күрсатыб үтилған илдиз системаси тұғрисидеги тушунчалар үсимликларнинг ёши, атрофдаги бошқа үсимлик илдизлари билан бұладыған муносабатлари, йил фаслларининг алмашинуви билан доимо ўзгариб боради. Бинобарин, илдиз системасининг ривожланишида рўй берадыған ўзгаришларни билмасдан, уни ўрганмасдан, ўлкамиздаги чүл, адир, тоғ ва ўрмонларда үсадыған

ўсимликлар уюшмаси ўртасидаги муносабатларни билиш
қийин.

Маданий ўсимликлар илдиз системаси хусусиятлари-
ни ўрганиш деҳқончилик, ўсимликунослик, агрономия
соҳасида муҳим аҳамиятга эга. Ерни ҳайдаш ва унга иш-
лов бериш (ўғитлаш, сугориш, чопиш) каби ишларнинг
ҳаммаси тупроқ структурасини яхшилаш, экинларнинг
илдиз системасини мукаммал ривожланишига ва ҳосил-
дорликни оширишга қаратилган.

Илдиз системасининг ўсиши ва экологик хусусиятлари.
Илдиз тўхтосиз, чекланмаган ҳолда ўсиш хусусиятига эга.
Ўсимлик уруғдан ривожланиб келаётган дастлабки даврда
илдиз системаси унинг ер устидаги органларига нисбатан
анча кучли ривожланади. Шунингдек, ўсимлик ҳаётининг
кейинги ривожланиш даврида ҳам илдиз бўйига ва энига
ўсади.

Илдизнинг бўйига ўсиши apexs (ўсиш зонаси)дан бош-
ланади. Илдизнинг ўсиши ва тарқалишига таъсир этувчи
омиллардан бири намлик ва озиқ моддалардир. Қайси
томонда намлик кўпроқ бўлса, қўшимча илдизлар ўша
томонга қараб ўсади. Масалан, Ўрта Осиёning қумли чўлла-
рида ўсувчи ўсимликларнинг илдизлари намлика қараб
максимал чуқурликка ўсиб боради ва 2—3 марта тармоқ-
ланган қатламлар ҳосил қиласди. Жумладан, Қорақумда
ўсувчи қора саксовулнинг илдизи 10—12 м чуқурликка етади
ва кучли тармоқланган илдиз системасини ҳосил қилиб,
ер ости сувларидан фойдаланади. Қумли чўлларда ўсувчи
жузғуннинг асосий ўқилдизи 1,5—2 м чуқурликка етиб
боради. Унинг ер ости поясидан ҳосил бўлган қўшимча
илдизи ёнига ўсиб 20—30 м га етади. Қўшимча илдиз қум-
нинг устки қатламларида тўпланадиган намдан фойдала-
нади. Натижада қум шамол таъсиридан сақланади.

Чўл ва ярим чўл зоналарида ўсувчи ўтчил ўсимликлар-
дан янтоқнинг ер устки новдалари 50—60 см узунликда
булиб, илдизи 20—25 м чуқурликка етиб боради ва ер ости
сувларидан фойдаланади. Шунинг учун ҳам жазира маёзда
чўлда кўпчилик ўсимликлар қуриб кетганда янтоқ ўсади-
ган жой яшил ранглигича қолади.

Баъзи ўсимликлар масалан, арча, бодом тоғда тош ва
шагал орасида ўсади. Бу хилдаги ўсимликларнинг илдизи

жар хил кислоталар ажратиб, тошларни емириб, ўсиш учун замин тайёrlайди ва уларнинг орасидаги түпланиб колган сувни кучли осмотик босим ёрдамида шимиб олади.

Лойтупрокли ерларда ўсувчи ўсимликларнинг илдиз системаси унча чуқурликка кирмайди ва асосан ён илдизлар чиқариб, тупроқнинг устки қатламларида жойлашади.

Илдизлар тупроқ қатламида қандай чуқурликда жойлашишига кўра икки хил булади: 1) бўйига ёки энига ўсувчи илдизлар. Бу типдаги илдизлар кўпинча субстрати қаттиқ бўлган тупроқларда ўсувчи ўсимликларда кузатилади. Уларда асосий ўқилдиз маълум вақтгача ўсиб, кейин курийди ва ён ҳамда қўшимча илдизлар ривожланади; 2) Чуқурликка (вертикал) ва энига (горизонтал) ўсувчи илдизлар. Бу хилдаги илдизларга универсал илдиз системаси дейилади (саксовул, щувоқ, лагохилус-кўкпаранг ва бошقا чўлда ўсувчи ўсимликлар).

Илдиз системасининг қанча чуқур кириши, қай дара жада ва қандай чуқурликда тармоқланиши ўзгарувчан бўлиб, ўсимлик турига хос белгидир. Масалан, маккажӯхорининг илдиз системаси 1,5–2 м, карам – 1,5 м, токнинг ўқилдизи 5–7 м чуқурликка боради, ён илдизларининг диаметри 2–4 м га етади.

9-§. ИЛДИЗ АНАТОМИЯСИ

Илдиз зоналари. Ёш илдизнинг уни ёки апекси жуда кўп паренхиматик ҳужайралардан ташкил топган бўлиб, у илдиз қини билан қопланган. Илдиз қини юпқа пўстли тирик ҳужайралардан иборат. Улар узлуксиз равишда апекс меристема ёш ҳужайраларининг янгиланиб туришидан ҳосил булади. Илдиз қинининг ташқи ҳужайралари ўзидан шилимшиқ модда ажратиб, учининг тупроқда ўсишини осонлаштиради. Илдиз қинининг марказий қисмини колумела деб аталадиган ҳужайралар ташкил этади. Бу ҳужайраларда жуда кўп миқдорда крахмал доначалари түпланади ва илдиз апексининг тупроқ заррачалари ичидаги ўсишига имкон беради. Сувда ўсадиган ўсимликларда ва паразитлик қилиб яшайдиган ўсимликларнинг илдизида қин бўлмайди.

Илдиз қинининг остида меристематик хусусиятини сақлаб қолган ҳужайралардан ташкил топган бүлинувчи зона жойлашган, унинг узунлиги 1 мм. Бу зонадаги ҳужайралар цитоплазма билан тигизланган бўлиб, унда вакуола ҳали шаклланмаган бўлади. Микроскоп остида ёш илдизнинг бўлинувчи зонаси доимо сариқ рангда кўринади.

Бўлинувчи зонадан кейин ўсувчи зона шаклланади (89-расм, 11). Бу зонада илдиз ҳужайралари сон жиҳатидан кўпаймайди, аммо цитоплазмада вакуоланинг пайдо бўлиши ҳисобига унинг ҳажми иириклишиб, ҳужайралар бўйига чўзилади. Ундаги ҳужайралар тургор ҳолатда бўлиб, катта куч билан тупроқнинг майда заррачаларини ёриб утиш хусусиятига эга.


Ўсувчи зона учидаги ҳужайралар бир оз вақт ўтгандан сўнг ўсишдан тўхтайди ва бу ҳужайралардан илдиз тукчалари ҳосил бўлади (89-расм, А, 2). Бу тукчалар бир неча см узунликда бўлиб, тупроқ заррачалари билан жисп ӯради. Илдизнинг тукчалар билан қопланган қисми сўрувчи ёки ютувчи зона деб аталади.

Маълум вақт ўтгандан кейин тукчалар ризодерма ҳужайралари билан биргаликда ҳаётчанлик хусусиятини йўқотиб қурийди. Ризодерма ўрнига қопловчи тўқима — экзодерма юзага келади (93 расм, 5). Улар ўтказувчи тўқиманинг флоэма ва ксилема ҳужайраларини ҳимоя этади.

Илдизнинг ўсиш апексидаги меристема ҳужайралари бўлинишин давом этиб, ички ва ташқи (илдиз қини) томонга ҳужайраларга ажралади. Мана шу хусусияти билан илдиз новдадан кескин фарқ қиласи.

Илдиз апексидаги инициал ҳужайралар сони ва улардан тўқималарнинг келиб чиқиши турли систематик гуруҳ ўсимликлари учун ҳар хилдир. Масалан, баъзи қирқулоқсимонлардан (қирқбўғин, қирққулоқ ва баъзи плаунларнинг) илдиз апексидаги бўлинувчи зонада фақат битта инициал ҳужайра бўлиб, илдизнинг барча тўқималари шу инициал ҳужайранинг бўлинишидан юзага келади.

Ёпиқ уруғли ўсимликлар апексида бир неча инициал ҳужайралар мавжуддир. Уларнинг тузилиши ва бўлиниши иккι ва бир паллали ўсимликларнинг илдизида ҳар хил. Масалан, иккι паллали ўсимликларда у уч қаватдан иборат бўлиб, ҳар бир қаватда 1—4 гача инициал ҳужайра



93-расм. Илдизда доимий тұқымаларының ұсил булиши: 1 — ўсиш зонасы; 2—6 илдиз зоналарини күндалаңған кесимі; икс — иккіламчи ксилема; ИФ — иккіламчи флоэма; к — камбий; мкс — метаксилема; мф — перидерма; пф — протофлоэма; пц — церицикл; рд — ризодерма; экз — экзодерма; эн — эндодерма; к — қин.

мавжуд. Пастки дерматоген қаватдан, ризодерма ва илдиз қини, урта ва юқори қаватдан ұтта тұқымалар вұжудға келади жумладан, урта қаватдагы ташқи меристемадан — периблема (юон. периблема — қоплам), устки ини-

циал қаватдан пайдо бўладиган ички меристема хужайраларидан плерома (юон. плерома — тўлдирмок) тўқималари вужудга келади. Кейинчалик меристема хужайралари доимий тўқимага айланади. Периблема илдизнинг бирламчи пўстлоқ тўқималарини, плерома эса марказий цилиндрни ҳосил қиласди.

Бир паллали ўсимликларда энг пастки инициал қаватдан илдиз қини, периблеманинг ташқи қаватидан эса ризодерма шаклланади.

Илдизда доимий тўқималарнинг ҳосил бўлиши. Илдиз меристема хужайраларининг бир неча марта энига ва узунасига бўлиниши туфайли доимий тўқималар юзага келади. Бу жараённинг тараққий этиши натижасида (93-расмда курсатилган) бўлинувчи зонадан бироз юқорироқда периблема ва плеромалар ўртасида чегара ҳосил бўлади. Улар катта-кичиклиги ҳамда жойлашиш хусусияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди.

Илдизнинг сўрувчи зонасида ризодерма (эпифлема) тўқимаси ҳосил бўлади (93-расм, 4). Ризодерма бажарадиган вазифаси жиҳатидан энг муҳимдир. Чунки ҳар бир ризодерма хужайраларидан узунлиги 1—2 мм ва баъзан 3 мм келадиган тукчалар (эпифлема) ҳосил бўлиб сўриш зонасининг юзасини кенгайтиради.

Тукчаларнинг пўсти жуда ҳам юпқа цељлюоза ёки пектин мoddасидан ташкил топган, унинг ичидаги цитоплазма ва ядро бўлади. Тукчалар ўзидан шилимшиқ мoddа чиқарив букилади, тупроқ заррачалари билан ўралади, бу озиқ мoddаларни енгил ўзлаштиришни таъминлайди. Илдиз тукчаларининг микдори тупроқ намлигига ва ўсимлик турига қўра ҳар хил: масалан, маккажӯхорининг 1 mm^2 сўрувчи зонасида илдиз тукчалари 425 та, олмада — 300 та, ловияда — 230 та, бир туп сулида — 14 тагача бўлади. Шу билан бирга илдиз тукчаларининг ҳаётчанлиги ҳам бир хил эмас. Масалан, гўзанинг илдиз тукчалари 14—48 тагача, адирларда ўсувчи лагохилуснинг илдиз тукчалари эса 10—15 тагача яшайди.

Ризодерма (эпифлема) хужайраларининг ҳаммаси ҳам илдиз тукчалари ҳосил қиласди. Илдиз тукчаларини ҳосил қиласувчи ризодерма хужайраларига трихобласт (юон. трихос — соч; бластос — муртак) деб аталади. Сувда ва

ботқоқлик ерларда ўсуви ўсимликлар (масалан, тропик ўрмонлардаги дараҳтлар устида ўсуви эпифит — орхея-дошларнинг кўпчилик вакилларида — нилуфар, виктория, кувшинка ва бошқалар)нинг илдизларида тукчалар бўлмайди.

Ризодерма ҳужайраларининг гиалоплазмасида жуда кўп рибосом ва митохондрий бўлади. Улар муҳим физиологик функцияни бажаради. Айниқса тупроқ таркибидаги эриган минерал моддаларни фаол шимиб олиш вақтида митохондрий тез ривожланиб энергия ажратади. Бу энергия моддаларни шимиб олишга сарфланади.

Перилемадан юпқа пўстли тирик паренхима ҳужайраларидан ташкил топган бирламчи пўстлоқ юзага келади (93-расм, 3). У ўз навбатида, уч қисмдан: экзодерма, мезодерма, эндодермадан иборат.

Экзодерма бир ёки бир неча қават ҳужайрадан иборат бўлиб, ризодерма остида жойлашади (93-расм, 5). Ривожланишининг дастлабки даврида улар бир-бирига зич жойлашган паренхима ҳужайраларидан ташкил топади. Кейинчалик ҳужайра деворида суберин тўпланади, лекин тириклик хусусиятини йўқотмайди. Шу хусусияти билан ризодерма пўнак қаватидан фарқ қиласди. Экзодерма бъзи хусусиятлари жиҳатидан эндодермага ўхшаш бўлади. Унинг айрим ҳужайралари целялюзанинг пўстидан ташкил топган бўлиб, ўтказувчи ҳужайралар деб аталади. Бу ҳужайралар орқали озиқ моддалар ҳаракатланади. Экзодерма ҳужайралари ҳаётчанлигини йўқотгандан сўнг унинг ҳужайра деворлари пўнакка айланади ва ҳимоя вазифасини бажаради.

Экзодерма бир паллали ўсимликларнинг илдизларида аниқ кўринади, чунки уларда илдизнинг бирламчи тузилиши узоқ вақтгача сақланади. Икки паллали, очиқ уруғлиларда эса камбий тез ҳосил бўлади ва пўстлоқ ўлади, унинг остида перидерма ривожланади.

Мезодерма бир неча қават паренхима ҳужайраларидан ташкил топган бўлиб, экзодерма ва эндодерма ўртасида жойлашиб бирламчи пўстлоқни юзага келтиради. Унинг четки ҳужайралари майда ва зич жойлаштан бўлиб, ўртадаги ҳужайралари йирик, уларнинг орасида бўшлиқлар учрайди. Бу бўшлиқлар аэренихима тўқималарини ҳосил

қилади ва илдиз ўқи бўйлаб чўзилиб каналчаларга айланади. Аэрэнхима тўқималари орқали пўстлоқ ва ризодерма хужайраларининг нафас олиши учун ҳаво ва газлар ҳараланади. Аэрэнхима тўқимаси ботқоқларда ўсувчи ўсимликларнинг илдизида бўлади (94-расм).


Мезодерма хужайра оралиғидаги аэрэнхима тўқимаси ўсимликнинг новда, барг хужайрааро бўшликлари билан тулашиб битта яхлит системани ташкил этади. Ботқоқликда ўсадиган ўсимликларда кислород шу хужайрааро бўшликлар ёки каналлар орқали новдадан илдизга ўтади.

Аэрэнхима тўқима хужайраларининг деворлари юпқа ва эгилувчан, шу сабабли улар билан ёнма-ён мустаҳкамлик берувчи тўқима склеренхима юзага келади.

Илдизнинг пўстлоқ паренхима хужайраларида ҳар хил моддалар синтез қилинади ва тўпланади. Шу моддалар ҳисобидан ризодерма ҳамда бошқа тўқималар озиқланади, бундан ташқари дараҳт, бута ва ўтчил ўсимликларнинг илдиз пўстлоқларида, замбуруғлар яшаб микориза (юонон. м и к е с — замбуруғ, р и з а — илдиз) ҳосил қилади.

Эндодерма бирламчи пўстлоқнинг ички қаватини ташкил этади. Унинг хужайралари бир-бири билан зич жойлашган узун ва қисқа тирик паренхимадан иборат. Асосий вазифаси мезодермадан кўндалангига оқиб келадиган моддаларни марказий ўзакка (стелга) йўналтиришдан иборат.

Онтогенез жараёнида эндосперма хужайралари зич, узунсига бир қатор (камдан-кам икки қатор) жойлашади. Бу хужайралар юпқа пустли бўлиб, Каспар ҳалқаси ёки белбогини ҳосил қилади. Бу плауналардан ташқари бошқа ҳамма ўсимликларда кўринади. Кўпчилик юксак спорали ўсимликларда эндодерманинг тараққиёти биринчи давр билан чегараланади. Баъзи ўсимликларда эса эндодерма иккинчи даврга ўтади. Иккинчи даврда эндодерма пустининг ичкари томонида целялюзоза билан субериндан ташкил топган яхлит қалинлашган қават ҳосил бўлади. Буни ён илдизлар вужудга келган зонада кўриш мумкин. Бироқ, ўқ илдизнинг ксилема гурӯҳлари қаршисидаги қалинлашмасдан қолган хужайралар (ўтказувчи хужайралар) бошланғич ҳолати-ча қолади. Ўтказувчи хужайралар ўсимликлар ҳаётида ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Чунки, пўстлоқдан келадиган моддалар марказий ўзакка, ундан пўстлоққа фақат эндо-



94-расм. Сагет асұта илдизида аэренхима ва склеренхима хужайралари (аэренхима хужайралари ичиде крахмал доначалары жойлашған).

дерманинг тирик протопласти орқали ўтади. Каспар ҳалқасидан моддалар ўтмайди. Ривожланишнинг учинчи даврида эндодерма хужайраларининг пўсти нотекис қалинлашиб пробкаланиш ёки ёғочланиш содир бўлади. Қалин даворли эндодерма хужайралари ўтказувчи тўқимани ҳимояда бирламчи пўстлоқ ҳаётчанлигини йўқотади, пировардида емирилиб тўкилади. Бир паллали ўсимликларнинг илдизида иккиламчи тузилиш бўлмайди. Шунинг учун уларда эндодерма узоқ сақланади ва ривожланишнинг учинчи даврини ўтказади. Шундан сўнг эндодерма механик тўқима вазифасини бажаради.

Марказий цилиндр — плеромадан ҳосил бўлади, у асосан перицикл ва ўтказувчи система (бирламчи ва иккиламчи ксилема, флоэма)дан иборат.

Перицикл (юон. пери — ёнида; циклос — ҳалқа) ёш илдизларда (булинувчи зонада) вақтинча меристема вазифасини бажарувчи (эндодерма остида жойлашган) тирик хужайралар бўлиб, марказий цилиндрни ўраб олади (93-расм, 3).

Ёпик уруғли ўсимликларда перицикл асосан бир паллали (фалла, агава, драцена)ларда, баъзан икки паллалиларда (ёнғоқ, каштан, тол, каркас) ҳамда очиқуруғлиларда бир неча қават хужайралардан иборат. Сувда ўсувчи ва паразит ўсимликларда перицикл бўлмайди. Илдизнинг бошланғич тузилиш даврида перициклдан ҳамма ён илдизлар юзага келади. Икки паллали ўсимликларда илдизнинг иккиламчи тузилиши вақтида перицикл камбий билан тулашиб илдиз нурларини, йўғон тортган илдизларда феллоген ҳосил бўлишда фаол қатнашади.

Баъзан перицикл хужайраларининг айлана қалинлиги бир хил бўлмайди. Масалан, ёнғоқ ва айрим галладошларда перицикл кўп қаватли бўлиб, ксилема эса флоэма нурлари қаршисида узилади, шунинг учун протоксилема эндодермага тақалади. Перицикл хужайраларида смола, мой йўллари бўлиши мумкин. Фалла ўсимликларida перицикл хужайраларининг деворлари қалинлашиб ёғочланида ва мустаҳкамлик берувчи вазифани бажаради.

Марказий цилиндр асосан ўтказувчи найлардан ташкил топган, шунинг учун ҳам стела деб аталади. Стела

плеромадан тарақкий этади. Стелнинг ташқи қаватидан перицикл (юонон. peri — ёнида; циклос — ҳалқа) ҳалқаси ҳосил бўлади. Унинг ҳужайралари узоқ вақтгача мериистема хусусиятини сақлайди. Перицикл ҳужайраларининг бўлинишидан ён илдизлар ҳосил бўлади. Перицикл остида прокамбий юзага келади ва бошлангич ўтказувчи тўкимага айланади. Ўтказувчи тўқима флоэма ва ксилемадан иборат. Флоэма ксилемадан илгари тарақкий этади; дастлаб перицикл яқинида йўлдош ҳужайралари элаксимон бўлмаган найлар юзага келади ваprotoфлоэма ҳосил бўлади. Кейинчалик флоэма элементлари (йўлдош ҳужайралари элаксимон найлар) илдизнинг марказга яқин жойида ҳосил бўлади ва метафлоэма ривожланади (93-расм, 3, 4). Протофлоэма билан метафлоэма биргаликда бирламчи флоэмани ташкил этади.


Флоэманинг ксилемадан олдин юзага келишига асосий сабаб шундан иборатки, илдиз апексидаги мериистема ҳужайраларининг фаолияти учун зарур бўлган пластик моддаларни ўтказиб беради.

Илдиз апексидан узоқда ксилема шаклланади. Унинг биринчи элементи (протоксилема) ўсиш зонасида юзага келади. У чўзилиш хусусиятига эга. Шу сабабли ҳалқасимон, спиралсимон, нуқтали ҳошиялари бор трахеидлар (трахеид ёки найча) кўринишида бўлади. Илдизнинг бўйига чўзилиши тўхташ вақтида улар тўрсимон ва порали бўлади.

Ўтказувчи най тола туттамлари шакллангандан сўнг бирламчи ксилема юлдуз шаклида жойлашади. Ксилема нурлари орасида навбати билан флоэма шаклланади. Юлдуз шаклидаги ксилема нурларининг сони турлича, масалан, диарх — икки нурли; триарх — уч нурли, полиарх — кўп нурли бўлади.

Илдизнинг иккиласми тузилиши. Илдизнинг ўсиши натижасида унинг бошлангич тузилиши ўзгариб, иккиласми тузилишга ўтади. Бу ўзгариш камбий ҳосил бўлиши билан бошланади. Камбий флоэма ва ксилема ҳалқалари орасидаги асосий паренхима тўқимасининг ички, яъни ўзак томонидан флоэма боғламларида тарқалиб кетган қисмлардан вужудга келади. Уларнинг ҳужайралари бўлиниб, иккиласми ксилема ҳосил қиласди. Ксилема нурининг ичи-

да жойлашган перицикл ва паренхима хужайралари ҳосил
қылған камбий ёйлари туташиб, камбий ҳалқасини вужудга
келтиради (95-расм, Б₆). Камбий ҳалқаси ташқарига ик-
киламчи флоэма ва иккиламчи ксилема ишлаб чиқаради.
Камбий ҳалқаси вужудга келгандан сүнг, иккиламчи фло-
эма четта сурилиб, ксилема марказдан жой олади ва тез
ривожланади. Агар бу жараён узоқ давом этса, илдиз анча
йүғонлашади. Аммо илдизда худди поянкига үшаш дав-
рий үсиш ҳалқаларини аниқлаш қиин.



95-расм. Икки паллади үсімліктарда илдизнің иккиламчы түзилиши.
 1 — эпіблема; 2 — бошланғич пұстлек (В); 3 — бошланғич ксилема;
 4 — камбий ёйлари; 5 — камбий ҳалқаси; 6 — эндодерма; 7 — перицикл;
 8 — иккиламчы флоэма; 9 — иккиламчы ксилема; 10 — экзодерма;
 11 — перидерма.

Илдизнинг иккиламчи тузилиш даврида бошланғыч пустлоқ элементлари экзодерма (эпидерма) емирилади, ўрнига иккиламчи пустлоқ — пўкақ камбийси — феллоген ҳосил бўлади. Ўз навбатида феллоген ҳужайралари бўлиниб ички қават феллодермани ва ташқи қават пўкакни ҳосил қиласди. Ўтказувчи тўқима ҳужайраларида ҳам ўзгариш юз беради. Иккиламчи ксилема орасида кундаланг жойлашган радиал нурлар, коллатерал тола найлар билан алмашади.


Илдизнинг иккиламчи тузилиши очиқ уруғли ва икки паллали ўсимликларга ҳос хусусият бўлиб, бир паллали ва қирққулоқсизмонларда бирламчи тузилишда қолади.

10-§. ВЕГЕТАТИВ ОРГАНЛАРНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК АҲАМИЯТИ


Новда ва барг метаморфози. Новда хилма-хил вазифаларни бажаришга мослашганлиги учун ҳам ташқи кўриниши ўзгарувчандир. Эволюция жараёнида барг, поя ва баъзан куртак бир вақтда метаморфозга учрайди. Новдаларнинг асосий шакл ўзгаришларини кўриб чиқамиз.

Илдизпоя. Илдизпоя деб, ер остида горизонтал ёки бир оз эгри бўлиб ўсадиган, баъзи моддаларни фамладиган ва кўпинча вегетатив кўпайиш учун хизмат қиладиган шакли ўзгарган новдага айтилади (96-расм). Илдизпояда бүғин ва бўғин оралиғи, редукцияланган барг ва ён куртаклар, қўшимча илдизлар ёрдамида ерга мустаҳкам ўрнашиб туради. Ҳар йили илдизпоядан ер устига чиқадиган бир йиллик новдалар ҳосил бўлади. Илдизпоянинг учида куртак бўлади ва унинг фаолияти туфайли ҳар йили бир томонга қараб ўсади. Илдизпоянинг эски “қариган” қисми эса астасекин нобуд бўлади. Тик ўсадиган илдизпоялар валериана, черемицада, горизонтал илдизпоялар эса Ранг (97-расм), буғдойиқ, гумай, ажриқ, ландиш, купена, касатик ва бошқа ўсимликларда учрайди. Илдизпояларнинг ҳаёти уч — турт йилдан бир неча йилларгача давом этиши мумкин.

Ер остики столонлар ва тутунаклар. Баъзи ўсимликлар поясининг энг остики қисмидаги куртаклардан ёз ойлари



96-расм. Илдизпоя хиллари: 1 — ўрмалаб үсүвчи буғдойик (Agropyrum repens); 2 — узунбаргли вероника (Veronica longifolia); 3 — майдандаши (Convallaria majalis); 4 — қарғакүн (Paris quadrifolia) 5 — пайыз (Carex pilosa).



97-расм. Ранг (*Carex pachystylis*).


да янги новдалар ҳосил бўлади, улар ер ости буйлаб горизонтал ўсади. Ана шу новдалар столонлар дейилади. Окрангдаги ингичка, ҳамда мурт поячалар бўлиб, рангсиз тангачасимон майдо-майдо баргчаларга эга. Ёз охирида столоннинг уни тепага қайрилади ва ўша ерда кичкинагина тугунакча ҳосил бўлади, ости томонида қўшимча илдизлар тутами шакланади. Қишлиб бўлгандан кейин тугунакча куртакларидан янги ер устки новдалар ўсиб чиқади. Столонлар эса ўлади ва емирилиб кетади. Бу ҳодисани



98-расм. Тугунакли поялар: 1 — кольрабининг ер устки тугунаги; 2 — эпифит арахиснинг ер усти тугунаги; 3 — картошканинг ер ости тугунаги.

седмичник (*Trientalis europaea*, 98-расм, 1) ўсимлигига кузатиш мумкин. Демак, столонларда запас модда йиғилиши содир бўлмайди. Бу функцияни тугунаклар бажаради. Тугунакларнинг илдизпоялардан фарқи асосан уларнинг шаклидадир (овалсимон, шарсимон). Тугунак ўчи кучли йўғонлашган, барглар жуда ҳам редукцияланган бўлиб ва умуман қўшимча илдизлар ҳосил қўлмайди (масалан картошкада 98-расм, 3). Тугунакдаги куртакларни “кўзчалар” деб юритилади. Агар картошка тугунаги ер юзига чиқиб қолса, улар яшил рангга киради, бу белги ҳам унинг поядан келиб чиққанлигини исбот қиласди. Баъзи ўсимликлар (цикламен) да тугунак столонда эмас, балки поянинг асоси йўғонлашишидан ҳам шаклланиши мумкин (99-расм, 5).


Ер устки столонлар ва бачкилар. Баъзи ўсимликларда уларнинг ҳар бир янги новдаси баҳорда бачкилар кўрининшида ҳосил бўлади. Улар ер усти бўйлаб ўсиб бораверади ва илдиз отади. Илдиз отган жойдан янги ўсимликлар ҳосил бўлади. Бачкиларнинг вазифаси кўпроқ майдонни эгаллаш ва вегетатив кўпайишдир. Шунинг учун ҳам бачкиларни ер устки столонлар дейишимиз мумкин. Ер устки



99-расм. Ер ости столонлар ва новдадан ривожланған түгунаклар: 1 — седмичник (*Tropaeolum europaeum*); 2 — картошка (*Solanum tuberosum*); 3 — ўсимликтин ер остиңиң қисми; 4 — но-ричник (*Scrophularia nodosa*)нинг түгунакли илдизпояси; 5 — цикламен (*Cyclamen persicum*)нинг түгунаги.


столонларнинг умри қисқа, янги ўсимлик гуллагунга қадар яшайды. Ер устки столонларига эга бўлган ўсимликларга жи-вучка, костянка, земляника (100-расм), қулупнай киради.

Қулупнай столонлари (ёки бачкилари) барг кўлтиқла-ридан ўсиб чиқади. Уларнинг учки куртаги тепага қайри-либ, янги ўсимликни ҳамда илдизпояни ҳосил қиласди.



100-расм. Ер устки столонларнинг ривожланиши: земляника (*Fragaria vesca*)да кўриниши: 1 — ўсимликнинг умумий кўриниши; 2 — ўсишни давом эттаётган столон; 3 — симподиал столон; 4 — тупбаргулдан.

Пиёзбошлар. Пиёзбош — қисқарган ер остки новдадир. Унинг қисқарган пояси (донцеги) булиб, ерда қўшимча илдизлар орқали бирикиб туради. Қисқарган пояга шакли ўзгарган барглар — этдор, сувли тангачалар бирикади. Уларда озиқ моддалар ғамланган ҳолатда тўпланади. Пиёзбошнинг учки ва ён куртакларидан ер устки новдалар шаклланади. Пиёзбошлар вегетатив йўл билан кўпайишга хизмат қиласиган орган булиб, хилма-хил тузилишларига эга (101-расм). Улар асосан бир паллалиларда учрайди.



101-расм. Пиёзбошлар: 1 — гиацинт; 2 — унинг узунасига кесмаси; 3 — пиёзгулининг тангачали пиёзи; 4 — унинг узунасига кесмаси; 5 — ёввойи пиёз тўпгулидаги пиёз бошчалари; 6 — унинг узунасига кесмаси; 7 — заъфарнинг тутунаксимон пиёзбоши; 8 — унинг узунасига кесмаси.


Тутунак-пиёзбошлар. Тутунак-пиёзбош тутунак билан пиёзбош ўртасидаги оралиқ шаклни эгаллайди. Устки томондан улар қуруқ тангачалар билан қопланганлиги учун пиёзбошга ўхшаб туради. Ички қисмида эса тангачалар эмас, балки поя қисми — донце яхши ривожланган булади. Фамланган озиқ моддалар ҳам тангачаларда эмас, ана шу қисқарған поя қисмида тўпланади ва келгуси йил сарфланади. Тутунак-пиёзбошлар гладиолус ва шафран ўсимликларида учрайди (102-расм).

Каудекс. Кўп йиллик ўтчилик ўсимликларнинг ва ярим бутачаларнинг кўпчилигига яхши тараққий этган илдиз-

дан ташқары каудекс (лот. Caudex — тұнка, тана) шаклланади. У келиб чиқиши жиҳатидан новда ҳисобланади. Үнда күплаб куртаклар бўлиб, озиқ моддаларни ғамлаган ҳолда тўплайди. Каудекс одатда, ер остида, баъзи ҳоллардаги на ер устида жойлашади (103-расм).

Каудекснинг ўлиши ва емирилиши унинг ички марказидан, яъни ўзагидан бошланади.


Каудекс ўртасида бўшлиқ пайдо бўлади, у кенгайиб бораверади ва илдиз билан биргаликда алоҳида булакларга ажралади. Ана шу алоҳида қисмлар партикулалар (лот. Pars, partis — қисм; парча, бўлакч) деб айтилади. Партикулалар ёрдамида бир ўсимликнинг бўлинниб кетиш жараёни эса партикуляция деб юритилади. Каудексли ўсимликлар дуккакдошлар (беда, люпин), соябонгулдошлар (бедренец, ферула), мураккабгулдошлар (шувоқлар, эрмон, таусафиз), лабгулдошлар оиласида (кўкпарат) учрайди.



102-расм. Заъфар (*Crocus*)нинг тутунак пиёзи: 1 — умумий куриши; 2, 3 — тутунакпиёзи.

Суккулент ўсимликларнинг новдалари. Сув ғамлашга фақат ер остки новдалар — пиёзбошлиларгина эмас, балки ер устки новдалар ҳам мослашган бўлиши мумкин. Дунёда сувни поя, барг ва ҳатто куртак ҳам ғамлаши мумкин.

Баргли суккулентларга семизўлар, лолагулдошлар, чучомадошлар оиласирига кирувчи ўсимликлар (*Rhodiola*



103-расм. Кўпийиллик ўсимликларнинг каудекси: 1, 2 — бўтакўй (*Centaurea scabiosa*), (1 — гуллаган ўсимлик каудекси, 2 — қариган ўсимликда партекуляциянинг бошланиши); 3 — Себарга (*Trifolium montanum*); 4 — ферула (*Ferula songorica*); 5 — люпин (*Lupinus polyphyllus*); ГП — гуллаган новда асоси; К — янгитдан ҳосил бўлган куртаклар.

rosa, *Sedum*, *Aloe*, *Yasteria*, *Agave*) мисол бўлади. Уларнинг барглари ўз функцияси (фотосинтез)ни сақлаган ҳолда, сувни тўплайдиган кучли паренхимага эгадирлар.

Куртакнинг суккулент органга айланишини маданий карам ўсимлигига кўриш мумкин. Унинг учки куртаги кучли равишда катталашиб бош ўрайди. Барглари хлоропластларга деярли эга этдор, сув ва озиқ моддаларни кўплаб тўплайди. Қишлиб чиққандан сунг (сунъий шароитда) ка-

рамининг ўша учки куртаги ўсади ва гул берувчи новдани ҳосил қиласи, барглари нобуд бўлади.

Пояли суккулентларга кактуслар ва сутламадошлар оиласининг вакилларини мисол келтириш мумкин. Бундай ўсимликларда поя шакли ўзгариб суккулент органга айланади. Шунинг учун кўпинча барглар йўқолиб кетади ёки метаморфозга учрайди. Сувли поя икки хил вазифани бажаришга мослашади, яъни ҳам сувни фамлайди, ҳам ассимиляция жараёнини амалга оширади. Масалан, қизил шўра (104-расм).


Ер устки новдаларнинг бошқа шакл ўзгаришлари. Ўсимликларда учрайдиган тиканлар келиб чиқишига кўра икки хил бўлиши мумкин. Кактусларнинг ва зирк дарахтининг тиканлари баргнинг шакл ўзгаришларига киради (105-расм). Кўп ўсимликларнинг, масалан ёввойи олма ва нокларнинг, дўлана ва гледичиянинг тиканлари поянинг шакл ўзгаришидан ҳосил бўлган. Ҳар қандай тиканларнинг ҳосил бўлишига асосий сабаб намликтининг бутунлай ёки қисман етишмаслигидадир. Бундан ташқари улар ҳимоя вазифасини ҳам бажаради.

Баъзи ўсимликларнинг пояси ёки бутун новдаси метаморфозга учраб баргсизон тузилишга эга бўлган филлокладий ёки кладодийга (юн. филлон — барг; кладос — шохча) айланади. Буларга мисол қилиб иглица (*Ruscus*) туркумини олиш мумкин (106-расм). Уларнинг новдасидаги тикан — шакли ўзгарган баргдир. Унинг ранги яшил бўлиб фотосинтез шу ерда содир бўлади. Унинг устида гуллар шаклланади. Одатдаги баргларда бу ҳол ҳеч қачон учрамайди. Ўзининг ҳақиқий барглари эса энг учки қисмида тикан ёки тангачага айланган бўлади.

Илашиб ўсуви ўсимликларда уларнинг барги ёки пояси гажакларга айланishi мумкин. Бундай ўсимликлар-



104-расм. Қизил шўра (*Solicornia herbacea*).



105-расм Ҳар хил органилардан ҳосил бўлган тиканаклар: 1 — зиркнинг баргидан ривојланган тиканлари; 2 — баргни тиканга айланishi; 3 — ёввойи нокда новдадан ҳосил бўлган тикан; 4 — (а—в) дўлана новдасидан ҳосил бўлган тикан; кн — қўлтиқдан ривојланган новдалар.

нинг пояси ингичка, нозик тузилганлиги учун мустақил равишда ўзини тик тутолмайди, шунинг учун гажаклар бирор нарсага чирмасиб олади ва пояни ушлаб турди. Дукқандошлар оиласининг кўп турларида баргнинг шакл ўзгаришидан ҳосил бўлган гажакларни куриш мумкин. Масалан, нұхат, бурчоқ (*Lathyrus*), қовоқ ўсимликларида баргнинг энг учки қисми, ёки баргнинг ўзи, баъзан ён баргчалар гажакка айланади (107-расм). Поянинг шакл ўзгаришидан ҳосил бўлган гажакларни ёввойи ва маданий токларда, шунингдек бошқа ўсимликларда учратиш мумкин.


Ўрта Осиё адир ва тоғларининг шағали ҳамда қумли ерларида ўсишга мослашган талайгина ксерофит ўсимликларда баргларнинг маълум бир қисми тиканларга айланади. Масалан, оққаврак ёки говтикан (*Anopordon*), қўй тикан (*Xanthium*), эчкисоқол (*Tragopogon*), бўритикан (*Acanthophyllum*), пахтатикан (*Cirsitum*), қундуз (*Echinops*) ва бошқалар. Бу, тиканлар одатда, баргнинг учидан (апекс) ёки четидан чиқиб турган қаттиқ тиканлардан иборат.



106-расм. *Ruscus*; 2, 3 — *Phyllanthus speciosus*нинг филлокладияли новдалари мураккаб баргларга ўхшайди.


Зиркнинг узун новдаларидаги барглар 3—7 булакли тиканга айланган. Уларнинг барг эканлиги құлтиқларидаги қисқарған новдаларга айланган күртаклари билан аниқланади (105-расм, 1 га қаранг).

Шўрҳок чўлларда ўсувчи қизил шўра (*Solicornia herbacea*), қумли чўлларда ўсувчи қора сакчовул ва бошқаларда барглар редукцияланган, улар бирорз кўринадиган бўртмалар шаклида, шунинг учун бу хилдаги ўсимликлар афилл (юон. “а” инкор, йўқликни билдиради, филлон — ўсимлик) ўсимликлар деб айтилади. Бундай ўсимликларда фотосинтез вазифасини хлорофиллга бой бўлган бир йиллик новдалар бажаради.



107-расм. Келиб чиқиши ҳар хил бўлган гажаклар: 1, 2, 3 – барғдан; 4–5 – новдадан; 1 – вика (*Vicia*); 2 – бурчоқ (*Lathyrus*); 3 – қовоқ (*Cucurbita pepo*) (а – бошлабгич барғ, б-г баргнинг метаморфозга учраб гажакка айланиши); 4 – ток (*Vitis vinifera*) (а-в тўпгулнинг мтаморфозга учраб гажакка айланиши); 5 – токнинг симподиал новдасидан гажакларниң ҳосил бўлиши.

Ҳашаротхўр ўсимликлар. Баъзи автотроф ўсимликлар боткоқ ва торфзорларда ўсиб, одатдаги озиқланишдан ташқари азотга бўлган эҳтиёжини ҳашаротлар билан озиқланиш ҳисобидан қондиради. Бу хилдаги ажойиб биологик гурухлар ҳашаротхўр ўсимликлар деб аталади. Бундай ўсимликларнинг 500 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, барча қитъалар-



108-расм. Непентес

да тарқалған. Масалан, Шарқий Осиё тропик ва субтропик миңтақаларида учрайдиган непентес, Шимолий Америка-нинг Атлантик океан қырғоқларидаги ботқоқларда учрайдиган венерина, Жанубий Европа, Жанубий Осиё, Австралия, Кавказ, Украина, Белоруссия, Волга сувларидаги ұсадыған альдрованда, торфли ботқоқларда учрайдиган росянка ҳашаротхүр үсимликлар жумласига киради.


Непентеслар (108-расм) баргларининг шаклини үзгартиб үзига хос күриниш ва хусусиятларга эга: юқори қисми күзачасимон (қопқоқбарг) ва ранг-барангидир, күйи қисми япроқсимон шаклда бўлиб, ассимиляция вазифасини ба-жаради. Кўзачанинг четига шира чиқиб ҳашаротларни үзига жалб қилади. Кўзачага қўнган ҳашарот сирпаниб, унинг ичига тушади ва чўкиб ҳазм бўлиб кетади. Кўзача оғзида-ги қопқоқча фақат ичидаги суюқ ширани ёмғирдан сақлаш учун хизмат қилади, аммо ҳашаротни тутишда мутлақо алоқаси бўлмайди.

Венерина баргларининг қанотсимон банди бўлиб, икки бўлакли япроқларнинг четларида узун-узун тишчалари,



107-расм. Келиб чиқиши ҳар хил бүлган гажаклар: 1, 2, 3 — барғдан; 4—5 — новдадаң; 1 — вика (*Vicia*); 2 — бурчок (*Lathyrus*); 3 — қовок (*Cucurbita pepo*) (а — бошланғыч барғ, б-г баргининг метаморфозга учраб гажакка айланиши); 4 — ток (*Vitis vinifera*) (а-в түпгүлнинг метаморфозга учраб гажакка айланиши); 5 — токниң симподиал новдасидан гажакларниң ҳосил булиши.

Ҳашаротхұр үсімліктер. Баъзи автотроф үсімліктер ботқоқ ва торфзорларда үсіб, одатдаги озиқланишдан ташқари азотта бүлган әктийини ҳашаротлар билан озиқланиш ҳисобидан қондирауди. Бұ хилдаги ажойиб биологик гурухлар ҳашаротхұр үсімліктер деб аталади. Бундай үсімліктарнинг 500 дан ортиқ тури мавжуд булиб, барча қитъалар-



108-расм. Непентес

да тарқалган. Масалан, Шарқий Осиё тропик ва субтропик миңтақаларида учрайдиган непентес, Шимолий Америка-нинг Атлантик океан қирғоқларидаги ботқоқларда учрайдиган венерина, Жанубий Европа, Жанубий Осиё, Австралия, Кавказ, Украина, Белоруссия, Волга сувларида учрайдиган альдровандা, торфли ботқоқларда учрайдиган росянка ҳашаротхўр ўсимликлар жумласига киради.

Непентеслар (108-расм) баргларининг шаклини ўзгартиб ўзига хос кўриниш ва хусусиятларга эга: юқори қисми қўзачасимон (қопқоқбарг) ва ранг-барангdir, қуий қисми япроқсимон шаклда бўлиб, ассимиляция вазифасини ба-жаради. Қўзачанинг четига шира чиқиб ҳашаротларни ўзига жалб қиласди. Қўзачага кўнган ҳашарот сирпаниб, унинг ичига тушади ва чўкиб ҳазм бўлиб кетади. Қўзача оғзида-ги қопқоқча фақат ичидаги суюқ ширани ёмғирдан сақлаш учун хизмат қиласди, аммо ҳашаротни тутишда мутлақо алоқаси бўлмайди.

Венерина баргларининг қанотсимон банди бўлиб, икки бўлакли япроқларнинг четларида узун-узун тишчалари,



109-расм. Венерина (пашшахур):
а — унинг очилган барги; б — ёпилган
барги ва умумий кўриниши.

нечакун давомида эриб ҳазм бўлади, сўнгра тукчалар кўтарилади ва ҳашарот қолдиқларини шамол учирив юборади. Шундай қилиб, ҳашаротлар билан озиқланиш усули ўсимлик учун қўшимча азот топиш йўлидир.

Илдизларнинг метаморфозлари. Илдизлар кўп ҳолларда ўзларининг асосий функцияларидан ташқари бошқа маҳсус вазифаларни ҳам бажариши мумкин. Қўшимча вазифаларни бажариши туфайли илдизнинг ташқи кўриниши ва ички тузилиши кескин ўзгарса, бундай илдизлар шакли ўзгарган ёки метаморфозга учраган илдиз деб айтилади. Бундай шакл ўзгаришлар ирсий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлиб наслдан-наслга ўтади.

Куйида илдиз шакл ўзгаришларининг асосий хилларини кўриб чиқамиз.

Фамловчи илдизлар одатда қалинлашган ва кучли паренхималашган бўлади. Улар ўзида озиқ моддаларнинг жойлашишига қараб илдизмевалилар ва илдиз тугунаклиларга бўлинади.

япроқ бўлакларининг ўртасида эса учтадан сезгир тукчалари бўлади. Ҳашарот баргга кўнгданда тукчалар ҳаркатланиб бир неча (10—20) дақиқача баргнинг ҳар иккала бўлаги бекилади ва ўз ичига ҳашаротни қамраб олади. Ҳашарот ҳазм бўлгандан сўнг барг бўлаклари очилади (109-расм).


Росянка барглари бессимон (110-расм, 2,5) бир қанча тукчалар билан қопланган бўлиб, учки қисмидан ёпишқоқ шира чиқаради. Баргга кўнгдан ҳашарот тукларни ҳаркатта келтиради. Натижада ҳашарот бир

Илдизмевалиларда қалинлашиш асосий илдизда содир бўлиб, у этдор ва сувли бўлади. Илдизмевалиларда паренхима кучли ривожланиб, склеренхима тўқималари йўқолиб кетади. Кўп ўсимликларда илдизмевани асосан икки йиллик (лавлаги, сабзи, петрушка, турп, шолғом, ва бошқа, ўсимликларда кўриш мумкин (111-расм). Озиқ моддаларнинг тўпланиши баъзи ўсимликлар (турп, редиска, шолғом)да иккиласми чилимада, айрим ўсимликлар (сабзи, петрушка, сельдерей)да эса иккиласми флоэмада содир бўлади. Бундай ўсимликлар илдизмевадаги ғамланган моддалар ҳисобига ҳаёти-нинг иккинчи йили генератив новда ҳосил қиласди.


Илдиз тугунаклар ёки илдиз гуддалари ён илдизларда ёки қўшимча илдизларда ҳосил бўлади. Бунда ҳам илдиз йуғонлашади ва шаклан ўзгариб кетади. Илдиз тугунакли ўсимликларга георгина, картошка, ширач ва бошқалар киради.

Ҳавойи илдизлар тропик ўсимликларда, айниқса эпифит (юнон. эпи — устидан, юқоридан, фитон — ўсимлик)ларда учрайди. Бундай илдизлар поядан ҳосил бўлади ва қўшимча илдизлар ҳисобланади. Соябонгулдошлар, куҷалагулдошлар, ананағулдошлар оиласларига мансуб ўсимликлар дараҳтларга чирмашиб ўсади, аммо паразитлик қилиб яшамайди, балки улардан суюнчиқ субстрат сифатида фойдаланади. Уларнинг ҳавойи илдизлари ҳавода муаллақ осилиб туради ва ёмғир ёки шудринг намидан фойдаланишга имкон беради (112-расм).

Хоналарда ўстириладиган монзарали монстера ўсимлигининг ҳавойи илдизлари пастга осилиб ўсади ва ерга



110-расм. Росянка: 1 — ўсимликтининг умумий кўриниши; 2, 4 — бесимон туклар; 5 — бесимон тукнинг узунасига кетган кесмаси.



III-расм. Фамловчи илдизлар: 1, 2 — сабзи; 3—4 шолғом; 5, 6, 7 — лавлаги. Поя билан илдиз чегараси пункттир чизик билан, ксилема қораланғанда күрсатилған.

тегиб, сұнгра унга кириб үсимликтің таянч булади. Бу илдизлар ұсамбасынан пастки қисмінде юзага келувчы құшымчы илдизлары ҳам ұшоюй илдизларға мисол бұла олади.

Нафас олувчы илдизлар. Бундай илдизлар тропик шароитта, денгиз ва океанларнинг ботқоқлы қирғоқтарда үсадылған дараҳтларда учрайди. Масалан, авиценния үсимлигінде жуда мұраккаб илдиз системаси шакланади, уннан таркибида юқорига вертикаль үсіб қиқадылған нафас олувчы илдизлары булади. Бу илдизларнинг учидагы тирқишилардан ұшоюй кириб, аэренихима орқали сув остидагы органдарға етиб боради (113-расм). Нафас олувчы илдизларға ботқоқ кипариси ҳам мисол бұла олади.

Ходул илдизлар. Бундай илдизлар ҳам ұша авиценния үсадылған жойларда дараҳтларда учрайди (масалан ризофора). Жуда шохлаган бундай илдизлар дараҳтларға юмшоқ лойлы қирғоқтарда ҳам үзини мустаҳкам тутиб туриш имконини беради.


Устунсімөн илдизлар. Бундай илдизларни Ҳиндистонда үсадылған банъян үсимлигінде күриш мүмкін. Устунсі-

МОН ИЛДИЗЛАР ДАРАХТНИҢ ГОРИЗОНТАЛ ПОЯЛАРИДА КҮШИМЧА ИЛДИЗ СИФАТИДА ҲОСИЛ БҮЛАДИ ВА ПАСТГА ҚАРАБ ҮСАДИ. ЕРГА ЕТГАНДАН КЕЙИН УЛАР ТАРМОҚЛАНАДИ ВА УСТУНГА ҮХШАБ ДАРАХТ ТАНАСИНИ КҮТАРИБ ТУРАДИ (114-расм).

Илдиз тугунаклари (Бактерия тугунаклари). Тугунаклар дүккәндешлар оила-сига кирадиган үсимликлар илдизизде бүлади. Улар асо-сан шакли ўзгартып ён илдизлар булиб, *Radicicola* түркүмінде кирадиган бактериялар билан симбиоз ҳаёт кеширишга мослашган. Бұ бактериялар илдиз түк-чалары орқали кириб, ил-диз тугунакларини ҳосил қиласы, бунда бирламчи пүстлөк түкималари күпроқ ривожланади. Илдиз тугу-



112-расм. Эпифит орхидейларда ҳаво илдизлари: орхидей *Oncidium* дараҳт новласида; 2 — *Dendrobium* нинг ҳаво илдизларининг күндаланғасими.



113-расм. Денгиз қырғоқларыда үсадиган дараҳтнинг илдиз системасы: 1 — авиценния дараҳтнинң ҳаво илдизлари; 2 — ризофор дараҳтнинң тиргак илдизлари; л — лойқа; қ ва п океан сувининг кучайиши ва пасайиши.



114-расм. Банъян дараҳтининг устунсимон илдизлари.

наклари орқали дуккакдошлар бевосита ҳаводаги азотни ўзлаштириши мумкин. Шунинг учун ҳам улар тупроқни азотга бойитади (нұхат, ловия, беда ва бошқалар). Бундай ўсимликлар оқсилга бой бўлади.

Микориза. Ўтчил ўсимликларнинг ва дараҳтларнинг баъзиларида уларнинг илдизлари замбурурглар билан симбиоз ҳаёт кечиради. Ана шу симбиоз микориза (ёки бўлмаса замбуруғли илдиз) деб юритилади. Ички ёки ташқи микоризаларни фарқлашимиз мумкин. Ташқи микориза (эктомикориза)да замбуруғ гифлари илдиз ичига кирмасдан, уни ташқи томондан ўраб туради. Агар замбуруғ гифлари илдиз ичиди бўлса, у ҳолда ички микориза (эндомикориза) дейилади. Бундай симбиоздан юксак ўсимлик ҳам, замбуруғ ҳам ўзаро фойда олади. Замбуруғлар илдизнинг сув ва минерал моддаларини олишга ёрдам беради ва ҳаттоқи баъзи бир органик моддаларни ҳам бериши мумкин. Ўз навбатида, замбуруғлар юксак ўсимликдан карбонсув ва бошқа озиқ моддаларни олади. Замбуруғларнинг маълум бир тури дараҳтларнинг ҳам муайян бир тури билангина ривожланиши мумкин. Замбуруғлар ёрдамида озиқланиш микотроф озиқланиш деб айтилади.

7-боб

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ КЎПАЙИШИ

Кўпайиш барча тирик организмларга хос бўлган хусусиятлардандир. Ўсимликлар асосан уч хил: вегетатив, жинсиз ва жинсий йўллар билан кўпаяди.

1-§. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ВЕГЕТАТИВ КЎПАЙИШИ

Вегетатив кўпайиш (лот. вегетативус — ўсиш) — ўсимликларнинг жинсиз кўпайиш шакларидан бири булиб, бир ўсимлиқдан бир организмнинг юзага келиши билан изоҳланади.

Вегетатив кўпайиш барча ўсимликларга хос белгидир. Бу жараён бир ва кўп хужайрали сувўлари (спирогира, вошерия, валония, каулерпа ва бошқалар)да замбуруғ ва лишайниклар танасининг регенерациясига қараб тананинг бир неча бўлакларга бўлинниб кетиши ёки юксак ўсимликларда, илдизпоя, бачки, пиёз, тугунак каби органларни юзага келиши, шунингдек тананинг айрим қисмларидан бир бутун ўсимлик пайдо бўлиш хусусиятига асослангандир.

Юксак, чунончи ёпиқ уруғли ўсимликларда, вегетатив кўпайишнинг бир неча тури (масалан, табиий шароитда илдизпоя, бачки, пиёзтугунак, ажратувчи куртаклар чиқариш ва бошқалар) учрайди. Вегетатив кўпайиш ўсимликлар ҳаётида катта аҳамиятга эга. Мевачиликда унинг иккиси: Қаламча ва куртак пайванд усууллари кўлланилади.

Табиий ва сунъий вегетатив кўпайиш. Бундай кўпайиш кўпинча уруғдан кўпайиши қийин бўлган ўсимликларда учрайди. Бу жараён кўпийллик ўсимликлар орасида (ут. чала бугта, дарахт) тез-тез кўринади. Кўпинча ўрмонзорларда дарахтларнинг остида ўсишга мослашган ўтчил ўсим-

ликларнинг уруғлари деярли пишиб етилмайди. Бунга асосий сабаб ёруғликнинг етарли бўлмаслиги ҳамда чанглатувчи ҳашаротларнинг озлигидир. Шунинг учун бу хилдаги ўсимликлар ер ости илдизпояси, илдизтунуак, пиёзбошлар ёрдамида жуда ҳам тез кўпаяди ва кўплаб ёш ўсимликлар ўсиб чиқади (ландиш, қизилмия (ширинмия), лола ва бошқалар).

Вегетатив кўпайишнинг энг кўп тарқалган табиий усуллари қуидагилардир:

1. **Илдизпоя.** Талайгина кўп йиллик ўтчил ўсимликлар илдизпоялари ёрдамида вегетатив кўпаяди. Илдиз поялари калта ва бўғин оралиғи қисқа бўлган ўсимликларда (масалан, ажриқ, гумай, тоғрайхон, кийикут ва бошқалар) куртаклар бир-бирига яқин туради, шунинг учун ҳам ер усти новдалари гуж бўлиб чиқади. Илдизпоялари узун бўлган ўсимликларда куртаклар бир-биридан узоқ жойлашган, шу сабабли улардан чиқадиган ер усти новдалари тарқоқ ҳолда жойлашади (қамиш, қиёқ ва бошқалар).

2. **Тугунаклар.** Ўзбекистоннинг адир ва чўлларида ўсадиган зира (*Bunium persicum*), ҳашаки зира (қарғаоёқ) ва скорционера ўсимликлари илдизпоясининг ер остида қалинлаш (йўғонлаш)ган қисми тутунак деб аталади. Тугунакларда ўсимлик учун зарур озиқ моддалар тўпланади ва вегетатив кўпайиш вазифасини бажаради. Бундай кўпайишни картошка, топинамбур ва бошқа ўсимликларда кўриш мумкин. Бу хилдаги тугунаклар ер остида жойлашгани учун ер ости тугунаклар деб аталади.

3. **Пиёзбошлар** (бошпиёз). Ўрта Осиё чўл, адир ва тоғ ўсимликлари орасида лола, нарцисс, чучмўма, бойчечак, лилия (пиёзгул), пиёз кабилар пиёзбошлар билан кўпаяди. Баъзи ўсимликларда пиёз куртаклари барг кўлтиқлари ёки тўпгулларида ҳосил бўлади. Саримсоқ ва лилия сингари ўсимликларнинг пиёзи майда пиёзчалардан иборат, улар тўкилса, ундан янги ўсимлик ўсади. Баъзи ўсимликларнинг гулларида уруғ ўрнида кичкина баргли новдалар ҳосил бўлади ва кейинчалик она ўсимликтан узилиб илдиз чиқаради (масалан, қўнгирбош, 115-расм, б, Б). Бундай ўсимликлар болаловчи ўсимликлар деб аталади.

4. Илдизбачкилар вегетатив күпайишининг бир воситаси бўлиб, илдиздаги куртаклардан ўсиб чиқадиган қушимча бачки поядир (масалан, янтоқ, печак, какра, олхўри, терак, тол, қайрагоч ва бошқалар). Илдизбачкилар, қўшимча илдизлар нинг эндоген усул билан ҳосил бўлган куртакларидан ривожланади ва жуда қисқа муддат ичидаги катта майдонларни эгалайди.

Табиятда шундай ўсимликлар борки, улар бир неча хил вегетатив күпайиш хусусиятига эга. Масалан, адир ва қирларда ўсадиган газакўт илдизбачкилар, илдизпоя ва партекуляция воситасида кўпаяди (116-расм).

Маданий ўсимликларни табиий кўпайиш хусусиятларини ўрганиб, вегетатив кўпайтириш мумкин. Масалан, боф, парк ва скверларда экиладиган зийнатли, манзарали ўсимликларни илдизпоялари, илдизбачкилари ва тупларини бўлиш воситасида кўпайтириш мумкин. Лоладошлар (пиёздошлар) оиласининг кўпчилик вакиллари сунъий равишда пиёзбошлар, тугунаклар ёрдамида кўпайтирилади (масалан, пиёз, саримсоқ, лола, гулисумбул (тиицинт), илонгул (гладиолус) ва бошқалар.

Ўсимликларни қаламчалар воситасида кўпайтириш. Қаламча усули билан гул, мевали дараҳт ва токлар кўпайтирилади. Қаламча она организмидан ажратиб, шохчалари 20—40 см узунликда қирқиб олинган бўлакчалардан иборатdir.



116-расм. Кўнгирбош.

Қаламча, ўсимлик турига қараб, бир неча кун (тол, терак, чаканда), бир неча ҳафта ёки бир неча ойдан кейин илдиз олади. Қаламчаларда янги новдалар күлтиқ куртакларидан чиқади, құшимча куртаклар ҳосил бўлмайди.

Қаламчалар новдадан (тол, терак, смородина, чаканда, ток ва бошқалар) баргдан (масалан, begonias) ёки илдизпоядан (қоқи, малина) иборат бўлиши мумкин. Баъзи ўсимликлар (тол, терак) жуда ҳам осонлик билан илдиз чиқаради, аммо, айрим ўсимликлар (масалан, чаканда, атиргул) қийинчилик билан илдиз чиқаради. Шунинг учун ҳам бундай ўсимликларниң қаламчалари гетероауксин деган модда эритмасида (12—24 соат) ушланиб, уларнинг илдиз олишлари тезлаштирилади.

Кишлок ҳужалик амалиётида жуда кўп мевали ва манзарали ўсимликлар (дараҳт, бута ва ўтчил ўсимликлар) қаламчалар воситасида кўпайтирилади. Бу усул билан олинган



116-расм. Газакутнинг илдиз бачкилари билан купайиши.

ұсимлик, уруғдан күпайтирилган ұсимлика нисбатан тез ҳосилга кириб, нав хусусиятлари түлиқ сақланади.

Пархиш үсули билан күпайтириш. Бунда ұсимлик шохлары ёки новдалари (ток, самбитгүл) ёйсімін қилиб ерга әгілади ва новдасининг учи ердан чиқиб туралған қилиб тупроққа қымылади. Бир қанча вақтдан кейин новданинг ерга күмілган куртакларидан құшымча илдизлар ҳосил булади. Келгуси баҳор ёки кузда илдиз чиқарған пархишларни бошқа жойга күчириб үтказиш мүмкін.


Пайванд қилиш үсули билан ұсимликларни күпайтириш. Қийинчилік билан илдиз чиқарадиган, қаламча ва пархиш йүли билан күпаймайдыган, уруғлардан күпайғанда эса мураккаб гибрид бұлғанлығы учун айниб кетадиган, она ұсимлик навини бермайдыган мева дарахтлари пайванд қилиб күпайтирилади. Баъзан пайванд дарахтларнинг шохлари синиб, яланғоч булиб қолған жойларни тұлдириш ёки пастки қисми қисман заараланған дарахтни сақладаб қолиш мақсадида қилинади.

Пайванд пайвандланаётган ұсимликтің нав хусусиятіни мустаҳкамлаш ва сақлаш, хұжалик күрсаткічлары паст навларни сифатли, совуққа, зааркунанда ва касаллilikларға чидамли навлар билан алмаштириш, гуллаши ва мева туғишини тезлаштириш мақсадларыда құлланилади.


Пайванд деб бир ұсимлика иккінчи ұсимлик қалам-часи ёки куртагини улашга айтиласы. Пайванд қилинади-ган ұсимлик пайвандтаг, уланадигани пайвандуст деб атала迪. Бу үсул қишлоқ ұжалигыда, айникса мевачиликда әнг күп құлланилади.

Пайванднинг икки үсули (куртак пайванд ва қаламча пайванд)дан күп фойдаланилади.

Куртак пайванд ёки окулировка (лот. окулус — күз) июнь үрталаридан сентябрь үрталаригача үтказилади. Куртак пайванд учун күпинча ёз охирида тиним даврида бұлған, үша йили ҳосил бұлған ва келгуси йилда ұсадыған куртаклар, ҳосилга кирған ҳамда нав хусусияти яхши бұлған новдалардан олинади. Куртак пайванд қилишдан 3—4 кун олдин құчатзор сугорилади. Пайвандтаг илдиз бұғзидан 15—20 см (атиргүл) ёки бир метргача (тут) барча ён шохлар олиб ташланади. Пайвандтаг пүстілғи ёғочлик қисмігача 3 см узунликта “Т” шаклида пайванд пичоги би-



117-расм. Куртак пайванд: 1 — пайвандлаш учун куртаги олинадиган тайёр қаламча; 2—3 — куртакни бир оз ёғочлик қисми билан кесиб олиш; 4 — пайвандтагнинг пустлошини кесиш; 5—6 — куртакни ўрнатиши; 7 — боғлаш.



118-расм. Пайванднинг ҳар хил турлари: 1 — оддий қаламча пайванд; 2 — ён күндирма пайванд; 3 — ёрма пайванд.

лан тилинади, сўнгра бу жойга бир оз ёғочлик қисми билан кесиб олинган битта куртак ўрнатилади ва тут пустлоғи ёки пластер билан боғланади (117-расм, 6). Пайванд қилинган кўчатзор қондирив сугорилади. Уланган куртаклар 10—15 кунда тутади. Тутган куртакдаги барг банди сал тегилса, тушиб кетади. Пайванд тутмаган вақтда қайта пайвандланади. Пайванд тутиб кетгач, куртак уланган жойдан юқориси кесиб ташланади. Бу усулда асосан, тут, олхўри, атиргул пайвандланади.

Мевачиликда куртак пайванд усулидан ташқари найча пайванд ҳам қўлланилади.

Қаламча пайванд ёки копулировка (лот. копуляре — кўшиш, бириттириш), асосан баҳорда қўлланилади. Бу усулнинг бир қанча хиллари маълум. Масалан, оддий ва тилчали қаламча пайванд, кўндирма пайванд, исказа пайванд ва ҳ.к.

Оддий қаламча пайвандда пайвандтаг ва пайвандуст бир хил йўғонликда бўлиши керак. Пайвандтаг ҳам, пайвандуст ҳам бир-бирига мос келиб, зич қилиб пайвандланади,

кейин боғланиб боғ малҳами суртилади. Бу усул асосан, эрта баҳорда куртаклар ёзилгунча бажарилади (118-расм, 1, 2).


Одатда пайвандтаг пайвандустдан йўғонроқ бўлганда кўпинча кўндирма ва исказа (ёрма) пайванд қулланилади. Пайванд мустаҳкам бўлиши учун пайвандтаг юзи ҳар хил (тилча, эгарсимон) шаклда ўйилади ва шунга яраша пайвандуст кесиклар тайёрланади. Кесиклар пайвандтаг кесигига зич боғланади, боғ малҳами суртиб қўйилади (118-расм, 2). Исказа (ёрма) пайванд қулланилганда дараҳт ёки унинг шохи кўндаланг кесилади, кейин маҳсус пичноқ ёки исказа билан ўргасидан ёрилади. 3—4 куртакли қаламча ҳар икки томондан қаламча ўрнатилиб зич боғланади ва боғ малҳами суртилади (118-расм, 3). Бундай пайванд март — апрелда қилинади.

Пайвандтаг билан пайвандустнинг ўтказувчи система-лари бир-бирига мос келса пайванд тез ва яхши ўсиб кетади, ҳамда пайвандустга хос белгилар пайдо бўлади. Лекин шуни қайд қилиш лозимки, пайвандтаг илдиз тўқи-маларида ўзгаришлар содир бўлади. Шу ўзгаришлар пайвандустга таъсир кўрсатади. Шу сабабдан пайвандуст куртакларидан ҳосил бўлган шоҳ-шабба ва меваларда фақат пайвандустга хос хусусиятлар билан бир қаторда пай-вандтагга хос хусусиятлар ҳам намоён бўлади.

Кейинги йилларда фан ва техника тараққий этган, био-логия асрода, олимлар вегетатив кўпайишнинг янги клонал, яъни хужайра ёки тўқима (меристема, куртак апекси, муртак) ларини она ўсимлик танасидан ажратиб, маҳсус жиҳозланган лаборатория шароитида сунъий озиқа мод-даларда ўстириб янги ўсимлик ҳосил қилишга эришди-лар. Бу усул ижобий натижга бермоқда.

2-§. ЖИНСИЗ ВА ЖИНСИЙ КЎПАЙИШ

Жинссиз кўпайиш тубан ва юксак спорали ўсимлик-лар (сувутлар, замбуруглар, моҳлар ва папоротниклар)нинг ҳаётида учрайди. Жинссиз кўпайиш маҳсус хужайра спора ёки зооспора ёрдамида содир бўлади. Спора ва зооспора она хужайра ичига митоз ёки мейоз — редукцион (лот. ре — янгитдан: пр o д u к ц i o — маҳсулот) йул билан бўли-нади. Шунинг учун спора ва зооспоралар доимо гаплоид



119-расм. Ўсимликларда учрайдиган спорангий хиллари 1 — Мисог замбуурунинг бирхужайрали спорангийси; 2 — қирққулоқ (папоротник)нинг күпхужайрали спорангийси; 3 — етилган спораларнинг сочилиши; 4 — *Ulothrix* сувўтининг зооспорангий ва зооспоралари.

(юон. *хаплос* — оддий), яъни тоқ сонли хромосомага эга бўлади. Митоз йули билан ҳосил бўлган спораларни митоспора деб аталади. Спора, спорангий (юон. *анген* — най) маҳсус ҳалтacha ичидаги ҳосил бўлади. Спорангий бирхужайрали ва күпхужайрали бўлиши мумкин. Бирхужайрали спорангий тубан ўсимликларда, күпхужайрали спорангий юксак спорали ўсимликларда учрайди (119-расм, 1, 2, 3, 4). Ёш спорангий ичидаги битта ҳужайра (*тўқима*) мейоз йўл билан бўлинниб, споралар ҳосил қиласади. Споралар етилгандан кейин спорангий девори йиртилади ва ундан отилиб чиқсан енгил, жуда ҳам майда споралар шамол воситасида тарқалади. Нам ерга тушган спора ўсиб янги индивидга айланади.

Споралар баъзи сувўтлар (қизил сувўтлар), замбуурулар, юксак ўсимликлардан: йўсунлар, қирққулоқсимонлар (папоротниксимонлар) ва қирқбўғимсимонларда учрайди. Спора ёрдамида кўпайиш хусусиятига эга бўлган ўсимликлар спорали ўсимликлар деб аталади.

Сув шароитида ўсуви тубан ўсимликларнинг споралари хивчинли зооспора деб аталади. Зооспораларнинг устида қаттиқ пўст бўлмайди. У ҳаракатчан, унинг ҳаракати (1—2—4) баъзан кўп сонли хивчинлар ёрдамида содир

бұлади ва зооспорангий деб аталаған махсус ҳужайра ичіда етилади.

Зооспоралар етилгандан сұнг зооспорангий девори бүртиб, йиртилади ва зооспоралар сувга чиқып, сузіп бирор нарсага үрнашип, хивчинларини ташлаб үседи ва янги индивидга айланади.


Жинсий күпайиш. Тубан ривожланған үсимликларда жинсий күпайиш иккита ҳаракаттан жинсий ҳужайра гаметалар (юнон. жинсий ҳужайра) протоплазмаси ва ядроларининг бир-бири билан құшилиши, яъни копуляция (лот. к о п у л а ц и о — жуфтлашиш) натижасыда вужудға келади.

Күпчилик үсимликларда жинсий ҳужайра — гамета махсус ҳужайра гаметангий (юнон. а н г е й о н — най) да етилади. Тубан үсимликларда бирхужайрали, юксак үсимликларда күп ҳужайрали гаметангий тараққий этади. Гаметалар етилгандан сұнг гаметангий девори бүртиб йиртилади ва сувга чиқади. Сувда ҳар хил тупдан чиқсан гаметалар бир-бири билан учраса, улар құшилади ва зигота ҳосил қилади. Зигота ичіда аввало гаметаларнинг цитоплазмаси (протоплазмаси) құшилади, бунга плазмогамия деб аталағы, кейинчалик уларнинг ядролари құшилади — бунга кариогамия деб аталағы. Зигота тинчлик даврини үтгандан сұнг, унинг диплоид (юнон. д и п л о о с — құшалоқ) ядро-си редукцион (мейоз) бүлиніб, хромосомалар сони икки баробар камаяди. Шундан сұнг гаплоид давр бошланади.

Үсимликларда бир неча хил гаметалар бұлади, шунға күра бир неча хил жинсий күпайиш учрайди.

1. **Хологамия** (юнон. х о л о с — бутун; г а м е о — құйи-лиш) йұлы билан күпайиш баъзи бирхужайрали организмдерда масалан, дунамәлла деган сувүтида учрайди. Уларда махсус гаметалар бұлмайды, шунинг учун жинсий күпайиш бир-бирига үшаш вегетатив ҳужайраларининг құшилиши натижасыда содир бўлади.

2. **Изогамия** (юнон. и з о с — тенг, г а м е о — құшилиш) күпайишнинг энг содда шаклидир. (120-расм, 1). Жараён морфологик жиҳатдан фарқ қылмайдын ҳаракаттан гаметаларнинг бир-бири билан құшилишидан содир бўлади. Изогамия сувүтларда (хламидомонада, улотрикс, құнғир сувүтлардан фукус ва тубан замбуруғларда) куринади.



120-расм. Яшил сувўтларида жинсий кўпайишнинг хиллари: 1 — изогамия; 2 — гетерогамия; 3 — оогамия; 4 — *Fucus* деб аталадиган кўнгир сувўтида жинсий кўпайиш — оогамия.

3. Аизогамия ёки гетерогамия (юон. ανιζος — нотекис, тенгсиз; гетерос — турлича; гамео — қўшилиш), яъни шакли ҳар хил, бири кичикроқ ва серҳаракат, иккинчиси каттароқ ва суст ҳаракат қилувчи гаметаларнинг бир-бири билан қўшилишига аизогамия ёки гетерогамия деб аталади (120-расм, 2).

4. Оогамия (юон. οοн — тухум, гамео — қўшилиш, ҳосил бўлиш). Катта, ҳаракатсиз ургочи тухум ҳужайра билан ҳаракатчан кичик эркак жинсий ҳужайранинг қўшилишига оогамия деб аталади (120-расм, 3). Ҳаракатсиз йирик тухум ҳужайра озиқ моддаларга бой. Уни оогоний ёки ургочи гамета деб аталади. Иккинчи гамета, кичик, ҳаракатчан хивчинли бўлиб, битта йирик ядро ва цитоплазмадан иборат. Уни эркак гамета (120-расм, 3) ёки сперматозоид (юон. σπέρμα — уруғ) деб аталади. Эволюция жараёнида қўпчилик уруғли ўсимликларнинг эркак гаметалари хивчинларини йўқотган. Бундай эркак жинсий ҳужайра спермация деб аталади.

Тубан ўсимликларда тухум ҳужайранинг ҳосил бўладиган жойи оогония, уруғли ўсимликларда — архегония (юон. αρχε — бошланиш; гоне — яратиш, туғилиш) дейилади. Сперматозоид ёки сперма ҳосил қилувчи орган антеридий (юон. αντεροс — гулловчи) деб аталади.

Ядро давларининг алмашиниши. Жинсий кўпаядиган ҳар бир ўсимликнинг ҳаётида ядро давлари: гаплоид ва

диплоид даврлари галланади, яъни хужайранинг қўшилиши — копуляция этилиши натижасида хромосомаларнинг сони икки марта ортганини кўрамиз. Жинсий кўпайиш вақтида ядро ичидаги хромосомалар бир-бири билан қўшилмайди, аксинча хромосомалар сони икки баробар кўп (2 p) бўлади, бундай ядро диплоид ядро дейилади. Аксинча хромосомаларнинг сони икки баробар кам (n) бўлган гамета ядролари гаплоид деб аталади. Гаплоид ядронинг диплоид ядрога айланиши жинсий кўпайиш восита сида юзага келса, бунинг акси, диплоид ядронинг гаплоид ядрога айланиши, ядронинг редукцион бўлиниши натижасида тўртта гаплоид хромосомали хужайрада ҳосил бўлади.

Ўсимликлар ҳаётида редукцион бўлиниш (мейоз) ҳар хил булиши мумкин. Масалан, қўнғир сувўтларидан фукуснинг ҳар бир индивиди диплобионд бўлиб, унинг ҳар бир хужайраси диплоидли хромосомадан иборат. Фукус жинсий кўпайган вақтда талломининг учларида ранги очиқ — сарғиш, пушти шишлар юзага келади. Уларнинг ичи бўш бўлиб, рецептакул деб аталади. Кейинчалик унинг ичida 8 та тухум хужайра — оогония ва антеридийдан 64 та сперматозоид ривожланади. Сперматозоидлар тухум хужайра атрофими ўраб, уларнинг биттаси тухум хужайра билан қўшилади ва пировардида диплоид хромосомага эга бўлган зигота ҳосил бўлади. Зигота қалин пўст билан ўралиб ўсади ва янги диплоидли фукусга айланади. Диплоид миқдорида хромосомалари бор ўсимликлар диплобионт деб аталади.

Яшил сувўтларидан улотрикснинг ҳар бир яшил ипсимон индивиди гаплобионт бўлиб, ҳар бир хужайра ядрои гаплоид хромосомалардан иборат. Жинсий кўпайиш вақтида ҳар бир хужайра митоз йўл билан бўлинib, гаплоид гаметалар ҳосил қиласи. Гаметалар гаметагонийдан чиққач сувда ҳаракат қилиб, ҳар хил тубдан ажralиб чиқсан гаметалар билан учрашиб қолса, улар копуляция этилгандан сўнг тўрт хивчинли ҳаракатчан зигота (планазигота) ривожланади. Зигота қалин пўст билан ўралади ва тинчлик даврини ўтгандан сўнг, унинг диплоидли ядрои редукцион бўлиниди, пировардида тўртта гаплоид ядрога эга бўлган янги индивид ўсади.

Наслларнинг галланиши. Кўпинча тубан ва барча юксак ўсимликларда ядро даврларининг (гаплоид ва дипло-

ид) алмашиниши жуда ҳам мураккаб бўлган наслларнинг алмашиниши (гаплобионд ва диплобионд) билан боғлик. Бунда бир насл ривожланиши устун бўлиб, иккинчиси эса морфологик тузилиши ва хромосомаларнинг миқдори жиҳатидан ҳам, яшаш жиҳатидан ҳам камроқ такомиллашган бўлади.


Наслларнинг галланиши — организмнинг яшаш даврида икки хил насл пайдо бўлиши, яъни жинссиз ва жинсий кўпайиш билан боғланган. Жинссиз насл спорофит ва жинсий насл эса гаметофит деб аталади. Бу жараён билан ўрмонларда ўсуви папоротник (қирқулоқ) мисолида танишамиз.

Ўрмон қирқулоғи (*Dryopteris filix mas*, 117-расм) диплобионт. Унинг илдизи (ер усти пояси) ва барглари жинссиз насл — спорофит ҳисобланади, чунки ҳужайраларнинг ядроларида диплоид миқдорда хромосомалар бор. Баргларининг остида ёnlари бироз ботиқ ва жуда майда, думалоқ бандли спорангийлари бўлади. Спорангийлари тўп-тўп жойлашганлиги сабабли уларни сорус (юнон. сорос — тўп) деб аталади. Сорулар юпқа парда — индзиум билан қопланган.

Спорангий спорофилли (юнон. с о р а — ургуф, филлон-барг) ларнинг меристемаси (меристес — ажралувчи)дан ривожланади ва юмалоқ шаклда бўлади. Унинг юқори ҳужайрасидан археспорий тўқимаси ҳосил бўлади. Унинг ички парда — тапетум ҳужайраларининг бўлинишидан спороген тўқима вужудга келади. Бу тўқиманинг мейоз бўлинишидан тетраспора етилади.

Споралар етилгандан сўнг ички ҳужайралар ёки ва етилган споралар отилиб чиқади. Споралар икки қават пўст билан ўралган. Тащқи қавати қалин бўлиб экзина деб аталади. Бу қават спорани куриб қолишдан сақладайди. Споралар шамол ёрдамида тарқалади. Демак, мейоспора (тетраспора)лар қирқулоқнинг кўпайиши ва тарқалиши учун хизмат қиласди. Споралар ҳосил қилувчи ўсимликлар спорофит деб аталади. Спора ҳосил қилиш йўли билан кўпайишини — жинссиз кўпайиш дейилади.

Спора нам ерга тушгандан сўнг, унинг гаплоид ядроси митоз йўл билан бўлиниб ўсади ва майса (ўсимта) ҳосил қиласди. Майса ҳужайраларида хромосомалар гаплоид сон-



121-расм. Кирқкулоклардың жинсий күпайыш: 1 — спорофит — кирқкулокнинг умумий күршиши; 2 — спорангий ичидә соруслар; 3 — спорангийнинг очилиши; 4 — споранинг усиши; 5 — ўсимта; 6 — антеридий (а—ең антеридий, б—спрематозоидлар); 7 — архегоний (а—ең, б — стиглан архегоний); 8 — ривожланастган сш спорофит кирқкулок; я — тұхымжұйра; брк — қорин каналасы хужайраси; шк — бүйін канал хужайралари.

да, ташқи күриниши жиҳатидан диплобионд (спорофит) дан кескин фарқ қиласи. Майса хлорофилла бой, күп жайрали, юраксимон, шохланмаган шаклда бўлиб, ризоидлари ёрдамида ерга бирикб мустақил ўсади (121-расм, 5).

Ўсимтанинг пастки томонида гаметангий тараққий этади, унда аввало антеридий, кейин архегоний ҳосил бўлади (121-расм, 6, 7). Антеридий ва архегоний хужайралари митоз йўл билан бўлинади. Антеридийдан сперматазоид, архегонийдан эса тухум хужайра етилади. Демак, ўсимта қирқулоқнинг жинсий насли бўлиб, гаметофитdir.

Қирқулоқнинг антеридийси думалоқ, девори бир қават хужайрадан иборат. Унинг ичидаги сперматоген хужайралари бўлади. Сперматоген хужайралардан учидаги бир тутам хивчинларга эга бўлган сперматазоид етилади ва сувда ҳаракат қилиб архегонийга тушади.

Архегоний шакли колбага ухшаш, унинг қорин қисми ўсимтага ботган, буйинчалиги ташқарига чиқиб туради. Қорин қисмидаги тухум хужайра, устида эса канал хужайраси буйинча бор. Улар бир-бири билан қўшилиб кетади. Архегоний етилганда буйинчадан шишимшиқ модда чиқиб, сувга қўшилади ва ундаги сперматозоидларни ўзига жалб этади. Архегоний ичига кирган сперматозоидлардан биттаси тухумхужайра билан қўшилиб, уни уруғлантиради. Уруғланиш натижасида ҳосил бўлган диплоид зигота ўша заҳотиёқ митоз бўлинниб, спорофит насл берувчи муртак (эмбрион) такомиллашади. Муртак аввалига ўсимта ҳисобидан озиқланади, кейинчалик илдиз, ер ости поя ва барг чиқаргандан сўнг ўсимта курийди.

Юқоридаги мисолдан кўринадики, қирқулоқларда ядро давларини алмасинишидан ташқари, уларда насллар ҳам галланади: яъни спорофит жинсиз кўнайишда иштирок этувчи споралар диплоид сонли хромосомалардан иборат бўлиб, уларнинг ўсишидан жинсий органлар (антеридий ва архегоний) гаплоид сонли хромосомаларга эга бўлган жинсий насл гаметофит галланади. Бироқ, спорофит ва гаметофит ташқи кўриниши жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қиласи.

Спорофит кўпийиллик ва тамомила мустақил равищада ер устида ўсади. Гаметофит эса кичкина дифференция-


лашмаган талломдан иборат. У сув шароитида ўсишга мослашган, лекин узоқ ўсмайди. Спорофит мейоспоралар, гаметофит эса гаметалар воситасида насл қолдиради. Наслларнинг бундай галланишига гетероморф (юон. гетерос — ҳар хил; морфе — шакл) галланиш дейилади.

Ўсимликларнинг уруғлар ёрдамида кўпайиши. Уруғлар ёрдамида кўпайиш очиқ уруғли ва ёпиқ уруғли ўсимликларга хос. Уларда уруғлар янгиланиш, кўпайиш ва тарқалиш органи бўлиб хизмат қиласиди. Уруғлар кўп миқдорда ҳосил булади, тарқалади ва улардан яна ўшандай ўсимликлар вужудга келади. Бундай ўсимликларда наслларнинг галланиши деярли бутунлай ниқобланган. Уруғли ўсимликлар куруқликка мослашган бўлиб, гаметаларнинг ҳаракатланиши учун сувнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун уларда чангланиш жараёни юзага келган. Уруғли ўсимликларнинг гаметофити (айниқса ургочиси) мустақил ҳаёт кечиролмайди, улар фақат спорофитнинг ҳисобига яшайдилар. Спорофит ўсимлика микро ва мегаспорангийлар, уларнинг ичига эса мейоспоралар етилади. Микро ва мегаспоралар микро ва мегаспорангийлар ичидан ташқарига чиқмасдан ўсиб, гаметофитларни ҳосил қиласиди.

Уруғ, уруғкуртакдан, ёки уруғмуртакдан шаклланади. Уруғкуртак — шакли ўзгарган мегаспорангий бўлиб: унинг ичига ургочи гаметофит ривожланади; уруғланишдан кейин ҳосил бўлган зиготадан янги спорофит ўсимликтининг муртаги шаклланади. Уруғланишдан кейин яна шу уруғмуртак уругга айланади.

Очиқ уруғли ўсимликларнинг тараққиёт даврлари ва уруғ ёрдамида кўпайиши. Бу жараённи оддий қарағай (*Pinus sylvestris*) мисолида кўриш мумкин (122-расм.) Баланд бўйли, ёруғсевар, доимо яшил ўсимлик. Улар бир уйли ўсимликлардир. Бир ўсимликнинг ўзида эркак ва ургочи гуддалари ҳосил бўлади. Эркак гуддаларнинг ранги сарғиш ва йирик бошоқларга бириккан. Ҳар бир кичик гудда ўртасида ўқи бўлиб, унга спирал шаклида микроспорофиллар ёпишиб туради. Кўнинча эркак гуддани микростробиллар деб ҳам юритилади.

Микроспорофиллар кичкина юпқа барглар кўрининшида бўлиб, ташки қирғоги сал юқорига қайрилган. Унинг пастки томонида микроспорангийлар жойлашган. Одатда ҳар бир микроспорофиллда иккитадан микроспорангий-



122-расм. Одай қерәған: 1 — Спорофит новла ҳосил булған чангчи ва урүчи қуббалар, 2 — узунасига кесилған урүчи қубба; 3 — тангача (қипик)лар билән үраллан уругкүртак, 4 — узунасига кесилған уругкүртак; 5 — чангчи қубба; 6 — микроспорангий; 7 — чанг; 8 — узунасига кесилған уруғ; 9 — тангача (қипик) билан үралған иккита уруғ.

лар ўрин олади. Микроспорангийлар ичилә микроспоралардан чанглар етилави. Чанглар етилгандан сүнг ми-

роспорангий ёрилади ва чанглар шамол ёрдамида тарқалади.

Чант доначасининг икки қават пўсти бўлиб, ташқи — қалинроқ қисмига — экзина, ички пўсти юпқароғига — интина деб аталали. Экзина қавати бўртиб, интинадан ажралади ва иккита ҳаво халтачаларини ҳосил қиласи. Улар чангнинг ҳаво ёрдамида тарқалишига имкон беради. Ҳар бир чанг доначаси ичилади иккита ҳужайра мавжуд: вегетатив ва антеридал ҳужайралар. Вегетатив ҳужайра йирик бўлиб, чангнинг ичини деярли тўллириб туради. Антеридал ҳужайра майда ва ундан, кейинчалик иккита эркак гаметалар — спермийлар ҳосил бўлади. Спермийларда хивчин бўлмайди ва улар ҳаракатланмайди. Икки ҳужайралари мана шу чанг донаси эркак ўсимта ҳисобланади.

Ургочи ғулдалар новла учларида ҳосил бўлади. Новдаларнинг ўртасида ўки бўлиб, унга спирал шаклида тангачалар бирикиб туради. Уларнинг қўлтиғида эса уруғ тангачалари етилади. Ҳар бир тангачанинг асосида иккитадан йирик уруғмуртаклар (мегаспорангийлар) жойлашади. Уруғмуртакнигт ташқи қобиги интигумент (лот. интегументум — қоплам, қобик) лейилади. Ана шу қоплам остида нүцеллус (лот. нукс, нукис — ядро, ёнфоқ) жойлашади.

Уруғмуртакнинг учидаги интегумент қўшилмайди ва кичкинагина тирқиши, яъни микропиле (юони. м и к р о с — кичик, п и л е — кириш жойи. эшик)ни ҳосил қиласи. Микропиле орқали чанг ичкарига киради.

Нүцеллуснинг йирик ҳужайраси (археспорий) редукцион бўлинниб, устма-уст жойлашган тўртта гаплоид ҳужайраларнинг мегаспоралари ҳосил қиласи. Юқоридаги учта ҳужайра нобуд бўлиб, энг остидагиси йириклишиб бўлинади ва ургочи гаметофит шаклланади. Ургочи гаметофитнинг учки қисмидаги редукцияга учраган иккита архегоний жойлашади. Архегонийлар ичидаги йирик тухум ҳужайралар етилади.

Икки ҳужайралари чанглар — эркак гаметофитлар ургочи ғулданнинг уруғ тангачаларига бориб тушганда чангланиш содир бўлади. Чанг уруғмуртакда ўса бошлайди ва унинг ичкарисига киради. Вегетатив ҳужайра чанг найчасини ҳосил қиласи. Чанг найчаси нүцеллусдан ўтиб архе-

гонийга киради. Чанг найчаси орқали антеридиал хужайра ўтади ва у бўлинниб 2 та спермийни ҳосил қиласди. Уруғланиш жараёнида тухум хужайра спермийнинг биттаси билан қўшилади, иккинчи спермий нобуд бўлади. Ҳосил бўлган диплоид зиготадан муртак шаклланади. Муртак — муртак илдизча, пояча, баргча ва куртакчадан иборат.

Уруғланишдан сўнг уруғмуртакдан қалин пўстга ўралган уруғ ҳосил бўлади. Уруғ пўсти интегументдан ҳосил бўлади, нуцеллуснинг қолган қисми эндоспермни ўраб туради. Эндосперм ичидаги уруғнинг муртаги, яъни ёш спорофит жойлашади. Уруғлар шаклланиши даврида урғочи ғуддалар ўсиб катталашади, уруғ тангачалари куриб жигаррангга киради. Уруғлар ғуддалардан эркин ажралиб тарқалади. Қулай шароитда улар униб, йирик ўсимликлар (спорофитлар)ни ҳосил қиласди.

8-б о б

ГУЛЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ КЎПАЙИШИ

1-§. ГУЛ

Гул тўғрисида умумий тушунча. Гул ёпиқ уруғли ёки гулли ўсимликларнинг репродуктив (лот. ре — янгидан+продукцио — ҳосил қилиш) органи ҳисобланади. Гулли ёки ёпиқ уруғли ўсимликлар мезозой эрасининг бўр даврининг ўрталарида, Осиё қитъасининг жанубий шарқий қисмидаги жойлашган Ангара ерида пайдо бўлган ва жуда тезлик билан Ер юзининг ҳамма қитъаларида тарқалган. Бу нинабаргли (очик уруғли) ўсимликларни борган сари ер юзидан сиқиб чиқариб, хукмрон булиб олган.

Ёпиқ уруғли ўсимликлар бошқа ўсимликларда мураккаб тузилган генератив (лот. генераре — ҳосил булиш, яратилиш) органлари билан фарқ қиласди. Ёпиқ уруғли ўсимликлар мевали барглари (мегоспорофиллари)нинг четлари бир-бири билан қўшилиб, бир ёки бир неча түгунча ҳосил қиласди. Шу түгунча ичидаги битта ёки бир нечта уруғкуртаклар (мегоспорангийлар) бўлади. Түгунча уруғкуртакни қуришидан ва ҳар хил омиллар таъсиридан сақлаб қолиш учун хизмат қиласди.

Уруғланишдан кейин шаклланган — ўзгарган уруғчи ва түгунчадан мева, уруғкуртакдан эса уруғ ҳосил бўлади. Бундай орган фақат ёпиқ уруғли ўсимликларга хосdir.


Ёпиқ уруғли ўсимликларнинг хусусиятли белгиларидан яна бири шундан иборатки, уруғкуртаклар гул тугуни ичидаги бўлганлиги сабабли, уларга очик уруғлилардагига ўхшаб чанглар тўғридан-тўғри келиб тушолмайди. Чанглар одатда, ёпишқоқ суюқлик чиқарадиган оғизчага турли йўл билан келиб тушади ва пировардида чангланиш рўй беради. Чангланиш эса ҳар хил усул билан (шамол, ҳашаротлар, қушлар, сув ёрдамида) содир бўлади.

Епиқ уруғли ўсимликларнинг энг муҳим белгилардан бири у ҳам бўлса, қўшалоқ уруғланишидир. Бу ҳодисани 1898 йили С. Г. Навашин аниқлаган. Қўшалоқ уруғлаччи шундан иборатки, чанг уруғчининг гумшуқласига тушгандан сунг ўсиб, унинг ядроси иккита бўлинади ва ҳоси бўлган сперма ядро уруғмуртакнинг иккиласми ядроси билан кўшилиб ундан учламчи тўқима — эндосперма тараққий этади.

Епиқ уруғли ўсимликларнинг гули ўулқурғон ёки гулқеплағичларга эга булиб, гулни ҳимоя этиш вазифасини баҳаради.

Гул — шакли ўзгарган — метаморфозлашган, қисқарган новла булиб, одатда новданинг апикал (ўқ; учид) ва ён новла ҳамда шохчаларнинг меристема ҳускайраларидан юзага келади. Гул ихтисослашган генератив орган ҳисобланади. Гулда жинсий жараён — спорогенез ва гаметогенез содир булади. Гул ўқи (қисқарган новла) ёки гул ўрни торус (лот. torus — жой, ўрин) деб аталади. Гул ўрни бирмунча ясси (пион, айқтовон, малина — хўжагат ва бошқаларда), конуссимон (наъматакда), бетик (олхури, олчада) бўлади (123-расм). Гул ўрнида гулчинг ҳамма қисмлари: гулкоса, гултожи, чангчи, уруғчилар ўрчашади. Гул ўрни тагида гулни ушлаб турувчи гул банди ёки даста бўлади. Агар гул банди тараққий этмасдан көлса, ундан гул бандсиз гул ёки ўтсоқ гул деб аталади. Гул банди ёки гул даста остида иккипаллали ўсимликларда иккита, бир паллали ўсимликларда битта гул олди баргча бўлади. Гул олди баргчаларнинг бўлиши ёки бўлмаслиги систематикада сила, туркум ёки турларга хос муҳим белгидир.

Новданинг ёнида жойлашган гулларда гулчинг қоплевчи баргга қараган томони олдинги ёки пастки ёки абаксиал (лот. аб — дан, аксиал — ўқ) деб аталади. Новда ўқига қараган қарама-қарши



123-расм. Гул ўрни: 1 — пион гулчинг ясси гул ўрни; 2 — айқтовоннинг бўртиб чиқсан гул ўрни; 3 — чўптанганинг ўйилгани гул ўрни (ҳамма гуллар узунасига кесиб кўрсетилган).

томони орқа ёки устки бўлса **адаксиал** (лот. а д — га — би-
рор нарсага қараб бориш) деб аталади. Новданинг гул чиқ-
қан ўқи, гул ўртаси ва қопловчи баргнинг марказий томо-
ни орқали ўтган тик текислик ўрта медиан (лот. м е д и -
а н с — ўрта) деб аталади. Ўрта текисликка тўғри бурчак
остида жойлашган ва новда ўқи орқали ўтадиган текислик
кўндаланг трансверсал (лот. т р а н с в е р с а л и с — кўнда-
ланг) текислик деб аталади. Текислик гул симметриясида
яқъол кўринади. Масалан, гулнинг бирор ўқидан фақат
иккита симметрия ўтказилса, уни **биссимметрия** (лот.
б и с — икки, с и м м е т р и я — тенг) ёки **билатераль** (лот.
л а т е р а л и с — ён томон) деб аталади. Бундан ташқари
тўғри ёки актиноморф, нотўғри ёки зигоморф ва ассимет-
рик гуллар ҳам учрайди.

Косача билан гултоҷларнинг иккаласи биргаликда гул
қўргонини ташкил этади. Гул қўргонининг бўлиши ёки
бўлмаслиги ва унинг тузилишига қараб гул тўрт хил бў-
лади.

1. Агар гулқўрғон бир хил оддий косачасимон ёки тож-
симон бўлиб, гул ўрнида навбатлашиб жойлашса (магно-
лия, купальница, лилиядা) — гомохламид гул деб аталади.

2. Гулқўрғони мураккаб (қушалоқ) косача билан тожга
ажралган (чиннигул, нут, ўрик, олма ва бошқаларда) бўлса,
гетерохламид гул деб аталади.

3. Гулқўрғони бир қатор ва фақат косачасимон (газанда,
қайраоч, олабутада) бўлса — **гаплохламид** гул деб аталади.

4. Гулқўрғони бўлмаган ва фақат спорофиллар (андро-
цей чангчилар, геницей — уруғчилар)дан юзага келган гул-
лар — **ахламид** ёки очиқ (қоплагичсиз) гуллар деб аталади.

2-§. ГУЛНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Ёпиқ уруғли ўсимликларнинг гуллари турли-туман
шаклда бўлиб, очиқ уруғли ўсимликларнинг гулидан кес-
кин фарқ қиласи. Гулнинг келиб чиқиши тўғрисидаги
масала кўпинча олимларни қизиқтиради. Бу соҳада кенг
тарқалган учта назария бор.


Псевдант (юонон. π σενδος — сохта, α ντος — гул) на-
зарияси. Бу назарияни австралийлик ботаник — морфолог,

систематик, ботаник-географ олим — профессор Рихард Ветштейн яратган. Унинг фикрича, ёпиқ уруғли ўсимликларнинг икки жинсли гули очиқ уруғли ўсимликлар (гетумсисимонлар синфи)нинг кўпгина содда тузилган бир жинсли чангчи ва уруғчи гулларнинг тұламидан “тұпгүл” юзага келган. Уруғилар (мегаспорофиллар) марказга жойлашган. Улар мевали барглардан ҳосил бўлган, чангчи гулларнинг қоплагич барглари гулқурғонни ҳосил қилган. Кейинчалик баъзи чангчилар тожбаргларга айланган. Бу назарияга мувофиқ, ёпиқ уруғли ўсимликлар шамол ёрдамида чангланадиган майдада-майдада кўримсиз қоплагичсиз гулларга эга бўлган (қайниндошлар, буқдошлар, қайрагочдошлар ва бошқалар)да гул бир уйли, бир жинсли бўлиб, очиқ уруғиларнинг стробилиларини (юонон. стробилис — фудда) эслатади. Очиқ уруғли ўсимликлардан эфедранинг стробили бўғимларда жойлашган. Улар қисқа ўқдан иборат, бу ўқларга 2—8 тагача тангачага ўхшаган барглар қарама-қарши ўрнашган бўлади. Бу тангачалардан юқорида жойлашган бир неча микростробил бўлади. Ҳар бир микростробил барг — ўзида айрим бир гул бўлиб, антерофора ёки чангчи гул деб аталади. Антерофора 2—8 та ёки учхонали чангдондан иборат бўлади (124-расм, 2). Антерофор икки чангчининг ўсишидан тараққий этади.

Ветштейннинг тахминига биноан ёпиқ уруғли ўсимликлар гулининг ривожланиши уч хил босқичдан иборат. Биринчидан, эркак “тұпгүл” — чангчилар тараққий этган: ривожланишнинг иккинчи босқичида чангчилар сони ортиб борган ва гул ён барглари атрофида жойлашган. Учинчи босқичида чангчилардан уруғчи, гулёнбарглардан косача барглар тараққий этган. Ветштейн фикрича тараққиётнинг учинчи босқичида эркак “тұпгүл” икки жинсли гулга айланган.

Бу назарияни ҳозирги вақтда олимлар маъқуллашмайди, шунинг учун псевдант назария фақат тарихий аҳамиятга эга.

Стробиляр назария. Уиланда деган олим 1906-йили бенетитлар деган ўсимликларнинг қолдиқларини топади. Бу ўсимликлар мезозой эрасининг очиқ уруғли ўсимликларига мансуб бўлиб, эволюция жараёнида бутунлай йуқолиб кетган.



124-расм. Гулнинг келиб чиқиш тасвири: 1 — эфедранинг микростробиллари; 2 — алоҳида микростробил; 3 — микростробилнинг диаграммаси; 4 — каузариннинг чангчи гул диаграммаси; 5 — гултожбаргларнинг ҳосил бўлиши; 6—8 мегастробиллардан эфедра уруғчи гулларининг ҳосил бўлиши; 9 — гулни ўраб турувчи пардача; 10 — гултожбарг, 11 — косачабарг.

Беннетитлар очиқ уруғли дарахтсimon ўсимликларнинг бир қабиласи бўлиб, гуллари икки жинсли. Улар ташқи қиёфаси жиҳатидан пальмаларга, айниқса ҳозирги вақтда ўсовчичаговникларга яқин. Лекин, саговникларда стробиллари икки уйли. Беннетитномаларда микроспорофилл ва макроспорофиллари битта фудда (стробилус)га тұпладанды. Микроспорофиллари патсимон (125-расм), улар бир-бiri билан ўсиб, туташиб анча мураккаб бўлган **микросинангиги** ҳосил қиласди. Макроспорофиллари уруғкүртакли

бўлиб, марказий ўринни эгаллади. Уруқуртакдан етишадиган уруғлар икки паллали бўлади.

Беннетитномаларда стробилларнинг икки жинслилигини ҳисобга олиб, баъзи олимлар, эҳтимол улар кўпмевалиларнинг асоси бўлгандир, деб тахмин қиласидилар.

Арбер ва Паркин беннетитларнинг гул тузилишини ўрганиб содда ва йирик икки жинсли стробилларни проантостробил деб эуапций (юон. эу — асл, антос — гул) деган назарияни ишлаб чиқдилар. Бу назарияни кўпчилик олимлар қўллаб-қувватладилар. Проантостробилнинг ўқи (гул ўрни)да узун-узун бўлган сони ноанік, бир-бирига бирикмаган бир талай микроспорофиллар ва мегаспорофиллар жойлашган (126-расм).

125-расм. *Cycadeoidea dacotensis* — беннетит стробилининг узунасига кесиб реставрация қилинган тули.

айтадилар ва стробиляр ёки (юон. эу — асл, антос — гул) деган назарияни ишлаб чиқдилар. Бу назарияни кўпчилик олимлар қўллаб-қувватладилар. Проантостробилнинг ўқи (гул ўрни)да узун-узун бўлган сони ноанік, бир-бирига бирикмаган бир талай микроспорофиллар ва мегаспорофиллар жойлашган (126-расм).

Расмдан кўринадики, проантостробил ёпиқ уруғли ўсимликларнинг гулидан микро ва мегаспорофилларнинг тузилиши жиҳатидан кескин фарқ қиласиди. Биринчидан,

уларнинг микроспорофилларида жуда кўп миқдорда микроспоралар етилади. Иккинчидан, гинецейи шакл ва тузилиши жиҳатидан ёпиқ уруғли ўсимликларнинг гинецейига ўхшамайди. Проантостробилнинг гинецейи очик меваҷабарг-



126-расм. Проантостробил; *n* — парда; *m* — микроспорофиллар, *meg* — мегаспорофиллар.

жардан ташкил топган бўлиб, учларида бирқанча уруғкуртаклари бўлган.

Бу назарияга мувофиқ проантстробилнинг кейинги эволюциясида микроспорофиллар ва микроспорангийларнинг сони камайиб тўрттагача сақланиб қолган. Уруғкортак атрофидаги мегаспорофилларнинг четлари бир-бири билан бирикӣ ёпиқ мевачабаргларни юзага келтирган, улар чангни ушлашга мослашиб **автостробил**, яъни стробилга ўҳшаш гул ривожланган.

Ҳозирги ёпиқ уруғли ўсимликлар орасида гули содда ва мураккаб тузилган ўсимликлар ҳам учрайди. Бу ҳодисага **гетеробатмия** деб аталади.

Ёпиқ уруғли ўсимликлардан гулли содда тузилган магнолиялilar бир палладиларга жуда яқин туради.

Гулларнинг формулалари ва диаграммалари. Гул тузилишини қисқа ва шартли белгилар билан ифодалашга гул формуласи (лот. **формулa** — шакл, маълум қоида) деб аталади. Гул формуласини тузишда гул симметрияси, доира сони, ундаги аъзоларнинг миқдори, устки ва пастки гул тугуниги нецей аъзоларини ифодаловчи рақамлар ёзилади.

Кўпинча гул формуласини ёзишда қўйидаги белгилар ишлатилади: Ⓢ — спирал гул; Ж — актиноморф ёки тўғри гул; Х — икки томонлама симметрияли гул; ↑, ёки ↓ зигоморф; И — ассимметрик; Р — оддий гулкўрғон; К — ко-сача; С — тожгул (лот. *Corolla* — тожгул); А — чангчилар (Андроцей); G — уруғчи (гинецей). Агар гулнинг бирор органи бир неча қатор бўлса “+” белгиси билан белгиланади. Масалан $A_{10} + 10 + 5$; туташиб ўсан гул бўлаклари одатда қавс ичига олиниб $C_{(5)}$, туташмаган ҳолдаги гул бўлаклари эса қавссиз ёзилади. Гул қисмлари нотайин бўлса чексизлик белгиси ~ билан белгиланади. Тугунчаларнинг ўрнини ифодаловчи рақам ости чизик билан (масалан, остки тугунча \bar{G} , устки тугунча G) белгиланади.

Гулларнинг формуласи: масалан; нилуфар,

пиёзгулда: * $P_3 + A_3 + 3$ (3)

Телом назариясининг асосчиси немис ботаниги Циммерман ҳисобланади. Бу назария тарафдорлари гулнинг



127-расм. Псилофит риния (*Rhynia major*) (1) ва телом типидан папоротник (қирққулоқ)ларда спорофилларнинг ривожланиши (2—5): с — спорангий; Р — ризомоид.

келиб чиқиши түғрисидаги эски классик морфология асосчиси В. Гете томонидан търифланган “гул метаморфозага учраган баргли новда бўлиб, гул ўрнидан ташқари ҳамма аъзолари (косача, гултож, чангчи ва уругчилар) шакли ўзгарган (метаморфозага учраган) барглардан иборат” деган фикрни ва кейинчалик фолиар (лот. фолиарис — баргли) деб номланган назарияни инкор этади. Бунга асосий сабаб, 1917—1920 йилларда янгитдан топилган ўсимликлар — псилофит ёки риниофит деб аталадиган дастлабки сувдан чиқиб куруқликка мослашган ўсимликларни текширишга асосланади.

Псилофилларнинг энг содда тузилган вакили — Риниядир. (127-расм, 1). Унинг танаси баргсиз, илдизсиз цилиндрик ўқдан иборат бўлиб, телом деб аталади. Теломнинг учидаги спорангийлар етилади.

Телом назариясига биноан, юксак даражали ўсимликларнинг ҳамма органлари дихотомик шохланган теломдан пайдо бўлади деган фаразлар ҳали бор. Эволюция давомида теломлар бир текисликда бир-бири билан қушилиб, стериль (лот. стерилис — наслсиз, мевасиз) ва фертиль (фертилис — серҳосил, унумдор) синтеломларга айланган. Кейинчалик стериль синтеломлар дифференциялиниб барг ва новда ўқига, фертильсиз теломлар эса спорофилларга айланган.

Циммерманнинг фикрича, гулнинг ҳосил бўлиши вегетатив органларнинг ҳосил бўлиши билан параллель борган. Филогенетик нуқтаи назардан қараганда, масала шутариқа кўйилса, барг билан поя ўртасида фарқ бўлмайди.

Демак, эволюция жараёнида теломларнинг дифференцияланишидан всегетатив ва генератив органлар пайдо бўлади. Гулнинг келиб чиқиши тўғрисидаги Циммерманнинг бу фикри стробиляр назарияга ёндошади. Юқорида баён этилган фикрига биноан, қадимги очиқ уруғли ўсимликларнинг авлодларида масалан, қирққулоқсимонларда вегетатив барг ва спорофил 127-расмда кўрсатилгандек, эволюция жараёнида ўзгариб борган.

Ҳозиргӣ морфологлар гулнинг мевачи баргларини очиқ уруғли ўсимликларнинг мегаспорофилли (юонон. м е г а с - спорофилон – барг)дан тараққий этган деб тасдиқлайдилар. Лекин биология нуқтаи назаридан гул очиқ уруғли ўсимликларнинг гулидан кескин фарқ қиласди. Бинобарин, гул морфологик жиҳатдан стробилнинг эволюция даврида кўп ўзгарган шакли бўлиб, қисқарган новдадир. Стробилни ўзгаришидан ҳосил бўлган ва содда тузилган гулларни магнолиядошлар, айиқтовондошлар, пионгулдошлар ва бошқа оила вакилларида кўриш мумкин.

Кейинги йилларда гул тўғрисида кенг тарқалган ва юқорида баён этилган назариялардан ташқари ҳар хил назариялар пайдо бўла бошлади. Жумладан, асримизнинг 30-йилларида инглиз олимаси Миссис Сандерс мева баргчаларининг полиморфизми (кўп шаклини), Р. Медвилла эса генофил деган назарияни эълон қилишди. Холоса қилиб айтиш керакки, гулнинг келиб чиқиши тўғрисида ги муаммо ҳозиргача тўлиқ ҳал этилгани йўқ.

3-§. ТЎПГУЛЛАР

Тўпгулларнинг умумий таърифи. Ёпиқ уруғли ўсимликларнинг новдалари шаклан ўзгариб гул чиқарган шохчаларга айланади, бундай шохчалар тўпгуллар деб аталади. Тўпгунинг ўртасида вегетатив барг бўлмайди.

Новда гул ҳосил қилишдан олдин, унинг учки мерисистема ҳужайралари тез ўсиб ўз шаклини ўзгартиради ва

бошланғич гул ҳосил қиласы. Күпчилик үсимликларда масалан, бузина, сирень, гиацинт ва бошқаларда тұпгүл куртакнинг ичидә ривожланады. Куртак очилғандан кейин тұпгүл бүғинларга ажралиб аниқ күринады. Күпинча новданинг учларидаги апекал меристемаси гулга айланады, шунинг учун бундай новдалар үсмасдан қолады. Гуллаб мева ҳосил қилғандан кейин тұпгүл ва унинг қисмлары үсимликтен тушиб кетады.

Тұпгуллар ёпик уруғлы үсимликларнинг эволюцияси жараёнида барг чиқарған гуллар новдадан вужудға келади.

Тұпгулнинг ёндош (қоплағич) баргчалары яхши ривожланған бұлса ва барг яшил рангда бұлса франдоз (лот. фрондис — яшил барг) тұпгүл деб аталади (бинафша, функция, тизимгүл-вербейник ва бошқалар). Тұпгулдағат гулолди қоплағич барглар бұлса брактеоз тұпгүл деб аталади (ландыш, сирень, олхұры ва бошқалар). Баъзи тұпгулларда ҳеч қандай барглар бұлмайды. Улар эбректеоз деб аталади (ёввойи турп, жағжағ ва бошқа буттүрдешілдер). Булар орасыда бошқа хиллари ҳам учрайди.

Тұпгуллар шохлаши натижасыда улардаги гуллар сони күпаяди ва ҳашаротларни узоқдан үзиге жалб қиласы. Тұпгулдар гуллар бирданиң очилмасдан бириң-кетин очилады, бу ҳам четдан chanгlaniшта имкон яратади. Тұпгуллар шамол ёрдамида (кучалалар, бошоқ, шингил) chanгlaniшады.

Тұпгулларнинг биологик аҳамияти шундан иборатки, пластик материал кам сарф этиладиган майда гуллар тұпгулға тұпланиб, ҳашаротларға узоқдан яхши күринади (соябонгүлдошлар, мураккаб гүлдошлар ва бошқа үсимликларда) ва четдан chanгlaniшни тезлаштиради. Шамол ёрдамида chanгlaniувчи үсимликларнинг тұпгуллари ён баргчалар билан туташмайды. Бу эса chanгnии шамол ёрдамида тарқалишига күмаклашади.

Эволюция жараёнида новда учи ва ёнида якка-якка булиб жойлашған гуллардан тұпгуллар келиб чиқсан. Новдада якка-якка жой олган гулларға магнолия, күкнор, лола, пион ва бошқа үсимлик гуллари мисол бұла олади. Аксарият үсимликларда гуллар бевосита бир-бириңнинг ёнига бир нечтадан булиб тұпланды (хурмо дарахти, агава ва бошқаларда). Тропик үрмөнларда үсуви какао дарахтида

түпгуллар поя ва йўғон новдаларда осилган ҳолда жойлашади. Бу ҳодисага **каулифлория** (лот. каулос — поя, флорео — гулламоқ) деб аталади.

Тўпгулларнинг морфологик хусусиятлари. Тўпгулларни аниқлашса улардаги баъзи муҳим белгилар ҳисобга олинади.

Масалан, новданинг ўсиш хусусиятига қараб моноподиал ва симподиал тўпгулларга ажратилади:

1. Моноподиал тўпгулларда новданинг шохланиши апекал меристемасидан ҳосил бўлади ва учки гул энг кеин очилади. Бундай тўпгуллар моноподиал, **рацемоз** (лот. рецемоз — шингил, гул ўқи) ёки **ботрик** (юон. ботрис — шингил) тўпгул деб аталади. Моноподиал ёки ботрик тўпгул нотекис гуллайди, яъни гуллари кетма-кет пастан юқорига қараб очилиб боради, учки гуллари ҳаммадан кейин очилади (жаф-жаф, иван чой, лагохилус-кўкпранг ва бошқалар).

2. Симподиал ёки сохта дихотомик шохланишга эга бўлган тўпгуллар **цимоз** (юон. цюма — тўлқин) тўшгул деб аталади. Бундай тўпгулнинг новда уни гул билан туғалланадиган тўпгул. Уларда аввало бош ўқдаги учки гул биринчи бўлиб очилади (картошка, незабудка, фацелия ва бошқалар).


Тўпгулни бош ўқдаги меристемаси гулга айланса бундай тўпгул ёпиқ ёки аниқ тўпгул деб аталади. Баъзи ўсимликларда апекал меристема вегетатив бўлиниб, ўсишда давом этади ва ён гулларни ҳосил қиласди. Бундай гуллар очиқ ёки **ноаниқ** тўпгул деб аталади (128-расм).

Шохланиш хусусиятига кўра тўпгуллар оддий ва мураккабга ажратилади.

Оддий тўпгуллар. Оддий тўпгуллар моноподиал шохланган бўлиб, битта марказий гул ўқида жойлашади. Уларга қуйидагилар киради (129-расм).

1. **Шингил ёки шода.** Бунда асосий гул ўқида гул бандига эга бўлган гуллар якка-якка жойлашади. Масалан, узум шингили. Та什қи кўриниши жиҳатидан шингил ҳар хил бўлади. Масалан, франдоз (бинафша), брактеоз (черёмуха), очиқ ёпиқ (қўнғироқгул), бир ёки икки гулли (нұхат).

2. **Оддий қалқон** (ясси тўпгул). Асосий гул ўқининг пастида жойлашган гул бандлари узунроқ бўлиб, гулнинг ҳаммаси бир текис жойлашади (нок, дўлана, олма).



128-расм. Ёлиқ ёки аниқ (1) ва очиқ ёки ноаниқ түпгулнинг тасвири: а — учкигул; б — гул ўқинингrudименти; в — гул олди баргча; В₁ — стерил ёки пуштисиз гул олди баргча; г — гулён баргчалар.

3. Бошоқ. Бундай түпгулнинг асосий ўқида бандсиз ёки бандли гуллар зич жойлашади (зубтурум, тизимгул ва бошқалар).

4. Сұта. Битта этдор йүғон ўқида бошоқдаги каби бир неча гуллар жойлашади (макка сұтаси, игир, калла).

5. Соғон. Түпгулнинг асосий ўқи қисқа булиб, барча гулларнинг гулбандлари шу ўқ ичидан чиққандай

жойлашади (наврўзгул, гилос, нок, пиёз, примула ва бошқалар).

6. Бошча (каллак). Асосий ўқ бироз кенгайган, гуллар бандсиз ёки қисқа бандли бўлади (себарга ва баъзи астрагаллар).

7. Саватча. Оддий түпгулларнинг ихтисослашгани булиб, мураккабгулдошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг түпгулидир. Буларда асосий ўқ “саватчага” ўхшаш кенгайган булиб, майда ўтроқ гуллар зич жойлашади. Саватчада гуллар акропетал — марказга томон очилади, яъни биринчи булиб четдаги гуллар ва энг охирида ўртада жойлашган гуллар очилади.

Саватчанинг атрофини ён ва ост томонидан баргчалар ўраб туради. Бу баргчалар ҳали очилмаган ёш гулларни ҳимоя қиласи (масалан, кунгабоқар, мойчечак, бутакўз, қоқи ва бошқалар).


Мураккаб түпгуллар. Мураккаб түпгулларнинг марказий ўқида бир неча оддий түпгуллар жойлашган, бундай түпгуллар тирс деб аталади (130-расм, 1, 2). Уларнинг марказий ўқи кўп булиб, полителик (юонон. поли — кўп, сте-

ла марказий ўқ) түпгүл ҳам дейилади (лабгулдошлар, капалакгулдошлар, сигиркүйрүкдошлар ва бошқалар).


Мураккаб түпгүлларга қийидагилар киради: мураккаб шода (шингил) ёки шохланган түпгүл. Бундай түпгүлларда асосий марказий моноподиал ўқ узок вақт ўсишни давом эттиради. Натижада бир ўқда бир неча шохчалар ривожланаади. Бу шохчалар ўз навбатида шохлаб, уларда ҳам гуллар ўрнашади (масалан, қашқарбеде 131-расм, 1). Қашқарбеданинг марказий моноподиал ўқи франдоз шода бўлиб, шохчаларида ги оддий гуллари очиқ брактеоз түпгүллардан иборат. Шодалардан ҳосил бўлган бундай түпгүл баъзан супурги бошоқ деб аталади.

Мураккаб соябон түпгүл ларда марказий ўқ қисқарган бўлиб, унда катта ўрама барг жойлашади. Марказий ўқнинг ўрама барг қўлтиғидан оддий соябон гуллар ўсиб, яна соябон гуллар ташкил қиласди. Ҳар бир соябон остида кичкина ўрама барг бўлади. Бундай түпгүллар соябонгулдошлар оиласига хосдир.

Мураккаб бошоқ шаклидаги түпгүллар ғалладошлар оиласига хос бўлиб, морфологик жиҳатдан мураккаб шодага ўхшайди (132-расм). Унинг марказий ўқида бир неча бошоқчалар зич ўрнашиб, бошоқни ташкил этади (буғдой, арпа). Баъзи ғалладошларда оддий бошоқлар узун шохланган бандлари билан марказий ўқда иккинчи ва учинчи тартиб шохчалар ҳосил қилиб, **мураккаб рӯвак** деб аталадиган түпгүлни ҳосил қиласди (шоли, тариқ, сули, қўнғирбуш ва бошқалар).



129-расм. Рацемоз түпгүлларнинг эволюцияси: А — шингил; В — қалқон; С — соябон; Д — саватча; Е — бошоқ; F — сұта; Г — шохланган рӯвак.



130-расм. Навбатлашган (1) ва қарама-қарши (2) тирс шаклдаги түпгүл тасвири.

булиши мумкин.

Цимоз түпгүллар. Цимоз (юон. цима — түлкүн) ёки аниқ түпгүллар булиб, симподиал ёки сохта дихотомик шохланишга эга. Уларнинг асосий ўқи гул билан тугайди. Гуллар учки гулдан бошлаб очилади. Цимоз түпгүл — monoхазий, дихазий ва плейохазий шаклида бўлади.

Монохазий (юон. м о н о с — битта, х а з и с — ёриқ) энг содда цимоз түпгүл. Асосий гул ўқи ва ундан пастроқда шохланган бирламчи, иккиламчи гул ўқлари ҳам биттадан гул чиқаради. Монохазийдан бурма ва гажак түпгүллар ҳосил бўлади. Бурма түпгүлнинг ўқи гул билан тугаб, ёнидан битта гулшохча чиқаради. Бу гул шохча ҳам шу тариқа бир неча бор такрорланади, натижада бурма түпгүл ҳосил бўлади (сигиркуйруқдошлар, петуния ва бошқалар).

Гажак түпгүлнинг ўқи бир томонга қайрилган бўлади (133-расм, 12). Масалан, зағчакуз (незабудка), қизилпойча (зверобой).

Дихазий (юон. -д и — икки) да ҳосил қилувчи асосий ўқ гул билан тугайди, унинг пастида бир-бирига қарама-

Рўвак түпгүллар мураккаб шода (шингил)дан шохланиш хусусияти билан фарқ қиласди. Рўвак түпгүллар марказий ўқининг пастроғида жойлашган шохчалар юқоридагисига нисбатан узун бандли бўлади. Натижада одатдаги рўвак пиролепдал шаклига айланади (масалан, сирень, гордензия). Рўвак түпгүллар очиқ ёки ёпиқ, франдоз — брактеоз



131-расм. Қашқарбеданинг түпгули: 1 — марказий моноподиал ўқ — франдиоз (иккиламчи шингил); 2 — түпгүлнинг умумий кўриши:
* — асосий бўғин; а — марказий түпгүл; б — паракладий; в — брактеоз — оддий шингил.

қарши жойлашган икки шохча чиқади, уларнинг уни ҳам гул билан тугаб, ёнларидан яна иккитадан қарама-қарши жойлашган шохча чиқаради. Бу жараён бир неча бор такрорланиши мумкин (чиннингулдошлар).

Цимоз түпгүлларнинг энг юксак ривожланган шакли плейохазий (юон. п л е й о н — ортиқ, кўпроқ; х а з и с — тирқиши) ёки кўп шуъвали симподиал тепа гул ёхуд сохта соябон ҳисобланади. Плейохазий кўпинча дихазийдан келиб чиқади (133-расм). Плейохазийнинг асосий ўқидан бир қанча ўқларга эга бўлган учки гул ҳосил бўлади. Бундай түпгүллар айқитовондошлар, сутламагулдошлар оила-ларининг вакилларида учрайди.


Түпгүлларнинг эволюцияси тўғрисидаги масала ҳалигача аниқ ечилиган эмас. Баъзи бир олимлар масалан, академик А. Л. Тахтаджян филогенетик жиҳатдан дастлабки түпгүллар худди магнолия ва пионларницидек новда учиди якка-якка жойлашган, деб маъқуллайди. Бошقا бир гуруҳ олимлар эса, энг қадимги ёпиқуруғли ўсимлик аж-




132-расм. Муракаб бошоқнинг шакли.

додларининг тўпгуллари цимозга ўхшаган кўпгулли тўпгуллардан ташкил топган ва эволюция жараёнида улардан биргулли тўпгуллар келиб чиқсан деб таҳмин қилинади.

Гулда жинсларнинг бўлиниши. Бир гулда икки жинснинг ҳам чангчи, ҳам уруғчининг булишига икки жинсли гул деб аталади. Икки жинсли гуллар ёпикуруғли ўсимликлар орасида жуда күп тарқалган (134-расм). Икки жинсли гуллар Δ шартли белги билан белгиланади (астрономияда Марс планетаси σ белгиси билан, Венера Ω белгиси билан белгиланади). Ўсимликлар орасида бир жинсли гуллар ҳам учрайди. Фақат чангчилардан ташкил топган гуллар — чангчи гул, уруғчилардан иборат бўлса, уруғчи гул деб аталади. Чангчи ва уруғчи гуллар бир ўсимликда бўлса, бир уйли, чангчи гул бир ўсимликда, уруғчи гул бошқа ўсимликда бўлса икки уйли ўсимликлар деб аталади. Бир уйли ўсимликларга маккажухори, қиёқутлар, оқ қайин, дуб, қора қайин,



133-расм. Цимоз тўпгуллар: 1 — шингил; 2 — оддий бошок; 3 — муракаб бошок; 4 — оддий соябон; 5 — муракаб соябон; 6 — қалzon; 7 — бошча; 8a — саватча; 8b — саватча кесмаси; 9 — муракаб шингил; 10 — кучала; 11 — дихазий; 12 — гажак.



134-расм. Икки жинсли гуллар: 1 — икки жинсли гул; 2 — пеон гули; 3 — гул қисмларининг тасвири; цв — гул ўрни; ч — косача барглар; л — тожбарглар; т — чангчилар, п — уругчи.

Икки уйли ўсимликларга газанда, тол, тоғ терак, наша ва бошқа ўсимликлар мисол бўлади. Баъзи ўсимликларда икки жинсли гуллар билан бир қаторда бир жинсли гуллар ҳам бўлган. Бундай гуллар кўп уйли ва полигам (юон. поли — кўп, гамос — қўшилиш) ёки аралаш жинсли гуллар деб аталади. Бундай гулларга шумтол, заранг, қора буғдой ва жуда кўп бошқа ўсимликлар киради.

Баъзан, жинсий органлар бутунлай редукцияланиб, бепушт гуллар ҳам ҳосил бўлади. Бундай гуллар ўзига ҳашаротларни жалб этади. Кўпинча бепушт гуллар тўпгулларнинг четларида жойлашиб, тўпгулнинг ўртасида икки жинсли гуллар ўнашади (кунгабоқар, калина-бодрезак).

Гул қисмларининг жойлашиши. Ёпиқ уруғли ўсимликларнинг гули беш ёки тўрт доирали гул ҳисобланади. Беш доирали гул пентацикли (юон. пента — беш) ва тўрт доирали тетрацикли (юон. тетра — тўрт) гул деб аталади. Пентацикли гуллар пиёзгулдош (лоладош)лар, чиннигулдошлар, герангулдошлар, берескдошлар ва бошқа оиласарда учрайди. Тетрацикли гулларга савсардошлар, лабгулдошлар, гавзабондошлар, итузумдошлар ва бошқа оиласарнинг гули мисол бўлади.


Гул қисмлари гул ўрида ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, бирпаллали ўсимликларда кўпинча уч аъзоли, камдан кам икки ва тўрт аъзоли гуллар — буттулдошлар, кўкноридошлар оиласарида учрайди.

Кўпмевали ўсимликлардан магнолиядошлар, айиқто-вондошларнинг ҳамма гул қисмлари бир-бирига жуда зич тақалади ва гул ўрида ҳалқа (доира) шаклида ёки нав-

батлашиб жойлашади. Бундай гулларда, гулкүргөннинг чангчилари ва уругчилари ноаниқ, баъзан жуда кўп булади. Шунинг учун ҳам бундай гуллар ациклик — спираль ва гемициклик (ярим доира) гуллар деб аталади.

Гулкүрғон қыслары (косача ва тожлари) ҳалқасимон (доира) чангчи ва уруғчилари спиралсимон ёки ярим доира шаклида жойлашган гуллар гемициклик гуллар деб аталади. Бундай гулларни айқтовондошларда күриш мумкин. Циклик (юнон. ц и к л о с — айланы) гулларда масалан, наъматакда косачалар спираль (навбатлашиб), гулнинг қолган қыслары айланы шаклида ўрнашади. Циклик гулларда ҳар бир айланы маълум бир қоида асосида галланади. Агар чангчилар икки айланадан иборат бўлса, у вактда ташқи айланы косачаларга, ички айланы гултожларга нисбатан қарши эмас, балки уларнинг оралиғидан жой олади.


Баъзи ўсимликларда гул ўрни андроцей билан геницией орасида ўсиб, уларни тутиб турувчи гинофор (юонон. гинс — ургочи, форос — тутқич, устунчага) пояча ҳосил қилади (135-расм, 3,2). Агар гул ўрни гулкүргон билан андроцей ўртасидан ўсган бўлса, чангчи билан урургчи андрогинофор (юонон. андроц — эркак) деб аталади (масалан, эчкимия, педицилария, ковар, 135-расм, ц; а).



Гулнинг диаграммалари (юнон. диаграмма — тасвирлаш, аниқлаш) уни график шаклда ифодалашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам диаграмма, формулага нисбатан анча аниқ құрғазмали қуrol ҳисобланади. Қоллагич бары эса пастда күрсатилади (136-расм). Косачабарглар бурчаклиқавс —)), тожбарглар юмалоқ қавс —) билан белгилана-ди. Чангчилар очилмаган чангдондан үтган күндаланг кесим орқали юмалоқ шаклда күрсатилади (136-расм, 5). Бу-



135-расм. Гинофор ва андрогинофорли гуллар: 1 — *Viscaria viscosa* гулининг узунасига кетган кесмаси; 2 — *Pedicellaria*нинг гули; 3 — ковар гули; ц — косача билан гултож ўртасидаги чўзилган гул ўрни; а — андрогинофор; г — гинофор.



136-расм. Гул диаграммаси:
1 — түпгул ўқи; 2 — гулёнбарг; 3 — гулкосача барг; 4 — гултожбарг;
5 — чантчилар; 6 — уругчи; 7 — қоплагич барг.

лардан ташқари диаграммада органларнинг бирикканлиги, нектарлар гул остидаги ялпоқ гардиш күрсатилади.

4-§. ГУЛҚҰРГОН

Гулқұрғон гулнинг наслыз қисми булиб, унинг нозик аъзоларини (чангчи ва уруғчиларни) ҳимоя қилиш ва құшимча фотосинтез органи вазифасини бажаради. Улар оддий (137-расм) ва мураккаб шаклда бұлади. Оддий гулқұрғонда гулбарглар косача ва тохга дифференциялашманган булиб, күримсиздир. Косачага үшшаб кеттан яшил рангли оддий гулқұрғон косачасимон гулқұрғон деб аталади (лавлаги, шұра, қичитқи тикан, наша, отқулоқ ва бошқа гуллар). Гултохга үшшаб, ранги очиқ гулқұрғон тохсимон гулқұрғон деб аталади (лола, пиёзгүл, гиацинт, марваридгүл ва бошқалар). Гулқұрғони мутлақо бұлмаган ва фақат чангчилар (андроцей) ва уруғчилар (гинеций) дан ҳосил бұлган гуллар очиқ ёки қоплағысиз гуллар деб аталади, шумтол, тол, қоқынту вәв бошқалар (138-расм).

Косача — гулқұрғоннинг ташқи айланмасини ҳосил қиласади. Уларнинг шакли косачаны эслатади. Косачабарглар яшил, улар туташган ёки туташмаган булиши мүмкін. Туташган косачаларнинг устки қисми бирикмай “тишчалар” шаклида бұлади. Тишчаларнинг сонига қараб, уларни ҳосил қилишда иштирок этган косачабаргларнинг соңини аниқлаш мүмкін. Косачабаргларнинг бир-бири билан ёнма-ён құшилиб кеттан қисмiga найча дейилади. Бу белги билан капалакдошлар оиласини системага солиша



137-расм. Оддий гулқұрғонли гуллар: 1 — чемерице; 2 — Марваридгүл; 3 — қайрағоч; 4 — гречиха.



138-расм. Гулқұрғони бұлмаган гуллар: 1 — белокрилник; 2 — шумтолнинг икки жинсли гуллари; 3 ва 4 — толнинг бир жинсли гуллари; крл — қоплагыч барғ; н — иектардон; т — уруғчи (түмшүқча); ч — чанғи.

найча ва “тишчаларнинг” узунлиги инобатта олинади. Косачабарглар актиноморф ва зигоморф шаклда бұлади.

Косачабаргларнинг асосий вазифаси ғұнча ҳолидаги гулнинг ёш ва нозик аязоларини гул очилғунча ҳимоя қилишдан иборат. Баъзан косача гул очилиши билан тушиб кетади, бу хусусият күкнордошлар оиласига хос белгидир. Бошқа оиласардан масалан, лабгулдошлар оиласида косача гул очилғандан кейин ҳам сақланади ва мевалар сақланадиган жой бўлиб хизмат этади (масалан, кўкпранг=лагохилус, кийикут, маврак, хапри=хипри ва бошқалар). Кампирчопондошлар оиласида косачанинг найчаси узун ва илмоқли бўлиб, ҳайвонларга ёпишади ҳамда меваларнинг тарқалиши учун хизмат қилади. Баъзан косача морфологик жиҳатдан шаклан ўзгариб кетади. Масалан, Ўрта Осиёда кенг тарқалган ва халқ тилида пақ-пақ (физалис) деб номланган ўсимликда косачабарглари кичкина бўлсада, мева ҳосил қилган вақтда косачанинг найчаси кучли ўсиб, узунлиги 5—6 см, эни 4—5 см га етадиган пушти қизил пуфакчага ўхшаб қолади.

Ўзбекистон, Туркманистоннинг тоғларидә ўсадиган тикинли ксерофит (юон. ксерос — курғоқ; фитон — ўсимлик) (акантолимон; қизилтикан, кампирмурч)нинг косачабарглари қизил рангда бұлади. Мураккабгулдошлар оиласининг баъзи вакиллари мева ёки уруғларнинг шамол воситасида тарқалиши учун хизмат қиладиган парашутта ўхшаш попукчалар келиб чиқиши жиҳатидан косачабаргдир (момоқаймоқ=қоқи, сариқтакасоқол=такасоқол кабилар).




139-расм. Тожбарглар:
A — ўтроқ айиқтовон (*Ranunculus acris*), B — чиннигул (*Dianthus*):
1 — гулбарг таги ёки остики ингичка қисми,
2 — қайтоқи ёки эгилган жойи, 3 — тангача,
қипик.

Эволюция жараёнида гул косачабарг учки баргдан келиб чиққан. Бунга уларнинг ранги, шакли, анатомик тузилиши гувоҳлик беради. Косачабаргдаги ўтказувчи боғламлар (найлар)нинг сони вегетатив баргларникига ўхшаш. Масалан, айиқтовондошларда косачабаргларнинг ўтказувчи боғламлари худди вегетатив баргларникига ўхшаш уч қатор булиб, тожбарг ва уруғчиларда фақат биттадан иборат.

Тожбарг — қўш гулкўргон (мураккаб гулкўргон)нинг иккинчи ички доирасини ташкил этади ва бирмунча катталиги, рангининг ниҳоятда очиқ чиройли бўлиши билан гулнинг бошқа аъзоларидан фарқ қиласи. Тожбарглар ўзидан ҳид чиқариб, ҳашаротларни ўзига жалб қиласи, чангчи ва уруғчиларни ҳимоя қиласи.

Тожбарглар икки хил бўлади: биримаган баргли гултож ёки туташмаган гултож ҳамда бириккан ёки туташгултожли. Туташмаган тожбарг алоҳида тожбарглардан иборат (айиқтовон, кўкнор, карам ва бошқаларнинг гулларида). Баъзи оиласарда масалан, чиннигулдошлар, бутгулдошларда тожбарглар дифференциялашган булиб, унинг пастки ингичка қисмига **пилакча** дейилади (139-расм, А, Б). Туташгултожбаргли ўсимлик (қовоқ, себарга, помидор, бодринг ва бошқа)ларда тожбаргларнинг қўшилиб кетган қисмига **найча** деб аталади. Найча устидаги қисмига **қалтоқи** дейилади. Найча билан қалтоқи оралиғида оғизча бўлади. Тожбаргларнинг қай даражада қўшилганлигига қараб, тишли, булакли тафовут қилинади. Тишчаларнинг сонига қараб, тожбаргларнинг сони аниқланади (140-расм).

Тожбарглар найча узунлигига қараб уч хил бўлади: Долихоморф (юнон. долихос — узун), мезоморф (мезос — ўрга) ва брахиморф (брахис — қисқа). Ҳашаротлар айниқса капалаклар билан чангланувчи гулларда найча узун бўлади (тамаки, бандидевона ва бошқалар).



140-расм. Туташтожбаргларнинг хиллари: А — гидираксисмон (примула); Б — карнайсисмон (тамаки); Г — найчали (кунгабоқар); Д — найчали (сирень); Е — қалпоқчали (узум-*Vitis vinifera*), ж — тилчали (қоқи-Тагахасум *officinale*), з — икки лабли (лабгулдошлар); 1 — найча, тож найчаси, 2 — қайтоқи (гултожнинг эгилган жойи), 3 — тож оғирзаси (тож бүғзи).

Тожбаргларда симметрия қонунияти мавжуд. Бу қонуниятга биноан тожбарглар түғри (актиноморф) ва нотуғри (зигоморф) булади. Актиноморф тожбарглар күпинча содда оиласаларда (айиктовондошлар, атиргулдошлар, чиннигулдошлар, пиёздошлар-лоладошлар) ҳамда ривожланган оиласаларда: соябонгулдошлар, шұрадошлар, күнғироқ гулдошлар, мураккабгулдошларда ҳам учрайди. Зигоморф гуллар күпинча тараққий этган оиласаларда учрайди. Уларнинг гуллари эволюция жараённанда ҳашаротлар воситасида chanгланишга мосланишнинг натижасидир. Масалан, дүккакдошлар оиласининг гуллари (нұхат, мош, беда ва бошқалар) зигоморф булиб, тожбарглари үзиге хос тузилишда булади. Улар катта тожбаргдан елкандан, ёнида иккита тожбаргдан эшкакдан ва иккита тожбаргларнинг қүшилиб усишидан ҳосил бүлган битта қайиқчадан иборат. Чангчилар мана шу қайиқчада яширинган булади. Ҳашаротлар ўз оғирлиги билан эшкакни босади. Эшкак эса қайиқчани пастга тортади. Натижада чангчилар ҳашаротнинг танаси-

га тегади ва чангдор ёрилади, уларни ичидаги чанглар сочилиб ҳашаротга түкилади.

Тожбарглардан биронта ҳам симметрия ўтказиб булмаса бундай тожгул мутлоқ қийшиқ ёки асиметрик тожгул деб аталади. (8-расм, 3). Тропик урмонларда ўсуучи ва ҳозирги кунда гулхоналарда, боғларда экиладиган хушманзара кана гули асиметрик гулга мисол була олади.

Гултожбаргларнинг ранги ҳар хил бўлиши мумкин. Тропик ўрмонларда ўсувчи ўсимликларнинг гули қизил, пушти ёки кўк гунафша, мўътадил иқлиmlарда ўсувчи ўсимликларда кўпинча сариқ бўлади. Гултожларнинг ранги хужайра ширасида эриган феноллардан (антоциан, флавоноид) ва каротинлар, ҳамда хужайра ширасининг pH—ига боғлиқ. Баъзан гултожларнинг табиий ранги ўзгариб оқариши мумкин. Бунга альбинизм (лот. альbus — оқ) дейилади. Гултожларда баҳмалдек майнин безаклар бўлади, бу безакларни факат ҳашаротлар сезади.

Такомиллашиби натижасыда гултож тубида маңсус чүзиқ ўсимта пихча ҳосил бўлади. Пихча гултожлардан ёки оддий гулкўргондан тараққий этади. Унинг деворлари атрофига ёки ичидаги нектардан ҳосил бўлади (айиқтовондошлар, кўкнордошлар, хинадошлар, бинафшадошлар ва бошқа кўпгина ўсимликлар).

Жуда кўп ўсимликларнинг гултожларидан нектар (юон. нектар — шарбат) ажралади. Нектар гулдаги шира ажратувчи безлардан — нектардан ажратилади ва ҳар хил ҳашаротлар нектарни олиш учун гулга қўниб уни чанглатади. Нектардонлар гулқўргон (косача, тожгул) чангчи ипларида ёки стаминодий (лот. стамин — чангчи, ип; юон. эйдос — тус, қиёфа), яъни чанг ҳосил қилмайдиган наслсиз чангчилар (чиннигул, шойигул, атиргул)нинг тагида жойлашиб, диск ҳосил қиласди. Диск кўпгина оиласларда: узумдошлар, лабгулдошлар, қайрағдошларда учрайди. Бутгулдошлар оиласининг вакилларида нектардан дўмбоқчалар шаклида бўлиб, чангчилар тагида жойлашади.

Соябонгулдошлар оиласининг вакилларида дикс устун-ча остида очиқ жойлашади. Шунинг учун ҳам уларнинг гули кунғизчалар ва пашибалар ёрдамида чангланади. Пи-ёздошлар, амарилус (чучмұмадошлар)да, нектар тугун-чада ҳосил бўлади. Шамол билан чангланувчи үсимлик-ларда нектар бўлмайди.

Нектарда 25—75 гача ҳар хил қандлар ҳамда жуда оз миқдорда азотли ва минерал бирикмалар бўлади. Асалари 1 г асал тўплаш учун 1500 та оқ акация гулига қуниши керак. 1 кг асал 6 миллион себарга гулидан тўпланади.

Гултожнинг келиб чиқиши энг қийин ва чигал масаладир. Классик морфология асосчиси Гёте гултож учки барглардан, ҳозирги замон ботаниклари эса чангчилар (андроцей) дан келиб чиқкан деган фикрни тасдиқлашади. Гултожни чангчилардан юзага келганлигини нилуфардошлардан *Nymphaea alba*, *N. Candida* да кўриш мумкин. (141-расм). Оқ гулини нилуфар *N. Candida* Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятида, Амударёнинг дельталарида ўсади. Ҳозирги кунда ноёб ўсимлик ҳисобланади, шу сабабли уни теришман этилган.

Қатма-қат гуллар. Гулда гултожбарглар сонининг кўп миқдорда ортиши, қатма-қат гулнинг пайдо бўлишига сабабdir. Гулнинг қатма-қатлиги одатдаги тузилиш нуқтаи назаридан қараганда тератологик (юонон. тератос — ажойиб, файр) ҳолат ҳисобланади. Бундай гуллар чангчиларнинг тожбаргларга айланиши масалан, айиқтовон, атиргул, кўкнор, пион, баъзан эса тожбаргларнинг парчаланиши ёки оддий гулқўргон сонининг ортиши (лола, лилия) натижасида содир бўлади.



141-расм. Чангчилар чангдоиларини йўқотиб, тожбаргларга утиши: чапда испаракнинг айниб (терат) "яшилланган" гуллари; ўнгда оралиқ формалар: зимовникнинг учки барглар билан косачабарглари ўртасидаги формалар; пастда — нилуфарнинг тожбарглари билан чангчилари ўртасидаги формалар.

Мураккабгулли ўсимликларда икки жинсли ўрга гуларнинг тилсимон гулларга айланиши туфайли қатма-қат гуллар юзага келади. Масалан, картошкагул, қашқаргул.


Гулнинг қатма-қатлиги ҳодисасига асосланиб, атиргул ва пионларнинг янги-янги навлари чиқарилган, улар манзарали ўсимликлар сифатида шаҳар боғларида экилади.

Гулнинг қатма-қатлик ҳодисаси чангчи ва гултожларнинг келиб чиқиши бир эканлигидан далолат беради.

Баъзан, қандайдир гул ўқи жуда ўсиб, гул устида баргли новда ёки янги гул ҳосил қиласди (масалан, примула) бундай ҳодисага пролификация (лот. пр о л е с — авлод, насл) деб аталади. Пролификация ҳодисаси гулни шаклан ўзгарган, метаморфозалашган новда эканлигини тасдиқлайди.

Гул онтогенези. Гул онтогенезини ўрганиш, гул аъзоларининг келиб чиқишини аниқлашда назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Гулнинг органлари генератив новданинг **апекс** (лот. а п е к с — тепа, уч) қисмida экзоген бўртмалар кўринишида акропетал ривожланади. Даставвал гул қисмларининг шаклланиши ва ривожланиши гул куртакларининг меристема ҳужайраларида содир бўлади (142-расм).

Ёпик уруғли ўсимликларнинг баъзи бир содда оилалари (масалан, магнолия ва айиқтовондошлар)да ациклик гулларда гул аъзолари кетма-кет, циклик гулларда эса гулнинг ҳамма аъзолари бир вақтда ривожланади. Туташган косачабарглар, гултожлар ва оддий гулқўрғонлар ҳар хил ўсимликларда турлича ривожланади. Баъзи ўсимликларда ҳар бир гул доирасининг аъзолари айрим бўртмалар шак-



142-расм. Бодом гулининг ривожланиши: 1-5 гулнинг тарақкий этиш даврлари: *кб* — косачабарг примордийси; *уб* — ўтказувчи боғламлар; *тб* — тоҷбарг примордийси; *ГН* — гул найчаси; *А* — апекс; *чб* — чангчи баргарларнинг биринчи қатори; *чб₂* — чангчи багларнинг иккинчи қатори.

лида униб, кейинчалик тагидан яхлит ҳалқа ўсиб чиқади, үндан косача, гултож ёки оддий гулқурғон найчаси ҳосил бўлади. Бошлангич бўртмалардан эса, гулнинг бошқа қисмлари юзага келади.


Баъзан онтогенез даврида гул қисмларининг акропетал ривожланиш қонунияти бузилади. Бу ҳодиса айниқса андроцей (чангчилар)нинг ривожланишида аниқ кўринади. Масалан, чангчиларнинг чангчи или ва чандони ривожланиши бир вақтда бўлмасдан кетма-кет давом этади. Яъни чангдон ривожланишининг сунгги босқичида чанг или ва интеркаляр ўсиш вужудга келади.

Талайгина ўсимликларда (атиргул) чангчилар икки қатор бўлиб, ташқи доира дўмбоқлари, ички доира дўмбоқларига нисбатан кеч ривожланади ва ҳар қайси доира бешта чангчидан ташкил топади. Кейин улар бўлакланиб, чангчилар сони кўпаяди. Филогенетик нуқтаи назардан, чангчилар сонининг ортиб бориши иккиласмачи босқич ҳисобланади.

Баъзи ўсимликларда гул ўрни гул доирасининг орасидан чўзилиб ўсади ва уларни бир-биридан ажратиб қўяди. Бу ҳодиса бир оиласа мансуб ўсимликларда ҳам ҳар хил бўлиши мумкин (масалан, лоладошлар оиласидан гулисумбул-гияцинт билан сарвижон-кольхикум) да бу фарқ яққол кўринади (143-расм).

Очилган гулларнинг катталиги ҳар хил ўсимликларда турлича, 0,001% гулли ўсимликларнинг гул диаметри 10 см гача бўлади. Тропик ўрмонларда ўсадиган паразит рафлезиянинг гул диаметри 1 м га етади.

Гулларнинг ранги ҳар хил, айниқса қизил ва кўк рангли гуллар кўп учрайди. Гулларнинг ранги ҳужайра ширасида эриган антоци-



143-расм. Лоладошлар оиласининг вакилларида гулнинг икки хил бўлиши: 1 — гияцинт; 2 — *Colchicum*; цвн — гулбанд — гулни поя билан бирлаштириб турувчи қисм.

ан пигментларига боғлиқ. Масалан, сарық ранг (георгина, картошкагул, күкнорда) антохлор миқдорига боғлиқ. Оқ ранг гулда бўлмайди. Гулнинг оқ бўлиб кўриниши пигментларнинг йўқлигидан ҳамда ёруғлик нурларининг акс этишидан далолатdir. Қора ранг эса тўқ қизил рангнинг аксидан пайдо бўлади. Бир оила вакилларида гултож ҳар хил рангда бўлиши мумкин. Лекин, қовоқдошлар оиласининг ҳужайра ширасида фақат антоциан пигмент бўлади, шунинг учун уларда оқ ва сариф ранг учрайди.

5-§. АНДРОЦЕЙ

Андроцейнинг умумий тарифи. Битта гулдаги чангчилар сони (йиғиндиси) андроцейни (юонон. ανδρος — эркак, ογκός — уй) ташкил этади. Гулда чангчиларнинг миқдори ҳар хил бўлиб, улар содда ўсимликларда спирал, ривожланган ўсимликларда ҳалқа (доира) шаклида жойлашади. Орхидеядошлар оиласида 1—3, сабсаргулда — 3, мураккабдошларда — 5, пиёздошларда — 6, капалакдошларда — 10. Бундай андроцей олигомер (юонон. ολιγος — оз, кам, μέρος — бўлак) андроцей деб аталади. Баъзи ўсимликларда чангчилар сони жуда ҳам кўп (масалан, дуккақдошлар оиласидан бўлган мимозалар). Гулда андроцейлар сони кўп бўлса полимер (юонон. πολε — кўп, μέρος — бўлак) деб аталади. Андроцейнинг эволюцияси полимердан олигомерга борган.




144-расм. Андроцей хиллари: А — тўрт стилик (уступичали) чангчилар (бутгулдошлар); Б — иккистилик (лабгулдошлар); В — икки тўдали чангчилар (дуккақдошлар); Г — ёпишиб найча ҳосил қилган чангчилар (мураккабгудошлар).

Кўпинча чангчилар ипалининг узун ва калталиги билан ҳам фарқланади. Масалан, бутгулдошларда — 2 қисқа ва 4 узун, лабгулдошларда — 2 узун ва 2 қисқа бандли чангчилар бўлади (144-расм, А, Б). Баъзи оиласарларда чангчи бандлари тулашган. Тропик ўсимлик Meliaceae оиласининг вакилларида 10 чангчи бир-бири

билин туташиб, чангчи найчаларини ҳосил қилади. Капалакдошларда 9 чангчи туташади. Биттаси эса озод ҳолда қолади (144-расм, В). Талайгина ўсимликларда чангчи ип банди билан чангдонлар күшилиб кетади (мураккабгулдошлар, қовоқгулдошлар). Ўз даврида К. Линней чангчиларнинг турли-туман шаклда булишига асосланиб, ўзининг сунъий системасини тузишга мусассар бўлган.

Ҳар бир чангчи, чангчи или ва чангдондан иборат. Чангчи или баъзан жуда ҳам узун бўлиб, гулқўрғондан чиқиб туради, айрим ҳолларда ингичка, қисқа (картошкада) ёки мутлақо тараққий этмайди. Улар юмалоқ, ипсизмон, ясси ёки кенг (пиёздошларда) тукчалар билан қопланган (сигиркуйруқ, чиннигул, 145-расм). Ёпиқ-уруғли ўсимлик-



145-расм. Андроцей-чангчилар. 1 ва 2 — чангчилар (икки томондан кўринниши); и — чангчи или; н — чангдон; с — бирикма; 3 — тўла ётишмаган чангларнинг тасвирий кесмаси; 4 — ётишган ва очилган чангчиларнинг тасвирий кесмаси, чап хоналардаги чанглар кўрсатилмаган; 5 — чангнинг оптика кесмаси; а — вегетатив ядро; з — генератив хужайра.

ларнинг аксариятида чангчилар, уларнинг катта кичикилигидан қатъи назар, фақат битта (томирланмайдиган) ўтказувчи боғламга эга. Чангчилар шу боғламдан озиқланади.

Чангдоннинг иккита уяси ёки хонаси бошланғич ип билан туташган. Уларнинг ҳар бир ярим булаги тека деб аталадиган түсик билан чанг хонасига булинади, кейинчалик бу хоналарда (145-расм, 3,4) микроспоралар ёки чангчилар ривожланади.

Чангдонда чанг етилгандан сўнг, унинг уяси ёки хонасидаги субэпидермис ҳужайрасининг ёрилиши туфайли очилади. Очилган чангдон ёруғи гулнинг ички томонига (гинецейга) қараса интрорз (лот. и н т р о з у м — ичкарига) чангдон, ташқи томонга қараса экстрорз (лот. э к с т р о р з у м — ташқарига) чангдон деб аталади.


Талайгина ўсимликларда чангчилар гулнинг бошқа қисмлари билан қўшилиб кетади. Масалан, орхисгулдошларда чангчилар гинецей устунчаси билан бирикади, бошқа ўсимликларда чангчи ипларининг пастки қисми гултожга ёки гулқўргон билан қўшилади (лабгулдошлар, атиргулдошлар ва бошқа ўсимликлар).

Баъзи ўсимликларда чангчилар чанг ҳосил қилиш хусусиятини йўқотиб, баргсизон ёки нектар ҳолига айланниб қолган. Бундай наслиз чангчилар стаминоидий (лот. ст а м е н — эркаклик ип; юонон. э й д о с — тус, қиёфа) деб аталади (чиннигул, шойигул, атиргул ва бошқа ўсимликларда).

Чангчиларнинг асосий вазифаси чангланиш учун зарур чангларни ҳосил қилишdir. Лекин, баъзи ўсимликларда рангли чангдонлар борки, улар ҳашаротларни гулга жалб қиласди (акациялар, мимозалар, эвкалиптлар ва бошқалар).

Чангчиларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси. Кўпчилик олимларнинг фикрича, ҳозирги ёпиқ уруғли ўсимликларнинг чангчилари, очик уруғли содда аждодлари микроспорофилларининг редукцияланишидан юзага келган. Демак, энг қадимги ўсимликлар чангчиларининг шакли барчага ўхшашиб ясси булиши керак. Кейинги вақтда худди шундай шакл тузилишга эга бўлган ўсимликлар кўпмевалилар орасидан топилган.

1942 йили Фиджи оролидан *Degeneria vitiensis* деган ўсимлик қазилма ҳолида топилган. Бу дарахтсизон ўсим-



146-расм. Чангчиларнинг эволюцияси: 1 — содда чангчиларнинг *Degeneria* да ҳосил бўлиши; 2-б ёпиқ уруғли ўсимликлардаги чангчиларнинг ривожланиши.

ликнинг гулидаги андроцеллар сони 30—40 та бўлган. Улар ясси ва кенг чангчилардан иборат бўлиб, чангчиларнинг ўртасидан учта ўтказувчи боғлам ўтган. Чангчиларнинг остида бир жуфт спорангий жойлашган (146-расм, 1). Уларда чангчи, чанг или, чангдон ва боғловчи иплар такомиллашмаган.

Эволюциянинг кейинги босқичида ясси чангчилар ихтисослашиб чанг или, бошлангич ва чангдонга айланган.


Ҳозирги ёпиқ уруғли ўсимликларнинг кўпчилигига чангдоннинг иккала ярми бир-бирига қўшилиб, тўртхонали чангдонга айланган ва чангчининг учидаги апексида жойлашган.

Содда оиласалар (масалан, магнолиядошлар)да чангчи спирал шаклда бўлади. Кўпчилик ёпиқ уруғли ўсимликларда чангчиларнинг сони маълум миқдорда бўлиб, циклик тарзда жойлашади.

6-§. МИКРОСПОРОГЕНЕЗ

Чангдон ва микроспорангийнинг ривожланиши. Микроспораларнинг она ҳужайралардан ҳосил бўлиш жараёнига **микроспорогенез** (микроспора — чанг; юнон. генезис — ҳосил бўлиш) деб аталади.

Ёпиқуруғли ўсимликларда чангчилар микроспорофилл ҳисобланади. Чангчилар микроспорангий-чангдон ва унинг уяларида ривожланади.



147-расм. Чанг хонадарининг ривожланиши: эп — эпидерма; эн — эндотеций; ч — чанг; т — тапетум.

Чангдон чангчи ипининг устки қисмida жойлашган, асосан икки палладан иборат. У хилма-хил: масалан, силкинмайдиган ёки силкинувчи, тебранувчи (фалласимонлар, лилия ва бошқаларда) булиши мумкин.

Онтогенезининг дастлабки даврида чангдон ҳужайралари бир хил булиб, кейинчалик субэпидермик ҳужайралар (147-расм) такомиллашиб ташқи ва ички қаватга булиниди. Ички қаватдан чангчини ҳосил қилувчи археспора түқимаси, ташқи қавати — (париетал — лот. париетал и с — девор) эса чангдон девори, шунингдек чангчининг озиқланишига сарф буладиган ҳужайраларга айланади. Париетал қаватни ҳосил қилувчи бошланғич түқима марказга интилевучи йұналишда периклинал ёки тангентал (узунасига, бүйига) ва антиклинал (юонон. анти — қарши, клино — әгилиш, букилиш) булиніб, уч-түрт ҳужайра қавати юзага келади. Бу, үз навбатида, вертикал ва горизонтал булинади. Натижада уч қаватдан ташкил топган (түрт уяли, чаноқлы) чангдон ҳосил бұлади. Чангдоннинг усти эпидермис, унинг ости эндотеций (фиброз) ва ички тапетум (юонон. ички парда) ҳужайра қаватларидан иборат.

Ёпиқуруғли үсімлікларда тапетум ҳужайрасининг ядроры митоз булиніб, тукчали ва амебонд ҳужайралар ҳосил қилади. Тапетум ҳужайралари қуюқ цитоплазмадан ибо-

рат. Бу ҳужайралар она микроспора түқималарига озиқ моддаларни үтказишида мұхим физиологик аҳамиятта эга.


Эндоцетий — микроспоранги (чангдон)нинг энг ташқи қаватини ташкил этади. Унинг ички қатлам ҳужайраларидан күп миқдорда фиброз (толалар) ҳосил бўлади. Чангдон етилган пайтда фиброз қаватининг протоплазматик суюқлиги тез қурийди ва чангдоннинг иккала палласининг ёрилишига сабаб бўлади.

Эндоцетий остида 1—3 қатор майда ҳужайралардан ташкил топган ўрта қават жойлашган. Микроспоралар ҳосил бўлиш вақтида ўрта қатлам ҳужайралари емирилиб микроспорага озиқ бўлади. Чангдоннинг ички тапетум қопловчи қатлами мұхим физиологик аҳамиятта эга, чунки спора ҳосил қилувчи түқимага озиқ моддалар шу қатлам орқали ўтади. Тапетум ҳужайралари қуюқ ва мўл протоплазма суюқлигига эга. Чанг ташкил топа бошлаган пайтда уларнинг протоплазмаси бир неча бор бўлиниб, натижада археспорий протоплазма суюқлиги билан ўралади.

Археспорий ҳужайралари бўлиниб, микроспораларнинг она ҳужайраларини ҳосил қилиш пайтида тапетум эрийди, баъзан айрим оиласарда тапетумнинг фақат пўсти эриб, протопласти қуюқлашади ва микроспора учун озиқ бўлади.

Чанглар (микроспоралар). Микроспоралар она микроспор ҳужайраларининг редукцион (мейоз) бўлиниши воситасида вужудга келади. Бу жараён сукцессив (биринкетин), симультан (бирданига) ёки оралиқ типлардан иборат. Сукцессив бўлинишнинг биринчи даврида ҳужайра тусиклар билан ажралади ва диада ҳужайралар ҳосил бўлади. Бу жараён иккинчи марта такрорланганда ҳужайра тусиклар ҳосил қилиб тўртта микроспора (чанг) юзага келади. Микроспораларнинг сукцессив тип билан ҳосил бўлиши бирпаллали ўсимликларга хос хусусиятдир. Иккипаллали ўсимликларда бу жараён симультан типда боради.

Ҳосил бўлган чанглар кўпчилик ўсимликларда бир-бидан тусиклар билан ажралган. Лекин, баъзи ўсимликларда масалан, лух, туғоқ, росянка, элодея ва бошқаларда тетраспоралар чангдонда чангчилар тұпламини ҳосил қилали. Мимозаларда эса ҳар бир чангдон уясида (хонасида)




148-расм. 1 — Орхис гулининг олддан кўриниши; 2 — уруғчи ва чангчи; 3 — ёпишқоқ ёстиқчали поллинийларнинг оёқчалари; я — чангдоннинг ярми; пл — поллинийлар; пб — поллиний банди; её — ёпишқоқ ёстиқча; б — бошлангичи; т — тумшуқчаси.

64 чангчи тўпланади. Тропик ўрмонларда ўсувчи орхидея-дошларнинг гуллари маҳсус ҳашаротлар билан чангланишга мослашган бўлиб, уларнинг ҳар қайси чангдон уясидаги чанглар висцин деган ёпишқоқ модда билан елимланиб поллиний (лот. поллен.— чанг) деб аталадиган уюм ҳосил қиласди (148-расм).

Чанг — (микроспора) — ёпиқуругли ўсимликларнинг эркак гаметофити ҳисобланади. Чангнинг шакли, катта-кичиклиги, тузилиши ҳар хилдир. Улар ўсимликларнинг ҳар бир турида доимий ҳолда бўлиб, наслдан-наслга ўтади. Чанглар шарча, эллипс, таёқча, ипга ўшаб кўринади (149-расм). Чангларнинг катта-кичиклиги ҳам ҳар хил: масалан, гавзабондошлар оиласида 240 мкм, қовоқдошларда эса бироз йирикроқ. Умуман, содда оиласарда анча йирик чанглар, ривожланган оиласарда кичик чанглар бўлади.

Чанг пўсти (спородерма) асосан икки қисмдан ташкил топган, ички пўсти — энтина ва ташқи пўсти — экзина. Энтина юпқа, асосан пектин моддасидан тузилган. Экзина, энтинага нисбатан анча қалин бўлиб, кутинлашган ва турғунлашган. Таркибида углеводлардан спорополенин бор. Бу модда ишқор ва кислоталарда эримайди, шунинг учун



149-расм. Ҳар хил ўсимликлар чангларининг шакллари.

ҳам жуда пишиқ. Экзина ўз навбатида икки қисмдан иборат: ташқи қавати сэксин — экзинни энг мустаҳкам қавати ва ички қавати иэкзиндан иборат. Сэксин тузилиши жиҳатидан ниҳоят хилма-хил бўлиб, у ҳар хил бўртмачалардан ташқари тиканаклар, жигалар билан қопланган. Таксонларни системага солишда ана шу белгилардан фойдаланилади. Бундан ташқари сэксинада бир қанча тешикчалар ҳам бор. Бу тешикчалар **апертура** (лот. а пертурс — очиқ) деб аталади. Апертураларнинг шакли ва жойлашиби ҳар хил. Шакл жиҳатдан улар пора — тешикчалар ва чизиқли эгатлардан иборат. Чангчаларнинг пўстидаги пора ва чизиқли эгатли ҳам шакл жиҳатдан ҳар хил. Бир порали ва бир чизиқли эгатли чанглар очиқуруғли ўсимликларга хос белгидир.

Ёпиқуруғли ўсимликлар орасида бир порали ва бир чизиқли эгатли чанглар кўпмевалилардан магнолиядошлар оиласининг вакилларида учрайди. Эволюция жараё-

нида бир порали ва бир чизиқли ёки бир эгатли чанглардан уч порали ва уч эгатли чанглар ва ниҳоят: улардан күп порали ва күп эгатли чанглар тарраққий этган.


Аксарият иккипаллали ўсимликларда чанг уч эгатли, бирпаллалиларда эса асосан бир эгатли чанг учрайди.

Юқорида кўрсатилганидек, чанглар турли-туман шаклда булиши, шу билан бирга уларнинг чидамлилиги, ўзгармасдан барқарор бўлиб, ўз шаклини сақлаб қолиши, уларни ҳар томонлама чукур текширишга имкон беради. Шу сабабдан бўлса керак, 30-йиллардан бошлаб ботаниканинг яна бир ёш тармоғи полинология фани тараққий этди. Чанг ҳар хил усуслар билан тайёрланиб, кейин ёриқ ёки электрон микроскопда текширилиб ўрганилади.

Микроспорангийда микроспорани чангга айланиши вақтида, ташкил топган чанглар ядроси митоз йули билан иккига бўлинади. Чанг таркибидаги цитоплазма ҳам кичик ва катта хужайраларга ажралади, бу хужайралар юпқа парда билан бир-биридан ажралиб туради (150-расм, 6). Уларнинг кичкинаси генератив ва каттаси эса вегетатив ёки спороген хужайра деб аталади. Генератив хужайранинг ядроси келгусида иккига бўлиниб, иккита сперма хужайраларига айланади (150-расм, 5) ва уруғчини уруғлантиришда иштирок этади. Сифоноген (вегетатив) хужайрадан чанг найчаси ўсиб чиқади, лекин унинг ядроси уруғлантиришда иштирок этмайди.

Демак, бу хужайраларнинг иккаласи ҳам ёпикуруғли ўсимликларнинг гаметофити ҳисобланади. Ёпиқ уруғли ўсимликларнинг эркак гаметофити (генератив хужайраси) очиқуруғли ўсимликлардан, очиқуруғли ўсимликлар эса папоротниксимонларнинг гаметофитидан келиб чиқсан деб қаралади. Шундай қилиб, ёпикуруғли ўсимликларнинг генератив хужайрасини папоротниксимонларнинг сперматоген хужайралари билан гомолог деб ҳисоблаш мумкин.


Ёпиқ уруғли ўсимликларнинг гулларида чангчиларни ҳимоя қиласиган баъзи мосламалари бўлади. Масалан, чангчини сувдан, намдан ҳимоя қилиш учун гулсалсарларда улар тумшуқчанинг парраклари тагида яширинади. Ёнгир ёққанда гулқўргон барглари бир-бирига бирикиб ва баъзан юмилиб чангчини намдан сақлаб қолади (қоқи ўт, сачратқи, зафар, чўл зуттуруми ва бошқаларда).



150-расм. Микроспора, чанг ва унинг ўсиши. А — микроспора; Б — чанг доначалари; В — чанг найчасининг ҳосил бўлиши; Г — чанг найчасининг бир қисми; 1 — сэкзин; 2 — нэкзин; 3 — вегетатив хужайра; 4 — генератив хужайра; 5 — иккита сперма.

7-§. ГИНЕЦЕЙ

Гинецийнинг умумий тарифи. Гулдаги бир ёки бир неча уруғчибарлар (мегаспорофиллар)нинг йигиндиси бир ёки бир неча гинеций (гине — аёл, уруғчи)ни ҳосил қиласди. Уруғчибарг келиб чиқиши жиҳатидан барг билан боғлик. Лекин морфологик тузилиши ва фаолияти жиҳатидан вегетатив баргдан кескин фарқ қилиб, кўпроқ мегаспорофилл баргларга ўхшайди.



151-расм. Degeneria да уругчи баргларнинг тараққий этиш даврлари.


уруғчигарглар эволюция жараёнида қадимги очиқуруғли ўсимликларнинг аждодлари — саговникларда вужудга келган ва очиқ патсимон мегаспорофилларни бир-бiri билан тулашиши натижаси — мевачибарглар ривож топган дейдилар. Дарҳакиқат ҳам бу фикри тасдиқловчи бир қанча далиллар бор. Чунончи, қазилма ҳолда топилган ёпиқуруғли ўсимлик *Degeneria*да худли шундай мевачи баргларнинг тараққий этганини кўриш мумкин (151-расм). Расмдан аниқ кўринадики, улардаги мевачибаргларнинг учлари бир-бiri билан тулашмасдан, фақат битга қисқа банддан ташкил топган. Унда на стилодий (ионон. стилос — устунча) ва на тумшуқча бўлган. Мевабарг плацента (уруктуртак) гача бессимон тукчалар билан қопланган. Мевачи баргларнинг кейинги эволюцияси (*Degeneria*дан то ҳозирги ёпиқуруғли ўсимликлар) гача тараққий этиши 152-расмда кўрсатилган (152-расм).

Шундай қилиб, узоқ давом этган эволюция жараёнида ёпиқуруғли ўсимликларнинг энг муҳим ва иодир органи гинеций ривожланган.


Гинецийнинг энг муҳим қисми тугунча ҳисобланади, унда уруктуртак жойлашади, гул тугунининг устида ингичка устунча, унинг учиди эса шакли ҳар хил тумшуқча бўлали (153-расм). Устунча тумшуқчани тугунча билан бирлаштиради ва тумшуқчани озми-кўпми баландликка кутариб чангларни қабул қиласди ҳамда чангланишни осонлаштиради.

Классик морфология асосчиларидан Гёте уруғчи ёки гинеций келиб чиқиши жиҳатидан шаклан ўзгарган вегетатив барг деб таърифлаган. Аммо, ҳозирги қўргина ботаник-морфолог-олимлар бу фикри инкор этадилар.

Машхур олим морфолог-систематик А. Л. Тахтаджян ва бошқа хорижий олимлар ёпиқуруғли ўсимликларнинг гулидаги



152-расм. *Degeneria* да энг содда Ургбаргларниң күриниши (1);
3—4 — ихтисослашган устунча (стилодий) ургчиларниң
ривожланиш эволюцияси.



153-расм. Гинецийнинг ҳар хил типлари: А — В — ценокарп гинеций;
Г — апокарп гинеций; А — тамаки (*Nicotina*); В — тол (*Salix*);
С — күкнор (*papaver*); Г — сусак (*Butomus*). 1 — тутунча; 2 — устунча;
3 — тумшуқча.

Тутунчанинг ичидаги ургмуртак жойлашади. Ургланишдан кейин, булардан уруғ ҳосил бўлади. Шундай қилиб, тутунча ургмуртаклари билан бирга гинецийнинг энг муҳим қисмини ташкил этади.

Талайгина содда оиласаларда масалан, кўпчилик айикто-вондошлар, магнолиягулдошлар, кўкноргулдош ва бошқаларда устунча тараққий этмасдан қолади. Бунда тумшуқча тутунчанинг устида туради ва бандсиз тумшуқча деб ата-

лади. Шамол ёрдамида чангланадиган баъзи ўсимликлар (фалладошлар) да ҳам устунча тараққий этмайди.

Баъзи ўсимликларда (кулупнай, фозпанжа ёки бешбарг) гул тугуни баравар ўсмаганлиги сабабли устунча тугунчанинг ёнидан, лабгулдошлар, кампирчопондошларда эса тугунча асосидан ўсиб чиқади.

Уругчи (гинецей) хиллари. Бир гулнинг уруғчи барглари (мева барглари) бир-бири билан туташмаган ҳолда, ҳар қайсиси алоҳида уруғчига айланса, бундай уруғчи апокарп гинецей деб аталади. Қазилма ҳолда топилган қадимги ёпи-қуруғли ўсимликлардан *Degeneria*-да энг содда мономер битта мева баргдан ташкил топган апокарп гинецей бўлган. Ҳозирги ўсимликлардан апокарп гинецей айиқтовондошлар, атиргулдошлар, зиркдошлар ва бошқа оиласининг вакилларида учрайди.

Эволюция жараёнида энг содда мевачи баргларнинг ихтисослашувидан учлари қайрилиб стилодий (устунча) шаклига кирган. Айиқтовондошлар оиласининг вакилла-



154-расм. Гинецейнинг ҳар хил шакллари: *O* — тумшуқча, *у* — устунча, *т* — тугуича.

рида энг содда мевачи барглар учрайди. Гинецийнинг эволюциясида рўй берган энг муҳим ўзгаришлардан бири, бу ценокарп гинецийнинг ва остки тугунчанинг ривожланишидир.

Бир неча уругчи барглардан ташкил топган гинеций ценокарп гинеций деб аталади. Ценокарп гинецийда мевабаргларнинг туташиб кетиши кўпинча тугунчада булиб, стилодий туташмасдан қолиши мумкин (масалан, лабгулдошлар, мураккабгулдошлар, чиннигулдошлар ва бошқалар). Туташмай қолган стилодий ва тумшуқ парракларига қараб гинеций қанча мевачи барглардан юзага келганлигини аниқлаш мумкин. Баъзи оиласарда (кампирчопондошлар, сигиркуйрукдошлар, бутгулдошларда) мевачи барглар бутунлай туташиб, устунчани ҳосил қиласди. Ценокарп гинеций уч хил бўлади: синкарп, перикарп ва лизокарп.


Синкарп гинеций ёки кўп чаноқли (уяли) уругчи. Синкарп гинеций апокарп гинецийдан ҳосил бўлади. Уларда мевачи баргларнинг четлари ичкарига ўралиб, ёnlари бирбирига туташади ва чаноқ (уя) деб аталадиган хоналарга ажралган битта гул тугуни ҳосил бўлади (155-расм, 3).

Паракарп гинеций (юнон. п а р а — олдида ёндош, карпос — мева) деб бир неча мевачи баргларнинг йиғиндицидан ҳосил бўладиган бир хонали уругчига айтилади (гунафшадошлар, қарақатдошлар, газакутдошлар, шумфиядошларга хос белгиdir) (155-расм, 4, 6).

Лизокарп гинеций (юнон. л и з и с — эритиш йўқотиш) эволюция жараёнида синкарп гинецийнинг чаноқлар орасидаги пардасининг эриб йўқолиб кетишидан бир хонали тугунча ҳосил бўлади. Бундай гинеций примула ва чиннигулдошларга хосдир (155-расм, 7, 8).

Плаценталар ёки уругурни. Тугунча ичидаги уругкуртаклар (мегаспорангийлар) ўrnashган бўртма плаценталар деб аталади. Улар ламенол ва сутурал ҳолда жойлашади.

Ламинал плаценталар (лот. л а м и н а — ясси, япроқ, пластинка) содда тузилган булиб, уругкуртак уругчибаргларнинг ўзасида ўrnashади. Масалан, Degeneriada уругкуртак мевачи баргларнинг ўртаси ва ёнида жойлашса, нилуфардошларда уругкуртак мевачибаргларнинг ичидаги сочилган бўлади.



155-расм. Гинецей типларининг эволюцияси: 1 — ургучибарглари туташмаган; 2 — апокарп гинецей; 3 — синкарп гинецей; 4—6 — паракарп гинецей; 7,8 — лизокарп гинецей.

Сутурал ёки ён плаценталар апокарп ва синкарп гинецейларда учрайди. Улар уч хил: марказий бурчак, париэтал ёки девор, сохта ўқли ёки эркин марказли плаценталар бўлади.

Марказли плацента уруфкортаклар билан гул тугуни уяларининг ички бурчакларида ёки четида жойлашган. Бу

шаклдаги плацента синкарп гинецейга хосдир (пиёзгулдошлар, күнфириқтүлдошлар) (155-расм, 3).

Париэтал ёки девор плаценталар гул тугуни ички де-ворларидан узунасига жой олади. Бу хилдаги плацента ёпикурғли ўсимликларнинг жуда күп оиласында учрайди (бутгүлдошлар, күкноргүлдошлар, толдошлар, орхидея-дошлар, гунафшадошлар ва бошқалар).

Баъзан плаценталар тугунча бүшлиғига бўртиб чиқади ва соҳта тусиқ ҳосил қилиб, кўпуйли тугунча вужудга келади (қовоқдошлар, 156-расм, 1). Иккийли тугунча бутгүлдошларда (156-расм, 2) учрайди.

Соҳта ўқли ёки эркин марказли плаценталар лизикарп гинецейли гулларда (наврўзгулдошлар, чиннигулдошлар, торонгүлдошлар) ва бошқа кўпгина ўсимликларда учрайди.

Гулда тугунчаларнинг ҳолати. Тугунча ёки уруғдон гинецей (урофчи)нинг энг муҳим қисмларидан бири бўлиб, гулурнида ўрнашишига қараб қўйидагича: устки тугунча, остки тугунча ва ўрта тугунча. Устки тугунча гул бўлакларидан юқорида жойлашади (157-расм, 1). Остки тугунча — гул бўлакларидан пастда жойлашади (157-расм).

Кўпгина атиргулдошлар оиласига мансуб ўсимликларда битта ёки бир неча тугунча кўзачага ухашаш ботиқ гипантний (юнон. х и π о — ости, пастки қисми, α н τ ο с — гул) деб аталадиган гул бандининг кенгайган гулқўрғонидан жой олади. Бундай тугунча ўрта тугун ёки ўрта тугун гул деб аталади (масалан, наъматак, олча, ўриқ, шафтоли ва бошқалар). Филогенетик жиҳатдан устки гул тугуни остки



1



2



3

156-расм. Тугунчанинг кўндаланг (1,2) ва узунасига (3) кесмаси:
1 — қовоқдошлар; 2 — бутгүлдошлар; 3 — чиннигулдошлар оиласи.



157-расм. Гулда тугуннинг ҳолати: 1 — юқори уруғчи тугуни; 2-3 юқори ёки ўрта уруғчи тугуни; 4 — гул ўрни ва мева баргларидан ҳосил бўлган пастки уруғчи тугуни; 5 — мева баргчалари, п — пастки қисми қўшилиб кетган косачабарг, тожбарглари ва чангчилардан ҳосил бўлган пастки уруғчи тугуни; 6 — ярим пастки уруғчи тугуни (1-5 расмлар схематикдир).

француз олимни Ван Тигем ва унинг шогирдлари ўтказувчи боғламларнинг сақланиб қолишлиги, гул тугуни рецептакуляр (лот. рецептакулум — гулурни) дан ривожланганлигини исботладилар.

Демак, остки гул тугуни **филлом** (юон. филлом — барг) назариясига биноан гулкўрғон ва чангчиларнинг туташишидан келиб чиқсан.

8-§. МЕГАСПОРОГЕНЕЗ ВА УРУФЧИ ГАМЕТОФИТИННИГ РИВОЖЛАНИШИ

Гулнинг тугунчасида бир ёки жуда кўп миқдорда уруғмуртак (мегаспорангий) тараққий этади, унинг ичидаги гаметофит (муртак халтаси) ривожланади.

Ёпикуруғли ўсимликларда уруғмуртакнинг ривожланиш жараёнини чет эл олимларидан Браун, Мальпиги, Розанов, Мейер ва бошқалар ўрганишган. Муртак халтасининг ривожланиш жараёнини С. Г. Навашин (1894, 1899) ба-тафсил ўрганган.

Уруғмуртак ёш уруғчи баргларининг четларида кичкина дўмбоқчалар шаклида ҳосил бўлади ва ҳужайранинг

гул тугунидан қадими йрок. Устки гул тугуни содда гулли кўп мевали ўсимликларда; остки гул тугуни эса, мураккаб гулли ривожланган ўсимликларда кўпроқ учрайди.

Баъзи морфологлар остки гул тугуни бир неча тугунчаларнинг туташишидан ҳосил бўлади дейишади. Лекин


митоз бўлиниши натижасида тез ўсади. Кейинчалик унинг юқори томонидан уругмуртакнинг марказий қисми нуцеллус, пастки қисмидан ургубанд ривожланади. Нуцеллус кужайралари паренхима тўқималарига ўхшаш бўлиб, унинг хужайраларида озиқ моддаларидан: полисахарид, липид, оқсил, аминокислота, нуклеин кислота, гетероауксин, витамин, минерал тузлар учрайди.

Нуцеллуснинг ён деворларидан дўмбоқчалар ўсиб, қоплагич тўқима — **интигумент** (лат. и н т и г у м е н т у м — қоплама)га айланади. Ёпиқуруғли ўсимликларда бир ёки иккита интигумент тарақкий этади. Уларнинг шу хусусиятига қараб уругмуртак бир ёки икки қоплагичли гурӯҳга ажратилади.

Интигумент пастдан юқорига қараб ўсиб нуцеллусни ураб олади, лекин учи бирлашмасдан очиқ қолади, бунга чанг йўли, ёки **микропиле** дейилади. Микропиле уругмуртак ва эмбрион халтаси билан туташган. Ёпиқуруғли ўсимликларнинг баъзи оиласига интигумент бирлашиб битта қоплагичга айланади. Уругмуртакнинг таги, ургубанд (фуникулус) билан туташган, унинг ости халаза деб аталади. Ёпиқуруғли ўсимликларда тугунча ичидаги уругмуртакнинг шакли беш хил (156, 158-расмлар) бўлади.

1. Атроп ёки тўғри уругмуртак. Бу хилдаги уругмуртак торондошлар, қалампирдошлар, кучалагулдошлар оиласига хос белги бўлиб, нуцеллус уруғ бандининг давомидир.

2. Анатроп ёки тескари уругмуртак. Уругмуртакнинг нотекис ўсиши вақтида унинг учи ва учидағи тешикча (уруғ йўли) тескари (остки) томонга айланган бўлади.



158-расм. Уругмуртакнинг асосий хиллари: 1 — ортотроп (тўғри); 2 — анатроп (тескари); 3 — гемитроп (ярим қайрилган); 4 — кампилотроп (букилган); 5 — амфитроп (иккитомонлама букилган);
зм — уругмуртак халтаси.

Бу хилдаги уруғмуртак ёпиқуруғли ўсимликларда энг күп учрайди.

3. Гемитроп ёки ярим қайрилган уруғмуртак. Нүцеллус билан интигумент ўсиш даврида плацентага нисбатан 90° қайрилган (сигиркүйруқдошлар, примуладошларда учрайди).

4. Кампилотроп ёки бир томонлама қайрилган уруғмуртак. Бундай уруғмуртакда нүцеллус билан интигументларнинг бир томони букилган бўлиб, чанг йўли халаза ёнига бориб қолади. Бу хилдаги уруғмуртак капалакдошлар, дуккакдошлар, бутгудошлар ва бошқа оиласаларда учрайди.

5. Амфитроп ёки эгма уруғмуртак. Бунда нүцеллус букилиб тақасимон шаклга киради (капалакдошларни айрим вакилларида учрайди).

Эволюция жараёнида ёпиқуруғли ўсимликлар нүцеллусининг қалин деворлари юпқалашиб боради. Тожбарглари бирлашмаган ўсимликларда уруғмуртак **крассинуцелят** (лот. *краус* — қалин), тожбарглари бирлашган **ўсимликларда эса тенуниуцелят** (лот. *тениус* — юпқа) ривожланган.

Тенуниуцелят уруғмуртакининг ички интигумент ҳужайраларидан тапетум тарақкий этади. Тапетум цитоплазмаси углеводлар, оқсиллар, витаминаларга бой. Бу моддалар амилаза, протеаза ферментлари ёрдамида парчалангандан сўнг ўтказувчи тўқима орқали муртакка ўтиб озиқ бўлади.

Талайгина ёпиқуруғли ўсимликлар уруғмуртагининг халаза устидаги ҳужайралари такомиллашиб гипостаза (юнон. *х и по ста з ис* — тиргак, айри) деб аталадиган тўқимага айланади. Бу тўқималарнинг хусусияти ҳалигача аниқ эмас. Баъзилар гипостаза эмбрион халтасининг уруғмуртак томон ўсмаслигига таъсир этади дейишса, бошқа бирорлар гипостаза эмбрион халтасининг ферментлар ёки бўлмаса озиқ моддалар билан тъминлашда фаол иштирок этади, деб тахмин қиласидар.


Баъзи ёпиқуруғли ўсимлик вакилларида уруғбанд ёки интигументлардан обтуратор деб аталадиган маҳсус тўқима ҳосил бўлади ва чанг найчасининг ўсиб эмбрион халтасига етишига сабабчи бўлади. Бу тўқима уруғмуртак ривожланишининг дастлабки даврида пайдо бўлиб, уруғланиш содир бўлгандан сўнг емирилади.

Ургумуртакнинг тарақкий этиши ва мегаспорогенез. Ургумуртакни ҳосил қилувчи дўмбоқча шаклидаги мерисистема нуцеллус ташқи эпидерма хужайраларининг антиклинал ва субэпидермик хужайраларнинг периклинал бўлиниши натижасида уруғчи археспорий тарақкий этади. Ёпикуруғли ўсимликлар уруғмуртак учидаги байзан битта ёки бир неча бирхужайралари археспорий ҳосил бўлади. Археспора хужайралари йирик ва цитоплазмага бой бўлиб, жуда тез бўлиниш қобилиятига эга. Купхужайралари археспорий казуариндошлар, атиргулдошлар, қайниндошлар, мураккабгулдошлар, шўрадошларда учрайди.

Археспора хужайрасининг биттаси бўлинниб, дастлабки париэтал (девор) — қоплагич ва она мегаспор хужайрасини ҳосил қилади. Қоплагич хужайра кўпинчча крассинуцеллят уруғ муртакларда бўлади, тенуинуцеллят уруғмуртакларда учрамайди.

Кўпчилик ёпикуруғли ўсимликларда археспора хужайраси икки марта мейоз бўлингандан кейин тўртта гаплоид мегаспор ҳосил бўлади. Бу жараёнга мегаспорогенез дейлади. Халаза (аҳён-аҳёнда микропилла) томондаги хужайралар жуда катталашшиб кетади, юқоридаги хужайраларни сиқиб қўяди ва пировардидаги ядроли уруғчи гаметофит ёки эмбрион халтасига айланади (159-расм, 6).

Эмбрион халтаси уч марта бўлиниш натижасида ҳосил бўлади. Биринчисида икки ядро ҳосил бўлади ва хужайра кутбларидан жой олади. Кейинчалик бўянидаги ядролар яна икки марта бўлинади ва эмбрион халтасининг ҳар икки қутб томонида тўрттадан ядро юзага келаади. Ҳар қайси қутбдаги ядролар биттадан марказга йўналади ва бир-бири билан



159-расм. Ургумуртакнинг тузилиши: 1 — ургумуртак пўсти (а — ташқи; б — ички); 2 — микропиле; 3 — халаза; 4 — фуникулус; 5 — нуцеллус; 6 — муртак халтаси; 7 — тухум хужайра; 8 — синергидлар; 9 — антиподлар; 10 — иккиласми чи ядро; 11 — плацента; 12 — ўтказувчи наилар.

қўшилиб, эмбрион халтасининг иккиламчи диплоид ёки марказий ядросини ҳосил қиласди. Эмбрион халтасининг чанг йили ёнида турган учта ядро атрофига протоплазма тўпланиб ҳужайра ҳосил бўлади. Бу ҳужайралар тухум аппаратини ташкил этади: уларнинг ўртасидаги энг йириги тухумхужайра, унинг ёнидаги кичикроқ ядроли ҳужайралар ёрдамчи ёки синергидлар деб аталади. Халаза томонида турган учта ядро атрофи ҳам протоплазма билан ўралган. Бу ҳужайралар антиподалар (юнон. анти — қарши, подус — оёқ) деб аталади. Одатдагича тараққий этган уруғмуртак тузилиши 159—164-расмларда кўрсатилган.

Тухумхужайра аппарати жуда ҳам мураккаб, у кўпинча эмбрион халтасининг микропиле томонида тараққий этади чунки, бу жойда оқсиллар, РНК синтез этилади. Бундан ташқари унинг таркибида митохондрий, лейколаст, крахмал, липидлар тўпланади.

Синергидлар чанг найчали қобуғини эритища, уни эмбрион халтаси ва тухумхужайрага ўтишини тезлаштирища иштирок этади.

Антиподлар халазадан озиқ моддаларни уруғмуртак ва эмбрион халтасига ўтказиш вазифасини бажаради.

9-§. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ГУЛЛАШИ ВА ЧАНГЛАНИШИ

Гуллаш ўсимликлар ҳаётида энг кўзга кўринадиган ҳодисалардан бири. Ўсимликда гул ҳосил бўлиши учун озиқ моддалар (карбон, оқсил, ёғ ва бошқалар) тўпланиши кепрак. Кўпчилик бир йиллик ёввойи терофит ўсимликлар ёки эфемерлар (юнон. э ф е м е р о с — бир кунли, фитон — ўсимлик) — қисқа вақт яшайдиган баҳори ўсимликлар уруғдан кўкариб чиқиб, бир вегетация даврида гуллаб уруғ беради (қизғалдоқ=Roemergia). Аммо кўп йиллик ўсимликлар орасида ҳаётида бир марта гуллайдиган монокарпик (юнон. монос — битта, карпис — мева) ўсимликлар ҳам учрайди. Масалан, Ўзбекистоннинг чўлларида ўсадиган сумбул=Ferula asso scetida — ана шундай монокарпик ўсимлиkdir.

Баъзи ўсимликлар ҳаётининг иккинчи йилида гуллайди. Бундай ўсимликлар икки йиллик ўсимликлар деб аталади (сабзи, лавлаги, турп ва бошқалар).

Күпчилик ўсимликлар ҳәтигининг (вегетация даврининг) 5—6 йилида ёки кўп йиллар ўтгандан сунг гуллайди ва гуллаш ҳар вегетация даврида давом этади, бундай ўсимликлар **поликарпик (юон. по ли — кўп, кар по с — мева) деб аталади. Масалан, олма, ўрик, гилос, тропик ўсимликлардан какао, кокос пальмаси ва бошқалар.**

Ўсимликлар гуллашдан олдин фунчалар (гулкуртаклар) ҳосил қиласди. Фунчанинг гулкосабарглари билан тожбаргларининг пастки қисмлари юқорига тез ўсиб очилади. Айни вақтда чангчилар, уруғчилар ҳам очилади. Мана шу ҳодисага гуллаш деб аталади.

Гулнинг очилиши маълум бир ҳарорат ва нисбий намлика эрталаб (азонда), кундузи ва кечкурун булиши мумкин. Бир ўсимлиknинг гуллаш даври бир ҳафтадан бир неча ҳафтагача давом этиши мумкин. Гуллаш охирида, гул чанглангандан кейин сўлийди. Гултожбарглар тўкилади.

Чангланиш. Чангнинг уруғчи тумшуғига бориб тушибига чангланиш деб аталади. Чангланиш бир неча хил: ўз-ўзидан чангланиш ёки **автогамия** (юон. а в то — ўзи, гамето — қўшилиш) ва четдан чангланиш ёки **аллогамия** (юон. ал лос — бошқача) булади. Агар бир гулдаги чангчи, ўша гулдаги уруғчини чанглантирса ўз-ўзидан чангланиш содир булади. Ўз-ўзидан чангланиш вақтида кўпинча уруғ ҳосил бўлмайди ёки у пуч бўлиб қолади. Баъзан ўз-ўзидан чангланиш вақтида ҳосил бўладиган уруғларда насл белгилари соф ҳолда сақланиб қолади. Бу хил чангланишдан селекцияда соф индивид линияни ажратиб олишда қўлланилади.

Бир гулни шу тур ёки навга оид бошқа ўсимлик гулининг чантги билан чангланишига четдан чангланиш ёки **ксеногамия** (юон. к с е н о с — бошқа) деб аталади. Ксеногамия биологик жиҳатдан ўсимликлар учун қулайдир. Бундай чангланиш ирсий ҳоссаларнинг мустаҳкамланишига олиб келади ва турни яашаш шароитига яхшироқ мослашади. Шунинг учун ҳам ўсимликлар гулининг тузилиши ва экологиясида четдан чангланишни таъминлайдиган кўпдан кўп хусусиятлар борлигини кўрамиз.

Ўсимликлар жинсий органларининг (чангчи ва уруғчиларни) турли муддатларда етилишига **дихогамия** (юон. дихос — икки қисм, бўлак; гамео — қўшилиш) дейилади.

Икки жинсли гулларда чангчилар уруғчига нисбатан олдин етилади, бу ҳодисага **протерандрия** (юон. *протерос* — эртароқ; *андрос* — эркак) деб аталади. Протерандрия күпроқ чиннигулдошлар, мураккабгулдошлар, соябонгулдошлар, ғұзагулдошлар (гулхайридошлар), герангулдошлар, пиёзгулдошлар ва бошқа күпгина үсимликларда учрайди.


Баъзи икки жинсли гулларда уруғчилар чангчиларга нисбатан эртароқ очилади, бу ҳодисага **протерогиния** (*протерос* — эртароқ; *гине* — аёл) дейилади. Бундай гуллар бутгулдошлар, атиргулдошлар, зубтурумдошлар, галладошлар ва бошқалар. Протерандрия протерогинияга нисбатан күпроқ тарқалган. Бунга асосий сабаб чангчиларнинг уруғчиларга нисбатан олдинроқ емирилишидир.

Икки жинсли үсимликларда ўз-ўзидан чангланиш содир бўлмаслиги учун, гулдаги уруғчининг устунчаси узун ёки қисқа бўлиши мумкин. Бундай ҳодисага **гетеростилия** (юон. *гетерос* — ҳар хил; *стилос* — устунча) дейилади (160-расм). Гетеростилия наврўздошлар, газакдошлар ва бошқа үсимликларда учрайди.

Чангланиш омиллари. Ер куррасининг ҳозирги үсимликлари асосан гулли үсимликлардан иборат. Гулли үсимликларнинг кўпчилиги четдан чангланишга мослашган.

Четдан чангланиш биологик ва абиотик чангланишдан иборат. Биологик чангланиш ҳайвонлар воситаси билан, абиотик чангланиш эса табиий омиллар (шамол, сув) ёрдамида содир бўлади.

Биологик чангланишнинг энг муҳим воситалаridан бири ҳашаротлар ва қушлар ҳисобланади. Ҳашаротлар воситаси билан чангланишга **энтомофилия** (юон. *энтомос* — ҳашарот; *филио* үсимлик), қушлар ёрдамида чангланишга **орнитофилия** (юон. *орнитос* — қуш), сув ёрдамида чангланишга



160-расм. Наврўзгулда гетеростилия ҳодисаси.

гидрофилия (юон. гидро — сув) ва ниҳоят шамол воситаси билан чангланишга **анимофилия** (юон. анимос — шамол) деб аталади.

Энтомофилия. Жуда кўп ўсимликларнинг гуллари ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Шунинг учун ҳам аксарият гулли ўсимликларнинг эволюцияси, ҳашаротларнинг эволюцияси билан параллель тараққий этган. Энтомофил ўсимликларнинг тожсимон гулқўргони ҳар хил рангда бўлади. Шу сабабдан улар ҳашаротларга узоқдан яхши кўринади. Баъзи гуллар жуда ҳам йирик бўлиб, 1 м га етади (*Rafflesia arnoldii*). Лолақизғалдоқ ва лолаларда гул диаметри 5—15 см.

Кўпчилик ўсимликларнинг гуллари майда, лекин яхши кўринадиган тўпгулларга ўрнашади (сојонгулдошлар, мурракабгулдошлар ва бошқалар). Баъзан тўпгулларнинг четларида ўрнашган гуллар марказда ўрнашган гулларга нисбатан йирикроқ бўлиб, ҳашаротларни ўзига жалб этади.

Ҳашаротларни жалб этадиган асосий манба гуллардан ажralиб чиқадиган хилма-хил эфир мойлариdir. Гулнинг иси ҳашаротларнинг ҳид сезиш органларига узоқдан таъсир этади. Мълумки, кўпчилик ўсимликлар ўзидан ёқимли ҳид таратади (райхон, тамаки, атиргул, чиннигул ва бошқалар), лекин бир қатор ўсимликлар борки, улар бадбўй бўлиб, сасиган балиқ, айниган сийдик, гўнг ҳидига ўхшаб кетади. Бундай ўсимликларга тропик ўрмонларда ўсуви рафлезия, архислар ва бошқа ўсимликлар мисол бўла олади. Бу ўсимликларнинг ранги кўпинча гўшт рангига ўхшаш бўлиб, пашша, қўнғизчалар ёрдамида чангланади.

Энтомофил ўсимликларнинг ўзига ҳашаротларни жалб этадиган омилларидан яна бири чанг ҳисобланади. Кўпчилик ўсимликларнинг гуллари йирик бўлиб, юзтагача чангчиларга эга. Бундай гуллар ўзидан жуда кўп миқдорда чанг ажратади, чанг таркибида 15—30% оқсил моддаси тўпланаади. Ҳашаротлар эса шу чанг билан озиқланадилар. Кўп миқдорда чанг чиқарадиган ўсимликларга наъматак, кўкнор, сигиркуйруқ, мимоза ва бошқа ўсимликлар мисол бўлади. Чанг ҳашаротларга ем бўлганлиги сабабли, арилар чангларни инларига фумбаклари учун йигади. Ҳашаротлар гулга овқат излаб келади ва гулдаги нектарни олишга ҳаракат қиласди, айни вақтда чангчи ва уруғиларга тегиб ўтади.

Энтомофил ўсимликларнинг чанг юзаси нотекис бўлиб, тиканчалар, сўгаллар ва бошқа ўсиқлар борлиги билан анемофил ўсимлик чангидан фарқ қиласи, чангнинг шу ўсиқлари ҳашаротларга ёпишиб тарқалишига имкон беради. Бундан ташқари энтомофил ўсимликларнинг чанглари анемофил ўсимликларнинг чангларига нисбатан йирик бўлади.

Одатда, гулдаги нектарларнинг жой олишига қараб, муйян тузилишдаги гуллар бир хил ҳашарот гурухлари билан чанглана олади.


Нектарлари юзада жойлашган гулларни икки қанотли ҳашаротлар: пашшалар ва қўнғизчалар чанглатади. Масалан, соябонгулдошлар, тошёрагулдошлар, атиргулдошларнинг вакиллари, заранггулдошлар, маржон дарахти ва тайгина бошқа ўсимликлар. Бу энтомофил ўсимликларнинг гуллари актиноморф, оқ, сарик, кўкимтир-сарик, гоҳо пушти-қизфиш рангда бўлади.

Нектарлари чуқурроқда жойлашган гулларни хартумлари узунроқ бўлган ҳашаротлар — асаларилар ва бошқа пардақанотлилар чанглантиради. Бу ўсимликларнинг гуллари зигоморф бўлиб, аксари ҳаворанг, кўк, гунафша, кирмизи-қизил (лабгулдошлар, капалакгулдошлар ва бошқа ўсимлик оила вакиллари) бўлади.


Гулнинг ранги, ҳиди ҳашаротни қайси томонга учиши кераклигини кўрсатади. Ҳашаротлар гулга нектар ва чанг учун қўнади.

Гулнинг очилиш экологияси турли-тумандир. Бу масалани ўрганадиган, ботаниканинг янги бир тармоғи — антэкология фанидир. Гулнинг очилиши ҳарорат (температура), нисбий намлик ва ёруғлик каби омилларга боғлиқ. Шунга биноан баъзи гуллар фақатгина кечаси очилади. Кечаси очиладиган гулларнинг ранги оқ, оқ-пушти, оч-сариқ бўлиб, ўзидан кучлироқ ҳид чиқаради ва кечаси очиладиган капалаклар ёрдамида чангланади (тамаки, чиннигул, кавсар, наргис ва бошқалар) эрталаб ва кундузи очиладиган гуллар капалаклар, асаларилар ва арилар билан чангланади. Бундай гулларнинг ранги қип-қизил ёки пушти ва ҳоказо бўлади (ўрик, анор, кўкпаранг-лагохилус, шафтоли ва бошқалар).

Эволюция жараёнида ўсимликлар билан ҳашаротлар ўртасида жуда кўп мосланишлар пайдо бўлган. Бу мосланишлар четдан чангланишга ёрдам беради. Масалан, баъзи итузумдошлар оиласининг вакиллари (тамаки, бандигевона) ва бошқа турларида гултожлари воронкасимон, найи кўнгироқсимон бўлиб, нектари жуда ҳам чуқурликда жойлашган. Бундай гуллар фақатгина хартуми узун бўлган ҳашаротлар билан чангланишга мослашган. Баъзи орхидея гулдошларнинг гулидаги нектар ёстиқчалар шаклида бўлиб, поянинг банди билан бириккан. Ҳашарот гулга бошини тиққанида ёпишқоқ ёстиқчалар унга ёпишиб қолади. Гулдан ажralиб чиққан ҳашарот бошқа гулга қўниб, ёпишқоқ ёстиқчалар билан улардаги уруғчи тумшуқчаси- ни чанглантиради (161-расм).



161-расм. Орхисгулдошларнинг чангланиши: 1 — орхидея гулининг олдинги томондан кўриниши; 2 — тумшуқча ва чангчи; 3 — поллиннийларнинг ширали ёстиқчали банди; 4 — гулкўргонсиз гулнинг ён томондан кўриниши; 5 — орхисгул поллинарияси бор ҳашарот: n_1 , n_2 — поллинарияларнинг бошланғич ҳолати; пл — поллиний; нб — поллиний банди; ше — ширали ёстиқча; н — поллинарий; Т — уруғчи тутуни; р — тумшуқча, чя — чангдон ярми; пиyx — пиyx.



162-расм. Анжирнинг четдан чангланиши: 1 — тўпгулнинг узунасига кетган кесмаси, унда чангчи ва қисқа устунчали уруғчи гуллари булиб, ўшаларнинг тугунчаларида чанглатувчи арилар ривожланади; 2 — узун устунчали уруғини бор тўпгулнинг узунасига кетган кесмаси, тўпгул ичидаги арилар юради; 3 — чангчи гули; 4 — узун устунчали уруғчи гули; 5 — қисқа устунчали уруғчи гули; 6 — тугундан чиқиб кетаётган ари; 7 — ари.

Четдан чангланишнинг яна ҳам мураккаблигини ва маҳсус ҳашарот тури билан чангланишини ёввойи анжирда кўриш мумкин. Ёввойи анжир фақат Ўрта Осиёда, Кримда ва Кавказда ўсади. Гуллари бир жинсли, баъзан икки жинслидир. Чангчи гули ҳам, уруғчи гули ҳам кўзачасимон ёки ноксимон, уни тешикли тўпгулнинг ичидаги жойланади. Анжир бир йилда икки-уч марта гуллайди. Чангланиш бластофага деган ари ёрдамида содир булади. Бир тўпгул ичидаги узун устунчали уруғчилари ва иккичи тўпгулларининг юқори қисмида чангчи гуллари, пастроқда калта устунчали уруғчи гуллар бор (162-расм).

Баҳорда анжир гуллаган вақтда ҳашарот иккала тўпгулларга кириб жойлашади. Аммо, баҳорги гулдан меваляр жуда ҳам оз ҳосил булади. Икки жинсли тўпгул ичига киргандаги ари уруғчиларнинг ичига биттадан тухум қўяди, шундан кейин ўша уруғчининг уруғмуртаги жуда тез ўсиб кетади ва бластофага гумбагига озиқ булади. Маълум вақт ўтгандан кейин гумбаклар етук ҳашаротга айланади ва ўша ернинг ўзида бир-бири билан қўшилади, шундан сўнг эркаги ўлади, урғочиси чиқиб кетиш вақтида тўпгулдаги чанг-

чиларни чангига беланади. Бу ҳашаротлар кейинроқ очиладиган бошқа тўпгулларга кириб тухум қўяди ва узун устунчали уруғчиларни чанглатади. Сентябрь ойларига бориб анжир пишади. Кузда анжир учинчи марта гуллайди. Ҳашарот тўпгулнинг ичига кириб қишлиайди ва баҳорда ундан етук арилар пайдо булади.

Орнитофилия. Африка ва Жанубий Америка тропик ўрмонларида ўсадиган (юқа, банан, кана ва бошқа) ўсимликларнинг гуллари майда қушчалар (колибра, асалсўрар) ёрдамида чангланади. Кўпчилик орнитофил гуллар оч қизил рангда булади. Кушлар шу рангни яхши ажратиб, гулдаги нектарни сўриш вақтида чангларни ўзига юқтиради ва бошқа гулга бориб нектарни олиш вақтида гулни чанглантиради.

Гидрофилия. Кўл ва дарё воҳасида талайгина ўсимликлар сув шароитида ўсишга мослашган (масалан, денгиз ўти (зостера), денгиз наядаси, элодея, валлиснерия ва бошқалар). Бу ўсимликларнинг гули сув воситаси билан чангланади. Бундай чангланишга гидрофилия деб аталади. Масалан, валлиснериянинг уруғчи гули спираль сингари буралиган бандда сув остида жойлашади. Уруғчи етилгандан сўнг сувнинг бетига чиқали, айни вақтда чангчи гул узилиб, сув оқими ёрдамида спираль бандга жойлашган уруғчига бориб, уни чанглантиради. Шундан кейин уруғланган гулнинг банди тортилиб, уруғчи гул сув тагига тушади, у ерда ривожланади.

Анимофилия. Ўрмонларда ўсувичи дараҳтларнинг тахминан 20% анимофил ўсимликлар ҳисобланади. Чул ва саҳроларда ўсувичи фалладошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг кўпчилиги ҳам анимофиллардан иборат. Ўчил ўсимликлардан (фалла ўсимликлар, қиёқ ўтлар, шувок, наша, қичитқи ўг, откулоқ, зубтурум ва бошқалар), дараҳтлардан (оқ қайин, терак, тол, қайрағоч, ёнғоқ, тут, дуб (эмсан), хурмо дараҳтининг кўпчилиги) анимофил ҳисобланади. Бу ўсимликларнинг гуллари майда, кўримсиз булиб, ўзидан ҳид чиқармайди. Уларнинг гуллари оддий косачасимон гулқурғондан иборат. Чанглари майда булиб, жуда ҳам кўп. Бир ёки икки уйли, дихогамия ва гетеростилия ҳодисаси учрайди. Чанглар қурук булиб, узоқ масофаларга тарқалади. Анимофил ўсимликларда чангларнинг

тарқалишини осонлаштирадиган, тебраниб турадиган күчалалар (тоғ терак, дуб, эман ва бошқалар), чангни илиб оладиган узун-узун, тукдор ва патсимон тумшуқчалар (фалла ўсимликлар, күлгина дараҳтлар) бўлади. Анимо菲尔 даражатларнинг кўпчилиги баҳорда, барг чиқармасдан олдин ёки барг чиқиши билан гуллайди ва тумшуқчалар чангни осонлик билан ушлайди. Ўтчил ўсимликлардан қичитқи ўт деган ўсимликтининг чангчилари узун-узун бўлиб, фунча очилиши билан, чангдон куч билан очилиб, чангларни сочиб юборади. Буларнинг ҳаммаси анимофилияning энг муҳим белгилари ҳисобланади.

Анимо菲尔 ўсимликлар кўпинча катта-катта чакалакзорлар, ўтлоқларни ҳосил қиласди ва чангни осонлик билан тутиб олади.

Анимо菲尔 ўсимликларнинг антэкологияси анча яхши ўрганилган. Масалан, фалла ўсимликларининг чангдонлари бир вақтда очилмаса ҳам, лекин баъзилари фақат эрталаб, бошқалари куннинг иккинчи ярмида ва айримлари кечқурун очиласди. Қамишнинг гуллаши эрталаб соат 4 дан ярим тунгача (соат 20 гача) давом этади.

Автогамия. Бир гулдаги чангчининг шу гулдаги уруғчи тумшуқласига тушишига ёки икки ядронинг бир ҳужайра ичидаги қўшилишига автогамия (юнон. αυτός — ўзи; γάμεο — қўшилиш) деб аталади. Автогамия кўпинча икки жинсли ўсимликларда содир бўлади. Лекин уруғ ҳосил қилмайди. Бу ҳодисага стерил — пуштсиз деб аталади (маккажӯҳори, арпа, тарик, карам).

Кўпдан-кўп ўсимликларда аллогамия, яъни четдан чангланиш ҳодисаси юзага чиқмайдиган бўлса, гуллаш даврининг охирига келиб гуллар ва айрим қисмларининг жойлашишида шу пайтда содир бўладиган ўзгаришлар натижасида ўзидан чангланиш ҳодисаси кўринади. Масалан, баъзи бутгулдошлар ва чиннинг гулдошларнинг вакилларида чангчилар уруғчи остида жойлашади, шу сабабдан уларда четдан чангланиш содир бўлади. Аммо айрим вақтда чангларнинг ипи (банди) ўсиб уруғчи билан тенглашади ва натижада тасодифан ўзидан чангланиш рўй беради.

Иқлими ноқулай бўлган баланд тоғ, Арктика ва саҳро шароитида ўсуви чиннинг гулларнинг гули, ҳаша-

ротлар йўқлиги сабабли ўзидан чангланиши мумкин. Масалан, Арктикада усувчи (*Phyllo-doce, Cassiope*) ўсимликларнинг гуллари майдада кўнфироқсимон бўлиб, шамол вақтида ўзидан чангланади.

Намгарчилик кўп буладиган минтақаларда ўсувчи ўсимликларнинг гуллари умуман очилмайди, шунинг учун ҳам уларда автогамия кўринади.

Ниҳоят, одатдаги гулга эга бўлган баъзи ўсимликларда хазмагам (юнон. *х а з м а* — очилиб туриш), яъни гул-кўрғони очиқ ҳолда чангланадиган гуллар билан бирга майдада, кўпинча ерга яқин турадиган, очилмайдиган, кўримсиз, аммо ўзидан чангланадиган ва уруғ берадиган клейстогам (юнон. *к л е й т о с* — ёпик) деб аталадиган гуллар ҳам булади. Бундай гулларга бинафшалар (163-расм)ни мисол қилиш мумкин. Клейстогам гуллар бутун ёз бўйи ва кузгача уруғ беради. Аксинча, эрта баҳорда пайдо буладиган йирик ва чиройли хазмагам гуллар уруғ бермайди.



163-расм. Гунафша (*Viola hirta*): 1 — меваси (пл) клейстогам (клц) гуллардан тараққий этган; 2 — клейстогам гул.


10-\$. УРУГЛАНИШ ВА УРУГНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Чанг найчасининг ҳосил бўлиши. Чанг уруғчининг тумшукласига тушгандан сўнг маълум вақт (15—45 мин., бир неча соат ёки бир неча ҳафта) ўтгандан кейин бўртиб ўсади ва унинг сифоноген (вегетатив) хужайрасидан ҳосил бўлган чанг найчаси апертур орқали чиқиб устунча түқимаси бўйлаб ўсиб тугунча томон йўналади. Шундан сўнг энг ҳаётchan ва кучли найча уруғ йўли (микропиле)га би-

ринчи бўлиб етиб келади ва шу орқали уруғмуртакка ўтади. Бу ҳодисага парогамия деб аталади. Баъзан чанг найчаси халаза орқали тўғридан-тўғри уруғмуртак ёки эмбрион халтасига ўтади — бунга халазагамия деб аталади. Халазагамияни биринчи марта 1894 йили Трейбом деган олим Австралия қитъасида ўсадиган, қадимдан сақланиб қолган каузарин деган ўсимликда, кейинчалик С. Н. Навашин эса оқ қайнинда аниқлаган (164-расм).

Чанг найчаси уруғмуртак халтасига етгандан сўнг унинг девори эрийди. Чанг найчаси эмбрион халтасининг марказий ядроси томон ҳаракат этади ва ишқаланиш натижасида унинг учи эрийди. Чанг найчаси ичидан иккита сперма ҳужайралари эмбрион халтасига киради. Сперма ҳужайраларидан биттаси тухумхужайра ядросига, иккинчиси эмбрион халтасининг иккиламчи ядросига қараб йўналади ва у билан кўшилади (164-расм). Натижада ёпиқуруғли ўсимликлар учун энг муҳим хусусиятлардан бири кўшалоқ уруғланиш содир бўлади.

Кўшалоқ, уруғланишни 1898 йили рус ботаниги С. Г. Навашин пиёздошлар оиласига мансуб *Lilium martana* ва *Fritillaria tenella* деган ўсимликларда аниқлаган. Кейинчалик уруғланган тухумхужайра ядродан муртак, иккиламчи триплоид ядродан эса эндосперм тарақкий этади. Шунинг учун ҳам ёпиқуруғли ўсимликларнинг эндосперми очиқуруғлилар эндоспермидан фарқ қилади.



164-расм. Парогамия (1) ва халазагамия (2, 3)нинг тасвири: чий-чанг йўли; mx — муртак халтачаси.


С. Г. Навашин таёқчасимон ёки чувалчангсимон шаклдаги спермаларнинг ҳаракатини кузатган.

Эмбрион (муртак)нинг ривожланиши. Уруғланиш содир бўлгандан кейин, тухумхужайра парда билан ўралиб тинчлик даврини ўтайди. Бу давр шароитга боғлиқ бўлиб, бир неча вақтга чўзилиши мумкин. Масалан, галладошлар ва мураккабгулдошларда бу энг қисқа вақт бўлиб, бир неча соат давом этади. Шундан кейин тухумхужайра кўндалангига кетган тўсиқ билан иккита ҳужайрага, яъни чанг йилига қараган терминал ва унга қарама-қарши томонда базал ҳужайраларга бўлинади. Кейинчалик бу ҳужайралар ҳар хил бўлинади. Масалан, бутгулдошлар оиласининг вакиларида базал ҳужайра кўндалангига, терминал ҳужайра узунасига бўлинниб, бошланғич муртак ҳосил қилувчи ҳужайрага айланади. Ҳар қайси бўлинган терминал ҳужайра бир неча бор кўндалангига ва узунасига бўлинниб, ҳамма томони тўрт бурчак ҳужайралар юзага келади. Шу ҳужайраларнинг ҳар бири бўлинниб, октанг (лот. о к т о — саккиз) деб аталадиган ҳужайраларга айланади.

Бир вақтнинг ўзида базал ҳужайра кўндалангига ва баъзан узунасига кетган тўсиқлар билан бўлинниб тортма (осилма=con) ҳосил қилади. Тортма эмбрион пайдо қилалигидан терминал ҳужайранинг озиқ моддаларини эмбрионнинг ривожланиши учун сарф бўладиган эндосперм билан тўлувчи эмбрион халтаси бўшлиғига суреб туширади. Эндосперм — уруғдаги озиқ моддаларни йиғувчи маҳсус тўқимага айланади. Тортманинг энг юқори қисмидаги ҳужайра ўсиб пуфаксимон найга ўшаб, гаустория сурғичга айланади.

Октанг ҳужайраларнинг остки қисмидан новданинг ўсиш нуқтаси, икки паллали ўсимликларда иккита уруғпалла, устки қисмидагапокотиль (юнон. χιπό — уруғпалла ости) тараққий этади. Уруғпаллалар билан тортма ўртасидаги пастки ҳужайрадан бирламчи илдиз ҳосил бўлади. Уруғпалланинг пастки банди эпикотиль (юнон. επί — устида, κοτίλ — уруғпалла) деб аталади. Бошланғич новда кўпинча бўртма кўринишида бўлиб, унинг атрофини бошланғич барглар ўраб олиб куртак юзага келади.

Бир паллали ўсимликларда эмбрион ичидаги иккинчи уруғпалла жуда эрта нобуд бўлади. Шунинг учун уруғ униб



165-расм. Бир паллали ўсимликлар (чап томонда) ва икки паллали ўсимликлар (ўнг томонда) эмбрионининг схематик тасвири: *и* — бирламчи илдиз ривожланадиган жой; *упб* — уруғпалла пастки банди; *к* — куртак ривожланадиган жой; *у* — уруғпаллалар.

чикқанда фақат битта уруғпалла билан ўсади. Ўсиш нуктаси новданинг ён томонида жойлашади (165-расм).

Күпгина орхисдошлар ва паразит ҳамда сапрофит ўсимликларда эмбрион жуда кичкина булиб, бир хил шаклдаги ҳужайра лардан ташкил топади.

Эндосперм уруғмуртакнинг ривожланиши учун муҳим озиқ моддадир. Асосан икки хил эндосперм (нуклеар ва целялюлар) бўлади. Нуклеар эндосперм ҳосил булишида ядро бўлинмайди ва ҳужайра тусиқлари ҳосил бўлмайди. Целялюлар эндосперм ривожланиши вақтида ядро бир нечага бўлинади ва ҳужайрада тусиқлар ҳосил қиласи. Шунинг учун ҳам эмбрион халтаси бир неча ядроли катакчалардан иборат.

Баъзи ўсимликларда эмбрионнинг озиқланишини осонлаштирадиган алоҳида ўсимталар ёки гаусториялар юзага келади ва интигумент, нуцеллус түқималарига ўрнашиб, озиқ моддаларни эмбрионга етказишга кўмаклашади.

Уруғмуртак аста-секин уруғга айланади. Интигументлардан пўст, нуцеллусдан перисперм (юонн. пери — атроф; сперма — уруғ) ҳосил бўлади. У ўсаётган муртак томонидан истеъмол қилинади.

Тугунча девори уруғланишдан кейин шаклан ўзгариб мева ёнини ҳосил қиласи. Тугунчанинг ҳамма қисми мевага айланади. Күпгина ўсимликларда гулнинг бошқа қисмлари ҳам мевага айланади.

Апомиксис деб (юон. апо — инкор, ми克斯 — аралашиш), яъни жинсий ҳужайралар қўшилган ҳолда, уруғланмаган тухумхужайрадан янги организмнинг вужудга келишига айтилади. Апомиксис кўпинча эволюцион ривожланган оилаларда (мураккабгулдошлар, атиргулдошлар, галладошлар) учрайди. Бу оилаларнинг турлари янги-янги майдонларни ишғол этмоқда. Шунинг учун баъзи олимлар апомиксис жинсий йўл билан кўпайиш ўрнини эгаллаб олади ва янги систематик гуруҳ ўсимликлар вужудга келади деб таҳмин қилишади. Аммо, бу фикрга кўпчилик олимлар қўшилмайди.

Апомиксиснинг бир неча хиллари маълум. Одатда бундай ҳолларда тухумхужайра ҳамиша диплоид бўлади. Баъзан апомиксис нуцеллус ёки археоспорий ҳужайраларидан ҳосил бўлади, лекин ҳужайрада редукцион булиниш содир бўлмайди.

Баъзан эмбрион халтасининг бошқа ҳужайраларидан уруғланмаган, яъни жинсий ҳужайралар қўшилмаган диплоид синергидлардан, антиподлардан, эндосперма ҳужайраларидан ўсимлик тараққий этади (масалан, ланцетниксимон баргли зубтурум, хушбуй пиёс ва бошқа ўсимликларда). Бундай ҳодисага апогамия (лот. апо — инкор, акс, гамео — қўшилиш) деб аталади.

Айрим ҳолларда эмбрион — муртак (20 тага яқин), эмбрион халтасидан эмас, балки нуцеллус ёки уруғмуртак қоплагичларининг ҳужайраларидан тараққий этиб етилади. Лекин уларнинг 1—3 тасигина тараққий этади. Бундай ҳодисага полиэмброния (юон. поли — кўп, эмброн — муртак) деб аталади. Масалан, лимон, мандарин, апельсин ва бошқа цитрус ўсимликларида учрайди.

9-б о б

МЕВАЛАР

Меваларнинг умумий таърифи. Мева — ёпиқ уруғли ўсимликларнинг энг асосий ҳосил органларидан бири ҳисобланади. Мева уруғланишдан кейин, гулда рўй берадиган ўзгаришлардан сўнг пайдо бўлади. Мевалар уруғнинг етилишига, ҳимоя қилинишига, тарқалишига хизмат қиласиди. Уларнинг тузилиши ва морфологик кўриниши жуда хилма-хилдир.

Фақат уругчи (гинецей) дан ҳосил бўлган мева ҳақиқий мева деб аталади. Бир неча уруғидан ҳосил бўлган мева (масалан, малина, маймунжон, айиқтовонгулдошлар ва бошқалар) тўп мева ёки мураккаб мева деб аталади. Аммо, кўпинча мева уруғланиш содир бўлгандан кейин тугунчадан, баъзан гулнинг бошқа қисмлари (гулкоса, гул — ўрни ва гулбанди)нинг шу тугунча билан қўшилишидан ҳосил бўлади. Бундай меваларга соxта мева деб аталади.

Меваларни аниқлашда улардаги баъзи белгилар, чунончи: мева пўсти — перикарпий (юон. περι — атрофида; καρποс — мева)нинг тузилиши, меванинг очилиши ёки тўқилиши ҳамда меванинг тарқалиши эътиборга олинади.


Меванинг устки қавати перикарпий тугунча ёки гулнинг бошқа органларининг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлади. Перикарпий устида ҳар хил ўсимталар: тикан, қанотчалар, тукчалар бўлиб, меваларнинг тарқалишига имкон яратади. Мева пўсти уч қаватдан иборат. Ташқи қавати экзокарпий (юон. ἐξω — ташқи; καρπο — мева), ички қисми эндокарпий (юон. ἐνδο — ички) ва уларнинг орасида турадиган ўрта қисми мезокарпий (юон. μεζος — ўрта) деб аталади. (166-расм). Перикарпийнинг бу қатламларини ҳамма вақт ҳам бир-биридан ажратиб бўлмайди. Уларни кўпинча данак шаклидаги меваларда кўриш

мумкин. Масалан, данаклиларда ташқи юпқа — экзокарпий, мевани ейиш мумкин бўлган этдор қисми — мезокарпий ва ёғочсимон қаттиқ (данак) — эндокарпий қаватлари бўлади. Ҳақиқий (резавор) — юмшоқ, ширали меваларда бу қатламларни ажратиб бўлмайди. Баъзи қуруқ меваларда (кунгабоқар) мева пўсти такомиллашган ҳужайралардан иборат, олекин айрим меваларда (орешник) гомоген (юнон. гомо — бир хил, гено с — чиқиб келиш).

Мевалар пишгандан кейин уларда муҳим биохимик ўзгаришлар рўй беради, натижада қандлар, витаминалар, ёғлар ва бошқа моддалар тўпланади. Одатда, пишган меваларнинг пўстидаги хлорофилл учрамайди, аксинча уларнинг таркибида каротиноид ва антоциан пигментлари тўпланади. Шунинг учун улар қизил, пушти, сариқ ва ҳ.к. рангда бўлади.

Меваларнинг морфологик хусусиятларига қараб иккита катта сунъий системага (хўл, серсув ёки қуруқ меваларга) ажратиш мумкин. Улар очиладиган баргча, дуккак, қўзоқ ва қўзоқча, кўсак (чаноқ) ва очилмайдиган қуруқ меваларга бўлинади. Очилмайдиган қуруқ меваларда фат битта уруф бор (ёнгоқ ёки ёнгоқчалар, ўрмон ёнгоғи, писта, донча ва бошқалар).

Меваларни табиий системага солишда уларнинг қандай гинецийдан ҳосил бўлганлигини эътиборга олиб мор-



166-расм. Шафтоли данагининг тузилиши: 1, 2, 3 — мева пўсти ёки перикарпий (1 — экзокарпий, 2 — мезокарпий, 3 — эндокарпий); 4 — уруф; 5 — мевабанди ўрни; 6 — мевабанди.

фологик жиҳатдан апокарп, синкарп, паракарп ва лизикарп гурухларга ажратиш мүмкін. Апокарп мевалар күпмевалиларга, синкарп мевалар устки ва остки тутунчалиларга бўлинади. Бундан ташқари очилиш хусусиятига ва тарқалишига қараб улар гурухларга ажратилади.


Туташмаган ёки мураккаб мева, яъни юқори гул тутунчасидан ҳосил бўладиган бир неча уругчи барглардан ташкил топган мева апокарп мева деб аталади. Бундай мевалар күпмевалиларга хос бўлиб, айиқтовондошлар, магнолиядошлар, атиргулдошлар, капалакгулдошлар оиласарининг вакилларида учрайди (167-расм, А).

Кўпинча уругчи барглар бир-бири билан тугашиб мураккаб баргли мевани ҳосил қиласиди (магнолия, пион). Эволюция жараёнида кўп баргчали мураккаб мевалардан, уругчи баргларнинг редукцияланишидан баргча келиб чиқсан.

Битта уругчи баргдан ҳосил бўлган бир чаноқли мева баргча, баргак ёки монокарп мева деб аталади. Бундай мевалар келиб чиқиши жиҳатидан жуда ҳам соддадир. Баргакда меванинг очилиши унинг устки ўнг томонидан бўлади. Бу хилдаги мевалар айиқтовондошлар оиласидан исфара ва қазилма ҳолда топилган энг қадимги ўсимликлардан Degeneriада аниқланган.

Баргакнинг маҳсус мослашишидан битта мева баргчага эга бўлган бир хонали қуруқ мева — дуккак келиб чиқсан. Дуккак очилиш хусусияти билан баргчадан фарқ қиласиди. Дуккакнинг очилиши учидан тубигача икки томонидан, қорни ва орқа чокидан ёрилиб очилади. Бундай мева хили капалакгулдошлар, цезалпиндошлар, мимозадошларга хос белгидир (167-расм, Б).

Ниҳоят, баргчадан мезокарпнинг суккулентланиши (лот. суккус — шира, суккулентус — ширали), эндокарпийнинг ёғочланиши ва уруғларнинг камайиши натижасида данакли мевалар келиб чиқсан. Данакли меваларнинг аксарияти бир хонали, бир уруғлидир (олча, гилос, олхури, ўрик, бодом), кўп данаклиларга дўлана, итузум мисол бўла олади. Данакли мевалар устки тутунчадан пайдо бўлади. Бир уйли данакли меваларнинг ёни қаттиқ ёғочсимон, мева ичи (данаги) кўпинча серсув (олхури, олча, ўрик, шафтоли) ёки қуруқ (бодом, ёнғоқ) толасимон (коқос пальмаси) ва бошқалар бўлиши мумкин.



167-расм. Мева хиллари. А — апокарп типидаги қуруқ ва ҳүл мевалар: 1—3 баргак (айиқтовон, пион); ёнғоқча (ичик мева — баъзи айиқтовондошларда); 4 — шарсимон данак (маймунжон-малина); 5 — күлбаргчали ҳүл мева; 6 — тўп ёки кўпуюли ёки ёнғоқчали мураккаб мева (кулулнай); 7 — кўпёнғоқчали ҳүл мева (наъматак-итбурун, гипандийси — этдор); Б — қуруқ ва ҳүл монокарп мевалар: 1 — якка уруғли (бир уруғли) баргча (айиқтовондошлар); 2 — дуккак (дуккакдошлар); 3 — бўлакли (чокли) дуккак; 4 — қуруқ данак (бодом); 5 — бир хонали данак, ҳүл мева (олхўри).


Кўп уйли данакли муреккаб мевалар атиргулдошлар оиласининг (малина хўжат, маймунжон, пармачак) вакилларида учрайди. Буларнинг ширадор данакчали меваси гул ўрнидан ҳосил бўлади. Ҳар қайси данакча этли ширадор мезокарп ва тошга ўхшаш қаттиқ эндокарпдан иборат бўлиб, унинг ичидага фақат битта уруғ жойлашади. Маймунжоннинг меваси пишгандан кейин қавариб чиққан гул ўрнидан осонгина ажралади, хўжатники эса гул ўрни билан узилади.

Синкарп мевалар (юнон. син — биргаликда; карпос — мева) — энг кўп учрайдиган мевалар гуруҳидир (168-расм). Морфологик жиҳатдан синкарп мевалар кўсак ёки чаноқ ва кўзоқча, қанотли, резавор ёки юмшоқ мева ва бошқа кўпгина хиллардан иборат.


Кўсак ёки чаноқ — кўп уруғли мева. Улар иккита ва ундан кўп мева баргчалардан ташкил топади. Бир уйли ёки кўп уйли бўлади. Бундай мевалар лоладошлар, сигиркуйруқдошлар, итузумдошлар, зуттурумдошлар, чиннигулдошлар, толдошлар, бинафшадошлар, кўкнордошлар, кўнғироқдошлар, пашмақдошлар ва бошқа бир неча оиласларда учрайди. Уларнинг очилиши хусусияти ҳар хил бўлади. Чунончи, қопқоқчалар (мингдевона, семизўт, зуттурум ва бошқаларда), тешикчалар (кўкнор, қўнғироқгуда), тепа тишчалар (чиннигул, наврўзгулларда), устки учидан пастки учигача узунасига ўтадиган ёриқчалар (мингдевона, орхисдошлар, бинафша, пиёзгулдошлар ва бошқаларда) воситаси билан очилади (169-расм).

Бўлинадиган мевалар. мерикарпий (юнон. мерис — бўлакча, парча; карпос — мева) — икки ёки кўп уйли пастки ва ўрта тугунчадан ҳосил бўлади, етилгандан кейин икки ёки бир неча бўлакларга бўлинади. Масалан, тумчагул, гулхайри, соябонгулдошлар, лабгулдошлар ва бошқаларда бўлади.

Мерикарпий мевалар орасида бируругли айрим бўгимларга бўлинниб очиладиган мевалар соябонгулдошлар оиласининг кўпчилик вакилларида учрайди (168-расм, А, 9). Ниҳоят, мерикарпий меваларни яна бир хили лабгулдошлар, кампирчопондошлар оиласининг вакилларида учрайди. Бундай мевалар ценобий деб аталади. Ценобий устки тугунчадан ҳосил бўлади, унинг иккита мева барглари



A




B

168-расм. Мева хиллари. A — Ҳұл ва қуруқ синкарп мевалар:

1 — күлбартакли синкарп; 2 — (очиладиган) қалпоқчали күсак (мингдевона); 3 — ён қуозоқ бұлаги билан очиладиган күсак; 4 — икки чаноқли қуозоқ; 5 — олма (раыногулдошлар оиласининг олма кенжә оила вакилларида); 6 — қуозоқча буттудошлар; 7 — гесперидий (ҳұл синкарп мева — цитрусларда); 8 — резавор мева, юмшоқ мева ёки күп уруғли; данаксиз мева (узум, помидор, бақлажон кабилар); 9 — иккізіга бұлинадиган мерикарпий; 10 — күпданакли цинкарпий (семизүт); 11 — қуозоқ (күпчилик буттудошлар); 12 — түртта эремадан ташкил топган ценобий (лабгулдошлар, кампирчапондошлар).

B — ҳұл ва қуруқ псевдомонокарп мевалар: 1 — биуруғли қуруқ синкарп мева ёнғоқ (Лещины), 2 — данак (мураккабгулдошлар); 3 — донча ғалладошлар; 4 — дуб ёнғоғи-желудь; 5 — псевдомонокарпли данак мева (ёнғоқ).



169-расм. Кўсакнинг очилиш усуслари: 1 — тишчалар (примула);
2 — қалпоқча (мингдевона); 3 — палла (бангидевона)лар ёрдамида.

узунасига ва кўндалангига бўлингандан кейин тўрт бўлакли мева ривожланади. Ҳар бир бўлак мевада битта уруғ бўлади (масалан, лагохилус-кўкпаранг, раҳон ва бошқаларда).

Ёнғоқча (кичик мева) — устки тутунчадан ҳосил бўладиган бир уруғли қуруқ мева қобиғи ёғочланган пўст билан ўралган. Айиктовон, эспарцет мевалари ёнғоқчага мисол бўлади.


Қанотчали мева — мерикарпий меваларнинг бир тури. Бундай меваларнинг ёнида пустсимон ёки пардасимон ясси ортиғи бўлади (заранг, қайрағоч, шумтол ва бошқаларда).

Қўзок ва қўзоқча — икки уйли синкарп мева бўлиб, тушиб кетадиган икки қопқоқчага ўҳшаб пастдан тепасигача ёритади, қопқоқчаларнинг орасида уруғлари бўлади. Мева бўйи энidan тўрт баробар ортиқ бўлса қўзок, ундан кам бўлса, қўзоқча деб аталади (168-расм A₆ қаралсин). Баъзан қўзок бүгинли бўлиши мумкин (168-расм A₄ га қаралсин). Бу хилдаги мевалар бутгулдошлар оиласининг вакилларига ҳосдир.

Резавор ёки юмшоқ меваларда барглар сони ҳам ҳар хил. Кўп уйли ва кўп уруғлидир. Баъзан битта уруғ бўлиши мумкин (узум, помидор, бақлажон ва бошқалар).

Гесперидий (гол. гест — мевасиз; юон. перидий — қопча, халта) деб айтиладиган мевалар устки тугунчадан ҳосил бұлади ва ширали синкарп мева деб аталади. Масалан, апельсин (168-расм, А7), мандарин ва бошқалар. Апельсин тугунчаси күпйили, меванинг ташқи — экзокарпий қисми сариқ, қалин ва рангдор пұстли, унда эфир мойи безлари бор. Ўрта қисми ғовак, ички мезокарпий қисми этдор оқ рангда, серсув булиб, истеъмол қилинади. Ширали серсув меваларга тропик үрмонларда үсуви банаң меваси мисол бұла олади. Уларнинг меваси ости туғунчадан ривожланади.

Олма — содда синкарп мева. Бу хилдаги мевалар раъногулдошлар оиласининг олмагуллар кенже оиласига кирадиган үсимликларнинг мевасидир (масалан, олма, беҳи, нок). Бундай мева ости синкарп тугунчаси гул найчасиинг тулашишидан ҳосил бұлади. Күндалангига кесилган олма меваси бешта бириули ва бибурууғли булиб куринади (170-расм, 1). Буларда мева барглар бир-бири билан туташмагани учун баъзи олимлар олма шаклидаги мевани апокарп меваларга киритгандар. Лекин, уларнинг мева ёни ташқи этдор ва тоғайсимон ёки пардасимон ички қисмдан ташкил топган ташқи этдор қисмининг асосидан бир-бири билан құшилиб, жуда үсиб кетган косачабарт, тожбарг ва мевабарғчалар ҳосил бўлади. Ички қисм ташқи



170-расм. Олма. 1 — күндаланг кесмаси; 2 — мевачибарглари очиб күрсатилган олма; ил — мевачибаргларнинг чесгараси.

қисм билан қүшилиб мева баргчаларнинг ички қисмидан юзага келганлигини эътиборга олиб синкарп меваларга киритилган.

Анор — ўзига хос шакл тузилишга эга бўлган кўпуруғли синкарп мевадир. У остки тугунчадан ташкил топган. Мева атрофи терисимон қалин пуст билан уралган. Пишгандада нотекис шаклда ёрилади. Тугунча уялари йирик уруғлар билан тўлган. Уругларнинг ташқи пусти этли ва ширалидир.

Ёнғоқ — такомиллашган остки тугунчадан ҳосил бўлиб, ёғочланган, мева ёнига эга бўлган, бир уруғли куруқ мева. Оврупо, Осиё, Америка ўрмонларида ўсувчи пиндик (*Corylus avellana*) ва эман (*Quercus*) дараҳтларига хос мевадир.

Эволюция жараёнида синкарп мевалардан паракарп ва лизикарп мевалар келиб чиқсан.


Псевдомонокарп (юонон. περιστόλιον — ёлғон, сохта; μόνο — битта; καρπ — мева) хилдаги меваларнинг ташқи кўриниши монокарп — якка уруғли мевага ўхшаш бўлиб, бундай мевалар псевдомонокарп гинецийдан тараққий этади. Уларда тугунча остки, бирийли (хонали) ва бириуруғли бўлади, масалан, ёнғоқ (*Juglans regia*). Мева пусти — экзокарп, этли, меваси пустидан ажралгандан кейин чин ёнғоқ ёки данакли сохта мева бўлади.

Паракарп мевалар (юонон. πάρα — олдида, ёндош, қўшни; καρπός — мева) деб бир неча мевабаргларнинг йигиндисидан ҳосил бўлган бирийли меваларга айтилади. Улар бирийли ёки кўпуруғли, очиладиган ёки очилмайдиган, устки ва остки тугунчалардан ҳосил бўлади.

Очиладиган паракарп мевалар кўсакча, (кўкнордошлар оиласининг кўпчилик вакилларида, кўкнор, қизғалдоқ; бинафшадошлар, итузумдошлар (картошка), шумғиядошларда учрайди.

Кўсакчадан паракарп қўзоқча келиб чиқсан. Ҳақиқий паракарп қўзоқча иккуюйли икки мевабаргларнинг бирбири билан тулашишидан ҳосил бўлади. Улар пастдан юқорига қараб очилади (масалан, карам, ёввойи турп, оқ горчица, экма рижик ва бошқалар) (171-расм).

Очилмайдиган паракарп бириуруғли меваларга: қўзоқча (ярутка, читир), донча (буғдой, арпа, тариқ, макка, қуноқ ва бошқалар), писта (мураккабгулдошлар) мисол бўла олади.



171-расм. Буттулдошлар оиласи мевасининг шакллари: 1 — карамнинг етилган ва етилмаган қузоги; 2 — ёввойи турп; 3 — оқ горчица; 4 — якма рижик; 5 — ўсма; 6 — ачамбити; 7 — яруткаларнинг қузоқ ва қузоқчалари.

Кўпуруғли очилмайдиган паракарп меваларнинг маҳсус хилига қовоқ шаклдаги мевалар (тарвуз, қовун, бодринг ва бошқалар) киради. Улар остики тугунчадан юзага келади, мева ёнининг ташқи қисми жуда қаттиқ, баъзан ёғочлашган бўлади.

Лизикарп мева (юон. лизис — эритиш, йўқотилган; карпос — мева), яъни бир неча уруғчи барглардан ташкил топган синкарп (туташ тугунчали мева) уруғида чаноқлараро (кўсак) пардалар йўқолиб, кўки чаноқли ёки бирийли тугунча мева. У онтогенезнинг дастлабки даврида уруғчи баргларнинг қўшилишидан пайдо бўлади.

Лизикарп мева синкарп чаноқча (кўсакча)дан келиб чиқсан. Улар чиннигулдошлар оиласининг кўпчилик вакилларида (чиннигул, гипсофила, қорамуғ) учрайди. Кўсакчиши очидаги тешикчалардан очилади.

Тўп мевалар — яхлит тўпгулнинг айрим гулларидан ҳосил бўлади. Улар бир-бирига қўшилиб битта мевага ўхшаб кўринади. Буларга анжир ва тропик ўрмонларда ўсадиган ананас ҳамда нон дарахти (*Atracarpus*) мевалари мисол бўлади.

Мева ва уруғларнинг тарқалиши. Мева ва уруғлар писиб етилгандан сўнг бир қисми ерга тушади, бир қисми ни ўсимликдан узиб териб олинади. Ўсимликларнинг диаспоралари (юон. д и а с п е й р о — сочилмок) табиий рашида ўсимлик танасидан ажралиб, кўпайиш учун хизмат қиласи. Диаспоралар спора, уруғ, мева ва бошқалар воситаси билан тарқалади.

Диаспораларнинг тарқалиши асосан икки усул билан бўлади. 1. Мева ва уруғларнинг табиий тарқалиши. Бундай тарқаладиган ўсимликлар **автохор** (юон. а у т о с — ўзиш; х о р е о — тарқаламан) ўсимликлар деб аталади. 2. Турли **воситалар** (сув, шамол, күшлар, ҳайвонлар ва одамлар) орқали тарқаладиган ўсимликларга **аллохор** (юон. а л л о с — бошқа; хорео — тарқаламан) ўсимликлар дейилади.

Автохорларнинг мева ва уруғлари, одатда, яқинга, кўп билан 1—2 м нарига сочилади. Автохорлар иккига: меҳанохорларга ва барохорларга бўлинади. Механохорларнинг уруғлари кўсак ва қўзоқнинг ёрилиши билан сочилади (масалан, бинафша, лола ва бошқалар). Баъзи ўсимликларнинг мевалари пишган вақтда унинг ичидаги кучли босим ҳосил бўлади. Мева ёрилган вақтда чарсиллаган овоз чиқариб уруғлар зарб билан сочилади. Бундай ўсимликларга гунафшалар, капалакгулдошлардан (акация, бурчоқ, мөш ва бошқалар) герань, ёввойи хина ва бошқалар мисол бўлади.

Ўзбекистонда кенг тарқалган ёввойи бодрингнинг (172-расм) пишган мевасига салгина тегиб кетилса баданидан узилади ва уруғлари шилимшиқ модда билан отилиб чиқиб, одамга ёки ҳайвонга ёпишиб, шу тариқа тарқалади.

Чатнаб очилувчи қуруқ мевалар (дуккак, қўзоқ ва қўзоқча) етилганда мева сиртининг ташки ва ички тўқималари ҳар хил даражада тараанг бўлади. Шунинг натижасида мева ёни чатнаб ёрилади, улар куч билан атрофга сочилади.

Барохор ўсимликларга меваси оғир бўлган баъзи ўсимликлар (ёнгоқ, эман, каштан)нинг мевалари мисол бўла олади. Бу мевалар пишгандан кейин узилиб тагига тушади. Автохор меваларнинг орасида **геокарп** (юон. г е о — ер) мевалар ҳам бўлади. Улар пишгандан кейин дарахтдан узилиб, ерга тушади ва ерда пишади. Масалан, Ўзбе-




172-расм. Ёввойи бодринг: 1 — гули ва ёш меваси, 2 — уруғ бандидан узилиб, ургуни отиб юбораётган меваси.

кистонда сабзавот экинлари экиладиган майдонларда доимо учрайдиган лайлак тумшуқ (*Erodium cicutarium*) деган бегона ўтнинг меваси бешта ёнгоқчадан иборат. Ёнгоқчаларнинг пастки томонидаги учидат тукли алоҳида тумшуқчаси орқага қайрилган, юқори томонида эса узун қилтиқли ўсимталари бўлади. Бу ўсимталар мева етилгунча марказий устунчага қўшилган бўлиб, мева етилгандан кейин устунчадан ажралади. Мевалари қуриганда пармага ўхшаган қилтиқчаларни, нам ерни ўзидан-ўзи қазиб кириб кетади.

Аллохор ўсимликларнинг мева ва уруғлари асосан тўрт хил йўл билан: **анемахор** (юнон. *анемос* — шамол), **зоохор** (юнон. *зоон* — ҳайвон), **гидрохор** (юнон. *гидро* — сув) ва **антропохор** (юнон. *антропос* — одам) ёрдамида тарқалади.

Анемохор ўсимликлар табиатда жуда кўп тарқалган. Уларнинг мева ва уруғларини шамол ёрдамида тарқалишига баъзи мослашмалари “купакча” “қанотча”, “пара-



173-расм. Қанотсимон ўсиқли (1—5) мевалар: 1 — қайин; 2 — қайрагоч; 3 — заранг; 4 — айлант (сассик дараҳт); 5 — шумтол; 6 — қарағайнинг қанотли уруги.

шют” ёрдам беради. Бундай мослашмалар (тол, терак, қайрагоч, шумтол, заранг, саксовул, жузгун, қоқиүт, аристид, селин) каби ўсимликларда учрайди. Мослашмалар уруғ ва меваларнинг ҳавода шамол билан тарқалишини осонлаштиради (173—174-расмлар). Баъзи ўсимликлар (орхидея-гулдошлар, қичитқишлошлар, шумфиягулдошлар)нинг уруғлари жуда майда ва енгилки, улар ҳавода шамол воситасида узоқ масофаларга тарқалади.

Ўрта Осиё чўлларидаги ўсадиган баъзи ўсимликларнинг меваси пишгандан кейин ер ости қисмидан узилади. Чўлда



174-расм. Туксимон қанотли уруғлар (3, 5) ва мевалар (1, 2, 4, 6): 1 — қоқиүт; 2 — ер чой; 3 — пахта; 4 — күшкүнмас; 5 — қизилбарг; 6а — тоғ терагининг очилган меваси; 6б — уруғнинг узунасига кесмаси.

анча жойгача шамол билан учиб борган урууларнинг бирбири билан чирмашиб, каттакон шар бўлиб қолади. Силкиниш вақтида бу урувлар тўкилади. Бундай ўсимликлар юмаловчи (перикатиполе) деб аталади (янтоқ, шўра болтириқ, боялич, паррак, италия эхиуми).

Талайгина ўсимликлар уруф ва меваларининг ҳайвонлар воситасида тарқалишига зоохор тарқалиш дейилади.

Хўл меваларнинг урувларини ҳайвонлар, асосан қушлар тарқатади. Кўп урувлар лой билан ҳайвон ва қушларнинг оёқларига ёпишади ва шу йўл билан узоқ масофаларга тарқалади. Уруф ва меваларнинг қушлар билан тарқалишига **орнитохория** (юнон. ὄρνιτος — қуш; χόρεο — тарқалиш) деб аталади.

Донсиз, этдор, серсув меваларни қушлар ейди. Ҳазм бўлмаган урувлар ахлат билан бирга ташқарига чиқарилали. Бу ҳодисага **эндозохория** (юнон. ενδο — ички) дейилади. Баъзи ўсимликларнинг урувлари эса чумолилар билан тарқалади, бунга **мирмеккохория** (юнон. μιρμέκης — чумоли) деб аталади (гунафша, бурмақора, фозиёз ва бошқалар).

Гидрохор ўсимликлар дарё, кўл ва денгиз қирғоқларида ўсади. Уларнинг меваурувлари сув воситасида тарқалади. Масалан, дарё ёки денгизнинг чўмилиш учун қулай бўлган қирғоқларида шўрадошлар оиласининг (*Attreplex*) кўкпек деб аталадиган бир неча турлари (олабута ёки шўролабута)ни, қатрон (*Crambe maritima*) ва бошқа ўсимликларни учратиш мумкин. Оқ нилуфарнинг урувлари унинг чуқур жойида турувчи ҳаво пуфаги ёрилгунча сув юзасида сузуб юради. Сўнгра урувлар сув тагига чўқади ва кўкаради.

Ўсимлик уруф ва меваларининг инсон томонидан ихтиёрий ёки ноихтиёрий равишда тарқатилишига, **антропохор** деб аталади. Масалан, қўён қуйруғи (*Eriogon canadensis*), ёввойи гултоҳихўроздининг турлари (*Amaranthus canadensis*), элодея (*Elodea Canadensis*) ва бошқа бир неча хил ўсимликлар Оврупога Шимолий Америкадан (Канададан) олиб келинган. Ҳозир бу ўсимликлар Осиёда ҳам тарқалган. Қўйтиқан (*Xanthium spinosum*) Жанубий Америка қитъасидан Жанубий Оврупога, у ердан Ўрта Осиёга келтирилган. Катта баргли зубтурум (*Plantago major*), буғ-

дойик (*Agropyron repens*), эшакүт (*Stilaria media*), шўра (*Salsola*) ва бошқа ўсимликлар Овруподан Шимолий Америкага олиб келинган ва тарқатилган. Марказий Осиёдан Ўрта Осиёга бангидевона (*Datura stramonium*) олиб келинган.

Кактус ўсимлигининг ватани Шимолий Америка қитъасининг Мексика ярим ороли ҳисобланади. У сарда кактуслар ёввойи ҳолда ўсиб катта майдонларни ишғол этади. Ҳозир кактусларнинг бир қанча турлари Австралия ва Шимолий Африканинг саҳроларида ихтиёрий равишда ўстирилиб иқлимлаштирилмоқда ва шу усул билан бошқа жойларга тарқатилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Биологический энциклопедический словарь. "Советская энциклопедия" нашриёти, Москва, 1986 й.
2. Ботаника. Морфология и анатомия растений, "Просвещение" нашриёти, Москва, 1988 йил.
3. Зокиров Қ. З., Жамолхонов Ҳ. А. Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик лугат. "Ўқитувчи" нашриёти, Тошкент, 1973 й.
4. Курсанов Л. И., Комарницкий К. И., Мейер В. Ф., Раздорский А. А. Уранов. Ботаника, 1-том. "Ўқитувчи" нашриёти, Тошкент, 1972.
5. Рейвен П., Эверт Р., Айхорн С. Современная ботаника. Том I. Перевод с английского. "Мир" нашриёти, Москва, 1990 йил.
6. Тахтаджян А. Л. Вопросы эволюционной морфологии растений. "Изд-во Ленинградского университета", Ленинград, 1954 й.
7. Тахтаджян А. Л. Основы эволюционной морфологии покрыто-семенных. "Наука" нашриёти, Москва — Ленинград, 1964 й.
8. Тутаюк В. Х. Анатомия и морфология растений. "Высшая школа" нашриёти, Москва, 1972 й.
9. Яковлев Г. П., Челомбитько В. А. Ботаника. "Высшая школа" нашриёти, Москва, 1990 йил.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|------------|
| Суз боши | 3 |
| Кириш | 4 |
| 1-боб. Ботаника фаннинг қисқача ривожланиш тарихи | 11 |
| 2-боб. Үсімліктарнинг эволюцияси ва уларпілг түзилиши ҳақыда | |
| умумий тушунчалар | 21 |
| 1-§. Бир хұжайрали, колониялы ва күп хұжайрали үсімліктар | 24 |
| 2-§. Үсімлік органдарнинг қосыл бўлиши | 29 |
| 3-§. Үсімліктар түзилишидаги умумий қонуниятлар | 32 |
| 3-боб. Үсімліктарнинг ҳұжайравий түзилиши | 42 |
| 1-§. Ҳұжайра назарияси ҳақида қисқача маълумот | 42 |
| 2-§. Үсімліктарнинг ҳұжайра түзилиши тұғрисида умумий | |
| түшунчча | 44 |
| 3-§. Протопластиннинг кимсөвий таркиби ва физикавий | |
| хусусиятлари | 46 |
| 4-§. Цитоплазма | 50 |
| 5-§. Ядро | 65 |
| 6-§. Цитокинез, митоз ва мейоз | 70 |
| 7-§. Вакуола ва ҳұжайра шираси | 75 |
| 8-§. Ҳұжайра пўсти ва уннинг кимсөвий таркиби | 84 |
| 4-боб. Тұқымалар | 91 |
| 1-§. Тұқымалар ҳақида умумий түшунчча | 91 |
| 2-§. Ҳосил қылувчи ёки меристема тұқымалари | 93 |
| 3-§. Қопловчы тұқымалар | 95 |
| 4-§. Асосий тұқымалар | 105 |
| 5-§. Механик ёки мустаҳкамлік берувчи тұқымалар | 112 |
| 6-§. Үтказувчи тұқымалар | 116 |
| 5-боб. Гулли үсімліктар онтогенезиннинг бошланғич даврлари | 125 |
| 1-§. Уруғ, уннинг шакллапиши ва түзилиши | 125 |
| 2-§. Уруғнинг уннуб чиқиши ва үсімтаппілг ривожланиши .. | 132 |
| 6-боб. Юксак үсімліктарнинг вегетатив (үсүс) органлари | 139 |
| 1-§. Новда системаси | 139 |
| 2-§. Новда түзилиши ва ҳаётчанлығига асосан вегетатив | |
| органларни классификациялаш | 148 |

| | |
|---|-----|
| 3-§. Поя, унинг функцияси, морфологик ва анатомик тузилиши | 154 |
| 4-§. Стел назарияси | 169 |
| 5-§. Барг | 171 |
| 6-§. Баргнинг ички (анатомик) тузилиши | 186 |
| 7-§. Баргнинг анатомик тузилишига ташқи мұхиттің таъсири | 192 |
| 8-§. Илдиз, унинг морфологияси | 198 |
| 9-§. Илдиз анатомияси | 208 |
| 10-§. Всегетатив органларнинг ихтинослашуви ва уларнинг биологик аҳамияти | 218 |
| 7-боб. Үсимликларнинг күпайиши | 237 |
| 1-§. Үсимликнинг всегетатив күпайиши | 237 |
| 2-§. Жинссиз ва жинсий күпайиши | 243 |
| 8-боб. Гулли үсимликларнинг күпайиши | 255 |
| 1-§. Гул | 255 |
| 2-§. Гуллининг келиб чиқиши | 257 |
| 3-§. Тұпгуллар | 263 |
| 4-§. Гулқұрғон | 274 |
| 5-§. Аидроцей | 282 |
| 6-§. Микроспорогенез | 285 |
| 7-§. Гинсцей | 291 |
| 8-§. Мегоспорогенез ва уругчи гаметофиттің ривожланиши. | 298 |
| 9-§. Үсимликларнинг гуллаши ва чангланиши | 302 |
| 10-§. Уругланиш ва ургуннинг ривожланиши | 311 |
| 9-боб. Мевалар | 316 |
| Фойдаланылған адабиёттар | 331 |

М. И. Икрамов, Х. Н. Нормуродов, А. С. Юлдашев

БОТАНИКА

(Ўсимликлар морфологияси ва анатомияси)

Муҳаррир *Л. Исаев*

Бадиий муҳаррир *Ҳ. Мөхмюнов*

Тех. муҳаррир *Т. Харитонова*

Мусаххиқ *Ш. Орирова*

Компьютерда тайёрловчи *Э. Ким*

Теришга берилди 02.02.02. Босишига рухсат этилди 04.06.02.
Аны 84×108!/. Таймс гарнитурада оффест босма усулида босилди.

Шартли бос. т. 17,64.

Нашр т. 17.12. 2000 нусхада чоп этилди. Буюртма №

Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашисти, 700129, Тошкент, Навоний кучаси, 30.
Нашр №179—2001.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигиning
1-босмахонасида босилди. 700002. Тошкент, Сағон кучаси,
1-берк куча, 2-үй.

Икромов М. И. ва бошқалар

И37 Ботаника. Ўсимликлар морфологияси ва
анатомияси: Олий ўкув юртлари талабалари учун
дарслик/ Муаллифлар: М. И. Икромов, Х. Н.
Нормуродов, А. С. Юлдашев. — Т.: «Ўзбекистон»,
2002. — 333 б.

I. 1, 2 Муаллифдош

ISBN 5-640-02837-8

Мазкур дарслик ўсимликларнинг морфологик ва анатомик тузин-
лиш хусусиятлари түргисида ҳозирги замон фагининг ютуқларига асос-
лашиб тайёрланган. Дарсликда ўсимликлар эволюцияси ва ривожлапши-
ши, онтогенези ҳақида батағсил маълумотлар берилган.

Дарслик университетларининг, педагогика институтларининг бака-
лавр мутахассислиги бўйича ҳамда лицей ва коллеж талабалари, шу-
нингдек, шу соҳа илмий ходимлари учун мулжалланган.

ББК 28.56я73

Б 1906000000 - 123
M351 (04) 2001 2002

